

Тозабек ТОШМУРОДОВ

С О Л И Қ Л А Р

ИЗОҲЛИ ЛУФАТ

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 2003


Т29

ББК 65.261.4я2

Изоҳли лугатда солиқ турлари, солиққа тортиш услуглари, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари ёритилиб, бу борадаги қонунчилликнинг янги йўналишлари, солиқ ва божхона кўрсаткичлари баён этилган. Шунингдек, китобда илк бора жаҳон миқёсида тан олинган иқтисодчиларнинг солиқ ва бож тўловларига оид назариялари, фикрлари ҳамда математик моделларни солиқ соҳасида қўлаш услуглари ҳакида маълумотлар берилган.

Мазкур китобдан божхона я солиқ органлари ҳодимлари, солиқ инспекторлари, солиқ тўловчилар, божхона мутахассислари, бакалаврият ва магистратурада ўқиётган талабалар ҳамда малака ошириш курслари тингловчилари фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар: **Н. МАҲМУДОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор; **З. КУРБОНОВ** – иқтисод фанлари номзоди, доцент; **Т. МИРЗАЕВ** – иқтисод фанлари номзоди, доцент; **Г. МАНСУРОВА** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.



Т 0605010204 – 37
М359 (04) – 2002 эълонсиз – 2003

ISBN 5-8244-1531-5

© «МЕҲНАТ» нашриёти, 2003 й.

СЎЗ БОШИ

Республикамиз иқтисодиёти эркин бозор муносабатлари-га босқичма-босқич ўтаётган даврда солиққа тортиш тартиб-қоидалари ҳам барқарорланаётган иқтисодий тараққиёт суръ-атларига муносаби равища тақомиллашиб бормоқда. Солиқ муносабатларидағи кенг қамровли ислоҳотли ўзгаришлар, давр талабидан келиб чиққан ҳолда жорий этилаётган имтиёзлар, солиқ қонунчилигидаги меъерий хужжатлар туфайли солиққа тортишда адолат тамойилининг устуворлиги таъминланыётир. Ўзбекистон Республикаси солиқ ва божхона тизимларининг фаолияти ҳозирги даврнинг иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжла-рига қараб, изчил мукаммаллашиб бормоқда. Мазкур жараён узлуксиз ривожланиши учун хуқуқий ва иқтисодий ваколат-лар мавжуд. Шу нуқтаи назардан солиққа оид иқтисодий ата-малар ва адабиётларда қўлланилаётган сўз бирикмаларининг тафсилотларини ёритиш, солиққа тортиш концепциясига тегишли юялар моҳиятини очиб бериш мазкур изоҳли лугат-нинг асосий мақсади ҳисобланади.

Солиқ ва солиққа тортишга оид атамалар ва сўз бирикма-ларининг маъносини ёритиш билан бозор иқтисодиёти ҳам-да унинг ўзига хос қонун-қоидаларига оқилона ёндашиш, иқти-содиётдаги қарашлар концепцияси, воқеа ва ҳодисаларни холисона баҳолаган ҳолда бу борадаги долзарб масалаларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш ушбу ишда муҳим ўрин тута-ди. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўлов-чиларининг солиқ билимларига бўлган талабларини қондириш мақсадида ҳам изоҳли лугат тайёрланди. Унда солиқ турлари, солиққа тортиш услублари, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари, солиқ муносабатларига оид тартиб-қоидалар ифода этилиб, бозор иқтисодиёти шароитида зарур тушунчаларининг маъноси баён этилган.

Лугатда қўлланилган асосий қисқартмалар

Лугатда кўп ишлатилган баъзи атамалар, сўз бирикмалари ихчам шаклда келтирилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг олий ҳокимият, қонун чиқарувчи, ижро органларининг Конституцияда кўрсатилган номлари тўлиқ сақлаб қолиниб, бошқа ҳолларда республика номи асосан, ЎзР шаклида, Давлат солиқ қўмитаси — ДСҚ, Давлат божхона қўмитаси — ДБҚ, аббревиатуралари билан ифодаланди. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси — «Солиқ кодекси», Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси — «Божхона кодекси» шаклида ифода қилинди. Бундан ташқари, қуйидаги қисқартмалар қўлланилди:

- араб. — арабча
айн. — айнан маъноси
ингл. — инглизча
итал. — италянча
лот. — лотинча
мас. — масалан
нем. — немисча
пол. — полякча
фран. — французча
юн. — юононча
ҚҚС — қўшилган қиймат солиги

A

Авиценна — Фарбда шу ном билан машхур бўлган қомусий олим Абу Али ибн Сино (980—1037). У 280 дан ортиқ илмий асар ёзган. «Уй хўжалиги», «Рұҳпунослик» ва бошқа китобларида иқтисодиёт ҳамда солик тўловлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирган.

Австрия солик тизими — Европадаги бошқа давлатлар каби Австрия Республикаси ҳам мураккаб солик тизимига эга. Кўпгина соликлар федерал хизмат орқали йигилади. Маҳаллий солик умумий солик миқдорининг кам қисмини ташкил этади. Австрия қонунчилигида экспорт билан шугулланувчи корхоналар учун айрим имтиёзлар кўзда тутилган. Бундай корхоналар барча харажатларининг 15 фоизини маҳсулот таннархига дебиторлик қарзи тарзида ўтказиши мумкин. Даромад олиш бошлангач, харажатлар яна фойдага қўшилади. Да-ромаднинг бир қисми солиқقا тортилмасдан, корхоналар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик хўжалигига захира сифатида берилиши мумкин. Бундай захиралар фойданинг 10 фоизини ташкил этади. Инвестиция захиралари мақсад йўналишида фойдаланилган бўлса, қолдиқ суммасига 20 фоиз қўшиб берилади. Даромад солиги борасидаги Австрия қонунчилиги даромаддан солик ундиришнинг 7 тоифасини кўзда тутган. Яъни, ўрмон хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги фаолияти; мутахассислиги бўйича ва болиқа хизматлаар кўрсатиш; саноат ишлаб чиқарishi ва тижорат фаолияти; хизмат кўрсатиш; сармоя қўйиш; мулкни ижарага бериш; бошқа манбалар. Тадбиркорлик фаолиятида даромад солиги 13 фоиз бўлиб, тўловчи томонидан тузилган декларацияга асосан ҳисобланади. Иш ҳақи фондидан тўланадиган солиқда компанияларнинг барча ишчи-хизматчилари олган иш ҳақи миқдори ўз ифодасини топади. Бу солик ставкасини маҳаллий ҳокимият органлари белгилайди. Солик тўловчилар ҳар уч йилда солик тўланади-

ган мулк қийматини декларация кўринишида тақдим этишлари лозим. Юридик шахслар қўшимча равищда молия ҳисоботи топшириди. Актив қиймати, корхона ва тижорат корхонасига қарашли активлар қийматининг бозор баҳоси шунга қараб аниқданади. Қимматли қоғозлар ҳам бозор қийматида баҳоланиб, шу нарх ҳисобидан солик олинади. Шаҳардаги корхоналар метро учун ҳар ҳафтада 10 Австрия шиллинги миқдорида солик тўлашади. Товарлар, хизматлар сотувдан ва солик тўловчининг шахсий эҳтиёжларига таалуқли импорт харажатлар ҳамда товарлардан ҳам кўшилган қиймат солиги (КҚС) олинади. Бу солик ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида амал қиласди. Унинг анъанавий ставкаси 20 фоиз, кўчмас мулк ижарага берилганда, озиқ-овқат моллари сотилганда 10 фоизлик, транспорт воситалари сотилганда 32 фоизлик ставка қўлланилади. Молия муомалалари, экспорт, ер сотишга доир битимлар КҚСга тортилмайди. Бундан ташқари, солик ва йиғимларнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Масалан, мерос миқдорига қараб, эквивалент солик олинади; йил чораклари бўйича ер солиги тўланади; мерос ва совға тариқасида берилган мулк солиқка тортилиб, унинг ставкаси мерос қиймати ва қариндошлик даражасига боялиқ бўлади.

Автотранспорт воситаларини олиб-сотганлик учун тўланадиган солик – автотранспорт воситаларини товар сифатида харид қилиб, қайта сотувчи юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган. Улар томонидан олиб-сотилган автотранспорт воситасининг шартномада кўрсатилган қиймати солиқка тортиш обьекти ҳисобланади. Бу солик ставкалари давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган меъёрлардан четта чиқмаган ҳолда жорий этилади (бу солик 2003 йил 1 январдан бекор қилинган).

Автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йигим – юридик ва жисмоний шахслардан шундай хизмат туридан фойдаланганлиги учун олинадиган тўлов. Бу хизматларни ташкил қилиш ваколати жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларида берилган. Йигим ставкаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан соатбай ҳисобида сўмда белгиланган.

Агент (лот. *Agens, agentis* – ҳаракат қилувчи, фаолият кўрсатувчи) – бирор киши ёки ташкилот, муассаса томонидан хизмат ёки иш топшириқларини бажариш, шу жумладан, битимлар тайёрланш бобида фаолият олиб боришига ваколат берил-

ган, аммо имзо чекишиң ҳуқуқыга эта бўлмаган юридик ёки жисмоний шахс; бирор ерда бошқалар топшириги билан ва улар манфаати учун хизмат қилувчи шахс. А. белгиланган мукофот учун тузилган келишув асосида иш кўради.

Агент шартномаси – ваколат берувчи томонидан белгиланган мукофот эвазига унинг номидан агент бажарадиган топшириклар хусусияти ва ҳажми белгиланган ўзаро шартнома.

Адам Смит – солик назариясига асос соглан олим (1723–1790). Инглиз буржуа классик иқтисодиёти мактабининг буюк назариётчisi. Мануфактура даври иқтисодчisi. Асосий асари «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқот»да (1776) ўз даврининг эркин бозор муносабатларини акс эттирган. А.С. фикрича, хусусий мулк – капиталистик иқтисодиётда идеал ҳисобланади; меҳнат тақсимоти уч хил ютуқ, яъни фойда беради (вақт, малака ошириш, машина қўлашга имкон яратиш); давлатнинг иқтисодга аралашуви имкон қадар камайиши керак; худбинлик (эгоизм) хусусияти жамият манфаатларига зид эмас; халқ бойлиги уни яратадиган одамлар сони ва улар меҳнатининг унумдорлигига боғлиқ. А.С. – солиқнинг иқтисодий функциясига оид назария асосчиси.

Адвокат божлари – товар кийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида белгиланадиган тўлов. Инфляция шароитида ўз функцияларини сақлаб қолади. А.б. таркибига импорт божлари, экспорт тўловлари ва шу кабилар киритилиши мумкин. Товарларни (жумладан, импорт товарларни), жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини божхона орқали олиб ўтишда қўлланилади.

Айрим тоифадаги корхоналарга маҳсус солиқ солиш – микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлашини назарда тутувчи солиқ тизими. Акциз солиги тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ўз хоҳипларига кўра, белгиланган тартибда солиқларни ягона солиқ тарзида – солиқ тўловчилар учун назарда тутилган барча солиқларни жамлаган ҳолда тўлашпайди. Бунинг учун ҳар қайси фаолият тури бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишлиари шарт. Шу талабларни инобатта олган ҳолда, субъектларга муайян солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи берилади. Ягона солиқ тўлаш тартиби ва ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Савдо ва умумий овқатла-

ниш корхоналари даромад (фойда) солиги, ҚҚС, экология солиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик, ер солиги, инфратузилмани ривожлантириш солиги, бошқа маҳаллий солиқлар ва йигимлар (мол-мулк солиги бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи тушумдан (товар обороти ҳажмидан) ягона солик тўлайдилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, алкоголли маҳсулот учун акциз солигини истисно этган ҳолда амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йигимлар ўрнига ягона ер солиги тўлашади.

Акциз солиги (фран. *accise*; лот. *accido* – кесмоқ, қирқмоқ) — ички бозор конъюнктурасини муҳофаза қилиш ва истеъмол даражасини мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинадиган товарларнинг айрим турларига, асосан, ички кенг истеъмол молларига (қанд, туз, тамаки, гутурт, алкоголли ичимликлар ва ҳ.к.) солинадиган эгри, устама солик ставкаси — товарлар ички бозорда сотилишида улар нархига кўшилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилаётган товар маҳсулотларига уларнинг тоифасига қараб, божхона қийматига мувофиқ равишда, фоизлар ҳисобида ёки айрим товарларга уларнинг ўлчов бирлигига (литр, дона) нисбатан АҚШ доллари миқдорида А.с. тўланади. А.с. объекти ва солиққа тортиладиган базанинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, ишлаб чиқаришда А.с. белгиланган товар маҳсулотларининг сотилган ҳажми солиққа тортиш обьекти ҳисобланади. Агар маҳсулот буюртмачи томонидан берилган ҳом ашёдан ишлаб чиқариладиган бўлса, буюртмачига тошиширган тайёр маҳсулот ҳажми солиққа тортилади. Иш ҳаки сифатида натурада берилган маҳсулот ҳажми ва импорт товарларининг қийматлари ҳам солиқ обьектидир. Солиққа тортиладиган база (қиймат)ни ҳисоблашда ҳам ўзига хослик бор. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга А.с. белгилашда реализация қийматига А.с. кўшилган ҳолда ҚҚС кўшилмайди ва маҳсулотнинг физик ҳажми инобатга олинмайди. А.с.га тортиладиган товарлар ҳисобидан натура ҳолида ҳак тўланганда, унга нисбатан солиқ миқдори маҳсулот топширилаётган вақтдаги бозор баҳосидан келиб чиқиб белгиланади. А.с. белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилинганда солиққа тортилмайди.

А.с. қуидагича ҳисобланади:

$$C_{ак} = \frac{B_k \cdot C_t}{100},$$

яъни, $C_{ак}$ — А.с.нинг қиймати; B_k — товарнинг келишилган баҳосига А.с. қўшиб ҳисобланган, лекин ККС қўшилмаган қиймати; C_t — А.с. ставкаси. B_k — қуидагича аниқланади:

$$B_k = \frac{B_k \cdot 100}{100 - C}.$$

B_k — корхонанинг сотили нархи (таннарх ва даромад).

Акция (нем. *Aktie*) — акционерлик (акциядорлик) жамияти капиталига муайян миқдорда пай, ҳисса қўшганиликни тасдиқловчи ва эгасига шу жамият фойдасидан дивиденд олиш ҳуқукини берувчи қимматли қоғоз. А. эгаси акциядорлик жамиятидан қўшган ҳиссасини қайтиб берилишини талаб қилишига ҳақли эмас. У фақат А.ни сотиши мумкин. А. қимматли қоғозлар бозорида — фонд биржасида олди-сотди қилинади. А. сотиладиган нарх — «акция курси» деб аталади ва у, одатда, А.нинг ҳақиқий баҳосига тўгри келмайди. А.лар оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий А.ларга жамият оладиган фойдага қараб дивиденд берилади. Бироқ дивиденду олдиндан кафолатланмайди. Имтиёзли А.ларга олинган фойдага қараб эмас, балки олдиндан белгиланган қатъий фоизларда дивиденд берилади. Имтиёзли А. эгалари билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган маблағ оддий А. эгалари ўртасида тақсимланади. Имтиёзли акциялар чекланган миқдорда чиқарилади. Жамият тутатилганда, имтиёзли акция эгалари унинг мулкини тақсим этишда имтиёзли ҳуқуқка эга бўладилар; «Овозсиз акциялар» — жамиятнинг умумий йигилишида овоз ҳуқукини бермайдиган акцияларда эгаларининг номи қайд қилинган бўлади, жамият низомига бундай акциялар хусусида маҳсус бандлар киритилади.

Акциядор (акционер) — муайян акциядорлик (акционерлик) жамияти акцияларига эга жисмоний ёки юридик шахс.

Акциядорлик (акционерлик) жамияти — юридик ва жисмоний шахсларнинг келишувига мувофиқ, хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида пул маблағларини акциялар чиқариш

ва сотиши йўли билан бирлаштириш асосида тузилган хўжалик субъекти юридик шахс ҳисобланиб, мажбуриятлари юзасидан ўзига тегинши мулк доирасида жавоб беради. Ҳар қайси акциядорнинг масъулияти унга тегинши акциялар қиймати билан чегараланади. Очиқ ва ёпиқ турдаги А.ж. мавжуд, ёпиқ турдаги А.ж. акциялари фақат шу жамиятнинг таъсисчилари орасида тарқатилади, очик турдаги А.ж. акциялари эса шу жамиятта аъзо бўлишни хоҳлаган ҳар қандай харидорга сотилиши мумкин.

Аkkредетив (лат. *accredito* – ишонаман) – нақд пулсиз ҳисобкитоб қилишда қўлланиладиган банк ҳисоб варагининг бир тури; эгасининг номи ёзилиб, унинг кредит ташкилоти (банк ёки омонат касса)дан шу ҳужжатда кўрсатилган пул миқдорини олиш ҳуқукини тасдиқловчи қимматли қоғоз. Банк ёки омонат кассалардан бирининг бирор шахс ёхуд ташкилотга маълум миқдордаги маблагни бериш ҳақида бошқа банк ёки кассага юборган буйруқ қоғози (мас., омонат кассага қўйилган пулни исталган омонат кассадан олиш учун берилган ҳужжат). Пулда ифодаланувчи А. унда кўрсатилган суммани эгасига тўлаш ҳақидағи банкнинг пулли ҳужжатидан иборат. Товарда ифодаланувчи А. сотиб олувчи топшириги билан банк томонидан мол етказиб берувчи товарларига тўлаш учун очилади. Товарли А. тўловнинг ишончли эканлиги ва экспорт савдодан тушган пулни ўз вақтида олишга имкон бериши туфайли ҳисоб-китобнинг энг қулай шакли ҳисобланади.

Банкнинг жавобгарлик даражасига кўра, товарли А. чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган ҳамда тасдиқланган ва тасдиқланмаган турларга бўлинади. Чакириб олинадиган А. импортер ва уни очган банк томонидан исталган вақтда бекор қилиниши ёки унинг шартлари ўзгартирилиши мумкин. Чакириб олинмайдиган А. белгиланган муддат давомида мол етказиб берувчи розилигисиз бекор қилинини мумкин эмас. Агар банк-корреспондент мол етказиб берувчи учун у жўнатган товарлар тўловига кафиллик берсагина А. тасдиқланган ҳисобланади. Таъминланиш усулига кўра, А. ёпилган ва ёпилмаган бўлади. Агар банк эмитент (А.ни очувчи банк) А.ни очиш билан бир вақтда экспортерга тўлов манбай бўлган валютани ўтказса, бундай А. ёпилган саналади, агар валюта ўтказилмаса, ёпилмаган ҳисобланади. А.ни очиш ва унинг амал қилиш муддатлари товарнинг характерига (хом ашё, озиқ-

овқат, машина, қурилмалар ва ҳ.к.), уни сақлаш ва ташиш шарт-шароитларига бөглиқ. Ҳужжатларни текшириш ва уларни А. бүйича тұлаш банк эмитент ёки банк топшириғига кўра, мамлакатда экспортерлик қилувчи томонидан бажарилади.

Алимент солиги — Канадада амалда бўлган солик тури. Мамлакат Олий суди аҳолининг соглом турмуш кечириши мақсадида 1995 йилдан эътиборан алимент олувчилардан солик олишга қарор қиласди. Бу солик ставкаси 1995—2002 йилларда олинадиган алимент миқдорининг 10—13 фоизи атрофида бўлган.

Алоҳида божлар — мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлланиладиган бож турлари. Узбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўгрисида»ги Қонунига мувофиқ жорий этилган. А.б. уч гуруҳга бўлинади: маҳсус, демингта карши, «компенсация» бож тўловлари.

Амир Темур — Мовароуннаҳрда барпо этилган йирик давлат асосчиси (1336—1405). Унинг ҳукмронлиги даврида янги соликлар жорий қилинган. А.Т. олиб борган иқтисодий сиёсат ва жорий этилган солик тизими туфайли мамлакат обод бўлиб, илм-фан равнақ топди. Соҳибқироннинг «Темур тузуклари» китобида бир қанча муҳим ижтимоий-иқтисодий, жумладан, солик, маош, бюджет тўгрисида қимматли фикрлар илгари сурилган. Жумладан, янги ер очган дәхқон уч ийлгача солиқдан озод қилинган, ўғрилик, қаллоблик, товламачилик қаттиқ жазоланган. Шунингдек, Амир Темур даврида божхона иши ва бож турлари такомиллаштирилганлиги туфайли Буюк Ипак йўли ривож топган, мамлакатлар ўртасида савдо-сотик билан шугулланган савдогарлар қароқчилардан ҳимоя қилинган.

Амлекдор — Бухоро амири хазинасига ўлпон йигиш билан шугулланган мансабдор шахс. Ҳосил нишишига яқин А. ўз одамлари билан экинзорларга йўл олиб, ҳар бир экин неча таюб эканлиги ва ундан қанча ботмон ҳосил олинишини чамалаб чиққан. Дала айланиб, саройга қайттач, қишлоқлар бўйича ер солигини тузишга киришган. Бу борада маҳсус рўйхат тузиб, уни ўз муҳри билан тасдиқлаган ҳолда қишлоқларга юборган. Дәхқонлар шу ҳужжатни олганларидан кейингина ҳосил йигимиға киришишган.

Арбитраж (фран. *arbitrage*) — корхона, идора ташкилотлар ўртасидаги низоли масалаларни томонларнинг розилиги билан тайинланган арбитр ёки арбитрлар (ҳакамлар) судида кўриб

ҳал қилиш, бартараф этиш усули; ҳакамлар суди. Бунда томонлар келишиб, ўзлари сайлайдиган ёки қонунда белгиланган тартибда тайинланадиган арбитрлар (ҳакамлар)га мурожаат қиладилар. Ўзбекистон Республикасида корхона, муасаса, ташкилот каби юридик шахслар, тадбиркорлик билан шугулланувчи фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик шахс бўлмаган ташкилотлар (қайси идорага қарашилиги ва қўйилаётган талаблардан қатъи назар) орасидаги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви иштирокидаги бошқаришга оид бундай тортишувлар, иқтисодий низолар (шартнома тузиш, шартнома шартларини ўзгартириш ва уни бекор қилиш, мажбуриятларнинг бажариласлиги ёки қониқарсиз бажарилиши, бегона шахс қонунга зид равища эгаллаб олган мулкни қайтариб олиш каби масалалар) ЎзР қонунларига мувофиқ, хўжалик судида ҳал қилинади. БМТ Уставига кўра, давлатлараро иқтисодий тортишувлар халқаро арбитражда бартараф этилади. Давлатлараро шартнома ва битимларда кўзда тутилган ҳолларда ЎзР давлат органлари ва у билан bogliq равища бошқа давлатларнинг органлари ўртасидаги иқтисодий масалалар юзасидан келиб чиқадиган тортишувлар ЎзР Хўжалик суди ваколатига киради. ЎзР хўжалик судлари тизими Олий хўжалик суди, Қорақалпогистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят, шаҳар хўжалик судларини ўз ичига олади.

Аренда (лат. *arenda* – ижара; қаранг: Ижара) – мол-мулкка оид ижара; бир шахс (жисмоний ёки юридик) – ёлловчи томонидан бошқа шахс (жисмоний ёки юридик) – ижара олувчига қандайдир мулкни маълум миқдорда ҳақ (ижара ҳақи) эвазига вақтинча фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартнома. Шартнома шакли, муддатлари, ижара ҳақи, шартнома қатнапчилари (томонлари)нинг ҳуқук ва мажбуриятлари ижара ва ижара муносабатлари ҳақидаги қонунчилик асослари, фуқаролик қонунчилигига тааллуқли бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. И. деганда кўпроқ кўчмас мулк (иморатлар, бинолар, курилмалар ва ҳ.к.)дан фойдаланиб туриш назарда тутилади. Кўчириб бўладиган мулк (мас., телевизор, мебель, маросимлар ўтказиш учун керакли буюмлар ва ҳ.к.)ни ижарага олиш ҳам кенг урф бўлган. И.га беришда юридик мулк эгаси ўзгармайди, у ўз мулкидан фойдаланилганлиги натижасида яратилган фойданинг бир қисмига ижар-

ра ҳақи шаклида эгалик қиласи. Ижарачи мулк эгаси бўлиб қолмайди, лекин у ишлаб чиқариш шакли ва мақсадини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, ишлаб чиқариш технологиясини ташкил қилиш, маҳсулот сотиш йўлларини танлаша, даромадни ишлатиш, ўзига шериклар топини ва улар билан хўжалик муносабатларига киришишда мустақил иш кўра олади. Ижарачи олган мулкини тегишли ҳолатда сақлаши, ижара муддати тугаганда эса етказган заарини қоплаши шарт. Ўз павбатида, ижарага берувчи ижарачи томонидан ижарага олинган мулки янада бойитиш (ишлаб чиқариш воситаларини замонавийластириш, ер унумдорлигини ошириш, бинонинг капитал таъмирланишини амалга ошириш ва ҳ.к.) борасида қилинган харажатларни қоплашга мажбур.

Аристотель — Шарқда Арасту номи билан машҳур бўлган иирик юонон олими, солик назарияси ва сиёсати асосчиси (мил. авв. 384—322 йилларда яшаган). «Никомахов ахлоқи» ва «Сиёсат» асарларини ёзган. Афлотундан таълим олган. Александр Македонскийнинг устози. Қулчиликнинг ашаддий тарафдори бўлган. Қул — жонли қурол, қул — тирик мулк деган фикридан қайтмаган. Қийматнинг дастлабки шаклини таҳдил этаркан, муайян бир буюмдан маълум талабни қондириш ва алмашин учун фойдаланиш мумкинлигини, натурал хўжалик ($T-T$), товар ($T-P-T$) ва пул (P)нинг капитал шаклидаги айланишини ($P-T-P$) исботлаб берган. Товар (T) ишлаб чиқаришга қаратилган харакатларни қўллаб-куватлаган.

Асосий воситалар лизинги — ижарага берувчи асосий воситаларни кейинчалик сотиб олиш шарти билан лизинг шартномасига кўра ижарага берити; шу ижара ҳақи даромадидан солик олинади.

Асосий фондларни сотишдан олинган фойда — ҳукумат томонидан белгиланган тартибда ҳисобланниб, инфляция индекси қўшиб оширилган (қимматластирилган) баҳода сотилган асосий фондлар қиймати билан уларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ.

Аукцион (лат. *auctio* — очиқ савдо орқали сотиш) — маълум бир жойда даврий равинцида ташкил қилинадиган маҳсус бозор. Унда оддиндан келишиб олинган вактда очиқ кимошди савдоси ташкил этилиб, энг юкори нарх таклиф қилган харидорга муайян товар ёки товарлар сотилади. Аукционнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда товарлар сотувга қўйилади. Номи бир хил товарлар партиялари, яъни тўплами, гуруҳини


алмасытиришни истисно қылади. Чунки товарларнинг турли партиялари сифати, ташқи күрениши, таъми ва ҳоказо хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Савдо бошлангунга қадар товарлар харидорлар томонидан кўриб чиқилиши ёки синааб кўрилиши, яъни ўрганилиши А. савдосининг зарурий шартидир, чунки товар аукционда сотилгандан кейин унинг ташкилотчилари ҳам, сотувчилар ҳам товар сифатига оид (очиқ-оидин нуқсонларни истисно қилганда) даъволарни қабул қилишимайди.

Аҳолининг пул даромадлари – аҳоли (айрим шахс ёки бирор гурух) муайян давр мобайнида оладиган пул миқдори – реал даромадларнинг асосий шакли; улар таркибига иш ҳақи, дехқон (фермер хўжаликлиари)нинг даромадлари, ёрдамчи тормоқ хўжалигидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, хизмат кўрсатишдан тушадиган даромадлар, нафақа ва стипендиялар киради.

Аҳолининг реал даромадлари – жамият аъзолари муайян давр мобайнида ҳақиқий меҳнат ҳақлари даромадларига харид қилишлари мумкин бўлган моддий неъматлар (товарлар) ва хизматлар миқдори. Солик солинадиган даромад миқдорини ҳисоблаб чиқинча ундан айрим даромад турлари чегириб ташланади. Солик олинмайдиган даромадларга имтиёзларнинг бир тури сифатида каралади. Масалан, давлат заёмларининг рақобатбардошлигига эришиш мақсадида ютуқлар ва заёмларни бекор қилишдә олинган пуллар соликқа тортиладиган умумий даромад таркибиға кўшилмайди, яъни улардан солик олинмайди.

Аҳолининг тўлов қобилияти – аҳолининг реал даромадлари эвазига моддий неъматлар ва хизматлар харид қилиш имконияти. Унинг реал даромадлари қанчалик кўп бўлса, тўлов қобилияти ҳам шунча юқори бўлади. А.т.қ. унинг ихтиёридаги пул билан ўлчанади. А.т.қ. маҳсулотининг бозордаги сифимини белтилашда етакчи ўринда туради. 15-бетдаги чизмада кўрсатилганидек, аҳолининг пул ва бошқа даромадлари (C) кўпайиб ($D_1 + D_2$), маълум даражага (Ё нуқтага) етгандан кейин товарга сарфлана бошлайди ва бошқа тўловларни (солик, йиғим) тўлаш қобилияти ҳам кучаяди. Даромаднинг D_3 нуқтасидан кейин хўжалик юритувчиларнинг солик тўлаш қобилияти ортиб, тадбиркорликка кўшимча сармоя жалб қила бошлайди.

Аҳолининг керакли товарларга бўлган талаби даромаднинг



Ахоли даромадининг кўпайиши натижасида тўлов қобилиятининг ўсипи.

бир қисми билан қопланиб, қолган қисми эса бизнесга, дам олиш ва ҳордик чиқаришга сарфланади. Олимларнинг ҳисобкитоблари кўрсатишича, ахоли ўрта ҳисобда 50–60 фоиз даромадини товар сотиб олишга сарфлайди.

АҚШ солиқ тизими – солиқ сиёсати, молия тадбирлари, давлатнинг тадбиркорликка таъсир ўтказиши бозор муносабатлари ривожланган бу мамлакат хўжалик механизмининг асосий унсурлари ҳисобланади. АҚШда доимий солиқ тушумларининг аксарият қисми федерал бюджетта юборилиб, солиқ тизими хусусий капитални иқтисодиёт соҳасига жалб этишга мўлжалланган. Солиқ имтиёзлари билосита усуллар орқали тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашади. Ахолидан олинадиган даромад солигининг нисбати катта бўлиб, у ўсиб борувчи шкала бўйича ҳисобланади. Ихтимоий суғуртага ажратмалар федерал бюджетда ҳажми бўйича иккинчи модда бўлиб, уни иш берувчи ёки ишчининг ўзи тўлайди. Тўлов ставкаси ҳар йили ўзгариб туради. Учинчи катта солиқ – корпорация солигидир. Корпорациялар табақалаштирилган ставкаларда солиқ тўлайди: 15, 25 ва 34 фоиз. Корпорациялардан штатлар бюджетига ҳам тегишли солиқлар олинади. Одатда, унинг миқдори 3–12 фоизгача бўлади. Бозор иқтисодиёти механизми тадбиркорликнинг эркинлигини таъминлайди ва шу туфайли ресурслар тақсимоти, нархлар товарлар ишлаб чиқаришга кеттан харажатлар асосида, фойдаланинг ўртача миқдорини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. АҚШда жисмоний шахслар ва корпорациялардан олинадиган солиқ миқдори 75 фоиздан юқори тупумни таъминлайди (жадвалга каранг).

АҚШ давлат бюджети даромадлари-нинг таркиби (млрд. долл. ҳисобида)

Солиқ турлари	1999	2000	2002
	%	%	%
Жисмоний шахслар даромад солиги	49,22	48,8	48,63
Корпорациялар даромад солиги	10,38	9,34	9,6
Ижтимоий сугурта	33,33	33,9	34,1
Акциз солиги	2,96	2,92	2,94
Мерос ва совгаларга солинадиган солиқ	1,46	1,46	1,47
Божхона тұлоғлари	1,11	0,98	0,98
Бошқа даромадлар	1,54	2,6	2,28
Жами:	100	100	100

Штатлар корпорациялар ва фуқаролардан даромад солигини йиғиб олади. Сотувлардан олинадиган солиқ уларниң даромад манбаи бўлиб, уни шахарлар бюджети билан баҳам кўришади. Озиқ-овқат төварлари бу солиққа тортилмайди. АҚШнинг 50 штатидан 44 тасида савдодан олинадиган солиқ кўлланилади. Маҳаллий солиқларнинг таркиби ва ставкалари тўрт гурӯҳга бўлинади. Биринчи гурӯҳ – бевосита солиқлар (мулк солини, ер солиги, совгалар ва мерослардан олинадиган маҳаллий солиқ) фақат шу ҳудуд да йигилади. Билвосита солиққа тортиш турлича бўлиб, асосан, савдо ва маҳсус акцизлардан иборат. Иккинчи гурӯҳ – бу солиқлар маҳаллий солиқлардан фақат шаклан фарқ қилувчи умумдавлат солиқларига қўшимча бўлиб, унинг маълум фойзи маҳаллий бюджетта ажратилади. Учинчи гурӯҳ – транспорт воситаларига, меҳмонхоналарга, мусиқа ва спорт тадбирларига, коммунал хизматларга солиқларни ўз ичита олади. Истеъмол солиқларга автомашиналарни рўйхатга олиш, автомашиналар туаржойига, ёнилгига солиқ, акциз солиги ва йўллар учун олинадиган солиқлар киради. Тўртинчи гурӯҳ – маҳаллий солиқлар, мазкур ҳудудни бошқариш органларининг сиёсатини англатади. Бунга экологик солиқлар кириб, улар атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва тозалашга сарфланади.

Б

Банк (фран. *banque*; итал. *banco* – пул алмаслтирувчилар курсиси, дўкони) – вақтингча бўш қолган пул маблаглари тўйланадиган молия корхонаси бўлиб, бу маблагларни вақтича пулга муҳтоҷ корхоналарга кредитлар (қарз ва ссуда) тарзида маълум муддатта фойдаланиш учун бериб туради.

Корхона, идоралар ёки айрим шахслар ўртасидағи ўзаро тұлов ва ҳисоб-китобларда воситачилик қылады. Мамлакатда пул айланишини, жумладан, янғын пул чиқарилиши (эмиссияси)ни тартибға солиб тұрады, қымматли қозозлар эмиссияси ва улар иштирокида бөшқа мұомалаларни амалға оширади.

Банкротлик (нем. *bankrott*; итал. *bancarotta*) — хұжалик юритувчи субъекттің молиявий фаолият құрсағыш имконияты сүниши ва молиявий ҳолати издан чиқиши натижасыда унинг мажбурий тугатилиши; тәдбиркорнинг маблаглари бўлмаганлигидан; ўз қарзларини тўлашга ожизлиги, қарз мажбуриятларини тўлашдан бош тортиши; молиявий инқироз; синиш, хароб бўлиш. Ўз қарздорлик мажбуриятларини бажариш (банк қарзларини узиш) имкониятига эга бўлмаслик Б.нинг бевосита ифодаси ҳисобланиб, хұжалик юритувчи субъекттің мажбурий тугатилишига, кредиторлар талабларини қондириш учун унинг мол-мулки сотилишига олиб келади. Б. — маблагларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш, кредит муассасасыда маблагларни эгасининг розилигисиз ҳисобдан чиқариб олиш усули. Бунда солиқ идоралари бюджетта тўловларни мажбурий ундириш ҳукуқидан фойдаланади.

Баён этилган даромад — жисмоний ёки юридик шахснинг солиқ микдорини ҳисоблаш учун солиқ органларига маҳсус ҳужжатларга асосан баён этган даромади.

«Бар» солиги — Италияда «бар» эгаси давлатта солиқ сифатида умумий түшүмининг 65 фойздан күпроқ қисмини, бизнесмен-бухгалтер иш ҳақининг 42 фойзи ва «бар» ишчиси — 40 фойзини солиқ сифатида тўлаши шарт. Бу солиқ фақат «бар» ходимларига таалуқlidir.

Бартер (ингл. *barter*) — таипки савдо битимининг бир тури бўлиб, бунда муайян бир товар ёки хизмат натура ҳолида болиқа бир товар ёки хизматта алмаштирилади, яъни сотувчи ва харидор ўртасидағи ҳисоб-китблар ўзаро товар етказиб бериш орқали амалға оширилади.

Бевосита солиқлар — хұжаликнинг молиявий фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи мажбурий тўловлар. Б.с.нинг биавосита олинадиган солиқлардан фарқи шундаки, солиқ қиймати маҳсулот ёки хизмат баҳосига қўшилмайди, солиқ тўловчининг даромади, фойдаси ёки пул тушумидан олинади (қуйидаги жадвалда кўрсатилган ЎзРдаги бевосита солиқ турлари «Солиқ кодекси»да келтирилган).



Бесөсіта солиқлар		
I/p	Юридик шаҳслардан олинадиган солиқ түрләри	Жисмоний шаҳслардан олинадиган солиқ түрләри
1.	Юридик шаҳслардан олинадиган да ромал (фойда) солиги	1. Жисмоний шаҳслардан олинадиган да ромад солиги
2.	Ер солиги	2. Тағдыркорлық фаолияти билан шүтүлген нұчка жисмоний шаҳсларни рүйхатта олғанлық учун йүзим
3.	Мол-мұлк солиги	3. Тағдыркорлық фаолиятидаң да ромад солиги
4.	Ер ости бойыншалардан и фойдаланаңызға үчүн солиқ	4. Айрым тұрдагы маңсулоттар билан савдо қылыштың солиги
5.	Экология солиги	5. Қатың бешшілдіктан солиқ
6.	Сув ресурслари өзін фойдаланаңызға үчүн солиқ	
7.	Инфраструктураларни рукоюздап көрүш солиги	
8.	Яғона ер солиги	

Бельгия солиқ тизими – бунда асосий базани корпорациялардан олинадиган солиқ түшумлари ташкил этади. Корпорацияларнинг соғ даромадлари, компанияларнинг сотилған күчмас мұлклари, шунингдек, ҳар қандай ташкилот, уюшма, ассоциация фаолияти солиққа тортилади. Тижорат хусусиятта әзге барча корпоратив ташкилоттар, очиқ ва ёпік акциядорлик жамиятлари, фаолияти чекланған жамиятлар, коммунал хизматлар, тағдыркорлық йўли билан фойда олувчи ташкилотларнинг умумий фойда миқдорига қараб, солиқ белгиланади. Солиқ баёноти – декларациясида күрсатылған фойда солиқ миқдорини ҳисоблашда иккі қысметтегі бўлинади: акциядорлик жамиятларига қоладиган ҳамда уюшма аъзоларини рагбатлантиришга йўналтириладиган маблаглар, бу ҳаражат-

лар таннархга қўшилмайди. Корпорациялар берадиган дивидендернинг умумий миқдоридан солиқ олинади. Муниципал солиқ б-10 фоизли ставкаларда белгиланади. Қарамоғида одам сони учдан ортиқ бўлган оиласларнинг солиқ тўлаш мажбуриятлари камаяди. ҚҚСнинг ставкаси 21 фоиз қилиб белгиланган. Уй-жой қурувчи ташкилотларга бу солиқ тури камайтирилган бўлиб, 12 фоизни ташкил этади. Банк сугурталари, молиявий хизматлар, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда давлат солиқ хизматлари ҚҚСга тортилмайди. Мулкларнинг мерос ва совға қилиб берилишига юқори солиқ ставкалари белгиланган, тўғридан-тўғри меросхўрлар учун бу ставка 30 фоизгача, уччалик яқин бўлмаган меросхўрлар учун 20 фоиздан – 80,16 фоизгача.

Беруний – Абу Райҳон Мухаммад ибн Аҳмад, қомусий олим (973–1048), 150 дан ортиқ илмий асарлари маълум. Иқтисодий қарашлари тўлиқ ўрганилмаган. Меҳнат бойликнинг асоси эканлиги хусусидаги фикрлари мавжуд.

Бизнес (ингл. *Business*) – ишбилармонлик фаолияти; бойлик орттириш манбаи бўлган иш, машғулот. Иқтисоднинг барча соҳаларига (ишлаб чиқариш, савдо, меҳмонхона, ресторон, майший хизмат ва ҳоказо) тааллуқли бўлиб, маълум натижага (одатда, даромад олишга, бошқа манфаатта) эришишга қартиланган. Тадбиркорлик фаолиятининг амал доираси, миқёси жиҳатдан Б. уч турга бўлинади: кичик, ўрта, йирик.

Бизнесмен (ингл. *Businessman*) – тижоратчи, ишбилармон, фойдали иш билан шутулланувчи; хўжалик юритиш соҳасида даромад олиш мақсадида ишбилармон, тижоратчи, соҳибкор, тадбиркор сифатида фаолият кўрсатувчи жисмоний шахс.

Бизнес режа – бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда фойда олиш мақсадида маълум бир фаолият бўйича тузилган иқтисодий-ижтимоий ҳужжат. Б.р. 2–5 йилга тузилиши мумкин. Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойда кўриш мақсадида амалга ошириладиган барча ишларга кетадиган харжатлар ва маҳсулотни сотищдан тушадиган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

Билвосита солиқ – тўғри солиқдан фарқли равишда, солиқ тўловчининг даромадига қараб, товар ва хизматларнинг сотилиш нархига қўшимча қиймат сифатида белгиланадиган ва истеъмолчи ҳисобидан ундириладиган солиқ. Шу сабабли

хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қилмайди. Б.с.қа ҚҚС, актиз ва божлар киради.

Биржа маҳаллий солиги — биржадаги қимматли қоғозлар бўйича йигим.

Биржа солиги — биржа оборотидан олинадиган солик; пропорционал ставкаларга биноан олиниб, битимлар суммасига нисбатан 1—2,5 фойзни ташкил этади. Фонд биржасидаги қимматли қоғозлар оборотининг ҳажми бу соликқа тортиш объекти ҳисобланади. Бу солик мамлакат бюджетига тушиди. Соликқа тортишда қимматли қоғозларга доир битимларнинг имзоланиши асос бўлиб майдонга чиқади.

Биржадаги олди-сотди битимларидан ундириладиган йигимлар — товар-хом ашё, валюта ва қўчмас мулк биржаларида олди-сотди битимларини амалга ошириш йўли билан товар ёки бошқа мол-мулк (хом ашё, валюта ва шу кабилар)ни, мол-мулкка эгалик ҳукукини сотиб оловчи, юридик ва жисмоний шахслар мулкчилик шаклларидан қатъи назар, йигим тўловчи ҳисобланади. Биржада амалга оширилган олди-сотди битимишинг миқдори йигим объекти ҳисобланади, бироқ қимматли қоғозлар бозоридаги олди-сотди битимлари бундай объектлар сирасига кирмайди.

Бир марта олиналигиган йигим — бу тўлов тури бозорлар, ярмаркалар ва маҳсус савдо учун ажратилган бошқа жойларда савдо-сотиқ фаолияти билан шутулланаётган жисмоний шахслардан ёки бозор ҳудудига киравчилардан ундирилади.

Бож (араб. ўлон, солик маъносида) — қадимдан бир давлат томонидан иккигичи бир давлатта тўланадиган ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатта, вилоятдан вилоятта ўтиш учун, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ бозорларида савдогарлардан олипган маҳсус тўлов, ўлон вазифасини бажаривелган. Ўтмишда Б. оловчи тусковул деб аталган. Ҳозирги пайтда Б. божхона чегарасидан олиб ўтилган ҳар қандай товар ва транспорт воситаси учун Б. тарифида назарда туттилган ставкалар асосида ундириладиган маҳсус тўлов. Б.нинг импорт, экспорт, мавсумий ва алоҳида (маҳсус, компенсация, демпингта қарши) турлари мавжуд. ЎзРда Б. тўловлари «Божхона тарифи тўғрисида»ти Қопунийнинг З-моддаси ва бошқа қўшимча йўриқномаларга асосан амалга киритилган.

Бож имтиёзлари — юридик ва жисмоний шахслар учун тварлар ҳамда транспорт воситаларини Ўзбекистон божхона

чегарасидан олиб кириш ёки ўтказища бож тўловларидан қисман ёки бутунлай озод этиш бўйича белгиланган расмий тартиб-қоидалар. Б.и. божлар ва йигимлар (тариф имтиёзлари)дан озод қилиш, божхона чегараларидан товарлар, шахсий буюмларни ўтказишнинг соддалаштирилган тартибини кўллаш ёки бундай тартибни умуман қўлламаслик, умумий қоида бўйича тақиқланган объектни мамлакатга олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳуқуқини бериш шаклларида амал қиласди.

Бож тўлов имтиёзлари – хўжалик юритувчи субъектлар божхона тўловларини тўлашда бериладиган енгилликлар бўлиб, экспорт ва импорт учун жорий қилиниши мумкин; божлар – адволар, маҳсус, демпингта қарши ва бошқа гуруҳларга бўлиниади. Бу имтиёзларнинг ҳалқаро гуруҳлари кўйидаги чизмада ифодаланган:



Бож тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар.

Бож тўловлари давлат томонидан белгиланиб, маълум даврга жорий этилади ва қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бож имтиёзлари мамлакат миқёсида иқтисодий ўсишни таъминлашга ва тадбиркорлар янги технологияларни киритишларига имкон яратади.

Бож пошлиналари – ички бозор, маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида айрим товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан олинадиган пул йигимлари истеъмол солиқлари таркибиға киради. Давлат улардан иқтисодий сиёсатининг воситаси сифатида фойдаланади. Б.п. импорт қилинадиган товарлар билан ички бозордаги ҳудди шунга ўхшаш товарлар баҳосини тенглаштириб беради.

ришга хизмат қиласы. Одатда, товарлар бағосидан олинади. Бунинг учун айрим ҳолларда маҳсус мезонлар (оғирлик, ҳажм каби) ҳам құлланилиши мүмкін.

Бож олипмайдиган савдо дүкөни — маҳсус савдо шохобчаси. Бу шундай тартибки, унға мувофиқ, товарлар божхона ҳудудининг маҳсус белгиланған жойларида бож, солиқдар ва иқтисодий сиёсат чоралари құлланилмасдан, божхона назорати остида сақланади ҳамда сотиласы. Таксимланади. Б.о.с.д. режимига биноан, божхона ҳудудига олиб кирилиши ҳамда ундан олиб чиқилиши, давлат ҳудудида сотилиши тақиқланған товарларнинг у ерда жойлаштирилиши мүмкін эмас. ЎзРда Б.о.с.д. фаолияти «Божхона кодекси»га асосан тартибга олиб турилади.

Бож тарифлари — божхона чегарасидан олиб үтилишида истеъмол хусусиятларига мувофиқ, бир тизимга солинған товарларга нисбатан құлланиладиган бож түлов ставкалари. Б.т. ҳар бир товарнинг божхона қийматига нисбатан құлланилади. Оддий ва мураккаб тарифларга бўлинади. Оддий Б.т.да маҳсулотлар келиб чиқсан мамлакатидан қатъи назар, уларга ягона ставкаларни белгилаш кўзда тутилади. Мураккаб Б.т.да маҳсулотга нисбатан бир неча бож ставкаси мўайян мамлакатда вужудга келган иқтисодий ва сиёсий вазият ҳисобга олиниб, ДБҚ томонидан чиқарилган қўшимча йўриқномаларга кўра құлланилиши мүмкін.

Бож тўловлари — товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан ўтказишида, шунингдек, қонунда белгиланған бошқа ҳолатларда олинадиган тўловларнинг барча турлари: божлар, акциз солиги, қўшилган қиймат солиги, божхона йигимлари ва жисмоний шахслардан ундириладиган йигимлар.

Божхона — мамлакат чегараси орқали ўтказиладиган, олиб келинадиган ва олиб чиқиладиган барча юклар — товарлар ва транспорт воситаларининг назоратилии амалга оширувчи, шунингдек, юк эгаларидан белгиланған тартибда бож ва солиқлар ҳамда Б. йигимларини ундириувчи давлат муассасаси. Почта жўнатмалари ва жами юклар, шу жумладан, мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтиладиган (транзит) юклар ҳам божхона ходимлари томонидан назорат қилинади. Одатда, Б. чегара ҳудудларида, ҳалқаро аэропортлар, темир йўл станциялари, дениз ва дарё портларида ҳамда бошқа жойларда ташкил этилади.

Божхона брокери — ўзини вакил қиласан шахс ҳисобидан ва

унинг топшириғига биноан божхона расмийлаштирувига оид амалларни ҳамда божхона иши соҳасида бошқа воситачилик вазифаларини ўз номидан бажаришга божхона ташкилоти лицензиясини олган юридик шахс. Б.б. билан уни вакил қилган шахс ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлар нотариат томонидан тасдиқланган шартнома билан расмийлаштирилади. ДБҚ Б.блари давлат рўйхатини олиб боради ва унинг мунтазам эълон қилиб турилишини таъминлайди. Б.б.нинг вазифалари «Божхона кодекси»нинг 101-моддаси ва бошқа маҳсус йўриқномаларда белгилаб берилган.

Божхона декларацияси — чегарадан олиб ўтиладиган товарлар (экспорт ва импорт товарлар, юк-багаж, қўлда олиб юриладиган юк, валюта, бошқа моддий-маънавий бойликлар), транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар қонун талаблари асосида расман қайд этилган, божхона назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ёзма ёки оғзаки баённома. Б.д. белгиланган муддатларда тўлдирилиб, божхона органларига тоширилиши шарт. Жисмоний шахслар Б.д.ни олиб ўтиладиган юклар ва кузатиб бориладиган юк (багажлар)ни божхона чегарасидан ўтказиш пайтида, товарларни тақдим этиши билан бир вақтда беришади. Б.д.га оид талаблар «Божхона кодекси»нинг 9-бобида баён этилган.


Божхона Иттифоқи — икки ёки бир неча давлатнинг божхона чегараларини бекор қилиш ва иштирокчилар худудида товарлар ташишнинг анча пасайтирилган ҳамда барча аъзолар учун товарларни бошқа давлатлардан қабул қилишнинг ягона тартибини таъминлайдиган умумий божхона тарифи амал қиласидаги ҳудуд яратиш тўғрисидаги келишувга асосланган давлатлараро тузилма. Келишувга мувофиқ, Б.И.га киравчи ҳар бир давлатнинг товарлари шу Иттифоқнинг барча аъзолари ҳудудига пошлинасиз олиб кирилади. Б.И. иқтисодий интеграциянинг эркин савдо маконига нисбатан анча юқори даражадаги ташкилот, лекин у Европа Эркин Савдо Ассоциациясидан кейин туради.

Божхона кириллари — божхона амалларидан давлат бюджетининг кириллар қисмига тушадиган маблағлар. Б.к. давлат чегарасидан ўтаётган товарлардан ундириладиган тўловлардан, яъни божлар, солиқлар, божхона йигимлари, жарималар, божхона органлари томонидан мусодара этилган товарлар (мол-мулқ)ни сотишдан ҳосил бўладиган тушумлардан ташкил топади.

Божхона кўздан кечируви — божхона органларининг божхона қоидаларини бузишининг бевосита объекти бўлган буюмларни ёки хўжалик юритувчи субъект ва тацкилотлар ҳудудида, бинолар, транспорт воситаларида маҳсус тайёрланган маҳфий жойга эга нарсаларни, шунингдек, божхона қоидаларига хилоф ишларни кўриб чиқиши учун зарур хужжатларни текшириш фаолияти. Б.к.к. тадқиқ этилаётган корхона ва тацкилотнинг мансабдор шахслари ҳамда ҳолислар иштирокида ўтказилиб, бу ҳақда белгиланган шакда баённома тузилади. Божхона қоидалари бузилишига доир ишни юритаётган мансабдор шахс томонидан Б.к.к. ўтказилганлиги ҳақида божхона органининг асосланган қарори чиқарилади («Божхона кодекси»нинг 180-моддаси).

Божхона кўргити — шу кўриқдан ўтган товарни ва транспорт воситаларини мамлакатта олиб кириш, ўтказиб юбориш ёки қайтариб юборишни ҳал қиласди. Давлат чегараси орқали ўтгаётган юклар ва транспорт воситаларининг божхона ҳодимлари томонидан текширилиши.

Бож механизми — давлат божлари, тўловлари ва солиқлари ёрдамида ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва тартибга солиш усуллари. Б.м.нинг мукаммаллиги божхона қонунлари, тартиби, тарифи, бож тўловлари ва бошқа асосий унсурларнинг ўзаро боғлиқлиқда давлат ташки иқтисодий фаолиятининг ривожланишига кўрсатадиган таъсири билан ифодаланади. Б.м. самарёли ишлаб, божхона тўловларидан тушган тушумнинг ўсиши давлат миқёсидаги иқтисодий тараққиётда ўз аксини топади. Қўйидаги чизмада бу унсурларнинг асосийлари ўтасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг яхлит механизм сифатидаги ишлаш қобилияти ифодаланган:



Бож механизмининг асосий унсурлари.

Божхона тизимини такомиллаштириш ҳамда божхона тарифларини мувофиқлаштириш натижасида юз берган иқтисодий юксалиш ва божхона тўловлари тушумининг ўсиши

Б.м. орқали рўёбга чиқади. Божхона тарифининг механизми ташқи иқтисодий алоқаларнинг иқтисодий индикатори ва божхона бир неча унсурларининг мажмуи ҳисобланади. Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишида ва давлатларо савдо-сотиқни ривожлантиришида ишлатиладиган асосий механизм бўлган Б.м. божхона ишидан давлат бюджетига тушадиган маблагларни таъминлаб берувчи куч ва имкониятларни ифодалайди ҳамда ривожланган давлатларда кўп йиллардан бўён самарали қўлланиб келинмоқда.

Божхона баҳоси — олиб кирилаётган маҳсулотнинг муайян бир ўлчов миқдор (кг, тонна, м, м³)ига нисбатан божхона ходимлари томонидан белгиланган қийматнинг пулдаги ифодаси. Божхона қийматининг пулдаги ифодаси Б.б. дейилади. «Бож тарифи тўгрисида»ги Конуннинг 16-моддасига биноан, Б.б. ЎзРнинг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар қийматини божхонада аниқлашнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланиладиган усуллари тизимиdir.

Божхона кўригидан ўтказиш — товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонуний лигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлаар, йигимлар ундириш. Б.к.ў. олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарларнинг божхона чегарасидан ҳамда божхона ҳудуди орқали транзит тартибда олиб ўтилиши нинг олдини олиш учун божхона масъул шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Божхона лабораториялари — божхона фаолиятида товарларни экспертиза ва тадқиқ этиш учун ташкил этилган жойлар.

Божхона назорати — божхона органлари томонидан товарлар, транспорт воситалари, валюта ва валюта бойликларининг олиб кирилиши, олиб чиқилиши ёки (транзит) олиб ўтилиши тартибини бошқаришга хизмат қилувчи қонун-қоидаларга, шуғингдек, ҳалқаро шартномаларга юридик ва жисмоний шахсларнинг риоя этишига қаратилган зарур ҳатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши.

Божхона назорати макони — божхона органлари турган жой; божхона расмийлаштируви масканларида (аэропортлар, божхона омборлари, юқ терминаллари, вокзаллар, транспорт ташкилотларида) божхона чегараси бўйлаб божхона назоратини амалга ошириш учун белгиланган жойлар, алоҳида ҳудудлар.

Божхона назорати остида бўлиш вақти — товарлар ва транс-

порг воситалари божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан назоратта олинади; уларни божхона ҳудудидан олиб чиқип божхона декларацияси қабул қилиб олингач бошланади. Агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари сақланган божхона тартибига мувофиқ, Б.н.о.б.в. уларга чиқиш рухсат этилган ёхуд улар божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан туталланган ҳисобланади.

Божхона омбори — олиб кирилган товарлар учун божхона назоратида бож ва солиқлар ундирилмай, уларга нисбатан вақтинча иқтисодий сиёsat чоралари қўлланилмай сақланадиган жой; божхона режимига биноан олиб кириш мўлжалланган товарлар қонунда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда сақланадиган божхона тартиби.

Божхона органлари — божхона фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, лабораториялар ва инфратузилмалар мажмуи. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи божхона муассасаси ҳисобланиб, ўз фаолиятида мамлакат Конституциясига, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунларга ҳамда ҳалқаро шартномаларга амал қиласи. Ўзбекистон Республикасида Б.о. таркибиға ЎзР ДБК ва Қорақалпогистон Республикаси Божхона бошқармаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри божхона бошқармалари, божхона мажмуалари ва божхона масканлари киради.

Божхона (маскани) пости — давлат божхона хизматининг муайян жой ёки ҳудуд доирасида божхона расмийлаштируви ва божхона назоратини амалга оширишга ваколатли органи — божхона жойлашган маҳсус маскан. Божхона бошқармасидан фарқли ўлароқ, юридик шахс мақомига эга эмас.

Божхона расмийлаштируви — товарлар ва транспорт воситаларини чегарадан ўтказиш тартибининг бажарилишини назорат қилиш; нарса ва буюмларни кўздан кечириш; божхона ҳужжатларини расмийлаштириш; божхона таъминотини қўллаш; товарлар бўйича божхона декларацияси тўлдирилишининг тўғрилигини, белгиланган пул миқдорининг тўлданишини текшириш; тегишли идораларга статистик маълумотлар берини ва божхона масалаларига доир қонуналарни қўллашда давлат божхона назорати органлари амалга оширадиган бошиқашларни ўз ичига олади.

Божхона расмий белгиси — ваколатли органлар томонидан расмий равишда тасдиқланган ва қайд этилган рамзлар: ра-

қамлар, ҳарфлар ва (ёки) тасвирий ифодалар бирикмаси, транспорт воситалари, юклар ва ҳужжатларни таққослаш, божхона назоратидан ўтказиш мақсадида уларнинг кўринарли жойга қўйиладиган номлари ва белгилари.

Божхона режими – давлат чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуаси. ЎзРда кўйидаги режимлар мавжуд: эркин муомалата чиқиши (импорт); реимпорт; экспорт; рээкспорт; транзит; вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш); вақтинча сақлаш; божхона омбори; эркин божхона зонаси; эркин омбор; бож олинмайдиган савдо дўкони; божхона ҳудудида қайта ишлаш; божхона назорати остида қайта ишлап; божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш; йўқ қилиш; давлат фойдасига воз кечиш. Бу режимлар давлат тарафидан маҳсус қонун-қоидалар билан таъминланиб, божхона ходимлари бу тадбирларга асосан чегарадан олиб ўтилаётган товар ҳамда воситаларни расмийлаштиради.

Божхонада импорт товарини расмийлаштиришга керакли ҳужжатлар – импорт режимида олиб келинаётган товарларни расмийлаштириш учун божхона органларида юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур: шартнома (битим, келишув); мувофиқлик сертификати; товарнинг келиб чиқиши сертификати; шартноманинг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги хусусидаги сертификат; импорт битими паспорти; тўлов қобилиятини тасдиқловчи ваколатли банк матълумотномаси; божхона юк баённомаси; транспорт ва ташиш ҳужжатлари; фитосанитар, карантин (ветеринар) сертификати; зарур ҳолларда, ваколат органлари рухсатномаси.

Бу ҳужжатларга асосан олиб келинаётган товарлар божхона орқали ЎзР ҳудудига киритилиши мумкин.

Божхона сиёсати – божхона назорати орқали мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва ривожлантириш, ички бозорни ҳимоялаш, истеъмолчилар манфаатларини, саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида давлат томонидан белгиланган ва амалга оширилаётган тамойиллар, тадбирлар, йўналишлар мажмуаси. Б.с.нинг асосий йўналишлари божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлишнинг тартибга солинишини таъминлаш, экспорт-импорт операцияларининг тўғри бажарилишини назорат қилиш йўли билан иқтисодиётнинг ривожлапишини рағбатлаштириш ва ички

бозорни ҳимояланған иборат. Бож тарифи орқали тартибга солишнинг иқтисодий воситалари тизими, божхона иттифоқларида, эркин савдо ҳудудлари ва божхона конвенцияларида (битимларида) иштирок этиши; юкларни чегара орқали ўтказишинг белгиланган тартиби (режими); божхона назоратининг самарали усуллари; божхона фаолиятини тартибга солувчи қонун-қоидалар Б.с.ни амалга оширишинг асосий воситалари ҳисобланади. ЎзРда Б.с. «Божхона кодекси»да белгиланган қоидалар асосида олиб борилади.

Божхона талабномаси — божхона расмийлантирувини ўтказиш ҳақида жисмоний ёки юридик шахслар ёзма (ёки оғзаки) равишда тақдим этган ҳужжат. Унда божхона органлари талаб қилган маълумотлар баён этилади ёки ҳужжатлар тақдим қилинади.

Божхонанинг таъминот кафолати — божхона ҳуқуқи доирасида зиён етказмаган ҳолда (идишлар, хоналар ёхуд ўровларни бузмасдан контейнерлар, идишларни ёки юк жойларидағи юкларни ўзгартириш, алмаптириш ёхуд бошқа юкларни қўшиб қўйинга йўл қўймасдан) хизмат кўрсатишни амалга ошириши.

Божхона таъминлови — божхона ходимларининг хизмат фаолиятига, олиб чиқилаётган ҳамда олиб кирилаётган товарларни муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқа турдаги маркалар, қиёслаш белгиларини қўйинш, пітамплар босиш каби тадбирларни амалга ошириши. ЎзРда Б.т. «Божхона кодекси»нинг 7-моддаси 10-бандида кўрсатилган тартиблар ва қўшимча йўриқномалар асосида амалга оширилади.

Божхона ташувчиси — божхона назорати остида товарлар ташинни амалга оширишга божхона органининг лицензияси ни олган шахс. Товарларни жўнатувчи билан Б.т. ўртасидағи ўзаро муносабатлар шартнома асосида расмийлаштирилади.

Божхона текшируви — божхона ҳақидағи қонун талблари ни бузганилик тўғрисидағи ишни юритиш учун унга тааллуқли барча ашёвий далилларни аниқлаши. Бунинг учун муайян жой, ҳудудлар, бинолар, транспорт воситалари божхона текширувидан ўтказилади. Текширув божхона ходимлари томонидан икки холис шахс иштироқида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда амалга оширилади.

Божхона тизими — давлат сиёсати ва бож механизми органининг фаолияти, бож тўловларининг, божхона фаолиятининг моҳиятини англашувчи унсурлар мажмуаси. Б.т. умумий

ва йигма тушунча бўлиб, у нафақат божхона сиёсатини амалга оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат тузилмаларини, балки улар фаолиятининг амалий шаклларини, божхона талабларини, шунингдек, меъёрий ҳужжатларни ҳам ўз ичига олади.

Божхона томонидан тан олиниши — тегишли ҳужжатлар асосида божхона орқали олиб ўтиладиган юклар текнирувидан кейин бериладиган имконият. Бунда божхона органлари томонидан божхона тартиби қандай бажарилганиги расман текширилади.

Божхона тўловларини тўлаш муддатлари — божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши, товарлар нотижорат мақсадларда олиб ўтилаётганда эса божхона декларацияси қабул қилиниши билан бир вақтда тўланади. Божхона декларациясини топшириш муддати тутаганидан кейинги кундан эътиборан Б.т.т.м. ўтган ҳисобланади. Тўловлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ва унга асосан Аддия вазирлиги рўйхатидан ўтказилган йўриқномага биноан белтиланади. Б.т.т.м. «Божхона кодекси»нинг 108-моддасида белгиланган.

Божхона тўғрисидаги қонунларни бузганлик — «Божхона кодекси» ва бошқа ҳужжатларда белгиланган талаб ҳамда қоидаларнинг бузилиши. Б.т.к.б. учун ЎзР «Жиноят кодекси»да жиноий жавобгарлик белгиланган.

Божхона тўғрисилаги қонунда жазо турлари — божхона органлари томонидан куйидаги жазо турлари қўлланилади: жарима ёхуд айрим фаолият турларини амалга ошириш учун божхона органи томонидан берилган лицензияни ёки малака шаҳодатномасини бекор қилиш, тўхтатиб туриш ҳамда товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш. Божхона тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун бериладиган жазо турлари «Божхона кодекси»нинг 132-моддасида ва қўшимча йўриқномаларда белгилаб берилган.

Божхона тўловларини тўлаш тартиби — божхона тўловлари Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда божхона органига, халқаро почта жўнатмаларида юборилаётган товарлар учун алоқа корхоналарига тўланади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, божхона тўловлари миллий валютада тўланади. Б.т.т.т «Божхона кодекси»нинг 109-моддасида ва қўшимча йўриқномаларда кўрсатилган.

Божхона хизмати — давлат хизматининг божхона органларида амалга ошириладиган таркибий қисми. Кенг маънода

божхона органларининг мажмуаси, божхона ишини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бопиқа органлар ва ташкилотлар, уларнинг бўгинлари ва тузилмалари, божхона органларида мансабдор шахсларнинг ҳукуқий мақоми, шунингдек, божхона органларида давлат хизматига қабул қилишнинг тартиби ва ҳукуқий шарт-шароити. Ҳозирги пайтда ЎзР божхона органларида давлат хизматини ўташ тартиби, асосан, «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Б.х.нинг алоҳида масалалари бўйича маҳсус ҳужжатлар қабул қилинган.

Божхона чегараси — муайян давлатнинг божхона ҳудудини чекловчи шартли жой. «Божхона чегараси — ЎзР божхона ҳудудининг чегараси» («Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 5-модда 2-банди). Б.ч. божхона қонунлари амал қиласидаган минтақадаги чегарани кўрсатади ва қўшни мамлакатларнинг божхона ҳудудини ажратиб туради. Бошқача айтганда, Б.ч. мамлакатнинг божхона суверенитети амал қиласидаган ҳудудни белгилаб беради.

Божхона қиймати — мамлакат божхона чеграсига кириб келаётган товар ва транспорт воситалари учун божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган товар қиймати. Б.қ.ни аниқлаш тартиби ДБҚ томонидан чиқарилган қўшимча йўриқномаларга асосан белгиланади. Божхона қийматини аниқлашнинг оли усули бўлиб, ЎзРда 1, 2, 3-усуллардан кўпроқ фойдаланилади.

Божхона ҳудуди — муайян давлатнинг божхона қонунлари тўлалигича қўлланиладиган жой. «Божхона кодекси»нинг 3-моддасига биноан, Б.х. ЎзРнинг қуруқлиқдаги ҳудудини, ҳудудий ва ички сув ҳавзаларини ҳамда уларнинг устидаги ҳаво маконини ўз ичига олади. ЎзР Б.х.да эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин.

Божхона ҳужжати — ҳукуқий қоидаларга мувофиқ равища тузилиб, шакли ва мазмунига кўра, божхона расмийлаштируви амалга оширилганлигидан далолат берувчи ҳужжат.

Божхона ҳукуқи — мамлакат қонулаарининг тармоги сифатида божхона ҳукуқий муносабатларини тартибга солувчи меъёрий қоидаларда ва йўриқномаларда белгиланган ҳукуқий далолатлар йигиндисини ўз ичига олади.

Бозор (ингл. *market*) — товарлар ишлаб чиқариш, айрбониш ва уларни тақсимлаш, шунингдек, пул маблағлари ҳарарати ва олди-сотди жараёнида вужудга келадиган иқтисодий


муносабатлар тизими. Бозорда субъектлар харидор ва сутувчиларни танлашда, нархларни белгилаш, ресурс манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда эркиндиндир. Б. ишини ташкил қилишда давлат билвосита иштирок этади.

Бозор механизми – бозорда маҳсулот ва хизматларга нисбатан шаклланган ва таклиф даражасига қараб, нархнавони мувофиқлаштириш боскичлари, унсурлари. Маҳсулотларга бўлган баҳо, талаб ва таклиф ўзгариши билан уларнинг бозордаги миқдори Б.м.га асосан, энг мақбул – оптимал ҳолатта келтирилади. Б.м. – талаб ва таклифга қараб, нархнавонинг яширин кучлар ёрдамида ўзгариб туришидир.

Чизмадан кўриниб турибдики, маълум вакт ўтиши билан маҳсулот ёки хизмат баҳосининг аста-секин рационал ҳолатта келиши, яъни оғтималлашув жараёни содир бўлади. Талаб (K_1, K_2, K_3) ва таклиф ўзгариши натижасида баҳо аста-секин энг мақбул (E_1, E_2, E_3, E_4, E_5) нуқтага келади.

Бозор муносабатлари – талаб ва таклифни мувозанатлашга қаратилган тартибга солини тадбирларини белгилаш ва уларни амалга ошириш билан ифодаланади. Товарлар ва капиталнинг эркин муомаласи, шунингдек, ишчи кучи, ишлаб чиқаришдаги бошқа омилларнинг ҳаракати. Товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи, гоялар, ахборотлар ва бошқаларнинг бозорлари мавжуд.

Бозор сифими – аҳоли ва хўжаликларнинг товар ёки хизматлар сотиб олиш куввати. Тўловга қодирлик куввати муайян бозорда ва маълум муддатда маҳсулот таклифи ҳамда чакана нарх даражаси ҳисобга олинган ҳолда сотилини мумкин бўлган маҳсулот ёки хизмат миқдори билан ўлчанади. Бозор муносабатлари шуни кўрсатадики, бозор талаби камайиши муносабати билан баҳо пасайган ҳолларда фойда ҳам камаяди. Тадбиркорнинг товар ва хизмат нархи унга кетган хизматлар қийматини ифодалайди. Нархнаво талаб ва таклифларга қараб аниқданади.



Товарнинг энг мақбул баҳосини аниқлашнинг бозор механизми.

Бой берилган фойда — түлиқ имкони бўла туриб, ундан фойдалана билмаслиқ ёки сиртдан зарар етказилиши, ҳуқуқлари ноймол этилиши оқибатида жисмоний ёки юридик шахс ололмай қолган даромад ёхуд бошқа бирор манфаат.

Боқиманда — солиқлар ва йигимлар борасидаги қонун ҳужжатларида белгилантан муддатда тўланмаган солиқ, ёки йигим; сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ, ёки бошқа мажбурий тўлов миқдори бўлиб, ўз вақтида тўланмаган.

Брокер (ингл. *Broker*) — савдо-сотиқ ишлари, шу жумладан, биржада қимматли қозголар сотища вositачилик, далоллик қилингани ихтисослашган алоҳида шахс ёки фирма. Б. олди-сотдини ўз ҳисобидан эмас, балки ҳаридор ва сотувчи тошириғи билан улар ҳисобидан олиб боради. Қандай муайян фаолият билан шутулланганигидан қатъи назар, Б. алоҳида тошириқлар бўйича аниқ вазифаларни бажаради, доимо тор ҳуқуқий маънодаги воситачи сифатидагина иштирок этади. Молини, хизматини таклиф қилувчи ва уни сотиб олувчи сугуртачи ва сугурта қилинувчи, транспорт воситаси, мас., кема өтаси ва кемани кирага олувчи ўртасида битимга келишувга кўмаклашади. Б.га ҳар қайси битимни тузишга маҳсус ваколатлар берилади ва у мазкур ваколатлар чегарасида ҳаракат қилиши шарт. Мижознинг биринчи талаби биланоқ унинг номидан қилган барча муомалалари ҳақида ҳисбот беринига мажбур. Б.га, шунингдек, унинг воситачилигида тузилган шартноманинг бажарилишини назорат этиш ва даъво қилиш (рекламация) вазифаси ҳам тоширилиши мумкин. Кўрсатган хизматлари учун Б. шартланилган миқдорда ҳақ (брокериж) олади. Б. кўпинча товарларнинг бир-икки аниқ тури олди-сотдиси бўйича биржа ёки аукцион савдо доирасида воситачилик муомаласини бажаришга ихтисослашади. Б.нинг хизмат ҳақи, одатда, битим қийматининг 3—5 фоизини ташкил қилади, аммо мижоз учун кутилганидан фойдалироқ шартлар билан битим тузилган ҳолларда Б. шартномада қайд этилганидан зиёдроқ тежаб қолинган маблагнинг бир қисмини ҳам олади.

Буюк Британияда солиқ тизими — солиқка тортишнинг илмий назарийиси дастлаб пайдо бўлган бу мамлакатда либераллапган давлат солиқ тизими амал қилади. Бу, асосан, мамлакатнинг жаҳонда саноат ривожланишига қўшган ҳиссаси билан борлиқ бўлиб, шу тараққиёт натижаси ўлароқ, XVIII асрда жамиятда

солиқларнинг ўрни ва аҳамияти борасида баҳслар юритиб келган Адам Смит солиқлар назарияси бобида теран изланишлар олиб борган. Унинг фикрларига асосланиб, солиқнинг қуидаги тўрт тамойилини қайд этиш мумкин: *ҳақиқат* (олингган даромадига қараб, барчани солиққа тортиш); *аниқлик* (солиқ тўловчи солиқ миқдори, усули ҳамда вақтни олдиндан билиши лозим); *кулайлик* (солиқлар тўловчиларга қулай вақтда ва усулда жорий этилиши керак); *тежамкорлик* (солиққа тортиш йўллари кам чиқим бўлинши лозим). Б.Б.да замонавий солиқ тизими беші йирик гурӯҳдан иборат: *бевосита даромад солиқлари* (даромад солиги, капитал солиги, мерос солиги), *бивосита солиқлар* (асосий манба – қўншилган қиймат солиги), *маҳаллий солиқлар* (энг йириги – кўчмас мулк солиги), *тағбиркорлик активлари* ва бошқа солиқлар. Қуидаги жадвалда Буюк Британия бюджети даромадларининг асосий кўрсаткичлари берилган:

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқ тушумлари ташкил килади.

Ишлаб чиқарини – ҚҚСга тортиш манбай хисобланади. Бивосита солиқлар ичida акцизлар иккинчи ўринда туради. Акциз товарларга алкоголь ичимликлар, ёнилги, тамаки маҳсулотлари ва транспорт воситалари киради. Спиртли ичимликлар ҳамда ёнилғилардан ҳар литр хисобидан солиқ олинади. Тамаки маҳсулотларига эса товар баҳосига қўшимча физ хисобида (10–

Буюк Британия бюджети даромадининг асосий кўрсаткичлари (млрд. фунт стерлинг ҳисобида)

Солиқ турлари	1999	2000	2002
	%	%	%
Жиҳмоний шахслар даромад солиги	26,89	26,82	26,0
Корпорация солиги	8,35	8,31	8,47
Нефть маҳсулотини сотишдан олинган фойда солиги	0,51	0,49	0,53
Сармоянинг купайинишидан олинадиган солиқ	0,65	0,69	0,79
Меросдан солиқ	0,57	0,58	0,60
Герб йигимлари	2,21	2,20	2,2
ҚҚС	15,39	15,54	15,57
Акшитлар	10,99	10,9	11,0
Божхона тўловлари	0,57	0,58	0,55
Ижтимоий ҳимоя учун солиқ	15,08	15,0	15,72
Бошқа даромадлар	18,79	18,89	18,57
Жами:	100	100	100

30 фоизгача) акциз солиқлари белгиланади. Билвосита солиқларға божхона түловлари, герб түловлари, қимор бизнеси ва отчопарлардан олинадиган солиқлар киради. Маҳаллий солиқлар ичидә асосийси – хусусий мұлк солиги бўлиб, у мулқдор ва кўчмас мұлкни ижарага олуви шахслардан олинади. Бунга ер эгалари, тураржойни ижарага олувшилар ҳам киради. Кўчмас мұлк қиймати 10 йилда бир марта баҳоланади ва унинг миқдори ижарадан тушадиган бир йиллик даромадга teng бўлади. Солиққа тортиш ставкаси маҳаллий муниципалитет томонидан белгиланади. Шу сабабли солиқ ставкаси мамлакат бўйлаб ҳар ҳил бўлиши мумкин. 1990 йилдан жон бошига солиқ жорий этилган бўлиб, унга 18 ёшга тўлган аҳоли тортилади. Бу солиқ миқдори маҳаллий ҳокимият харажатларига боғлиқ. Мұлк баҳолашнинг саккиз тоифасидан бирида аниқлангач, табақалаштирилган ставка бўйича солиққа тортилади. Федерал солиқлар бюджети харажат қисмининг асосий манбани ташкил этади. Маҳаллий бюджетларда федерал солиқлар чегирмаси 70–90 фоизга тўғри келади.

Бухгалтерия баланси (фран. *balance* – айн. тарози) – хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум вақт (3, 6, 9 ой ва 1 йил) ичидаги фаолиятининг даромад ва харажат кўрсаткичларини ифодаловчи гуруҳларнинг пулдаги ифодаси, бухгалтерия хисоботининг энг муҳим тури. Икки томонлама (актив-пассив) жадвалда гуруҳлаштирилган кўрсаткичларда маблағлар тури, жойлаштирилиши, нимага сарфланганилиги ва манбай акс эттирилади. Актив ва пассив ийғиндилиари teng бўлиши керак.

Бюджет (ингл. *Budget*) – даромад ва харажатлар балансининг пулда ифодаланган режаси. Даромад ва сарфлар сметаси, капитал харажатлар, касса бюджети (тушум ва сарф қилинган нақд пуллар ҳисоби) ва бошқалар бюджетнинг асосий қисми ҳисобланади.

Бюджет жараёни – давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш; унинг ижросини назорат қилиш, ижроси борасидаги ҳисоботларни тайёрланш ва тасдиқлаш, шунингдек, давлат бюджети таркибига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қонун ҳужжатларига асосан тартибга солини.

Бюджетдан ташқари фонdlар – а) ижтимоий фонdlар – сугурта фонди; пенсия фонди; баандлик фонди; мажбурий тиббиёт сугуртаси фонди; б) ноижтимоий фонdlар – йўл фонди; эколо-

тия ва бодиқа мақсадли фондлар. Уларнинг барчаси бюджет тизимидан ташқари бўлиб, алоҳида фаолият учун сарфланади.

Бюджет даромадлари ва харажатларининг таснифи – ялпи маблағнинг даромад ва харажатлар таркибига бўлиниши. Давлат миқёсида қўйидаги таркибий тузилишга эга: бюджет даромадлари; харажатларнинг функционал таркибий тузилиши; харажатларнинг иқтисодий таркибий тузилиши; бюджетдан молиялантириши; давлат қарзи. Солиқлар бюджетнинг даромад қисмини шакллантиради. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир тури бюджетнинг олдиндан белгиланган (аниқланган) қисми, боби, банди ва моддасига ёзилади.

Бюджет тизими – давлатнинг барча бюджетлари унсурларининг мажмуаси. ЎзРБ т.га Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш кенгашилари бюджетлари ҳам киради.

Бюджет тўловлари – хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар учун қонунларда белгиланган солиқ, йигим, бож ва мажбурий тўловлар тизими. Б.т. ҳисобидан бюджетнинг даромадлари шаклланади.

Бюджет тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари – давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил қилиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш, давлат бюджетининг ижросини ташкил қилиш, Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви ҳамда бошқа органларининг давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш. Давлатнинг мақсади жамғармалари маблагларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, давлат бюджети ижроси тўғрисидаи ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда Олий Мажлис тасдиғига киритиш ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлардан иборат.

Бюджет тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатлари – давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш, давлат бюджети ва унинг таркибий тузиласига кирувчи бюджет маблағлари тушуми ва сарфининг тартибini белгилаш ҳамда назоратини амалга ошириш, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш, давлат бюджети маблағларидан фойдаланиши тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий кўри-

нишдаги бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

B

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон ҳукумати, давлатнинг Олий ижро органи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан, В.М.нинг таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Шу мөдданинг 2-бандига асосан, Қорақалпогистон Республикаси ҳукуматининг раиси В.М. таркибиға ўз лавозими бўйича киради. В.М. иқтисодий, ижтиёмий ва маънавий соҳалар бўйича Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукумат фармойишлари ижросини таъминлайди.

Валюта (итал. *Valuta* — айн. парх, қиймат, баҳо) — муайян давлатнинг пул бирлиги; таинки иқтисодий алоқалар ва халқаро муносабатларнинг бошқа шаклларида қатнашади ҳамда ўзга мамлакатлар билан В. муносабатларини амалга оширишда қўлланилади. Қаттиқ В. — ўз қийматлари ва бошқа Влар курсига нисбатан барқарор, олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан таъминланган; оғиб турадиган (нобарқарор) валюта, ўз қийматига ва ўзга давлатлар валюталарига нисбатан қадрсизланиб турадиган В.; конвертация қилинадиган (муқобилига) алмаштиришга, ўзгартиришга, муқобиликка муносаб В. Бошқа валюталарга бемалол алмаштириладиган В.; пул тизимининг бир тури (олтин, кумути, қофоз В.); чет давлатларнинг пул белгилари, шунингдек, халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланадиган кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.). Айрим мамлакатларда В. алмаштириш давлат томонидан назорат қилинади. Ҳар бир давлатнинг миллий В.си бўлиб, бошқа давлатлар В.сига алмаштириш учун валюта бирлиги ишлатилади. Мамлакатда қабул қилинган миллий В. (доллар, франк, рубль, марка, лира, сўм ва бошқалар) шу мамлакат валюта тизими ва пул бирлигини ташкил қиласди.

Валюта айрбошлаш — бир давлат валютасини бошқа давлат валютаси билан алмаштириш жараёни. Муайян мамлакат валютаси бошқа мамлакат валютасига ҳар қандай шаклда, барча турдаги алмаштиришларда чекланган ва чекланмаган ҳолда айрбош қилинади. В.а. орқали миллий валютанинг жаҳон пули вазифасини бажараётганлитини билиш мумкин.

Валюта бозори — чет эл валютасида олиб бориладиган олдисотди ва тўлов ҳужжатларининг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий муносабатлари тизими. Ташқи савдо бўйича ҳалқаро ҳисоб-китоблар, капитал харажатни ва бошқа олди-бердиларни амалга ошириш омили. В.б.да валюта таваккалчилигини сугурта қилиш, валюта захираларини таҳсиллаш, валюта инқизорзининг олдини олиш мумкин. Бу бозордаги ўзгаришлар товарларни сотишга катта салбий ёки ижобий таъсир кўрсаттипи мумкин. Лондон жаҳонда йирик валюта ва молия бозори ҳисобланади.

Валюта демпинги (ингл. *dumping* — айн. ташлаб, тушириб юбормоқ, қулатмоқ) — валюта қадрсизланган мамлакатдан товорларни валютаси анча барқарор мамлакатга дунёдаги нархдан арzon нархларда чиқариш; туширилган нархларда экспортнинг кенгайиши. Миллий валютанинг харид қобилияти бошқа валюта курсига қарагандা мамлакат ичкарисида пасайиши кузатилган ҳолларда В.д. юз беради.

Валюта захиралари — мамлакатнинг ҳукумат органлари ёки марказий банки ҳалқаро ҳисоб-китобларда тўлов учун ғамлаб қўйган олтин ҳамда чет эл валютасининг марказлашган ва тўланган қисми. В.з. мамлакат марказий банки ва молия-валюта идораларида ёки ҳалкаро валюта-кредит ташкилотларида сақланади.

Валюта курси — бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланиши. В.к. ўзгарувчан хусусиятга эга. Жаҳон мамлакатларининг пул бирликлари ўртасидаги ўзаро нисбат турлича бўлиб, мавқе жиҳатдан доимо ўзгариб, ўзаро ўрин алмасиб туриши мумкин. В.к. пул бирликларининг харид қобилияти ва бошқа қатор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий омиллар (тўлов балансининг ҳолати, инфляция даржаси, қисқа муддатли капиталларнинг мамлакатларaro миграцияси, ижтимоий-сиёсий бухронлар) билан белгиланади.

Валюта тушуми — маҳсулотлар, хизматлар ва миллий товорларни экспорт қилиш, хизмат кўрсатиш, ҳалқаро миқёсада кредит беришдан тушган маблаг жамланмаси. Ҳар қайси ташкилот ҳар уч ойда бошқа давлатлардан валюта тушумининг ҳисобини олиб боради.

Вальрас қонуни (ингл. *Walras Law*) — давлат миқёсида импорт қилинган маҳсулот ва хизматлар қиймати экспорт ҳамда давлатларга сотилган активлар ва улардан олинадиган фоизлар қийматига тенг бўлади:

$$IM = X + NA + NR,$$

бу ерда, IM – импорт қиймати; X – экспорт қиймати; NA – соғ сотилған активлар қийматигача сотилған ва олинған активлар фарқи; NR – соғ сотилған активлар учун тұланадыған фоиз қиймати.

Вексель (нем. *Wechsel*) – қонунда күзде тутилған қатый шактада тузилған ва күрсатылған миқдордаты пулни белгиланған муддатда тұлаш ҳақидаги ёзма қарз мажбуриятини ифодаловчи ҳужжат. В.лар бир неча турларға бўйинади: қарз берувчига (вексель эгасига) қарз олувлидан (векселни сақловчидан) векселда күрсатылған пул миқдорини белгиланған муддатда тұлашини талаб қилип ҳуқуқи билан берилади. Ўзаро ҳисоб-китобларда, кредитлар амалиётида тижорат, банк, ғазна В. турлари ҳам қўлланилади. Шунингдек, оддий (соло-вексель), ўтказма (трағта) В. ташки савдода кредит, ҳисоб-китоб муносабатларини расмийлантириш воситаси сифатида кеңг амал килади.

Виза (лат. *Visa* – кўриб чиқылған) – мансабдор шахснинг бирор ҳужжат устидаги ёзуви ёки унинг остига чеккан имзоси, яъни унинг ҳужжат мазмунига эътирози йўқлигини, ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаши ёки унга қонуний ҳуқук беришими англатади; муайян давлатта ташриф этиш, у ерда бўлинп ва ундан чиқиб кетишга, унинг ҳудуди орқали (транзит) ўтишига рухсат берилғанлиги түгрисида паспортта қўйиладиган расмий белги.

Г

Гарант (фран. *garant*) – кафил, кафолатчи; бирор масала, ишда кафолат берувчи давлат, муассаса ёки шахс; мас., кредит олувлига мол-мулк ёки бошқа нарасалар билан кафолат бериш. Қарз берувчининг талаблари қарздорни қониктирмаса, бу шартларни Г. бажаришга мажбур. Қўп давлатлар халқаро Глар ёрдамида ўз давлатида товар инфратузилмасини жаҳон аидозаларига жавоб берадиган даражада ривожлантиришга эришади.

Гарантлар ассоциацияси – халқаро ғаолиятда шартлашувчи томон божхона органдарига тұлаши керак бўлган тўлов орқали кафиллик занжирига боялик иттифоқ. Кафиллик иттифоқи товарларниң халқаро транзити ва импортини енгил-

лаштиришга йўналтирилган халқаро шартномаларга асосан ту-
зилади (мас., ЕХ Истанбул конвенциясига кирган ташкилот-
лар).

Гаров (фуқаролик ҳукуқида) — бирор мажбуриятни таъмин-
лашининг асосий усулларидан бири. Қарздорнинг кредиторга
пул ёки бирон қийматга эга бошқа мулкни бериши; қарздор
мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олув-
чи) ўз талабини шу гаровга қўйилган пул ёки мол-мулак ҳисоб-
идан қондиришда имтиёзли ҳукуққа эга бўлади.

ГАТТ (general agreement on tariffs and trade) — Тарифлар ва
савдо бўйича Бош Битим (келишув) номи билан аталувчи
халқаро савдо ташкилотининг 1947 йил 30 октябрдаги ҳуж-
жати дастлаб 23 та давлат томонидан имзоланган эди. Ҳозир-
да ГАТТга 150 дан ортиқ давлат қўшилган бўлиб, улар 38 мод-
дадан иборат мазкур Битимни тан олишади. Битим мутгасил
ривожлантирилиб, аниқлаштирилиб ва янги жиҳатлар билан
тўлдириб борилади. ГАТТни тарифлар ва савдо соҳасида ўзи-
га хос халқаро ҳукукий мажмуя деб ҳисоблаш мумкин. Унда
шундай моддалар бор: «Мумкин қадар умумий имконият
туғдириш принципи (режими)» (1-модда); «Ён беришлар
рўйхати» (2-модда); «Транзитлар эркинлиги» (5-модда); «Дем-
пингта қарши ва компенсацион божлар» (6-модда); «Божхо-
на мақсадлари учун товарларни баҳолаш» (7-модда); «Олиб
кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ йигим ва расмий амал-
лар» (8-модда) ва боғиқалар. ГАТТ халқаро савдо, уни олиб
бориш ва расмийлаштириш билан боғлиқ кўп масалалар дои-
расини қамраб олган. Бош қароргоҳи Швейцариянинг Же-
нева шаҳрида жойлашган. ГАТТ бошида 5 йилга сайланадиган
Бош директор туради. Бевосита ташкилот фаолиятини бош-
қариб турувчи органлар бўлган ишчи котибият ва кўмиталар-
га тарифлар ва савдонинг бошқа муаммолари бўйича йирик
мутахассислар киради. ГАТТнинг асосий вазифаси — божхо-
на тарифларини пасайтириш масаласи ҳисобланади. Мазкур
муаммо бўйича ташкилот доирасида бир неча марта ўта
муҳим музокаралар олиб борилган. 1963—1967 йилларда та-
рифларни пасайтириш бўйича ташаббускор — АҚШ прези-
денти Ж.Кеннедига нисбатан берилиб, «Кеннеди раунди»
номини олган музокаралар бўлиб ўтди. Кўп ўтмай, 70-йил-
ларнинг ўрталарида музокараларнинг «Токио раунди»да, 1986
или «Уругвай раунди»да ҳам ўша бож масалалари муҳокама

қилинди. Натижада бож тарифлари 60 фоиздан күпроқ на- сайтирилди: 50-йилларнинг ўртасида товар нархининг 80 фоизита еттан бўлса, ҳозирги кунда 10 фоиз атрофида ўзгариб туради. ГАТТ кўп ҳолларда тариф ва божхона йигимлари ма- салаларида ҳалқаро ҳакам вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

Германия солиқ тизими — фискал сиёсатли солиқ тизимига эга бўлсаб, солиқларни федерация, ер ва маҳаллий бюджет- ларга тұлашади. Германия сиёсий ва иқтисодий ривожла- ниш борасида бир неча босқичларни босиб ўтган ҳолда қучли федератив давлатта айланди. Мамлакат иқтисодиёті түлиқ ижтимоий муаммоларни ечишга қаратылган. Федератив мам- лакатда марказий ҳукумат билан федерация субъектлари ора- сида ваколатларни чегаралаш ва молия манбаларини тақсим- лаш узоқ вақт асосий муаммолардан бўлиб келди.

Ҳозир солиқ қонунчилигида асосий ўрин федерацияга берилган. Даромад солиги тушумларининг 42,5 фоизи феде- рал бюджеттага, 42,5 фоизи ерлар бюджеттага, 15 фоизи маҳал- лий бюджетларга тақсимланади. Корпорациялар солиги фе- дерал ва ерлар бюджеттага тенг бўлинади. Маҳаллий органи- лар орқали ишбилармонлиқ фаолияти учун солиқ йигилади. ҚҚС ҳам уч бюджетта тақсимланади. Тартибга солинадиган бу солиқнинг тақсимланадиган қисмлари ҳар хил бўлади. Да- влатта юридик шахслардан олиниадиган солиқлар ичидә ҚҚС давлатга катта даромад келтиради. Унинг улуши бюджет тар- кибида 28 фоизга тенг, яъни даромад солигидан кейин ик- кинчи ўринда туради. Солиқ ставкаси 15 фоизни ташкил эта- ди. Лекин асосий озиқ-овқат моллари, китоб ва рўзномалар на сайтирилган — 7 фоизли ставкада солиққа тортилади. Қишлоқ, ўрмон ҳўжаликлари, экспортга жўнатиладиган товарлар ҚҚСдан озод қилинади. Германияда корпорация солигига икки асосий ставка белгиланган. Ҳунармандчилик солиги — мұхим маҳаллий солиқ ҳисобланиб, унга корхоналар, ширкат- лар, жисмоний шахслар, ҳунармандчилик, савдо ва бопқа фа- олият билан шугулланувчи фуқаролар жалб этилади. Ер соли- ғининг миқдорини аниқлашда муниципалитетлар томонидан майдоналар чегараланади (кишлоп ҳўжалиги, ўрмончилик ва ҳ.к.). Илгари ҳар қайси жисмоний шахстга 0,5 фоиз бўлган мулк солигининг ставкаси ҳозир 1 фоизгача кўтарилди. Са- ноат корхоналари ва компаниялар 0,6 фоиз мулк солиги тўла- шади.

Герб солиқи — турли хилдаги тадбиркорлик бигимлари, компанияларни қайд этиш, акционерлик капиталини ошириш, ижара түгрисидаги шартнома ва бошқа расмийлаштирувчи хужжатлар учун солинадиган солиқ.

Грант (ингл. *grant* — ёрдам, ҳадя, тұхфа) — грант згаси томонидан қўйилган талабларга асосан бажарилган аниқ иммий ишларга мукофот тарзида жисмоний ёки юридик шахсларга бериладиган пул ёки ўзга маблаглар; маҳсус ишларни тендер ёки таңлов асосида ютиб олиш ва маълум даражада молиявий ресурсларга эга бўлиш.

Гуноҳ ишларга солинадиган солиқ — бундай хатти-ҳаракат қонун ва динга зид амаллар ҳисобланиб, инсоннинг ножӯя кирдикорларини камайтириш мақсадида айrim давлатларда бу борада ҳам солиққа тортиш йўлга қўйилган. Mac., 1996 йилдан бошлаб Тяньцзинь шаҳрида (ХХР) никоҳсиз яшаганилиги учун эркак ва аёлнинг ҳар иккисидан 1,0 минг юань (120 АҚШ доллари миқдорида) солиқ олинади. Бу эса аҳоли ўртасида ножӯя хатти-ҳаракатларнинг, яъни ахлоқсизликнинг кескин камайишига олиб келди.

Д

Давлат божи — маълум хизмат кўрсатганлик учун фуқаролар, муассаса ва ташкилотлардан давлат органлари йигиб оладиган йигимлар: рўйхатга олиш, почта, суд, мерос божлари ва ҳ.к.га тегишли қоидалар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган.

Давлат бюджети даромадлари — 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йигимлар, божлар, шунингдек, мажбурий тўловлар ҳамда солиқдан ташқари тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларнинг жойлаштирилиши, фойдаланиш ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, хорижий давлатлардан келган қайтарилишдиган пул тушумлари; 4) резидент-юридик шахсларга ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобидан тўловлар; 5) қонун ҳужжатларида тақиқданмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджети харажатлари — 1) бюджет маблаглари ҳисобига таъминланувчиларнинг жорий харажатлари; 2) жорий бюджет трансферлари; 3) капитал харажатлар (давлат эҳтиёjlари учун асосий фонdlар ҳамда воситаларни хариd қилиш


ва тақрор ишлаб чиқариш, хорижий мамлакатларда ер ва бошқа мол-мұлқ) ҳамда ерга бўлган ҳуқуқий ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш; 4) капитал харажатларни қонлаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва хорижий давлатларга бериладиган бюджет ссудалари; 6) давлат мақсадли фонdlарига йўналтириладиган бюджет ссудалари ва дотациялари; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатишга доир тўловлар; 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Даврий назорат — муайян ҳисобот даврига оид режалар, сметалар, меъёрлар, бирламчи ҳужжатлар, ишлаб чиқариш, моддий ва бошқа ҳисоботларга тегишли маълумотлар, ҳисоб регистрлари, ҳисоботлар ва бошқа манбалардаги қайлар бўйича ўтказиладиган текширув, солиқ тушумлари миқдорининг тўғрилигини назорат килиш, бундан ташқари, маҳсус режага асосан, маълум давр ўтгач ҳар бир солиқ тўловчининг молиявий фаолияти солиқ инспекторлари томонидан текширувга тортимиб турилади. Қонунчилик, шу жумладан, солиқ қонунлари талабларига риоя этилаётганлиги, ҳўжалик муюмалалари ва жараёнлари тўғри, ўз вақтида ҳамда мақсадга мувофиқ олиб борилаётганлигини аниқлаш. текширилаётган объект (юридик, жисмоний, мансабдор шахс) ишидаги қоғунбузарликлар, камчиликларни очиб ташлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши мазкур текнируvнинг вазифасига киради.

Давлат нафақа сутуртаси — иши берувчилар ва фуқароларнинг мажбурий сутурта бадаллари ҳисобидан фуқароларни қариллик, ногиронлик, бокувчисини йўқотиш ҳолати ва муайян миқдордаги йиллар хизмат қилганлиги учун меҳнат нафақалари билан таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сутурта тури ЎзРда «Давлат нафақаси тўғрисида»ги Қонунга асосан амалга оширилади.

Давлат солиқлари — ҳўжалик юритувчи субъектлардан давлат бюджетига мажбурий олинадиган пул маблаги. ЎзРда амалда қуйидаги солиқлар давлат бюджетига тўланади: 1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги; 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги; 3) ҚҚС; 4) акция солиги; 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; 6) экология солиги; 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ ва бошқа солиқлар.

Давлат солиқ идоралари тизими — ЎзР давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар солиқ бошқармалари, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларидан иборат. Улар ўртасидаги боғлиқлик қўйидаги чизмада кўрсатилган:



Давлат солиқ идоралари тизими.

Давлат солиқ инспекцияси — давлат солиқ хизматининг ахолини солиқка тортиш, солиқларни ўз вақтида ундириш билан боғлиқ фаолиятини бевосита амалга оширувчи шаҳар ва туманлардаги қўйи орган.

Давлат солиқ қўмитаси — ЎзР ДСҚ солиқ соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи орган. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасидаги қонуний талабларнинг бажарилиши ўзР ҳудудидаги барча вазириклар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар ва фуқаролар учун мажбурийдир. ДСҚ ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади.

Давлат солиқ тизими — солиқ тўловларининг бюджетга ўз вақтида тушишини назорат қиласиган кўп погонали механизм тузилмаси. Д.с.т. ДСҚ, Қорақалпогистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман, шаҳар давлат солиқ инспекцияларини ўз ичига олади. ЎзРнинг давлат солиқ идоралари тўғрисидаги Низомга мувофиқ, уларнинг вазифалари қўйидагилардан иборат: солиқ борасидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш; солиқ тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобга олинини таъминлаш; солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужожатлар (солиқ баённомалари – декларациялар)нинг

ўз вақтида ҳаракатлантирилишини назорат қилиш, солиқ со-
линадиган соҳаларда солиқларнинг ҳисоб ҳужжатлари аниқ-
лигини текшириш; солиққа доир қонунлар амалиётини ўрга-
ниш ҳамда жиноий ва мажбурий жавобгарлик кўзда тутил-
ган қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаб, уларга доир иш-
ларни асосли далиллар, ҳужжатлар билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш
органларига топшириш, шунингдек, солиққа доир қонунлар
бузилганлиги учун кўлланилган молиявий жазо чораларининг
тўғрилигини текшириш.

Давлат солиқ хизмати органлари — ЎзРининг «Давлат солиқ
хизмати тўғрисида»ти Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Респу-
бликаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси
Давлат солиқ бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент ша-
ҳар солиқ бошқармалари, туман, шаҳар солиқ инспекциялари
Д.с.х.о. ҳисобланади.

Давлат сугурта назорати — тузилган маҳсус давлат, нодав-
лат, ҳалқаро, ташкилотларро идора воситасида мамлакатда
сугурталаш фаолиятини назорат қилиш.

Давлат сугуртаси — табиий оғатлар, бахтсиз ҳодисалар ёки
бирор соҳадаги муҳим таваккалчиликлардан зарар кўрган шахс-
лар ва ташкилотларга ёрдам кўрсатиш, улар кўрган зарар-
ларни қоплаш шаклларидан бўлиб, сугуртачи сифатида дав-
латта қарашли ташкилотнинг иктиносидай фаолияти иштирок
этади. Саноати ривожланган мамлакатларда Д.с. компанияси
ўта хавфли ва ўзига хос таваккалчиликларни (ҳарбий ҳолат,
айниқса, уруп вақтида, атом ва космос билан бөглиқ тавак-
калчиликларни, кредит сугуртани) сугурта қилиш учун тузи-
лади. Ривожланаётган мамлакатларда эса сугурта ва қайта су-
гурта компаниялари, асосан, сугурта каналлари орқали валю-
танинг четга чиқиб кетмаслиги учун ташкил этилади.

Давлат солиқ инспекцияларининг вазифалари ва функциялари —
уларга қўйидагилар киради: 1) солиқ тўловчилар (хорижий
фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар)нинг тўлиқ ҳисоб-
га олинишини таъминлаш; 2) солиқ, тўловчилар томонидан
бухгалтерия ҳисоботи ва баланслари, солиқ ҳисоб-китоблари,
ҳисоботлари, баённома – декларациялар ва тўловларни ҳисоб-
лаш ва тўлаш билан бөглиқ барча ҳужжатлар ўз вақтида тақ-
дим этилишини назорат қилиш, шунингдек, фойда, даромад,
солиққа тортишнинг бошқа обьектлари аниқланганлиги ва
ҳисобланганлигига оид ҳужжатларнинг тўғрилигини текши-
риш; 3) бюджет олдиғаги ўз мажбуриятларини бажармаган

тахсларга нисбатан молиявий санкция (жазо)лар қўлланилишини таъминлаш; 4) корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фойда (даромад) ёки солиқка тортишнинг бошқа обьектлари пасайтирилганлиги (камайтириб кўрсатилганлиги)дан далолат берувчи ҳужжатларни кўриб чиқиш солиқ инспекцияси мансабдор шахсининг асосланган қарори уларнинг мазмунини қайд этиш ва олиб қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади; 5) мусодара қилинган ва эгасиз мулкларни, шунингдек, мерос қилиш ҳукуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтказилган мулкларни ҳамда топилмаларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш; 6) бюджетта тушиши лозим бўлган ва ҳақиқатан тушган солиқлар ҳамда бошқа тўловларга оператив бухгалтерия ҳисоби юргизиладиган ҳужжатларни банклар, молия органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан олиш; 7) давлат солиқ инспекциялари ва уларнинг маъзул шахсларига бухгалтерия ҳисботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бюджетта солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш, шунингдек, тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар тақдим этилмаганда ёки уларни тақдим этишдан бўйин товланган ҳолларда корхона, ташкилот, муассасаларнинг банк ҳамда бошқа молия-кредит ташкилотларидағи ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб вараклари бўйича банк муомаларини тўхтатиб қўйиш; 8) ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқ ва йиғимлар қайтарилишини таъминлаш; 9) белгиланган ҳисботни юқори солиқ органлари учун бюджетта амалда келиб тушган солиқ ҳамда бошқа тўловлар суммаси ҳақидаги маълумотномани тузиб, таҳлиз килган ҳолда туман ва шаҳар молия органларига тақдим этиш; 10) ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул муомаласи ва назорат касса машиналарининг қўлланилиши борасидаги қонунчилик талабларининг бажарилишини назорат қилиш.

Давр харажатлари – ҳўжалик субъектларининг бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан у қадар боғлиқ бўлмаган харажатлари. Д.х.га бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ ҳамда умумхўжалик аҳамиятига эга бошқа харажатлар киради. «Солиқ кодекси»да Д.х.нинг аниқ турлари берилиб, улар: сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва бошқа операциялар билан боғлиқ харажатлардир. Солиқ базасини аниқлашпда бу харажатлар ҳисобга олинади.

Дания қироллигининг солиқ тизими – юқори даражадаги солиқлар қўлланиладиган давлат. Бу мамлакатда бюджет тушум-

лари тузилмасида қарийб 50 фоизни жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар ташкил этади. Солиқ мажбуриятларининг ҳажми солиқ тұловчининг мавқеигі ва даромад келтириш манбай (резидент ёки норезидент)га болғыл. Даромад турларига қараб, ҳар хил ставкалар құлланилади. Солиқ ундириш мақсадыда даромадлар күйідеги гурухларга табақалаштирилади: шахсий даромадлар, сармоя даромади, оддий солиқ олинадиган даромад ва акциялардан келадиган даромад. Шахсий даромадға иш ҳақи, қайтарилған солиқлар ҳажми, текин тураржой баҳоси, шахсий мақсадда фойдаланилған автомобил ҳаражатлари, нафақалар, тәдбиркорлық фаолиятининг соғ фойдаси (харажатлар ва фоизли даромадни ҳисобламасдан) киради. Даромад солигига әдәлат, маңаллый ҳокимият ва черков солиқлари киради. Данияда 3 йил яшаган чет эл фуқаросыга яна 48 ойгача шу ерда қолишиң рухсат этилади ва унинг даромадидан амалдаги маъмурний ҳужжатлар асосида солиқ ундирилади. Йилик солиқ баённомаси – декларацияси ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 майгача маңаллый солиқ органларига топширилади. Даромаддан солиқ ундириш қоидалари бирмүнча мұраккаб. Солиқ корхонанинг молиявий натижалари күрсатылған даромаддан ундирилади. Капитал ҳаражатлар, одатда, солиқ ундириш базасини камайтIRMайди. Капитал даромадидан умумий ставкалар асосида 34 фоиз корпоратив солиқ ундирилади. Барча компаниялар ва уларнин' чет эллардаги шұйбалари ҳисоботлари учун даромад солигининг бүннак шаклидеги тұлов мажбурий ҳисобланади. Моддий захираштар билан операция күлгүчі ва йилик даромади 20000 Да-ния кронасидаң ошган корхоналар ҚҚС тұловчилар сифатида рұйхатдан ўтади. Импорт товарлардан 25 фоиз миқдорида ҚҚС белгиланған. Товарларни экспорт қилиш, тибиет, тәълим, йүловчи транспорти, молия, сугурта ва ҳоказолар ҚҚСдан озод қилинади. Совгалар уни олувчининг даромади сифатида солиққа тортилади. Бирок қынналарига – турмуш ўртоги, отонасси ёки фарзандларига бериладиган совгалар махсус солиққа (15 фоизли ставкада) тортилади.

Даромад – корхона, муассаса, тапкилоттар ёки айрим жисмоний шахслар ҳисобига келиб тушадиган соғ пул ва бошқа маблаглар; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаси. Д. фаолиятнинг барча турларидан келиши мүмкин. Фойда ва умумий иш ҳақини ўз ичита олиб, қўйидағи формула билан ҳисобланади:

$$\Delta = (P - T) + I,$$

бу ерда, Δ — хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот давридаги даромади; P — маҳсулотни сотишдан тушган пул тушуми; T — сотилган маҳсулотга кетган харажатлар; I — ходимларга берилган иш ҳақи.

Даромадлилик даражаси — савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортища солиқ ставкасини аниқлаш учун кўлланиладиган кўрсаткич корхона ялпи даромадининг умумий товар обороти қийматига нисбатан аниқланади:

$$\Delta\% = \frac{Я\Delta}{T} \cdot 100\%,$$


бу ерда, $\Delta\%$ —даромадлилик даражаси, фоизда; $Я\Delta$ —ялпи даромад; T —товар обороти.

Ялпи даромад маҳсулотни сотишдан тушган тушум билан унинг сотиб олинган нарҳда ҳисобланган қиймати ўртасидағи фарқdir. Бундан ташқари, молиявий фаолиятнинг даромад ва харажатлар салъдоси ва фаолият натижасида тушган бошқа тушумлар ҳам ялпи даромадга қўшилади. Жалб қилинган ишлаб чиқариш корхоналари, болаларга мўлжалланган асортиментда товар ишлаб чиқарувчилар ва шунингдек, ўз маҳсулотининг қонунда белгиланган қисмини экспорт қилувчи корхоналарнинг даромадларига нисбатан камайтирилган ставкада солиқ солинади. Юридик шахсларнинг дивидендердан олган умумий даромадлари 15 фоизли ставкада солиққа жалб этилади.

Даромад (фойда) солигини тўловчилар — молия йилида солиқ олинидиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар; хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулки билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил балансига ва ҳисобкитоб рақамига эга бўлган барча турдаги фирма, корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, уларнинг алоҳида бўлинмалари тушунилади. ЎзР резиденти бўлган юридик шахсларга ЎзР ва ундан ташқаридағи фаолият манбаларидан олган даромадлари бўйича солиқ солинади. ЎзР резиденти бўлмаган юридик шахслар ҳам ЎзР худудидаги фаолиятидан олган даромадларидан солиқ тўлайдилар. Юридик шахслар даромад солиги бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равища амалга оширадилар.

Даромад ва ҳаражатлар модели — давлат миқёсида бир тармоқнинг даромади иккинчи тармоқнинг иқтисодий ва молиявий ҳолатига таъсир қилишини аниқлашга имкон берувчи услуг. Бу модельни биринчى бўлиб Ж.Кейнс татбиқ қилган. Баҳо ўзгармаган шароитда ва аҳоли тўла иш билан банд бўлишини ҳисобга олган ҳолда бир тармоқ ҳаражати бошқа тармоқларга таъсир этишини ўз-ўзидан ифодаловчи модел.

Даромад ва қобилиятнинг боғлиқлиги — аҳоли турли қатламларининг даромадлари билан қобилиялари ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш усули. Аҳоли даромадлари қобилият (интеллект) бўйича ҳар бир гурӯхга бўлиб чиқилаганда, П.Самуэлсоннинг ҳисобларига кўра, қуйидагича тақсимланган:



Тадбиркорлар ёши, даромади ва уларнинг ақл-идрокига (интеллектига) боғлиқлиги.

Тадбиркорлар қобилиятини тақсимлашда интеллект коэффициенти ва уларнинг умумий даромад кўрсаткичлари ҳисобга олинган бўлиб, бу кўрсаткичлар ҳар хил тебраниш — амплитудага эга, яъни максимал даромадли аҳоли D нуқтага тўғри келадиган аҳолининг Δ_1 қобилияларига тўғри келади. Энг юқори қобилиялди аҳоли K₁ нуқтага тўғри келадиган даромадга эга бўлар экан. Чизмадан кўриниб турибдики, С нуқтасидан бошлаб юқори қобилиялди аҳоли сони даромадилар сонидан камайиб борган. Демак, қобилияти паст аҳоли ҳам нисбатан юқори даромадга эга бўлиши мумкин.

Ақл-заковат аҳоли қобилиятининг асосий қисми бўлиб, ун-

дан ташқари, ҳисобга олинмаган даромад келтирувчи қобилиятлар ҳам мавжуд. Лекин уларнинг сони кам.

Даромад солигини ҳисоблашда кўзда тутилган чегирмалар — солиқ базасидан қонунда кўрсатилган имтиёзларни олиб ташлаш жараёни; ҚҚС, акциз солиги, мол-мулк солиги, ер солиги, ер ости бойликларидан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар, экология солиги, божхона божи, банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредити бўйича фоиз тўловлари, ҳодимларнинг иш ҳақи, белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловлари, ижара ҳақи, асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, мажбурий сутурта, сертификат учун тўланадиган ҳақ, хизмат сафари, вакиллик, реклама харажатлари, кадрларни тайёрлаш харажатлари, соглиқни сақлаш объектлари, ҳалқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга ажратилган харажатлар, қонун ҳужжатларида белгиланган бопиқа мажбурий тўловлар (қаранг: «Солиқ кодекси», 19-модда) шундай чегирмалар жумласига киради.

Даромадлар ҳақидаги маълумот — солиқ тўловчининг даромадлари ва харажатлари ҳақидаги кўрсаткичларнинг тўғрилигини акс эттирувчи маълумотлар мажмуаси. Солиқ инспекторлари ўз текширув ва тезкор-қидирув ишлари натижасида кўшимида равишда тўғри маълумотларни оладилар.

Даромад мувозанати — бозордаги талаб ва таклиф мувозанати; даромад миқдорининг бир меъёрда ушлаб турилиши. Агар бу мувозанат бузилса, даромад олиш мувозанати ҳам бузилади. Ҳар қандай товарни ёки хизматни сотища бозордаги талаб ва таклиф унинг миқдорини белгилайди. Товар сифати ўзгармаса, хўжалик юритувчи субъектнинг даромад олиш даражаси маълум бир вақт давомида оптималь ҳолатда туради ва бу ҳолат доимий даромад (мувозанат) даражаси бўлиб қолади. Бозордаги бу ҳолат қўйидағи чизмада кўрсатилган.

Даромад ва истеъмол, даромад ва жамгарма ҳамда даромад ва сармоя (инвестиция) ўртасидаги баг-



Даромад мувозанати.

ланишни чизмада кўрсатилганидек ифодалаш мумкин. Бунда координат бўйича истеъмол миқдори вертикал йўналишда ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад горизонтал йўналишда кўрсатилган. Координат бўйича 45° ўтказилган тўтри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида олинган даромад солиқ тўлангандан кейин истеъмолга тенг бўлиб, аслида истеъмолни ифодаловчи эгри чизиқ жуда кам ҳолатларда биссектрисага тўғри келиши ва 45° дан паст бўлган бурчак орқали ўтиши мумкин. Даромад чизиқнинг биссектриса билан кесишган нуқтасида истеъмол билан бир хил даражада бўлади. Башарти, истеъмол даромаддан юқори бўлса, қарздорлик чегараси кўтарилади, аксинча бўлганда эса, даромад миқдори опади.

Девальвация (лот.*de* қўшимчаси — ажратиш, узоқлаштириш бекор қилиш; фран. *devaluation* — баҳолаш) — қонуний равиша миллий валюта қийматининг ҳалқаро пул стандартига нисбатан камайтирилиши; пул бирлиги курсининг олтин, кумушга ёки бошқа мамлақатлар валюталарига нисбатан пасайтирилиши, қадрсизлантирилиши.

Декларация (лот. *declaratio*—баёнот, баённома, эълон қилиш) — солиқ Д.си резидент—жисмоний шахслар жамий йиллик даромадини ифодалаб тўлдирган маҳсус ҳужжат. Д. маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солигини ҳисбот йилидан сўнг, йилнинг 1 июнидан кечикмай (даромад солиги йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса, Д. солиқ органига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой муддатда) тўланади. Божхона Д.си — чегара орқали қимматли нарса (пул ва ҳ.к.) ёки товарлар олиб ўтишида уларнинг номлари, сони, қандай ўрамда эканлиги ва бошқа хусусиятлари кўрсатилиб ёзилади ган баённома. Бундан ташқари, почта Д.си ҳам мавжуд.

Демаркетинг — айрим камёбликлар боис, бозорга оз миқдорда чиқариладиган маҳсулотга бўлган талабни пасайтиришга қаратилган тадбирлар; бозор—маркетинг тадбирларининг бир тури.

Декларант — ҳалқаро иқтисодий фаолият билан шугулланган шахс; товарларни олиб ўтувчи, товарлар ва транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи, кўрсатувчи ва тақдим этувчи ёки товар олиб ўтувчи шахс номидан иш олиб бораётган божхона брокери; божхона муассасасига декларация топшираётган корхона, бирлашма, муассаса, ташкилот, фуқаро. Д. мақоми ва унинг фаолиятига оид қоидалар.

Демпингга қарши бож пошлиналари — маҳсулот олиб кирилёттап мамлакатда товарнинг қиймати уни чиқараётган мамлакат ичкарисидагига нисбатан анча паст бўлганда қўлланиладиган маҳсус бож пошлиналари. Бу муайян маҳсулот мамлакатнинг ўз ишлаб чиқарувчиларига моддий зарар етказиш хавфини тутдирган ёки шунга ўхшаш товарларни мамлакат доирасида ишлаб чиқариши тўхтатиб қўйиш зарур бўлган ҳолларда жорий этилади.

Демпинг (ингл. *dumping* — камайтириш, пасайтириш) — рақобатчиларни синдириш ва ташқи бозорни эгаллаш мақсадида товарларни хорижга мамлакат ичкарисидагига ёки жаҳон бозоридагига қарагандан анча паст нархларда чиқариш. Валюта Д. — товарларни валютаси қадрсизланган мамлакатдан қаттиқ, яъни барқарор ёки кам қадрсизланган валютали мамлакатларга чиқариш. Мазкур валюта бирлигининг харид қобилияти бошқа валюталарга қарагандан мамлакат ичкарисида секинроқ тушаётган ҳолларда валюта Д. имконияти вужудга келади. Д. — товарларни ташқи бозорларда ишлаб чиқариш нархидан паст нархларда сотиш, заарларни юқори божхона тўсиги ҳимоясидаги ички бозордан олинган фойда ҳисобига қоплаш. Экспортчилар Д.ни бозорда ҳукмрон мавқени эгаллаш учун қўллайдилар. Тарифлар ва Савдо бўйича Бонг келишувда қайд этилишича, бир мамлакат маҳсулотини бошқа мамлакатта олиб чиқиб, импорт қиувчи мамлакат миллий иқтисодига зарар етказадиган нархларда реализация қилиниши, заарли оқибатлари мамлакат ички бозорларида ҳамоён бўлиши товар Д. ҳисобланади. Бир қатор мамлакатлар Д.га қарши курашда субъектив равища олиб келинаётган товарларга қўшимча солиқлар солиш, демпингга қарши қонунлар ва демпингта қарши божлар киритиш каби тартибларни қўллашади.

Демпингта қарши бож — демпинг муомаласига чек қўйишга қаратилган асосий чора сифатида қўлланиувчи қўшимча бож. У АҚШ ва Канадада бошқа жойлардан аввалроқ киритилган. Канада қонунига кўра, импорт қилинаётган товарлар учун ўз ички нархларидан паст нархларда экспорт қилаётганларга шу нархлар фарқи миқдорида қўшимча бож солинади, бироқ демпингта қўшимча бож товар нархининг 50 фоизидан ош маслиги керак. АҚШда эса қасдан демпинг усуллари қўлланилаётгани аниқланган ҳолларда мамлакат президенти бун-

дай товарларни олиб киришни тақиқлаш ҳуқуқига эга. Европа Ҳамкорлигининг (ЕХ) демпингта қарши қонунчилиги бундай божни демпинг сиёсати етказган заардан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Валюта Д.қ.б. — товар Д.нинг махсус кўринини бўлиб, вазифаси чет эл валоталарининг курси барқарор давлатларга миллый валютаси қадрсизланган давлатлардан товарларни пасайтирилган (ўртача дунё нархларига нисбатан) нархларда экспорт қилишдан иборат. Валюта Д.қ.б. ривожланаётган давлатлар миллый иқтисодиётини фалаж қилиб қўяди. Тарифлар ва савдо бўйича Бош битим (ТСБК) ташкилоти маълумотларига кўра, Валюта Д. билан шугулланини расман тақиқланган бўлиб, унинг таъсирини йўқотишга қаратилган Д.қ.б. солинишига олиб келади.

Демографик солиқ — аҳоли кўпайиб кетишининг одидни олиш мақсадида жорий этилган солиқ. Мас., германияликларнинг турмуш курмасдан яшаши уларни бир йилда 5,6 минг марка оила даромади ҳисобидан солиқдан озод бўлишга, эрсиз аёлнинг эса биринчи боласи учун 4,0 минг марка ва иккинчи боласи учун 2,0 минг марка йиллик даромади ҳисобидан солиқ тўламаслигига олиб келади. Лекин бу механизм демографик вазияттагина таъсир кўрсатиб қолмасдан, жамиятда мувайян даражада носоғлом маънавий-аҳлоқий муҳит вужудга келишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Депозит — фуқаролар ёки корхоналар томонидан пул ёки қимматли қоғозларни шартнома асосида банкларда сақлаш учун омонат қўйилиши. Депозит маблаглар банклар ссуда фонди вужудга келишининг манбаларидан бири саналиб, кредитлар бериш, факторинг операцияларини амалга ошириш, инвестициялар қилиш учун фойдаланилади ва шу сабабли депозит банклар томонидан тўланади.

Дивиденл (фран. *dividendus* — тақсимланадиган) — акция эгаси оладиган даромад; акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми. Олинган фойда қаинчалик юқори бўлса, акциядан келадиган Д. ҳам шунча ортиқ бўлади. Д. даражасининг ошиши акциянинг нархини ҳам кўтаради.

Дипломат (фран. *Diplomate*) — ташқи ишлар вазиригининг ваколати билан борган чет мамлакатида ўз давлатининг манфаатларини ифода қилиш ва у мамлакат ҳукумати билан расмий алоқаларни олиб бориш учун жўнатиладиган, чегарадан ўтишда божхона имтиёзларига эга маъсул шахс.

Дефицит (лат. *deficit* – етишмайдиган, тақчил) — истеъмолчи-ларга бирор маҳсулотнинг етишмаслиги; бошқа бирор нарса-нинг ёки пул маблагининг иқтисодий фаолият учун етарли эмас-лиги тушунилади. Жумладан, пул, ходимлар, ресурслар ва маҳ-сулотлар етишмаслиги, бюджет маблагининг етарли эмаслиги ва ҳ.к.

Дифференциялашган (табақалаштирилганлар) тариф — товарлар қайси мамлакатда тайёрланганига қараб, уларга имтиёз бериш ёки уларни ўтказмасликка имкон яратувчи табақалашти-рилган божхона тарифи.

Доимий мұассаса — хорижий юридик шахснинг солиқ мақо-мини белгилаш учун қўлланиладиган ва ташкилий-хуқукий аҳамиятта зга бўлмаган атама. Хусусан, Д.м. қуйидагиларни ўз ичига олади: бошқарув жойи, бўлинма, офис, идора, фаб-рика, устахона, шахта, нефт ёки газ қудуғи, томон кони ёки фойдали қазилмалар (табиий ресурслар) қазиб олинадиган ташкилотлар, корхоналарга кўрган заарарларини қоплаш ёки бошқа мақсадлар учун давлат томонидан бериладиган бемин-нат пул ёрдами, қўшимча маблағ. Шунингдек, корхона, фирмаларни санация қилишда, ишлаб чиқаришда иштирок этмай-диган соҳаларнинг молиявий таъминотида қўлланилади. Д.м.га ҳар қандай обьектлар, қурилиш майдончаси, қурилиш-мон-таж, йиғув обьекти ёки техника назорати бўйича фаолият ҳам киради.

Доллар (ингл. *Dollar*) — АҚШнинг пул бирлиги, 100 центта тенг. 1786 йилдан муомалада (кумуш Д.). Олтин, кумуш Д. зарб қилинган. 1965 йилдан мис, никель Д. ҳам чиқарилди. Д. шунингдек, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Либерия, Зимбабве, Бруней, Сингапур, Барбарос, Гайана ва бошқа мам-лакатлар пул бирлиги ҳисобланади. АҚШ Д. барча товар ал-машувларида, ҳалқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланиладиган валюта. Муомалада 100, 50, 20, 10, 5 ва 1 Д. қийматли қофоз пуллар, 1 ва 1/2 Д. қийматли кумуш танталар, 1/4 ва 1/10 Д. қийматли мис ва никель аралашмали танталар ҳамда 5, 2, 1 цент амал қиласи.

Дотация (лат. *dotatio* — ҳадя, хайр-эҳсон) — давлатнинг ёки ҳалқаро ташкилотнинг қайтарилемаслик шарти билан бериладиган пул ёрдами. Бюджет Д.си пастдаги бюджетнинг хара-жатлари унинг даромадларидан ортиб кетган ҳолларда уларни тўлиқ балансга келтириш учун юқори бюджет маблагла-

ридан бериладиган нафақа. Айрим корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бериладиган Д. уларнинг хўжалик фаолиятидаги режали заарларини қоплашга мўлжалланади.

E

Евро — Европа давлатлари пул бирлиги. Е. 1999 йилнинг 1 январидан муомалага киритилган. 11 давлат ўртасида ички ва халқаро муомалада юради.

Европа Эркин Савдо Ассоциацияси (ЕЭСА) — савдони енгилаштириш ва кенгайтириш мақсадида тузилган йирик халқаро ташкилот. 1960 йил 4 январда Стокгольмда тегишли конвенция имзоланганидан буён фаолият кўрсатиб келади. Дастлаб 9 мамлакатдан иборат бўлган ташкилотнинг ҳозир б аъзоси бор: Австрия, Финляндия, Исландия (1970 йилдан), Норвегия (Шпицберген билан), Швеция ва Швейцария. Махсус баённомага мувофиқ, бу ташкилот шартномаси Швейцария билан божхона иттифоқида бўлган Лихтенштейнга ҳам тааллуқлиdir. ЕЭСАга Европанинг бетараф давлатлари аъзо бўлиб, улар уюшмани тузища ўз суверенликларидан қисман бўлса-да воз кечишни лозим кўришмаган. «Умумий бозор»дан фарқли ўлароқ, ЕЭСА «эркин савдо ҳудуди» ҳисобланади. Аъзо мамлакатлар орасидаги савдода эркин божсиз савдо айланмаси факат саноат маҳсулотларига нисбатан қўлланади, чунки ташкилот конвенциясининг таъсири амалда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига татбиқ этилмайди. «Умумий бозор»дан фарқли равишда ЕЭСАга кирувчи ҳар бир давлат ташки савдо мустақиллигини сақлаб қолади, шу боисдан унинг доирасида ягона божхона тарифи мавжуд эмас. Аъзо мамлакатлар орасидаги божсиз савдо шу давлатларда тайёрланган товарларга тегишли бўлиб, ҳар қайси товарнинг келиб чиқишига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган мураккаб божсиз савдо қоидлари тизимиға асосланади. «Умумий бозор»нинг аҳамияти ортиб борган сари ЕЭСА ўз аҳамиятини йўқотмоқда, шунинг учун 1970 йилдан Буюк Британия, Данія, Португалия ЕЭСА таркибидан чиқиб, Европа Ҳамкорлиги (ЕХ — Умумий бозор)га киришди. Умумий битим тузиш йўли билан ҳар икки ташкилотни бирлаштиришга уринишлар, миллатлардан юқори турувчи органлар тузишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурийлигига доир нуқтаи назарлар

турлича бўлганлиги сабабли, кутилган натижани бермади. ЕЭСАнинг олий органи барча аъзо мамлакатлар вакилларидан (ҳар бир мамлакат фақат битта овозга эга) иборат. Кенгаш ҳар ойда икки марта Женевада йигилиб туради, у ердаги доимий миссиялар раҳбарлари ўз мамлакатлари номидан вакиллик қиласди. Кенгаш аъзолари навбати билан ўзгартирилиб, раёсат таркиби ҳам ҳар олти ойда янгиланади. Ташкилотниң кундалик ишларини Буш котиб бошқарадиган котибият олиб боради. Кенгаш мажлисларида аъзо мамлакатлар орасидаги савдо-сотиқни рағбатлантириш, учинчи мамлакатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга боғлиқ масалалар кўриб чиқилиб, иштирокчилар учун мажбурий кучга эга (ҳамжиҳатлик принципига асосланган) қарорлар қабул қилинади. Кенгаш тавсиялар ишлаб чиқиш ҳукуқига эга ҳайъатлар: ташқи савдо эксперталари; ташқи савододаги техник тўсиқлар муаммолари; товарлар келиб чиқишига оид қоидалар бўйича эксперталар; аъзо мамлакатлар иқтисодий доираларининг таниқли вакилларидан тузилган ва кенгаш аъзолари келиб кўриши учун таклиф ва маслаҳатлар ишлаб чиқувчи иқтисодий маслаҳат; аъзо мамлакатлар парламентлари депутатлари; қишлоқ, хўжалиги ва балиқ овлаш масалалари ҳамда молия-бюджет ҳайъатларини ташкил этганлиги унинг фаолиятига асосли мазмун багишлиайди.

Европа Ҳамкорлиги (ЕХ) — ҳамкорлик асосида Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ); Атом энергетикаси бўйича Европа ҳамкорлиги (Евроатом) ҳамда Европа кўумир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) қўшилувидан вужудга келган ташкилот. ЕХни тузишнинг ташаббускорлари: Бельгия, ГФР, Нидерландия, Франция, Италия, Люксембургдан иборат 6 та Европа давлати бўлиб, кейинроқ уларга Буюк Британия, Дания, Греция, Ирландия, Португалия ва Испания қўшилди. Ҳозирги кунда кудратли иқтисодий ва сиёсий грух бўлган ЕХ Вазирлар Кенгаси (1967 йилдан), Европа ҳамжамиятлари комиссияси (ЕХК), Европа парламенти, Европа суди каби давлатларо органларига эга. Бундан ташқари, ташкилотда яна икки орган—давлат бошликлари кирадиган Европа Кенгаси ҳамда Европа сиёсий ҳамкорлиги (12 ташқи ишлар вазири ва ЕХ вакилидан иборат) иш олиб боради.

Ернинг баҳоси — асосан, муайян ер майдони келтирадиган рента миқдорига ва ерга сарфланган пул учун бериладиган

банк фоизи даражасыга қараб белгиланадиган қиймат; ер эгаси даромадни бошқа йўл билан топишга ҳаракат қилганда зарур бўладиган пул миқдори.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ – фойдали қазилмаларни қазиб олиш, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан бөлмаган ер иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар жалб қилинадиган солиқ тури бўлиб, бу солиқ фойдали қазилмалар қазиб олишини, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан бөлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқ. Бундан ташқари, таркибида рангли, нодир, асл, қора металлар ва бошқа маъданли хом апё мавжуд бўлган рудаларни кейинчалик қайта ишлаш мақсадида бошқа корхоналарга берадиган (экспортдан ташқари), қазиб олинган рудани қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам шу солиқ турини тўловчилар хисобланади.

Ер рентаси (лат. *reddita*; нем., фран. *rente* – қайтарилган, қайтариб берилган, тўланган) – ер майдонини ижарага олувчининг ерни ижарага берувчи учун ердан фойдаланганлигига доимий тўлов, яъни ер учун тўланадиган ижара ҳақи; қишлоқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчилар ҳосил қиладиган ва ер эталари ўзлаштириб оладиган қўнимча маҳсулотнинг бир қисми.

Ер солиги – жисмоний ёки юридик шахснинг мулки, эгалиги ва фойдаланишида бўлган ер майдони бирлиги учун белгиланган солиқ тури. Е.с. ишлаб чиқариш ҳаражатларига қўшилади.

Ер учун ижара ҳақи – ерни маълум муддатга фойдаланишга олганда тўланадиган ҳақ; унинг ҳажми (ўлчами), шартлари ва ўтказиш муддатлари ер этаси, яъни уни ижарага берувчи билан тузилган шартномага мувофиқ белгиланади. Қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ижарага олинганда, И.ҳ.нинг миқдори ижарага берилган майдон учун олинадиган ер солигининг ҳажмидан ошмаслиги керак. Ер учун ижара ҳақи алоҳида равишда ёки бутун ижарага олинган мулкнинг ижара ҳақи таркибида олиниши мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам ер учун ижара ҳақи, албатт, маҳаллий бюджет даромадига ўтказилиши керак.

Ё

Ёш бўйича солиқ имтиёзи — Англияда 65 ёшдан ошган ёлгиз яшовчи кишиларга ва эр-хотинларга солиққа тортища бериладиган имтиёз. 75 ёшга етганда бу имтиёзлар (ён беришлар) опириб борилади. ЎзРда ҳам қариялар айрим солиқ турларидан озод қилинган.

Ж

Жамғарма — маҳсус мақсадларда йигиладиган моддий бойликлар, пул маблаглари. Аниқ мақсадли йўналиши ҳамда мунтазам ажратмалар йўли билан қатъий тизим асосида барпо этилиши унинг муҳим белгиси ҳисобланади. Фуқаролар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян гурухларига моддий ёрдам кўрсатувчи ташкилот. У ялпи миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, бир йилда давлат миқёсида фойдаланилмаётган даромади қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$S = GDI - C,$$

бу ерда, S — жамғарилган даромад; GDI — ялпи миллий даромад; C — истеъмол қилинган товарлар.

Жами (ялпи) даромад — молия йилида янтигдан яратилган маблаг; унинг таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳамда юридик шахслар оладиган пул ёки бошқа маблаглар, шунингдек, улар текинга олган воситалар киритилади. Ж.д.ни ҳисоблашда қуидаги тушумлар ҳисобга олинади: маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан келган тушумлар; асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк обьектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан келадиган даромад; фоизлар кўринишидаги даромадлар; дивиденлар; бепул олинган мол-мулк; мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад; рояти; холис молиявий ёрдам (давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар бундан мустасно); даъво муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва дебиторлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар; валюта ҳисоб варақалари бўйича курсдаги нисбий фарқ; илгари чегирилган харажатлар, кўрилган зааралар ёки шубҳали қарзларни қоплати кўринишида олинган даромадлар; фавқулодда даро-

мадлар; бошқа даромадлар. Ж.д.га оид қоидалар «Солиқ кодекси»нинг 17-моддасида баён этилган.

Жами даромад таркиби – юридик шахсларнинг умумий даромади, жами пул тушуми; юридик шахслардан олинадиган солиқни ҳисоблашда ишлатиладиган иқтисодий кўрсаткич. Ж.д.т.ни «Солиқ кодекси»нинг 17-моддасига биноан молияйлига қўйидаги формула асосида аниқлаш мумкин:

$$\mathcal{J}_d = Q + Q_1 + Q_2 + Q_3 + Q_4 + Q_5 + Q_6 + Q_7 + Q_8 + Q_9 + Q_{10} + Q_{11}.$$

Сўм ҳисобида:

\mathcal{J}_d – жами даромад, умумий пул тушумининг бир қисми;

Q – товар ва хизматларни сотишдан тушган пул тушуми;

Q_1 – асосий воситалардан, қимматли қозозлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа бойликларни сотишдан тушган даромад;

Q_2 – кредит ва қарзга пул бериш жараёнида олинадиган даромад, (фойз);

Q_3 – дивидендернинг умумий ҳажми;

Q_4 – бепул берилган воситалар;

Q_5 – роялти суммаси;

Q_6 – ёрдам сифатида берилган пул;

Q_7 – валюта курсининг фарқи ҳисобига олинган фойда;

Q_8 – бошқа даромадлар;

Q_9 – фавқулодда даромадлар;

Q_{10} – илгари чегирилиб ташланган даромадлар;

Q_{11} – текин молиявий ёрдам.

Бу кўрсаткичлар молия йилига ҳисобланган ва юридик шахслардан олинадиган умумий солиқни ҳисоблашда фойдаланиладиган даромад суммасини ифодалайди. Лекин юридик шахслардан олинадиган даромад солиги, албаттга, қўйидаги формула асосида ва тубанда келтирилаётган шу умумий пул миқдоридан кўрсаткичлар олиб ташланган ҳолда аниқланади:

$$X = \Delta - T,$$

бу ерда, X – соғ даромад; Δ – умумий даромад, яъни пул тушуми; T – таннархга тегишли пул даромадлари.

Жарима – қонун ёки шартнома талабларини бузганлик, қонун-коидага хилоф ҳатти-ҳаракат содир эттанлик учун белгиланган тартибида қўлланиладиган моддий таъсир чораси, пул ундириш билан жазолаш; молиявий жазо чорасининг бир

тури, шартномада күзда тутилган шартларга асосан ёки қонунга күра, айбдор деб топилган масъул ёки жисмоний шахсларга нисбатан құлманиладиган жазо чораси.

Жаҳон бозори – халқаро мәхнат тақсимоти орқали бир-бири билан иқтисодий ҳамкорлик қилаёттан мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатлари. Ж.б. XVI асрда шакланиб, XIX аср охири – XX аср бошларида дастлаб капиталистик бозор тарзида юзага келди. Илк даврда унда иқтисодий түзуми капиталистик йұналишда бўлган мамлакатлар ва шунингдек, уларга қарам бўлган мустамлака давлатлар қатнашган. Кейинги 30 йил мобайнида Ж.б.да саноат маҳсулотларига импорт тарифлари ривожланган мамлакатлар миқёсида 40 фоиздан 5 фоизгача насыди. Халқаро савдонинг ривожланишида Жаҳон Савдо Шартномаси (ЖСШ)нинг аҳамияти катта бўлди. Жаҳон иқтисодиётининг тараққиёт суръатлари, жаҳон хўжалик алоқаларининг мураккаблашуви, давлатлараро инвестициялар ва хизматлар савдосининг кенгайиши янги ташкилий тизимга эҳтиёж туғдирди. Натижада, 1995 йилдан бошлаб, Жаҳон Савдо Ташкилоти ЖСШнинг давомчиси ўлароқ, ўз фаолиятини бошлади.

Жаҳон иқтисодиёти назарияси – жаҳон бозорида маҳсулот, валюта, ишчи кучи, бошқарув, маркетинг ва бошқа тизимларнинг ҳаракат жараёнларига хос қонун ва қоидаларнинг назарий асоси. Бу назариялар «Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимоти» (ишлаб чиқувчилар: Э.Хекшер, Б.Олин, П.Самуэлсон); «Маҳсулот ҳаёти цикли» (Г.Хуффбауэр, Р.Вернон); «Монополистик рақобат» (Э.Х.Чэмберлен) каби таълимотлардан иборат.

Жаҳон Савдо Шартномаси – 1947 йили Женева конвенциясида 23 давлат ўртасида тузилган кенг қамровли асосий халқаро битим; бунда савдо на савдо тарифлари бўйича вақтингчалик савдо-сотиқ сиёсатини акс эттирувчи ҳужжат қабул қилинган. Бу ҳужжат Халқаро Савдо Ташкилотининг (ХСТ) Низоми қабул қилингунга қадар амал қиласан ва БМТ ҳужжатининг таркибий қисмини ташкил этган. Ҳозирда Халқаро тариф ва савдо Бош Ассамблеясига 150 дан ортиқ давлат аъзо. Ўзи билан савдо-сотиқ қилаёттан давлатларга қулай шароит яратиб бериш ва тариф ставкалари, бож йигимларини жаҳон андо-заларига мослаштириш мазкур давлатларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Жаҳон Солиқ кодекси — барча давлатларга бирдай солиққа тортиш тартиблари ва солиқ түрлари белгиланған ҳужжат. 1993 йили Ҳарварда университеттінің олимлари томонидан түзилген бу солиқ кодекси 590 мөддадан иборат. Мазкур ҳужжатда әнг замонавий түшүнчалар, асосан, текшириб күрілған солиқ ва солиққа тортиш услублари ифодаланған. ЖСКда ҳар бир давлаттінг солиқ тизимини ташкил қылған йұллари ҳамда са-марали солиқ тизимини түзишга оид тавсиялар берилған. Со-лиққа тортиштің тәкомиллашиб бораёттан усуулари белгила-ниб, ҳар бир давлат халқаро бизнесні ривожланғириш үчүн үз солиқ тизимини умумжаҳон солиқ тизими билан уйгунлап-тиришпеги хизмат қылувчи йүсиналар күрсатылған.

Жаҳон хұжалиғи — қадымдан шакланған, XVI асрдағы буюк географик қашфиётлар туфайли ривож топған, иккінчи Жа-ҳон урушидан кейин, айниқса, авж олған халқаро иқтисодий мұносабатлар мажмуй. Байналмилаллік хос бўлған бу хўжалик-нинг моддий асосини халқаро меҳнат тақсимоти ташкил этади.

Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) — Тарифлар ва савдо бўйи-ча Бош Битим (ГАТТ) ташкилоти асосида 1965 йил 1 январда барто этилган халқаро ташкилот. Бош қароргохи Швейцария-нинг Женева шаҳрида жойлашған. Ҳозирги пайтда жаҳон савдосининг деярли 95 фоизини назорат қиласы. Ташкилотта 142 давлат расман аъзо бўлиб, яна 30 дан ортиқ давлат қато-рида Ўзбекистон Республикаси ҳам итогна жаҳон савдо ин-теграциясига бирланиш йўлида музокаралар олиб бормоқда. 1994 йил июнда Ўзбекистон ЖСТда кузатувилик мақомига эга бўлған ва унга аъзо бўлиб кириш учун ўзининг ташки тақими иқтисодий фаолияти тўғрисидаги меморандумини тақдим этган. ЖСТга аъзо ҳар қайси давлат миляй бозорида бошқа аъзо давлатлар молларига ўз товарлари савдоси учун ярати-ған қулагайликлардан кам шароит яратмасликлари керак. Бу тамойил «Энг қулагай савдо режими» номи билан маълум. Шу билан бирга, ҳеч қайси давлат ташкилот доирасидаги бошқа бир давлаттінг ички бозорида алоҳида имтиёзлардан фой-даланмайди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши туфайли экспортчилар, импортчилар ва истеъмолчилар ҳам катта фойда оладилар. Чунки импорттінг самарааси ортиб, Ўзбекистон эк-спортчилари учун ҳам жаҳон бозоридаги тазийклар камаяди. Импорт товарларнинг ҳамда экспорт товарларнинг пархи оци-ши тұхтаб, истеъмолчилар учун барқарор қулагайликлар яра-тилади. Бундай имтиёзларга әршииш учун ҳар қайси давлат ташки иқтисодий фаолиятига тааллуқлы мөъерий ҳужжатларни

ишилаб чиқыші ва қабул қилишда ЖСТ тамойиллари ҳамда та-
лабларини ҳисобға олиши зарур.

Жисмоний шахслар—фуқаролик ҳуқук ва мажбуриятлари-
нинг эгаси, ташуучиси, жумладан, солиқ түловчи бўлган ин-
сонлар, мазкур мамлакат фуқаролари, бошқа давлатларнинг
фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

**Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел
ёнилгиси ва суюлтирилган газ ишлаттанилиги учун олинадиган солиқ** —
жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига солинадиган
мол-мулк солиги ўрнига 2002 йил бошидан ЎзРда амалга ки-
ритилган тўғри солиқ тури. Бензин, дизел ёнилгиси ва суюлтирилган
газ ишлаттанилик учун жисмоний шахсларга сотувчи (мулкчилик
шакидан қатъи назар) хўжалик юритувчи субъектлар транс-
порт воситаларига бензин, дизел ёнилгиси ва суюлтирилган
газ ишлаттанилик учун жисмоний шахслардан олинадиган со-
лиқнинг солиқ тўловчилари, яъни ундириб берувчилари ҳисоб-
ланади. Шу билан бир қаторда, жойлашган манзилидан катъи
назар, автомобилларга ёнилиғи қўйиш шохобчаларига эга бўлган
хўжалик юритувчи субъектлар тўлиқ солиқ тўловчи санала-
ди. Улар ўзлари ишилаб чиқарган ёки четдан харид қилиб ол-
ган бензин, дизел ёнилгиси ва суюлтирилган газнинг жисмо-
ний шахсларга сотилган натурал ҳажми солиқ солиш объекти
ҳисобланади. Бензин, дизел ёнилгиси ва суюлтирилган газни
сотиш деб, уларнинг жисмоний шахсларга ҳақиқатдан бери-
лиши тушунилади. Солиқ ставкаси Вазирлар Маҳкамаси то-
монидан ЎзРнинг бутун ҳудудида бир хил белгиланади. Со-
лиқ суммаси чакана нархга қўшилиб, жисмоний шахс-харидорга
берилаётган чекда алоҳида кўрсатилади. Солиқ миқдо-
ри жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизел ёнилгиси
ва суюлтирилган газ учун олинадиган тўловлар билан бир вақт-
да ушлаб қолинади. Солиқ суммаси қўйидаги формулага асо-
сан ҳисобланади:

$$N = V \cdot S_i,$$

бу ерда, N — ҳисобланган солиқ; V — жисмоний шахсларга
сотилган бензин, дизел ёнилгиси ва суюлтирилган газнинг
натурал ҳажми; S_i — солиқ ставкаси.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушлаб қолинган солиқ суммаси
хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум саналмайди ва
бошқа солиқлар, йигимлар ҳамда мажбурий тўловлар учун
солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан жисмоний шахслардан транспорт воситаларига ишлатилган ҳар бир литр бензин, дизел ёнигиси учун 30 сўм ва 1 кг суютирилган газ учун 30 сўм миқдорида солиқ белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг йиллик даромади — жисмоний шахсларнинг маълум вақт ичидаги ўз фаолиятидан олган даромад (фойда)лари, олини лозим бўлган ёки холис олган пул ёхуд бошқа маблаглари, шу жумладан, меҳнат ҳақи шаклида олинган даромадлари; мулкий даромадлари; тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлари.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари — фоизлар, дивидендлар тарзида олинган ҳамда мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлари.

Жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги — тўғри солиқ тури бўлиб, фуқаролар (жисмоний шахслар) мулки бўлган иморатлар, иншоотлар, бионоларни хатлаши — инвентаризация баҳосига қараб олинади.

Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ — жисмоний шахсларнинг жами йиллик мулкий, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадларидан олинадиган солиқлар. Жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича бажарган ишлари учун ва фуқаролик-хукуқий шартномалар бўйича оладиган даромадларига қўйидагилар ҳам киради: ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) билан бундай товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш нархи ёки уларнинг талнархи ўртасидаги манфий фарқ; иш берувчи томонидан ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ходимлар чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар; ходим иш берувчига тўлаши керак бўлган, аммо иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз миқдори; иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соглигини ихтиёрий сутурталаш бадалларини тўлаш учун қилинган харажатлар; иш берувчиларнинг жисмоний шахсдан ушлаб қолиши керак бўлган тўловлар юзасида тўлаган пул миқдори; иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билавосита даромадларини ташкил этувчи бошқа харажатлари; жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромад, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар. ЎзРда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган жисмоний шахслар ва улардан олинган солиқлар таркиби қўйидаги жадвалда берилган:

**Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинган солиқлар
(фоиз ҳисобида)**

T/p	Манбаларнинг номларини	1991	1995	2000	2002
	ДСҚ буйича бюджетта тулоктарнинг жами тушуми	100,00	100,00	100,00	100,00
1	Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиги	40,19	28,99	16,37	12,46
2	Жисмоний шахсларнинг даромад солиги	6,71	10,22	14,50	14,86
3	Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари учун солиқ	0,07	0,33	2,27	2,76
4	Кичик корхоналардан олган иштан ягона солиқ	0,00	0,00	2,35	1,96
5	Күшилган қыймат солиги	41,57	20,24	23,67	23,78
6	Акдиз солиги, жами	0,00	27,56	22,65	24,47
7	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиги	2,44	2,98	3,15	2,95
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиги	0,40	0,20	0,72	0,65
9	Ер солиги	0,16	2,64	4,01	4,59
10	Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ	0,73	0,29	1,45	1,26
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2,19	0,32	0,58	0,62
12	Экология солиги	0,93	0,00	2,49	2,65
13	Ижтимоий инфраструктуранни тиражлаштириш учун солиқ	0,00	0,00	1,37	1,24
14	Давлат бози	0,97	0,75	0,70	0,69
15	Жарималар	0,32	0,17	0,24	0,27
16	ДАН йигитлари	0,87	0,09	0,17	0,26
17	Бошқа тушумдор	2,44	5,25	3,31	4,52

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар — даромад солиги, фуқаролар мулкидан олинадиган солиқлар (мол-мұлк солиги, үй-жой солиги, мерос тариқасыда үтадиган мулкдан олинадиган солиқ), табиғаттың шахслардан олинадиган қайда этип үйгіми, башқа солиқ, үйгім ва тұловлар.

Жорий ҳисоб варғы — пул маблағларини сақлагы ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалға ошириш үчүн кредит мұасасасыда хұжалик субъекти, мансабдор шахс ёки фуқаро номига расмийлаштириладиган мәхсус ҳисоб ҳужжати.

Жузъя (араб. жон солиги) -- Араб халифалиги давридан болып, мусулмон мамлакатларыда (жумладан, Марказий Осиёда) мусулмон бұлмаган ақолидан (асосан, әрқаклардан) давлатнинг күрсаттан ҳомийлиги үчүн үндірилген солиқ. Рұханийлар, аёллар, кексалар, гадолар ва құллар бу солиқдан озод этилған. Солиқлар пул ва натура шаклида үйғылған. XVII аср охирида Ұсмонли турк салтанатыда, сүнгра бошқа мамлакаттарда бекор қилинди.

3

Закот — ислом дини ёйилған давлатларда әнг муҳим солиқ тури, мусулмончиликнинг беіш устуны, арконидан бири ҳисобланади. Моли ҳисобта еттан, яғни хайр-әхсан қилишта қурбиятада даражадаги мусулмон бандасы бевосита зарурий фойдаланишдан бүш турған мол-мұлки қийматининг кирқдан бир қисми ёки 2,5 фоизи микдорида қамбағалларга, бева-бечораларга ижтиёрий равищда, самимият, хушнуддик ва олган одамға миннатдорчилік түйгуси билан З. беріші фарзదир.

Зарар (фуқаролик ҳуқуқыда) — қарздор томонидан ҳуқуқнинг бузилиши, қарз берувчи үчүн вужудға келген фойдасыз мұлкий оқибаттар: мұлкнинг камайиши ёки ҳуқуқ бузилмаганида олиниши мұқаррар бўлған даромаднинг олишмай қолипи (бой берилған фойда); бир шахснинг қонунға ёки шартлашувга хилоф ҳарарати сабабли иккинчи бир шахсга етказилгап пул ҳисобидаги зиён. З. деганда: 1) кредиторнинг сарф-харажати; 2) унинг мол-мұлки йўқолиши ёки унга шикаст етказилиши; 3) қарздор ўз мажбуриятини келишилған даражада бажартында олиниши мумкин бўлған даромад (олинмаган фойда) тушунилади. Умумий қоидага кўра, қарздор кредиторга етказилған З.ни тўлиқ қоплаши керак. Моддий, мұлкий З.дан ташқари, маънавий З. ҳам эътироф этилади.

И

Ибн Халдун — солик назариясининг асосчиларидан бўлган араб олими Ибн Халдун Абду Раҳмон Зайд (1332–1406 йилларда яшаган) ёзган «Ибратли мисоллар» китобида (1370) иқтисодий ғоялари жамланган. Унинг фикрича, жамият моддий қийматлар ишлаб чиқарувчилар жамоасидан иборат. Асарда, шунингдек, моддий зарурат тарихни ҳаракатлантирувчи асосий куч эканлиги тўғрисидаги на меҳнат унумдорлиги, зарурий ва қўшимча меҳнат, қиймат ҳақидаги тушунчалар келтирилган. Тарихий маълумотларга қараганда, И.Х. 1401 йилда Амир Темур билан мулоқотда бўлган.

Ижара {қаранг: Аренда} — даромад олиш мақсадида маълум муддатга ер, мулк ва бошқа молдий қийматларни фойдаланишга берини ҳамда ижара ҳақини олиш.

Ижтимоий муҳофаза — қонуnlар билан мустаҳкамланган ва жамиятнинг ҳар бир аъзосига муносиб ҳаёт даражасини таъминлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий кафолатлар мажмуаси. ЎзРда иқтисодий ислоҳотлар ахолининг ижтимоий муҳофазасига устувор аҳамият берган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш дастури асосида амалга оширилмоқда.

Ижтимоий солиқлар — иш берувчилар, ходимлар ва тадбиркорлар томонидан ижтимоий фонdlарга тўланадиган мақсадли тўловлар мажмуи. Бу тўловлар солиққа тенглаштирилган бўлиб, солик инспекциялари томонидан назорат қилинади.

Иккиёқлама солиққа тортиш — тадбиркорларнинг бошқа мамлакатлардаги фаолияти бўйича олган даромадларининг ҳар бир давлат қонун-қоидаларига биноан алоҳида солиққа тортилиши. Давлатлараро шартнома тузиш йўли билан И.с.т. камайтирилади ёки умуман бекор қилинади. Мазкур солиққа тортиши турининг асосий йўналишлари, таркиби ва улардан озод этиш йўллари маҳсус шартнома асосида давлат вакиллари ва эксперtlари томонидан келипшилиб, шартномада белгилаб қўйилади. Қўшма корхоналар фаолияти айrim давлатларда ҳар иккала давлат солик қонунларига кўра, солиққа тортилади. Бу уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. 1979 йилда БМТ иккиёқлама солиққа тортишни бекор қилиш ҳақида Конвенция қабул қилган. Шунга биноан, резидентнинг бошқа давлатдан олган даромади солиққа тортишини унинг давлати томонидан инобатта олинади.

Икки тоифали божхона тарифи — божларнинг икки қатор (энг юқори ва энг паст) ставкаларини қамраб олувчи мураккаб тарифлар; уларнинг ҳар бири муайян мамлакатларнинг төварларига нисбатан (шу мамлакатлар билан ташқи савдо ва сиёсий муносабатларга боғлиқ равинида) кўлланилади.

Икки марта солиққа тортиш — 1) турли солиқларнинг даромад (капитал)нинг ягона манбаидан ундирилиши; 2) қўшма корхона хорижий иштирокчиси хорижга ўтказаётган фойда-сининг солиққа тортилиши ва айни шу фойданинг хорижий иштирокчи мамлакатида солиққа тортилиши; 3) соф фойда (даромад ёки корпорациялар фойдаси) ва ундан тўланадиган диниденდларнинг шахсий даромадга айланиш пайтида солиққа тортилиши. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни мазкур мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбайни иккинчи мамлакатда солиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан қутулиш мумкин. 1979 йилда БМТ манфаатдор давлатлар ўртасидаги муносабатларда икки марта солиққа тортишга барҳам бериш ҳақида маҳсус Конвенция ишлаб чиқсан бўлиб, унга асосан, икки томонлама битимлар имзоланади. Шунга биноан ўрнатилган солиққа тортиш тартибига қўра, қўшма корхонанинг хорижий иштирокчиси ўз фойдасини хорижга ўтказаётган пайтда кўшимча солиқдан озод қилиниади.

Имтиёз (хуқуқда) — жисмоний ёки юридик шахсга бирон-бир устуналик бериш, белгиланган тартиб, қоида, шартнома ёки қонун меъёрларида кўзда тутилган молиявий (ёки бошқа) мажбуриятларни бажаришдан бутунлай, қисман ёки маълум муддатга озод қилиш ёхуд уларнинг шартларини енгиллатиш, мас., солиқ тўлашдаги имтиёз.

Импорт битими — ўзаро товар алмашув борасида айрим давлатлар ўртасида тузилган битим; товарлар (хизматлар) сотиб олинганда давлатлар ўртасида хўжалик юритувчи субъектлар бож тўловларининг миқдори камаяди.

Импорт божи — давлат четараси орқали олиб кирилаётган товар ва хизмат баҳосидан олинидиган тўлов. И.б. божхона тарифларига мувофиқ белгиланади. Савдо-иктисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган И.б. ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун хужжатларида қайд этилади. Бундай қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қай-

си мамлакатда ишлаб чиқарылғанлыгы аниқланмаган товарлар учун ундириладиган И.б.нинг ставкалари икки баравар оширилади.

Импорт қилингандай товар ва хизматларни солиқша тортиш — хўжалик юритувчи субъектлар импорт қилган товарлар ва хизматлар қийматидан ҚҚС олинади. Юридик шахсларнинг импорт товарлари ва хизматларига ҚҚС қуидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$K = [(B + V + A) \cdot H] : 100.$$

Сўм ҳисобида:

К — қўшилган қиймат солиги;

Б — товар ва хизматларнинг божхона қиймати;

В — божхона божи;

А — акциз солигининг қиймати;

Н — қўшилган қиймат солиги ставкаси, фоиз.

«Солиқ кодекси»га асосан, айрим юридик шахслар ЎзРда импорт қилингандай товар ва хизматлардан олинадиган қўшилган қиймат солигидан озод этилган. Жисмоний шахсларнинг импорт қилган товар ва хизматларидан қўшимча ҚҚСни ҳисоблашда божхона қиймати (тегишли ҳужжат бўлмаганлиги сабабли) ҳар хил (5 та) услубдан фойдаланиб, қуидаги формула (4-услуб) ёрдамида аниқланади:

$$B = C - (V + A + \Phi + K + T) = C : \Pi.$$

Б — божхона қиймати;

С — товар ва хизматнинг ўртача бозор баҳоси;

В — божхона божи;

А — акциз солиги;

Φ — жисмоний шахслардан олинадиган йигимлар;

К — қўшилган қиймат солиги ва нормадаги фойда;

Т — транспорт харажатлари;

П — харажатлар коэффициенти.

Мисол: Чарм куртқанинг бозор баҳоси 35.000 сўм бўлса, божхона божи 30 фоиз ($K = 0,3$), акциз солиги — 25 фоиз ($K = 0,25$), жисмоний шахслардан йигим — 50 фоиз ($K = 0,5$), ҚҚС ва меъёрий фойда — 20 фоиз (0,2), транспорт харажати — 5 фоиз. Умумий харажат коэффициенти бу услубда 3,4 га тенг ва шунга биноан божхона қиймати 10294,1 сўмни ташкил қиласи.

$$B = 35000 : 3,4 = 10294,1 \text{ сўм.}$$

Бу мисолда жисмоний шахслар импорт қилган товар ва хизматлардан олинадиган КҚС миқдори қўйидагича аниқланади:

$$K = [(B + V + A) \cdot H] : 100 = [(10,2 + 10,5 + 8,75) \cdot 20] : 100 = 5890 \text{ сўм.}$$


ЎзРДа импорт ва экспорт божининг ставкалари Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда жорий этилади.

Импорт товарларига солинадиган солиқлар – КҚС, бож қиймати, акциз солиги, божхона божлари импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар учун солинадиган солиқларга киради (қаранг: «Солик кодекси», 70-модда).

Инвестиция ва солик тушуми – ҳар қандай давлат иқтисодиётни ривожлантириши ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида турли сармояларни жалб қиласи ва маҳсулотлар ҳажми ўсишини таъминлайди.

Бу эса, ўз навбатида, чизмада кўрсатилганидек, давлат бюджетига С.т.ни таъминлайди (С). Чунки И. ҳажми талабга нисбатан T_2 нуқтага етказилмаса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам, солик тушуми ҳам барқарор ўсмайди. С.т. T_1 нуқтадан бошлаб ўса бошлайди ва T_2 нуқтагача мутаносиб равишда юксалишда давом этиб, кейин Н камайса ҳам С.т. маҳсулот кўнгайиши ҳисобига ошиб боради.

Олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида бу боғлиқликниң қўйидагича ўзгаришлари аниқланган:



Иқтисодий соҳага йўналтирилган инвестициянинг солик тушуми ўсишига таъсири.

С.т.нинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида инвестициянинг T_0 дан T_1 гача бўлган «лаг» омилини ҳисобга олиш зарур (чизмага қаранг). Демак, маълум вақт (T_1) ўтиши билан инвестиция қиймати камайса ҳам, маҳсулот ҳажмининг ўсиши ҳисобига солиқ тушуми кўпайиб боради.

Инсоний тараққиёт концепцияси — БМТ томонидан 90-йилларда илгари сурилган бу гояда тараққиёт натижаларининг инсон билан ҳамоҳанг бўлиши кўзда тутилади. Моддий бойлик (ялпи миллий маҳсулот) соглом ҳаёт, саводхонлик, демократик тартиб-қоидалар билан бирга биринчи ўринга қўйилади (айрим давлатлар камбагал бўлишига қарамай, бу соҳада юқори натижаларга эришмокда). Давлат миқёсида инсоний ривожланиш «ижтимоий ривожланиш индекси» билан ўлчанди. Бу кўрсаткич ҳар бир давлат миқёсида маҳсус услуглар ёрдамида аниқланади.

Интеллектуал мулк — ижодий фаолият маҳсули: адабий, бадний, илмий асарлар, санъаткорларнинг ижрочилик маҳорати, ёзилган овозлар, радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатувлари, ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқалар. Ижодий фаолият маҳсули бўлган бу мулк яратувчисининг шахсий хукуқларини (муаллифлик хукуқини) ўз ичитга олади.

Инфляция солиги — инфляция даврида товар ва хизматлар нархининг ёки даромадларнинг ҳаддан ташқари ўсили сабабли тадбиркорлардан ундириладиган солиқ тури. Ўзбекистонда бу солиқ тури жорий этилмаган. Ривожланган давлатларда инфляция сабабчиси бўлган тармоқлардан маълум ставкаларда инфляция қийматидан солиқ олинади. Ривожланган давлатларда бу солиқ инфляциянинг олдини олишда иқтисодий механизм бўлиб хизмат қилади.

Инфратузилмани ривожлантириш солиги — ЎзР ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахслар И.р.с.ни тўловчилар ҳисобланади. Бу солиқ тури ЎзРда 2002 йилдан амал қила боплади.

Испания солиқ тизими — мамлакатнинг замонавий солиқ тизими 1977 ва 1984—1985 йилларда солиқ ислоҳотлари ўғказилиши натижасида шакланган. Солиқ тўловчилар учун солиқ тўлаш жараёнини соддалаштириш, юридик ва жисмоний

‘Лаг’ — ҳар қандай инвестициянинг маҳсулот чиқара бошлагунига қадар бўлган давр.

шахсларга идентификация рақамини бериш ва солиқ тұловчиларни рүйхатта олишни яхшилаш, солиқ тұловлари назоратини күчайтириш мақсадыда банк мұассасалари билан ҳамкорлик үрнатып, махсус солиқ бошқармаларини талпикаштырып, бу ислоҳотлар мақсадини ташкил қылди. Ислоҳотлар давомида солиқ ёрлықлари жорий этилиб, уларда солиқ тұловчи ҳақида маълумот, идентификация рақами, солиқ тұловларининг турлари қайд этиб қойылди. Бу ёрлықтар юридик шахсларга рүйхатдан үтиш пайтида берилса, жисмоний шахсларнинг тураржойига юборилади. Үнга солиқ декларациясы ҳам қўшиб берилади. Бу усульнинг қўлланилиши хатолар камайишинга ва ҳужжатларнинг бир-бирини тақрорламаслигига олиб келди. Бундан ташқари, ҳар қайси солиқ тұловчига солиқ вектори, яъни йил мобайнида тұланиши мажбурий бўлган солиқлар хусусида эслатма тонширилади. Солиқ агентлигининг асосий вазифаси давлат, жамоа бўлинмалари, субъектлари, Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг қонунлари ва шартномалари билан келишилган ҳолда давлат солиқ тизимини кенгайтириш, бож тұловлари йигимини таъминлашдан иборат. Испания солиқ тизими уч даражадан иборат: давлат, вилоят ва маҳаллий (муниципал). Давлат бюджети бир неча манбадан шаклланади. Тўғри солиқлар давлат хазинаси тупумларининг 47,2 фоизини, шу жумладан, даромад солиғи 38 фоизни, компаниялардан олинадиган солиқ 8 фоизини эгри солиқлар ташкил қылади. Улар жумласига – КҚС (25 фоиз), махсус спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларига акциз, айрим транспорт воситаларига солиқлар, бож тұловлари киратиди. Мамлакатда қуйидағилар солиқ ундириш базасини ташкил қылади: ойлик маош, нафақалар, ишсизлик нафақаси, табиий даромадлар; сармоя даромади, касбий ва тадбиркорлик фаолиятидан даромад, мулкнинг кўпайиши. Испания Европа Иқтисодий Ҳамкорлигига аъзо бўлгач, бу базага КҚС ҳам киритилиб, қонуний жиҳатдан расмийлаштирилди. Ички айланмалар КҚСга тортилади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг касбий ва тадбиркорлик фаолияти солиқ ундириш обьекти бўлиб хизмат қылади. Кўчмас мулқдан олинадиган солиқ (ер майдонлари ва маҳаллий ҳокимият чегарасидаги қурилишлар) маҳаллий бюджеттага тушиди. Ида мулкни қайта рүйхатта олиш, баҳолап ва қайта баҳолап бўйича давлат тузилмаси хисобланади.

ган кадастр бошқаруви амал қиласи. Солиқ ставкаларини маҳаллий ҳокимият тартибга солади. Мамлакатда 17 ҳудудий тузилма ва икки маҳсус унвонли туман бўлиб, солиқ ҳуқуқини қўллацда улар уч гурӯхга бўлинади.

Иш ҳақи фондидан олинадиган тўловлар — бюджетдан ташқари пенсия ва бандлик фондларига бериладиган мажбурий тўловлар иш ҳақи фондига нисбатан олинади. Ривожланган давлатларнинг солиқ амалиётида фуқаролардан ундириладиган тўловнинг мазкур тури иш ҳақи солиги дейилади.

Иқтисодий интеграция — давлатлараро сиёсий, иқтисодий ва молиявий шартномалар асосида ҳамкорлик лойиҳаларининг амалга оширилиши. Икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳамкорлигига асосан эркин иқтисодий ҳудудлар тузиш, давлатлараро битим, бозор ва савдо-сотик битими, давлатларда ҳарбий қўшиллар сақлашта доир битим каби йўналишларда бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида эркин иқтисодий ҳудудлар тузиш жараёни тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Иқтисодий ўсиш — давлат миқёсида иқтисодий ўсишнинг пировард кўрсаткичи, ялпи миллий даромаднинг йиллик ўсиши. Солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш И.ў.нинг асосий омилларидан ҳисобланади. АҚШ, Англия, Япония, Германия, Канада, Австралия сингари ривожланган давлатларда бу кўрсаткич юқори фойзни ташкил қиласи. Жанубий Корея, Малайзия, Франция, Италия И.ў. ўртача бўлган давлатлар жумласига киради. Мамлакат миқёсида иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш мақсадида давлатлар қўйидаги усуллардан фойдаланадилар: қўшимча пул чиқарип (пул эмиссияси); солиқ солиши; товар ва хизматларни харид қилиш; трансферт тўловлари; субсидиялар (дотациялар, кредит); ишонтиришлар тизими; давлат тадбиркорлиги ва х.к.

Иқтисодиётни эркинлаштириш — бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиш давридаги ислоҳий ўзгаришларда намоён бўладиган хусусиятлар. ЎзРда қўйидагилар шундай хусусиятлар бўлиши эътироф этилган: хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига халақит бермаслик учун давлат назоратини камайтириб, иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш; бозор иқтисодий муносабатларига хос маркетинг, лизинг, сутурта, консалтинг каби бизнес хизматларини кенгайтириш орқали давлатнинг бошқа-

рув функцияларини қисқартириш; тадбиркорликни ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш; банк ислохотларини амалга ошириш асосида банк – ҳамкорлик тизимини барпо қилиш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар беришни ҳамда улардан самарали фойдаланишни ўзаро манфаатдорлик асосида йўлга қўйилга эришиш; хўжалик юритишни эркинлаштиришнинг иқтисодий самараси хусусийлаштириш жараёшининг жадаллашуви асосида мулқорлар синфининг шакланишида, мулқорнинг ўз мулкига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотига, топган даромадига эталик ҳисси қарор топишида ифодаланади.

Й

Йигимлар — хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслардан қонуи асосида маълум мақсадлар учун олинадиган маблағ. Масалан, ўлчов асбобларини текшириш ва тамғалаш йигими, бозорларда нағта пули ва бошқалар. Ҳозир ЎзРДа қўйидаги асосий йигим турлари қўлланилади:

Йигим турлари	Ставкаларни белгилаш
Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йигим	Энг кам иш ҳақига қараб
Товарларнинг алоҳида турлари, шу жумладан, алкотолли ичимликлар билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун лицензия йигими	Энг кам иш ҳақига қараб
Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шутулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олисанлиги учун йигим	Энг кам иш ҳақига қараб
Автотранспорт тұхташ жойидан фойдаланганлиги учун йигим	Энг кам иш ҳақига қараб
Божхона йигимлари	Чет өлдан олиб келинган товарнинг божхона қийматига қараб

Йўл божи — ички божларнинг бир тури; қуруқлиқдаги ва сув йўлларидан, кўприклардан ўтиш ёки юкларни олиб ўтиш учун олинадиган тўлов.

Канада солиқ тизими — ҳозирги шароитда федерал (давлат даромадларининг 48 фоизи), провинциал (давлат даромадларининг 42 фоизи), маҳаллий (давлат даромадларининг 10 фоизи) бўлимларидан иборат. Федерал бюджетнинг асосий қисмими аҳолидан йигиладиган даромад солиги ташкил этади ва унинг улуши доим ўсиб келмоқда. Корпорацияларга товар ва хизматларга солиқлар, акцизлар, бож тўловлари, ижтимоий сугурта жамғармаларига солинадиган солиқлар катта миқдорни ташкил этади. Провинциялар даромад солиги аҳоли даромадидан, савдодан, сугурта фондлари, совгалардан, корпорациялар даромадидан солиқлар, акцизлар, рента тўловлари, ҳар хил лицензия ва рўйхатга олиш учун йигимлардан иборат. Асосий тушумларни аҳоли даромадидан олинадиган ва билвосита солиқлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар асосан, кўчмас мулк солиги ва тадбиркорликка тўланадиган солиқ тушумлари ҳисобига шакланади. Солиқ сиёсати ҳужжатлари Молия вазирлигининг бюджет сиёсатига асосан унинг иқтисадий таҳдил бўлимида ишлаб чиқлади. Барча муаммо ва саволларни ҳал этиш солиқ суди зиммасида. Илмий изланишлар учун минтақавий имтиёзлар сақланган. Инвестиция кредитлари Атлантик ҳудудларда 15 фоизни, маҳсус ҳудудларда эса 10 фоизни ташкил этади. Кредитлар учун, илмий изланишлар бўйича капитал қўйилмалар 30 фоизни, қайта ишлаш компаниялари учун 4,5 фоизни ташкил этади. Уларнинг мақсади фермерларнинг фарзандларини қишлоқ ҳўжалиги соҳасига жалб этишдан иборат. Мамлакатда кичик бизнесни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилади. Солиқ ислоҳоти ўтказилганидан кейин кичик бизнес компанияларига 12 фоиз солиқ ставкаси белгиланган. Солиқ тизимида бевосита солиқлар устунлик қилиб, уларнинг асосий қисми аҳоли даромадидан олинадиган солиққа тўгри келади. Мамлакатда солиқ сиёсати савдодан олинадиган солиқлар фақат истеъмолга қартилаганилиги ҳамда ишлаб чиқаришни солиқдан озод қилиб, унинг ривожланишига қўмаклашиш анча кенг йўлга қўйилганилиги билан фарқланади. 10 провинциянинг 9 тасида савдодан олинадиган федерал солиқ чакана савдо солиқлари билан қўшиб ундирилади. Йигимлар озиқ-овқат, кийим-кечак ва ёнилғидан ташқари, чакана савдодаги кўпчилик товарлар-

дан олинади. Солиқлар ставкаси провинцияларнинг фискал талабларига мувофик ўзгариб туради. Канада марказлаптирилган мамлакат эмас. Федерал ҳукумат кучли бўлса-да, провинцияларнинг мавқеи юқори, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий сугурта соҳаларида. Федерал ҳукумат соликка тортиши манбаларини, бу соҳадаги имтиёзлар, энг юқори солик ставкалари ва даромад даражасини аниқлаб беради.

Карго (исп. *cargo*—юк, юк ортиш) — ташки савдо амалиётларида — кемага ортилган (аниқ кўрсатилмаган) юк; карго режа — юкли кемада жойлаттириш режаси; кемаларда ташилаётган юкларни сугурталаш, денизда юк ташини бўйича тегилиши ҳужжатлантиришларда бир хил маънода қўлланилади.

Касса дафтари — касса машинасида қайд этилган кунлик нақд пул тушумларини назорат қилиб борини мақсадида юритиладиган расмий ҳужжат. Нақд пул муомаласи билан шугулланувчи ҳўжалик субъекти назорат касса машинасини солик органларида рўйхатдан ўтказиши жараёнида касса дафтари ҳам расмийлаптирилади—дафттар ва рақалари рақамланади, бочичланади, солик идорасининг мансабдор шахси томонидан имзоланиб, муҳрланади ва тартиб рақами берилади.

Касса дафтарини юритиш мажбурий бўлиб, назорат касса машинасида қайд этилган ҳар кунги нақд пул тушумининг жамланган миқдори касса дафтарига ёзиб борилади. Касса дафтарининг тартиб рақами давлат солик органида рўйхатга олинган назорат касса машинасининг рўйхат рақами билан бир хил бўлади. Нақд пул тушумлари, назорат касса машинаси кўрсаткичларининг ҳаракати касса дафтарида қуйидаги тартибда қайд этилади:

Кун бошида-ги тушум	Кун охирида-ги тушум	Ортиб борувчи "Z" кўрсаткич ҳисоботи	Инкасса-ция қиймати	Колдик қиймат	Қайтариб берилган пул қиймати
5	6	7	8	9	10
00	1000	1000	500	500	—
1000	5000	4000	3000	2500	—
4000	9000	5000	10000	1000	500
5000	11000	10000	10000	2000	—

Касса интизоми — хўжалик юритувчи субъектлардаги касса операцияларини юритиш тартибига риоя қилиниши. Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг аниқлашларига қарангда, К.и.ни бузиш ҳоллари кўпроқ қуйидаги кўринишларда учраб туради: касса тушумини белгиланган меъёрлардан ортиқ сарфлаш, тушумни кредит муассасасига ўз вақтида топширмаслик, кассада нақд пуллар қолдиги лимитининг олиб кетиши, кредит муассасасидан олинган нақд пулларнинг бошқа мақсадларда сарфланиши, иш ҳақи, нафақа, стипендиялар, пенсия ва мукофотларни тўлаш учун олинган, лекин вақтида фойдаланилмаган пул маблағларини банк муассасасига белгиланган муддатда қайтармаслик, нақд пул билан ҳисоб-китблар тўғрисидаги қоидаларга хилоф иш тутиш ва бошқалар.

Квота (лат. *quota* — бирор нарсанинг ҳар кимга тўғри келадиган қисми) — улуши, қисм, пай, норма; солиқ квотаси солиқ солинадиган муайян бирлиқдан олинадиган солиқ миқдори; картель битимида унинг ҳар бир иштирокчиси учун ишлаб чиқаришда ёки маҳсулотни оширишда белгиланган норма, ҳисса, улуш (мас., импорт ёки экспорт), маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт ва импорт ҳамда транзит қилишда миллий, ҳалқаро картель ёки ўзга келишувларга мансуб компаниялар учун белгиланадиган қатнашчининг улуси (ўртадаги фойда ҳам ишу ҳиссага мувофиқ тақсимланади); белгиланган вақт давомида алоҳида товарлар, хизматлар, бирор давлат ёки мамлакатлар гурухига қилинадиган импорт ёки экспорт ҳажмининг қиймат ва сон жихатдан чекланиши.

Кейнс — солиқ сиёсати ва назарияси асосчиларидан, кейнсчилик оқимини бошлаб берган инглиз иқтисодчиси. Жон Мейнард Кейнс 1883—1946 йилларда яшаган. 1929—1933 йилларда буюк инқирозни таҳдил этиб, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида давлатнинг капиталистик иқтисодиётини бошқаришта асосланган назариясини яратди. Бирмунча муддат Буюк Британия молия вазири бўлиб ишлаган. Турли йўналишларда илмий изланишлар олиб борган. Асаларида миллый даромад, капитал маблағ, иш билан бандлик, истеъмол, жамғариш ва бошқа иқтисодий қийматлар таҳлилига алоҳида эътибор берилади. «Бошқариладиган капитализм» тарафдори. А.Маршаллнинг дўсти, марксизмнинг ашаддий муҳолифи, «аралаш иқтисодиёт»нинг

отаси сифатида эътироф этилган. «Иқтисодий журнал»нинг муҳаррири бўлган. Асосий асари — «Иш билан баңдлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936) ҳисобланади. Мультиплектор формуласини таклиф этган, инвестицияларнинг ўсиши билан баңдлик ва даромадлар ўсиши ўргасидаги нисбатни кашф қилган.

Кейнсчилик — иқтисодчи Ж.М.Кейнс фикрларини илгари сурувчи йўналиш. Уч оқимни ўз ичига олади: 1) ўнг оқим — ўта реакцион табиатли, қуролланиш тарафдори, тартибга солиш таклифларини илгари суради. Бу оқим Германия ва Италияда кенг тарқалган. 2) либерал оқим — монополия манфатларини ҳимоя қиласди, касаба уюшмаларига кенг ўрин беради ва қуролланишни инкор этади. Унинг асосий вакили Женни Робинсон хоним. Шу оқим негизида Францияда «дирижизм» (дирижер сўзидан) назарияси вужудга келган. 3) Ж.М.Кейнснинг қоидалари тўлиқ қабул қилиниб, А.Хансен томонидан тургунлик — стагнација назарияси билан тўлдирилган оқим.

Кенэ Франсуа — солиқ назариясига тамал тошини қўйганлардан, Франциядаги физиократик оқим асосчиси (1694—1774 йилларда яшаган). Табиий тартиб концепцияси, соф маҳсулот, унумли меҳнат тўғрисида таълимот яратган. Ўзи тушиб чиққан «Иқтисодий жадвал»ида такрор ишлаб чиқаришни ҳамда жамият синфларини таҳдил этган, доимий ва айланма капиталга изоҳ берган. Алмашув эквивалентлиги таълимотини илгари суриб, бунда бойлик яратилмаслигини исботлаб берган. Бойлик яратишда табиатнинг ўрнини тан олади.

Клиринг (ингл. *Clearing*) — товарлар, қимматли қозозлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўзаро талабномалар, мажбуриятларни ҳисобга олишга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими. Мамлакатлар ичкарисидаги К. банклар ўртасида ҳисоб-китоб палаталари амалга оширадиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, яъни юридик шахслар пул талабномаларининг ўзаро келишув ўйли билан бажарилиши. Халқаро ҳисоб-китобларда К. давлатлар ўртасидаги ташки савдо муомалаларидан келиб чиқувчи бир-бирларига қарзларни ўзаро талабномаларни ҳисобга олган ҳолда (олтин ёки чет зл валютасини ишлатмасдан) тўлап хусусидаги битимлар тарзида амалга оширилади.

Комплекс текширув — хўжалик юритувчи субъектлар фаолия-

тини текширишни тартибга солиш, текширишлар сонини камайтирип, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчilik ва тақрорлап ҳолларини бартараф этиш йўли. Уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятiga асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳукуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб, режали асосда ўтказиладиган кенг қамровли тадбир. ЎзРда мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик механизмларининг молия-хўжалик фаолияти қоида тариқасида, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига биноан режа асосида, солиқ ва боиқа назорат органлари томонидан (йилига кўти билан бир марта) ҳар жиҳатдан, яъни, комплекс текширувдан ўтказилади. Мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек, муқобил текшириш ва тағтиш қилиш ишлари жиноий ишлар бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарори билан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширувлар ва тафтишлар ўтказилишига йўл қўйилмайди. Айрим хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказиш уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина рухсат этилади.

Конвенция тарифи — савдо шартномаларида алоҳида маҳсулотлар бўйича шартлашувчи давлатларнинг товарларни биридан иккинчиси ҳудудига олиб кириш учун улар ўртасида тузиладиган ўзаро битимлар асосида ёки савдо шартномаларида белгиланган божлар меъёри (нормаси). К.т. тааллуқли давлатнинг бир томонлама ўрнатилган тарифидан паст бўлади.

Конвергенция назарияси (лат. *convergo* — яқинлашмоқдаман, қўшилмоқдаман) — XX асрнинг 50-йилларида вужудга келиб, капиталистик ва социалистик ижтимоий тузумлар ўртасидағи иқтисодий, сиёсий ва мағфуравий тафовутлар гўё астасекин бартарф бўлиши юз беради, деган foяга асосланган назария. К.н.нинг асосий вакиллари: У.Ростоу, Ж.Голбрейт, Я.Тинберген ва бошқалар.

Консалтинг (ингл. *consulting* — маслаҳат бериш, маслаҳатлашиш) — ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва харидорларга иқтисодий фаолиятнинг кенг кўламли масалалари бўйича, шу жумладан, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида маслаҳат, расмий тавсиялар бериш хизмати.

Консигнация (лат. *consignatio* — ёзма далил, хужжат) — товар ва хизматларни воситачилар орқали сотиш шакли. Бунда товар эгаси консигнант воситачи — комиссионерга (консигнаторга) товарни белгилаган нархларда сотиш учун воситачи — комиссионер омборидан беради.

Консуллик йигимлари — белгиланган тариф бўйича консуллик муассасалари томонидан кўрсатилган хизматлари учун ундириладиган тўловлар. Консуллик муассасасидан ташқарида содир этиладиган ҳаракатлар учун тўловлар миқдори кўпайтирилади. Давлатлар ўзаро келишиб ёхуд у ёки бу консулнинг ўзи мустақил равишда К.й. бўйича қарор қабул қилиши мумкин. Башарти, қабул қилувчи давлат томонидан алоҳида тартиб ўрнатилмаган бўлса, К.й.ни олишида хорижий фуқароларга имтиёз берилмайди.

Конфуций — солиқ назариясига асос согланлардан. Хитойдаги К.чилик иқтисодий таълимотининг асосчиси Кун-Цзиннинг тахаллуси (милоддан аввалги 551—479-йилларда яшаган). «Лунью» сұхбатлар ва мулоҳазалар тўламини яраттан. «Халқлар отаси» иборасининг муаллифи. Кам истеъмол қилиб, кўпроқ ишланини тарғиб этган. Одатта биноан бошқариши тарафдори (ота-бона; подшо-халқ бир оиласек бўлиши керак). К. таълимотига асосан, жамиятда моддий бойликни тақсимлаш ақлий ва жисмоний меҳнатта боғлиқ. Биринчи бўлиб, ердан ҳамма тенг фойдаланиши зарурлигини илгари сурган.

Концепция (лат. *conceplio*) — бирор ҳодисани тушуниш, изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтай назар, уни тавсифлашнинг бош гояси; етакчи фикр, тамойил; қарашлар тизими; ҳодиса, жараёнларни муайян тушуниш; бирор асар, илмий ишдаги ягона, белгиловчи ният, етакчи фикр; ривожланиш жараёнларининг устувор йўналишларини белгиловчи гоявий тавсиялар. Бу тушунча илмий ва бошқа фаолиятдаги асосий фикрни, конструктив тамойилини белгилашда ҳам қўлланилади (мас., иқтисодий ўсиш ёки иқтисодий ривожланиш К.лари ва ҳ.к.).

Концерн (ингл. *concern*) — монополистик бирлашманинг мурakkab шаклларидан бири; номига, расмийчилик юзасидан-гина мустақил бўлиб, аслида бир гурӯҳ йирик монополистлар назорати ва раҳбарлиги остидаги кўплаб саноат, молия, савдо, транспорт корхоналари бирлашмаси. Мулк ва назоратнинг бирлиги, иштирокчи ташқилотлар орасида технологик

ва ишлаб чиқариш алоқаларининг мавжудлиги билан ҳам ифодаланади.

Коопьюнктура (лот. *cojunctio* — боғламоқдаман, бирлаштиримоқдаман) — товар ва хизмат бозорида юзага келган ҳолат, вазият ёки муваққат шароит (мас., ҳалқаро К., бозор К.си); иқтисодиётнинг муайян даврдаги жорий аҳволига хос белгилар мажмуй; товар бозорининг маълум бир вақтдаги ҳолати, товар бозорини ўрганиши асосида қайси маҳсулотлар қачон сотилишини англатувчи умумий ҳолат; хўжалик маҳсулотларининг сотилишини белгиловчи ёки аниқловчи услубларни, маълум даврдаги ҳолатни таърифловчи кўрсаткичлар тўплами. К.нинг шаклланиши ва ўзгарини негизида, асосан, баҳолар ва қимматли қоғозлар ҳаракати, ишлаб чиқариш ҳажми, иш билан банд бўлишлик ва бошқаларни белгиловчи омиллар ётади. К. бозорнинг юраги бўлиб, товар ва хизматларнинг қачон, қаерда, қанча сотилиши истиқболларини белгилайди.

Кооперация (лот. *coperatio* — ҳамкорлик) — маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишда бир неча хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашиш жараёни ёки айирбоплаш доирасидаги жамоага бирлашиши. Улар кўпроқ фойда олиши мақсадида иқтисодий бирлашган ҳолда ҳалқаро бозорларга чиқишлиари ёки бошқа иқтисодий мақсадларда ҳамкорлик қилиплади мумкин.

Корпорация (лот. *corporatio* — бирлашма, ҳамжамият) — касбкор ёки табақа манфаатлари йўлида ёхуд муайян мақсадга эришиш учун бирлашган кишилар жамияти, иттифоқи, гурӯҳи — юридик шахс; бир қатор мамлакатларда акциядорлик жамиятининг шакли. Маҳсус давлат қонунига мувофиқ тузиладиган ташкилот; ҳуқуқий жиҳатдан мустақил объект мақомини олган фирма; унда мулк қисмлар (улуш, бадал, акциялар)га ажralган ва ҳар бир шерикнинг мастъулияти унинг корхонага қўшган улуши доирасида тақсимланган бўлади.

Корхонанинг жами даромади — маҳсулотни (товар ва хизматларни), бошқа моддий бойликларни сотиш ҳамда бошқа фаолият турлари натижасида жамғарилган жами тушум.

Котировка (фран. *se coter*) — чет эл валотаси ёки қимматли қоғозларининг курсини белгилаш; тегишли биржанинг К. қилиши комиссияси томонидан рўйхатта олинаётган ва эълон қилинаётган биржа товарлари рўйхати; товар-мол, фонд бир-

жаларида нархларни рўйхатдан ўтказиши, белгилаш. Биржа маъмурияти биржা бюллетенларини чиқариши билан котировка маълумотларини шу мамлакатдаги ёки чет эллардаги мижозларига етказади.

Кредит (лот. *credilum* – ссуда, қарз; *Credere* – ишонмок) – пул ёки товарларни маълум муддатга ва маълум фоиз қўшиб, қайтарилиш шарти билан қарзга бериш. Айрим ривожланган давлатларда тадбиркорларга ишлаб чиқариш соҳаси юқори суръатларда ривожланишини таъминлашлари учун 10–20 йилга энг паст фоизда кредит берилади.

Кўчмас мулк – ер, маълум жойда тикланган ва ер билан бевосита боғлиқ бўлган мулк (бинолар, ишоотлар ва бошқалар).

Λ

Лизинг – асосий воситаларни сотиб олиш шарти билан машиналар, жиҳозлар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ишоотлари ва бошқаларни узоқ муддатта ижарага олиш.

Ликвидлик (лот. *liquidus* – суюқ, оқувчан) – мамлакатлар банклари, корхоналари, фирмаларининг улар зиммасидаги мажбуриятлар ўз вақтида тўланишини таъминловчи ҳаракатчанлиги; хўжалик юритувчи субъектларнинг қарз ва мажбуриятлари ўз вақтида бажарилишини таъминлаш қобилияти.

Линдер қонуни – давлатнинг аҳоли талаби тўлиқ қондирилган товарларнинг экспорт қилинишини асословчи иқтисодий боғлиқдик.

Листинг – қимматли қоғозларни биржага қўйиш; биржада рўйхатдан ўтказилгандан кейин уларнинг савдо-сотигига оид амалларни бажариш.


Лицензия (лот. *Licentia* – ҳуқук, эркинлик ҳуқуқи) – ташки савдо-сотиқ соҳасида олиб кирилиши, чиқарилиши ва транзит равища олиб ўтилиши тақиқланган товарларни маълум миқдорда экспорт ёки импорт қилиши ва транзит олиб ўтишга давлат органларидан олинадиган маҳсус рухсатнома. Шу рухсатнома асосида хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан берилган расмий ҳужжат.

Лицензия йигими – лицензия берувчи ташкилот томонидан олинниб, айрим товарларни сотиши ва хизмат кўрсатиши ҳуқуқини берувчи тўлов. Л.й. баъзи хизмат турлари (туризм, меҳмонхона, аудиторлик фаолияти)ни бажарииш учун ҳам олинади.

Лицензия тўловлари — лицензия шартномаларида қоида тарикасида ёки лицензиядан фойдаланишнинг ҳақиқий иқтисадий самарасидан лицензиат олишни мўлжаллаётган фойдалан келиб чиқиб белгиланадиган тўловлар; ишлаб чиқариладиган, сотиладиган лицензия маҳсулоти қийматидан ёхуд қатъий белгиланган суммаларни тўлашдан ёки иккаласининг кўшилишидан келиб чиқиб, фоиз ажратмалари (роялти) назарда тутилиши мумкин; тўлов муддати кўрсатилган айrim холларда ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ бўлмаган минимал кафолатланган тўловлар белгиланади.

Лэффер қонуни — XX асрнинг 70—80-йилларида солик тушумининг солик ставкаси билан боғлиқлгини аниқлаган Америкадаги Калифорния университети профессори, солик назарияси бўйича мутахассис Артур Лэффер номи билан аталувчи қонун. Олим бу боғлиқлик самараси солик ставкасининг 50 фоизгача миқдорини ташкил этса, давлат бюджетига солик тушумининг ошишини, агар 50 фоиздан юқори бўлса, солик тушумининг камайиб кетишини, шунингдек, солик олиш базасининг ўсиши билан солик ставкаси боғлиқлгини аниқлаган.

Куйидаги чизмадан кўриниб турибдики, ҳар қандай солик ставкасининг 50 фоиздан ортиқ қисми хуфёна даромаднинг ортишига олиб келади.



Артур Лэффер қонунига биноян соликдан бюджетга тушувчи даромаднинг солик ставкасига боғлиқлиги.

Люксембург солиқ тизими — мамлакатда (солиқ тизимида) фойдадан олинган солиқ түшуми бюджет даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Очиқ ва ёшиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар — (кооператив, айрим турдаги юридик шахслар) фойда солиғини тұловчилардир. Солиқ тұламайдыганлар, тұла жамият, коммандит жамияти, фойда олмайдыган ташкилоттар — давлатта маблағ түшуми манбайни ташкил этади. Корпорация солиги ва бошқа солиқларни барча ташкилот алохидар тұлашади. Холдинг уюшмасига нисбатан алохидар солиқ тури күлланилади. Резидент уюшмаларнинг барча даромадлари қаердан олинганынша қарамасдан, солиққа тортилади. Норезидент уюшмалар эса Л.да олған фойдалари ҳисобидан фойда солиғи түлайди, холос. Солиққа тортиладын даромад миқдорини аниқлаш ички имкониятларни ҳисобға олған ҳолда ва қилинган ҳисобот орқали амалга оширилади. Л. қонунчилигида фойдадан олинадыган солиқни ҳисоблашпа фойдани тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари ёки корхоналарни тутатищдан олинадыган фойда фарқланмайды. Олинадыган мукофотлар ҳажми ҳам солиққа тортиладыган фойда миқдорига киради. Мамлакатдан ташқарида жойлашып даромад манбай учун солиқ кредити берилади, уни олиниң миқдори солиқ миқдоридан юқори бўлмаслиги керак. Корпорация ҳам муниципалитетларга даромад солиғи түлайди. Люксембургнинг барча солиқ ставкалари табақалаштирилган бўлиб, энг юқори ставка 10 фоизни ташкил этади.

M

Мавсумий божлар — мавсумий хусусиятта эга товарлар ёки айрим давлатлар учунгина жорий қилинган бож тұловлари. ЎзРда М. блар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товар олиб кириш ва олиб чиқиш жараёнини зұдлык билан тартибга солиш учун күлланилади. Бунда бож тарифи назарда тутилған бож ставкалари күлланилмайды. М.блар белгиланған муддатдан олти ой ўтғандац сүнг ўз кучини йўқотади.

Маъмурий чора — хўжалик субъекти ёки унинг масъул шахсла-

рига нисбатан солиқ қонунчилігі бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбұзарліклар учун «Маъмурый жавобгарлик тұғрисидағы кодекс»ға биноан күлланиладиган молиявий жарима.


Маъмурий амалиёт хизмати — солиқ тұловчилар фаолияттың текширилиши натижасыда расмийлаштирилған таҳдил материалларини күриб чиқыш ва солиқ қонунчилігига риоя қилиниши ҳамда содир этилған ҳуқуқбұзарлік ҳолатларига нисбатан маъмурый чора күришга доир ҳолоса чиқариш ваколатига эга бўлган давлат солиқ органдарынинг тузилмаси. ЎзРда М.а.х.нинг фаолияти ДСҚ ва унинг тегишли бўлимлари жорий ҳамда истиқболга мўлжалланган режалари асосида ташкил этилади. Хизматтинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: давлат солиқ органларида маъмурий ишларни қонун доирасыда юритиш; ҳисобға олиш ҳамда ҳисоботларни юритишни ташкил қилиш; солиқ соҳасында ҳуқуқбұзарліклар олдини олиш, уларни бартараф этиш ҳамда бу борада ишларни ташкил қилиш ва улар самарағорлигини ошириш; аниқланган ҳуқуқбұзарлікларга нисбатан қонунга асосан ЎзР Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашни департаменти ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда жиноят аломатлари мавжуд материалларнинг белгиланган тартибда уларга жұнатылишини таъминлаш; қуйи солиқ идораларида ҳуқуқбұзарлікларнинг одини олиш, уларнинг содир бўлиш сабаблари, шартшароитларини аниқлаш ва бартараф этиши бўйича қонунда белгиланган чора-тадбирлар күлманишини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти устидан назорат олиб бориш.

Маъмурий ҳолоса — солиқ соҳасыда қонунбұзарлікни содир этган шахс фаолиятида маъмурий ҳуқуқбұзарлік аломатлари аниқланган тақдирда күриладиган чора ҳақида маъмурий амалиёт бўлими (шўъбаси) масъул ходими томонидан бериладиган ҳолоса. Үнда қуйидаги масалалар акс эттирилиши лозим: текширишининг қонунийлиги, яъни Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширишлар режасига мувофиқ, унинг ҳудудий комиссияси рухсати билан белгиланган муддатларда, назорат кўринишида ёки бошқа қонуний асосларга кўра ўтказилиши; текшириувни олиб борган масъул шахсларга муаммони ўрганиш ҳуқуқи берилгандығы ҳамда ушбу ҳуқуқ белгиланган тартибда расмийлаштирилгандығы; текширишининг муд-

датлари бузилмаганлиги; текширув ҳужжатлари түгри расмийлаштирилганлиги ва даилий ашёлар белгиланган тартибда олинганлиги; аниқланган қонунбазарлик харакатлари ёки ҳаракатсизлеклери «Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги кодекс»нинг 36-моддасига мансублиги ва хуқуқбазарлик субъектининг түгри ташланганлиги, у жавобгарлик татбиқ этиладиган айрим шахслар (депутатлар, вояга етмаганлар ва бошқалар) сирасига кириш ёки кирмаслиги; ҳуқуқбазарлик тақороран содир этилган-етилмаганлиги ва бу масаланинг ёндаицувга таъсири бор ёки йўқлиги; маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаганлиги; маъмурий жазо қўллаш учун тегишли ҳужжатлар, тушунтириш хатлари ва ашёларнинг тўлиқ йигилганлиги; бу турдаги ҳуқуқбазарликлар юзасидан ишларни кўриб чиқиш ваколати кимга берилганлиги. Шунингдек, молиявий жарима түгри, яъни «Солик кодекси»нинг (132–135-моддалари) талабларига риоя этилган ҳолда қўлланилганлигига эътибор қаратиш лозим. Маъмурий амалиёт бўлими (шўъбаси) холосасига асосан текширувни амалга оширган ходимлар томонидан барча камчиликлар барта-раф этилиб (агар улар аниқланган бўлса), маъмурий ҳуқуқбазарлик түгрисида белгиланган тартибда баённома тузилади. Ҳуқуқбазарлик шу баённома тузилган кундан аниқланган хисобланади.

Ману қонуни – энг машҳур Ҳарманашстр – Ҳиндининг шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги брахманлик дини ақидаларига мос ҳулқ-атвор түгрисидаги йўл-йўриқлар тўплами, давлатни бошқаришга, суд ишларига, солиқса тортишга оид насиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳусусан, М.к. жамиятда моддий бойликни тақсимлашда бошқарувчilar билан ижрочи гуруҳлар меҳнатига таалуқли иқтисодий таълимот ҳамдир. Қадимиги Шарқнинг машҳур иқтисодчиларидан бўлган Ману милоғдан аввалги IV–III асрларда яшаб ўтган. Бу тўпламда солик ёрдамида давлатни бошқариш, идора қилиш йўллари баён этилган.

Маҳсулот таннархининг таркиби – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги барча харажатларнинг цулдаги ифодаси. Маҳсулот таннархи сарф қилинган барча харажатлар йигиндиси бўлиб, шул сарфи – умумий харажат (В), доимий харажат (Д) ва ўзгарувчан харажат (У) каби маълум харажат гуруҳларига бўлинади (чизмага қаранг). Таннарх билан маҳсулот миқдори таҳлилидан қўйидаги манзарани аниқлаймиз:



Маҳсулот таннархининг таркиби.

Маълум бир фаолият учун кеттан харажатларни ифодаловчи маҳсулот таннархи асосан ҳар уч ойда ҳисобланади. Харажатлар турлича бўлиб, айримлари асосий воситалар қийматининг маълум меъёrlарда товар қийматига ўтиши билан, яъни амортизация қиймати билан аниқланади. Олдиндан чамалантган, тахмин қилинган харажатларга кўпинча «смета» харажатлари, яъни харажатлар хомчўти дейилса, товар ишлаб чиқарилгандан ёки хизмат кўрсатилгандан кейин ҳисоблаб чиқилган харажатлар калькуляция — маҳсулот, хизмат бирлигига кетган харажатларнинг ҳақиқий ҳисоб-китоби дейилади. Улар бир-биридан фарқ қилиши мумкин, чунки биринчиси режалашибтирилган, иккинчиси эса амалда эришилган кўрсаткич. Йил давомида ҳар иккиси ҳисобланиб, фойдани кўпайтириш мақсадида харажат турлари таҳлил қилиб борилади.

Маркетинг (ингл. *marketing, market* — бозор, сотиш) — ишлаб чиқарилаётган товарлар савдосини кенгайтириш мақсадида бозорни ўрганиш ва истеъмолчилар талабларига таъсир кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими; товарни ишлаб чиқаришдан бошлаб, унинг сотилиши ва истеъмолчига етказиб берилишигача бўлган тадбирларни ўз ичига олади. М.нинг асосий вазифаси — талаб, нарх-наво, реклама, мол сотилишини раббатлантириш масалаларини ўрганиш, товар турларини режалашибтириш ва бошқалардан иборат.

Маркетинг тактикаси — маркетинг стратегиясига боғлиқ ҳолда ҳар бир бозор ва товар учун хўжалик юритувчи субъект мажбуриятларини шакллантириш, таҳлил қилиш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил қилишдан иборат. М.т. истеъ-

мол бозорини ҳар томонлама ўрганиш; маҳсулот, хизматлар ва товарларнинг хилларини режалаштириш; маҳсулотлар баҳоларини ўзгартириб туриш; маҳсулот сотилишини рағбатлантириш; маҳсулот савдоси ва сервис хизматини бошқариш масалаларини ўз ичига олади.

Маркетинг харажатлари — ҳар бир маҳсулотни сотиш мақсадида сармоянинг маркетингта сарф қилинадиган қисми. Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан сотилишигача (ташкилий ишларга) қилинган барча харажатлар, яъни маҳсулот конъюнктурасини аниқлаш, реклама қилиш, бизнес-режа тузиш, ултуржи ва чакана савдони ташкил қилиш, сотиш тадбирларига кетган чиқимлар маркетинг харажатлариdir.

Масъулияти чекланган ширкат — тадбиркорлик ва фойда олиш мақсадида бирлашган шахслар уюшмаси. Ширкатнинг устав фонди иштирокчилар (жисмоний ёки юридик шахслар)нинг маблаглари ҳисобига шакланади, улар ширкат мажбуриятлари учун ўз ҳиссаларига мутаносиб равинида жавобгардир.

Махсус божлар — маълум давлатлардан келадиган ёки уларга чиқариладиган айрим товар, хизматларга вактинча белгиланган бож тўлови. Башарти, ўхнаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига мамлакат товар ишлаб чиқарувчилирига зиён етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кирилаётган бўлса, М.б. ҳимоя чораси сифатида, шунингдек, бошқа давлатлар томонидан амалга оширилаётган ЎзР ҳукуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи ҳаракатларга жавоб чораси тарзида қўлланилади.

Махсус ваколатли орган — солиқ органининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар ишини мувофиқлаштириб турувчи, шу жумладан, комплекс текширувлар ва тафтишларни мувофиқлаштирувчи режаларни ишлаб чиқувчи ҳамда шу режаларга риоя этилиши назорат қилинишини, режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келинмай ўтказилишига йўл қўймасликни таъминловчи бўлими.

Маҳаллий бюджет — вилоят, шаҳар ва туманлар бўйича даромад ва харажатлар балансининг қиймат кўрсаткичларидағи ифодаси. М.б.нинг даромадлари маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлардан ташкил топади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар — мамлакат қонунларига асосан, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ўз қарорлари би-

лан белгилаган ва миңтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун уларниң ваколатлари доирасида фойдаланадиган солиқлар. ЎзРда жисмоний шахсларниң мулк солиги, ер солиги, савдо ҳукуки йигими, вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳамда маҳаллий аукционлар ва лотереялар ўтказиш ҳукуқини берувчи лицензия йигимлари; тадбиркорлик билан шугулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатга олиш йигими ва ҳ.к. М.с. ва й. жумласига киради. Уларниң миқдори, ставкалари, ундирилиш тартиби, имтиёзлар берилиши Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади.

Маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум — маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан келган тушумнинг бир қисми, умумий тушумдан солиқлар, йигимлар, акцизлар, қайтарилган товарлар ва нарх ташламалари чегирилиб аниқланадиган даромад.


Маҳсулот баҳоси — маҳсулотлар ва хизматлар қийматининг пул бирлигидаги ифодаси; бозордаги маҳсулотнинг баҳоси талаб ва таклифларга асосан шаклланади. Қийматнинг пулдаги ифодаси бўлган М.б. уни тайёрлаш, ишлаб чиқаришга ҳамда ташиб, сотишга кетган харажатлар ва қўшимча қиймат йигиндисига teng. Айрим товарлар, хизмат турларининг баҳо таркибига давлат тарафидан ўзгармас тўловлар қўйилади:

Баҳо = таннарх + фойда + солиқлар + божлар + йигимлар + тўловлар.

Бож тўлови, чинта пули, йўлда юрганлик учун тўлов ва боиқалар шундай тўловлар жумласига киради. Тариф баҳодан барқарор ҳамда давлатта тўланиши билан ҳам фарқ қиласди. М.б. таркибига маҳсулот таннархи, фойда, солиқлар, йигимлар ва тўловлар киради.

Маҳсулот сотишдан ташқари фаолиятдан олинган йигимлар — даромад келтирадиган мулкни ижарага беришдан олинидан тушумлар, жарималар олиш, облигациялар тарқатишдан келадиган даромадлар, қарзга берилган маблағлардан олинидан фоизлар каби тушумларнинг умумий миқдори.

Маҳсулотга бўлган талаб ва баҳо ўртасидаги боғлиқлик — бозорда маҳсулот кўп бўлса, баҳо тушади, кам бўлса, баҳо кўтарилади. Бу боғлиқлик қўйидаги чизмада ифодаланган:



Маҳсулотга бўлган талабнинг баҳога ботлиқлиги.

Баҳо ўзгариши билан маҳсулот миқдори ўртасида мустаҳкам ботлиқлик мавжуд. Харажат ва солиқ ставкалари бозордаги баҳо ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Бу қонуниятларни чизмадаги шаклда акс эттириш мумкин: маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф чизигининг бирлашганилигини кўрсатувчи баланс нүктаси бозордаги маҳсулот миқдорига ва баҳога ботлиқ. Агар маҳсулот баҳоси \bar{C}_0 нүктага тушса, маҳсулот тақчиллиги пайдо бўлади, агар \bar{C}_1 нүктага кўтарилса, бозорда маҳсулотнинг ортиқчалиги юзага келади. Бу ботлиқлик талаб ва таклиф қонунига асосан бозорда доимо иштирок этади.

Менежмент (ингл. *management* – бошқариш, бошчилик қилиш) – ишлаб чиқаришни бошқариш; ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш самарадорлигини опириш ва олиядиган фойдани кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда қўлланилаётган бошқарув принциплар, усуллар, восита ва шакллар мажмуи.

Менежер (ингл. *manager; manage* – бошқариш; ишлаб чиқариган ёлланган бошқарувчи) – фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектининг бошқарувчиси; маҳсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир-асрорлари, қонун-қоидаларини чукур билувчи – малакали мутахассис.

Меркантилизм (франц. *mercantilisme*; итал. *Mercante* – саводгар) – XV–XVIII асрлар савдо буржуазияси манфаатларини акс эттирган иқтисодий таълимот ва иқтисодий сиёsat. Меркантилистлар бойлик манбай ишлаб чиқариш эмас, балки му-

омала (савдо) соҳаси ҳисобланади, деган фикрда бўлиб, бойлик ва пул капиталини айнан бир нарса деб билишган. Давлатнинг фаровонлиги мамлакатда имкон борича кўпроқ пул (олтин ва кумуш) тўпланишига боғлик, деб ҳисоблаб, ўз мамлакатларига олиб кирилганидан кўра, четта кўпроқ товар чиқаришга эриша боришган.

Миллий бойлик (халқ бойлиги) — жамият томонидан ишлаб чиқариш фаолиятининг барча даврларида яратилган ва жамгарилган моддий истеъмол қийматлари йигиндинсининг пулдаги ифодаси, мамлакат иқтисодий потенциалининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири. Қандай ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмронлик қилишига қараб, бу моддий бойликлар айрим синфлар, туруҳлар, шахслар ёки бутун жамиятнинг мулкий тасарруфида бўлади. М.б. таркибига жамиятнинг бутун тараққиёти давомида яратилган ва тўплanganган моддий неъматлар (ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари мажмуи) — хўжалик фаолиятига жалб қилинган асосий ва айланма ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш фондлари, аҳолининг шахсий мол-мулки, корхона ва ташкилотларнинг товар захиралари, давлат захиралари, фойдали қазилмалар, гидроэнергетика ресурслари ва бошқа моддий бойликлар кирали.

Миллий даромад — мамлакат иқтисодиётидаги муайян давр давомида янгитдан яратилган қиймат, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг уни ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар (коплаш фонд) чегириб ташланганидан кейин қоладиган қисми; мамлакат иқтисодий тараққиётининг умумлаштирувчи кўрсаткичи. Натурал буюм тарзида ифодалангандан, ишлаб чиқаришини кенгайтириш, мамлакат захиралари ва барча истеъмол товарлари миқдорини кўпайтириш мақсадида янгитдан яратилган ишлаб чиқариш воситаларидан ташкил топади.

Моддий харажатлар — сотилган маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқиши — калькуляция қилиндида ҳисобга олинган ва тўланган сарф-харажатлар қиймати. Улар қуйидагилардан иборат: четдан сотиб олиниб, айни корхонада ишлов берилган ва қайта ишланган хом ашё материаллар, корхона эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадида харид қилинган буюмлар, маҳсулот таннархига кўйиладиган арzon ва тез эскирувчан моддий бойликлар, харид қилинган бутлапи қисмлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда бажарилган ишлаб чиқаришга доир


бошқа ишлар ҳамда хизматлар; четдан сотиб олиниб, технологик мақсаддарга сарфланадиган ёниғи, электр энергия ва бошқаларнинг қиймати. Мол-мулк, шахс (жисмоний ёки юридик), давлат ёки муниципал ташкилот ёхуд хўжалик юритиши хукуқидаги ташкилот эгалитигда бўлган моддий бойликлар йиғиндиси. Пуллар, қимматли қофозлар ва ақл-заковат — интеллект маҳсули ҳам М.х. ҳисобланади.

Моддий бойликлар сақланаётган объектларни муҳрлаш — ҳужжатли текширув ўтказиши жараёнида солик объектларига даҳлдор моддий бойлик сақланаётган хона, шкаф, сейф, омбор ва бошқа объектларнинг ҳаракатини вақтингча тұхтатиш зарурати туғилган ҳолларда амалга ошириладиган тадбир. Аввало, муҳрланадиган объектлар рўйхати аникланади ва бу ҳақда хўжалик субъектининг расмий мансабдор шахсига (раҳбарига) текширувда иштирок этаётган инспекторларнинг билдиргиси тақдим этилади. Билдиригіда қайси объектлар, қандай сабаб билан, нима мақсадда ва қандай муддатга, ким томонидан муҳрланиши хусусида маълумот берилади. Объект муҳрланишидан олдин унинг ташқи эшлиги ва бошқа кириш мумкин бўлган жойларининг мустаҳкамлиги, муҳофазаланганилиги, металл панжара билан беркитилганлиги текширилади. Агар кириш мумкин бўлган эшикдан бошқа жойлар мустаҳкам беркитилмаган бўлса, улар бараварига муҳрланади. Бунда солик инспекторлари, холислар, хўжалик субъектининг вакили иштирок этиши шарт. Муҳрланган объект эшигининг бир ёки бир неча жойига тегишили маълумотлар қайд этилган қофозни елимлаш йўли билан ёки белгиланган тартибда бөгич ёрдамида ва албаттга, солик ходимининг шахсий хизмат муҳрини бошиш йўли билан амалга оширилади. Муҳрланган қофозда қуйидаги маълумотлар қайд этилади: ким томонидан, нима мақсадда, қандай муддатта, хўжалик субъектларининг қайси масъул шахси иштирокида муҳрланди; муҳрланган объект учун моддий жавобгар шахснинг исм-шарифи; муҳрланган сана; муҳрни муҳофаза қилиш жавобгарлиги кимга ва кимнинг кўрсатмаси билан юкланди. Тегишли объектларнинг муҳрланганлиги ҳақида алоҳида баённома тузилиб, бир нусхаси хўжалик субъектининг раҳбарига тақдим этилади ва унинг асл нусхаси масъул шахс томонидан қайд этилиб, имзоланади.

Моддий бойликларни қайта саноқдан ўтказиш — моддий бойликлар бут сақланаётганлигини текшириб кўриш мақсадида

режа асосида, тегишли органлар кўрсатмаси билан ёки бирор зарурат юзасидан маъмурият қарорига биноан амалга ошириладиган тадбир. Бунда бир йўла иккита алоҳида дафтарда буюмларнинг турлари бўйича сони кўрсатилиб, рўйхатга олинади. Биринчи дафтарда моддий бойликларни саноқдан ўтказиш ҳайъатининг вакили рўйхат олиб боради. Тўлиқ рўйхат тузилгандан кейин ҳар икки дафтардаги маълумотлар солишигтирилиб ва ҳақиқий сон кўрсаткичи аниқланиб, маҳсус далолатнома тузилади.

Молиявий жазо чоралари — солиқ тўлаши қонунларини бузганлик учун кўриладиган молиявий, маъмурий ёки жиноий чора (чизмага қаранг). Солиқ тўламаганлик учун жазо чоралари мавжуд бўлиб, солиқ тўлашдан бош тортган шахсларга қўлланилади.



Мол-мулк солиги — солиқ амалиётida хўжалик субъектлари эгалик қилаётган мулк (иморат, иниоот, транспорт воситалари) қийматидан ундириладиган мажбурий тўлов.

Мол-мулк бўйича солиқقا тортилмайдиган энг кам даромад (минимум) — Аргентинада аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари учун жорий этилган. 1996 йилдан эътиборан мамлакатнинг 102,3 минг песогача қийматга эга мол-мулки бўлган фуқароларидан солиқ олмасликка қарор қилинган. Бундай имтиёз кўпчилик ривожланган давлатларда амал қиласди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш модели — 1991 йил 1 сентябрдан мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш механизми. Бу модель Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланади: 1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши. 2. Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги. 3. Қонуннинг ҳамма нарсадан устун туриши. 4. Кучал ижтимоий сиёсат юритилиши. 5. Эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий — эволюцион йўл билан ўтиши.

Муқобил текшириш — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ ва турии хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турии бўлинмаларидағи хужжатларни таққослашдан иборат текшириув.

H

Назорат касса машиналари — юридик ва жисмоний шахсларнинг нақд пул тушумларини қайд этиш учун маҳсус жорий қилинган ҳисоблаш техникаси. ЎзРДа нақд пул билан муомала қилувчи хўжалик субъектларининг назорат касса машинасидан фойдаланишларини текшириш Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан шулий ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Республикада савдо тушумнинг инкассация қилинishi ва назорат касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари асосида амалга оширилади.

Назорат тартибидаги текшириув — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини илгариги текширишида аниқланган ва кўрсатилган хато-камчилклар, қоидабузарликларнинг бартараф этилиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган тадбир.

Назорат тартибидаги ҳарид — савдо ва хизмат кўрсатиш тартиб-қоидаларига риоя этилишини назорат қилишда қўлланиладиган текшириув усули. Текшириув тегишли давлат солиқ инспекциясининг буйруги асосида, шу хизмат инспекторлари томонидан ва расмий равинида жалб қилинган икки нафардан кам бўлмаган холислар иштирокида ўтказилади. Амалга

оширилган бундай олди-сотди муюмаласи якупланиб, сотувчи сотилган мол ҳақини құлига олғаныдан ва устида савдо бўлган мол ҳамда назорат касса машинасининг чиитаси харидор қўлига берилган (берилмаган)дан кейин, харидор-холислар назорат касса машинаси олдидан узоқлашмасларидан текширувни расмий равишда олиб борувчи испекторлар савдони амалга оширган масъул шахсга ушбу харид назорат мақсадида бўлганлигини эълон қилишади ва мазкур тадбирни ўтказиш ваколатини берган тегинши ҳужжатларни тақдим этишади ҳамда бу ҳақда хўжалик субъектининг масъул шахсларини хабардор қилинади.

Назорат қилувчи органлар – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун асосида ваколат берилган вазирликлар, муассаса ва ташкилотлар.

Неолиберализм – неоклассиканинг бир оқими бўлиб, класик иқтисодий мактабни қўллашни назарда тутади. Шунингдек, давлатнинг иқтисодиётта аралашмаслиги тақлиф этилади. Асосий вакиллари – Лефон Мизес (1881–1973), Фон Хайек (1899–1992). Бу оқим «Австрия мактаби» деб ҳам юритилади.

Нобель мукофотлари – олимларнинг жаҳон тан олган ихтиrolari учун бериладиган ҳалқаро мукофотлар. Швейцариялик кимёгар-муҳаандис Альфред Бернхард Нобель (1833–1896) номи билан боғлиқ. Астрономия, физика, кимё, тиббиёт, физиология соҳасидаги буюк ишлар, адабий асарлар, шунингдек, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолият учун ҳар йили (1901 йилдан) берилади. Бошқа фанлар қатори иқтисодиёт бўйича 1969 йилдан жорий этилган. Ҳозиргача 40 дән зиёд иқтисодчи олим мукофотга сазовор бўлнишди. Улар орасида Рагнар Фриш, Ян Тинберген (1969), Пол Самуэлсон (1970), Гуннар Мюрдал, Август Фон Хайек (1974), Леонид Витальевич Канторович, Тъяллинг Кулманс (1975), Милтон Фридмен (1976), Роберт Лукас (1995), Вильям Викри, Жеймс Мирлис (1996), Роберт Мerton, Майрон Шола (1997) ва бошқалар бор. Улар иқтисод фани ва иқтисодиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун тақдирланишган.

Нокапиталистик тараққиёт концепцияси – илгариги қолоқ, капиталистик ривожланиш босқичини тўлиқ босиб ўтмаган мамлакатлар учун тавсия этилган (нокапиталистик – капитализмни четлаб ўтиб) ривожланиш модели. Бир қанча мамлакатлар, жумладан, собиқ шўролар даврида айрим иттифоқдош

республикалар шу йўл билан социализмга интилган эди. Жамият ривожланиши бундай ҳаракатни инкор этди.

Ноль даражали солиқ ставкаси — айрим соҳалардан ҚҚС олмаслик имтиёзи бўлиб, бундай солиқ умуман ундирилмайди. Бу икки давлат ўргасида тузилган шартномага асосан, товар ва хизматлар алмашиб жараёнида умуман солиқ олинмаслитини англатади. Қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган минерал ўтилар ва ёнилги-мойлаш материалларига ҳам ҚҚС бўйича ноль даражали солиқ ставкаси кўлланилади.

Норасмий текширувлар — хўжалик субъектлари фаолиятининг текширув ўтказишга ҳуқуқ ёки ваколат берилмаган шахслар томонидан текширилиши. Бундай текширувга келганлар мўлжалланган тадбирни куйидаги хўжжатларга биноан асослашлари лозим: маҳсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишини мувофиқдаштириш режасидан кўчирма; назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарған бўйруги ёхуд маҳсус ваколатли органнинг текшириш ёки тафтиш ўтказишдан кўзланган мақсад, текширишини ўтказиш санаси ва уни амалга ошириши топширилган мансабдор шахслар исм-шарифи кўрсатилиб чиқарған қарори; прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текширишга асос бўлувчи жиноий иш қўзратилганилигини тасдиқловчи ҳужжат; Ўзбекистон Республикаси хукуматининг текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори; назорат қилувчи органга мазкур хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун хўжжатларида белгиланган тартиблар бузилганилиги тўғрисида расмий таҳдим этилган шикоят, ариза ва бошқа шаклдаги маълумотларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат; фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги расмий кўрсатма; санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганлиги, шунингдек, қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг эҳтимоли мавжудлиги муносабати билан текширув ўтказилишини тасдиқловчи ҳужжат. Бундан ташқари, хўжалик субъектлари текширувга келган мансабдор шахсадан «Текширувларни рўйхатга олиш дафтари»да ўтказиладиган текширув хусусида тегишли маълумотлар қайд этилишини талаб қилиши лозим. Бундай маълумотларни қайд қилишдан бош

тортилган ҳолда мазкур корхона, ташкилот муассаса раҳбарияти текширувни ўтказишга ижозат бермасликка ҳақли.

Норвегия қироллигининг солиқ тизими — мамлакат бюджетининг даромад қисмини тўлдиришда фуқаролардан олинадиган даромад солиги асосий ўрин гутади. Акция ва облигациялардан келадиган даромад инвестициядан олинган даромад каби 28 фоизли ставкада солиққа тортилади. Даромад баённомаси — декларацияси жорий йилнинг 31 январигача тақдим этилиши керак. Якка тадбиркорлар солиқ тўлаётганликларини тасдиқловчи карточка олишади, унда иш ҳақидан ушланган солиқ миқдори қайд этилади. Тадбиркор бундай амални ҳар икки ойда бажариши лозим. Солиқ бўйича якуний ҳисоб-китоб келгуси солиқ йилининг бошида амалга оширилади. ҚҚС тўлайдиган барча корхоналар шу солиқни тўловчилар сифатида давлат рўйхатидан ўтишади. Сотилган товарлар, хизматлар ва экспорт товарларга ҚҚС ставкаси 23 фоизни ташкил этади. Молиявий фаолият, сугурта хизмати, тъзлим, соглиқни сақлаш ва бир қанча малакали хизмат кўрсатиш турлари ҳамда экспорт операциялари бу солиқдан озод этилган. Айрим ишлаб чиқариш машиналари учун солиқ ставкаси 7 фоизни ташкил қиласди. Капитал маблагга солинадиган бу солиқ миқдори ҚҚСга қўшиб олинади. Айрим фаолият турлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги ишлаб чиқаришлар давлат томонидан ҳимояланади. Баъзи корхоналарга экспорт фаолиятини амалга оширишда ёрдам кўрсатилади. Солиқ резиденти бўлган уюппалар солиқ тўловчилар ҳисобланниб, умумий даромаддан солиқ тўлайдилар. Норезидент уюшмалар эса фақат Норвегиядаги даромад манбаларидан олган даромадлари ҳисобидан солиқ тўлашади.

Норезидент — мамлакат ҳудудида вақтингча фаолият кўрсатиб турган ва бошқа мамлакатда доимий яшайдиган жисмоний шахс. Норезидент жисмоний шахсларга ЎзР ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади («Солиқ кодекси», 45-модда). Норезидентларни солиққа тортиши «Солиқ кодекси»нинг 60—61- моддаларига асосан амалга оширилади.

O

Ойлик устами ҳақ — солиқ соҳасида ишлабётган мутахассисларнинг шу касбда узоқ муддат ҳалол меҳнат қилиб, доимо малакасини оширишга интилишларини тақдирлаш мақсадида

қўлланиладиган моддий рағбатлантириш омили. Мутахассислиги бўйича маҳсус талабларга жавоб берадиган малакали ходимлар учун меҳнати натижасига қараб белгиланади. Мутахассиснинг мансаб маошига кўшимча коэффициентлар тарзида берилади. Ҳозирги кунда солик органларида бу қўйида-гича қўлланилади:

Иш стажи	Мансаб маошига устама ҳақ миқдори (коэффициентларда)
3 йилдан 5 йилгача	0,05
5 йилдан 7 йилгача	0,15
7 йилдан 10 йилгача	0,20
10 йилдан 12 йилгача	0,25
12 йилдан 15 йилгача	0,30
15 йилдан 20 йилгача	0,35
20 йилдан ортиқ	0,40

Оуэн Роберт — солик назариясининг асосчиларидан, инглиз хаёлий-утопик социализмидин вакили (1771–1858 йилларда юшаган). Келажакда хусусий мулк бўлишини инкор этган, барча соглом одамлар учун меҳнат зарур деб ҳисоблаб, «ҳар кимдан қобилиятига яраша ва ҳар кимга меҳнатига яраша» тамойилини илгари сурган.

II

Париж клуби — 1956 йилдан бўён давлатлар ўртасидаги қарзлар ва кредитларни қайтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириб келаётган халқаро ташкилот. Қарздор давлатлар билан иш олиб бориб, улар зиммасидаги қарзларнинг тўланиш тадбирларини тузади.

Патент (лат. *patens* (*patentis*) — гувоҳнома, ёрлик; очик, очик-равшан) — ихтироига ваколатли давлат органи томонидан бериладиган ҳамда унинг ихтиро муаллифи эканлигини ва унга бўлган танҳо ҳуқукини тасдиқловчи гувоҳнома; ихтиронинг давлат томонидан эътироф этилганлигини кўрсатувчи расмий хужжат; бирор фаолият тури, мас., тадбиркор-

лик, савдо-сотиқ ёки җунармандчилик билан шутуланишга хукук берувчи җужжат.

Пеня (лот. *roepa* — жазо, жазолаш) — жариманинг бир тури; молия ва тўлов интизомини бузувчиларга, шунингдек, шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажариш муддатини кечиктириб юборганиларга қарши қўлланиладиган молиявий жазо чораси. Бажарилмаган ёки тўлиқ адо этилмаган мажбуриятларнинг пул миқдоридан кечиктирилган ҳар бир кунга фоиз ҳисобида жорий этилади ва тўланади. Корхона томонидан тўланган пеня маблаги ноишлаб чиқариш харажатлари таркибиغا киритилади.

Пегги Уильям — солиқ сиёсатига асос солган олимлардан, инглиз классик иқтисод мактабининг асосчиси (1623—1687 йилларда яшаган). Қийматнинг меҳнат назариясини биринчи бўлиб илгари сурган. Меркантилизмни инкор этган, яъни бойликнинг манбаи ва асоси ишлаб чиқаришда, деган фикрни қатъий таъкидлаб, «меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онаси» деган қарашга эга бўлган. Капиталистик тузумни табиий ва абадий деб ҳисоблаган. Товарнинг алмашув қийматини тан олган. «Статистика» ва «Сиёсий арифметика» фанига асос солган. Аҳолига бойлик яратувчи сифатида қараган.

Платон — қадимги юонон файласуфи, Сократ (Сүкрот)нинг шогирди Платон (Афлотун, миоддан аввали 428/427 — 348/347 йилларда яшаган) «Давлат» ва «Қонунлар» асарларининг муаллифи. Солиқ ва солиқ тўловчилар хусусида ўз қарашлари бўлган. Жамиятнинг асоси — натурал ишлаб чиқариш деб билган. Натурал ҳўжаликни қўллаган, пулни жамиятдаги ўзаро можароларнинг бош сабабчиси деб ҳисоблаган.

Пошлина — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчи томонидан тегишли даражадаги бюджетга ёки бюджетдан ташқари жамғармага ўтказиладиган мажбурий бадал, тўлов.

Преференциал фарқ (лот. *praeferens (praeferentis)*) — афзал билувчи) — мамлакатлараро савдо-сотиқни кенгайтириш мақсадида ҳалқаро шартномалар бўйича бериладиган устунлик, имтиёзлар; мас., савдо имтиёзларига асосланган фарқ; бож тўлови ставкаси билан энг қулай имтиёзли бож тўлов ставкасининг мутлақ миқдори ўртасидаги тафовут. П.ф. ҳар бир товарга алоҳида тарифлар бўйича фоизларда ифода этилади. Тариф кўрсаткичларининг юқори ёки паст даражаси вазиятга қараб белгиланади.

Прогрессив солиқлар — давлат миқёсидаги иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир қилувчи солиқлар туркуми. Фойда олиш даражасига, иш жойларига, маҳсулот миқдорини кўпайтиришга йўналтирилган солиққа тортиш услуби, солиққа тортиш орқали солиқ олиш жараёни. Ривожланган давлатларда 100 дан ортиқ прогрессив солиқ турлари ва солиққа тортиш услубларидан фойдаланилади. Солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилишига асосланган солиқлар ҳисобланган П.с. орасида асосий ўринни даромад солиги эгаллайди.

Прогрессив (ўсиб борувчи) солиққа тортиш — солиқ солинадиган даромад миқдорининг ўсилигага мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортиб борадиган солиққа тортиш тизими. Бу қуйидаги шаклларда юз беради: 1) оддий прогрессия — солиқ ставкаси даромаднинг ўсишига мувофиқ ўсади (ортади); 2) мурракаб прогрессия — даромад қисмларга бўлинниб, ҳар қайси қисм ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги қисми учун солиқ ставкаси олдингисига нисбатан юқорироқ бўлади.

Пропорционал солиқ — солиқ шаклида олиниши мумкин бўлган тул миқдори солиққа тортиш базасининг миқдори ҳажмига мутаносиб — пропорционалдир. П.с. ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

Пропорционал солиқ ставкаси — фойда ёки асосий ҳамда айланма маблагта эга юридик ва жисмоний шахсларнинг қатъий ўрнатилган солиқ ставкаси асосида бир хил нисбатда солиқ тўлаши. Масалан, корхона асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати 10000 сўм бўлса, ундан ундириладиган солиқ ставкаси 2 foiz қилиб белгиланиб, солиқ солинадиган сумма ҳисобот йилига 20000 сўмни ташкил этганда, солиқ миқдори 400 сўмга тенг бўлади.

Протекционизм (фран. *protectionnisme* — пана, ҳимоя) — давлатнинг миллий иқтисодиётини хорижий рақобатдан ҳимоялаш мақсадида пошлиналарни жорий этиш, маълум товарларни импорт қилиш, қисман чегаралаш ёки умуман тақиқлаш ва бошқа йўллар билан ўтказадиган иқтисодий сиёсати. Синоатнинг ривожланиши ва унинг маҳсулотлари экспортини рагбатлантириш ҳам П. тадбирлари жумласига киради.

Пул — товар айирбошлашда умумий эквивалент вазифани


бажарувчи алоҳида товар. П. айирбошлаш жараёнининг субъекти бўлиб, қуидаги вазифаларни бажаради: П.—нарх мезонини сифатида барча товарлар қийматининг ўлчамини ва ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг ижтимоий ҳисоби-ни англатади; П.—муомала воситаси сифатида товарларни айирбошлаш (харид қилиш ва сотиш)да иштирок этади, П.—тўлов воситаси тарзида товарларни кредитта сотишида қўлла-нилади; П.— хазина ва жамғармани вужудга келтириши воси-таси. П.— қимматли қоғозлар ҳамда олтин, кумуш ва бошиқа металлардан зарб қилинган тангалар кўринишига эга. Бошиқа қимматли қоғозлар (векселлар, банк билеглари ва ҳ.к.) ҳам П. ўрнини босиши мумкин. Жамиятда П.га бўлган талаб то-вар ва хизматлар баҳосига, ишлаб чиқариш ҳажмига, пулнинг айланиш тезлигига боғлиқ бўлади. Бу қуидаги формула би-лан аниқланади:

$$\Delta = (P \cdot A) : M,$$

бу ерда, Δ — пулга бўлган талаб, давлат миқёсида, сўм; P — баҳонинг мутлақ қиймати, сўм; A — товар ишлаб чиқа-риш миқдори.

Бирон-бир мамлакатда маҳсулот ва хизмат баҳоси жаҳон бозоридагида юқори бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан паст бўлса, ўша ерда пул массасига бўлган талаб ортиб боради ва инфляция кучаяди. Жамиятда П.га бўлган талаб унинг айланиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бу қуидаги-ча ифодаланаади:

Ставка, %



Пулга бўлган талабнинг ўзгариши.

Мамлакат миқёсида П.нинг тез айланиши иқтисодий механизм самарадорлигининг гаровидир.

Пул белгилари — муомаладаги олтин ва кумуш гуллар ўрнини босадиган олтин ва кумушнинг маълум миқдордаги намуналарининг ифодаси. Пул варақаси — касса автоматларидан нақд пул олиш имконини берувчи пластик варақча ёки электрон пул.

Пул бозори — маълум муддатда қоплаш шарти билан ўтказиладиган кимматли қозозлар бозори. Унда асосан давлатнинг қозоз пуллари муомалада бўлади. Пул оқимларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот корхонанинг хўжалик, инвестиция ва молиявий фаолияти жараёнида актив ва мажбуриятлари (мулки)даги жами ўзгаришларни, айниқса, жорий капитални тавсифловчи ҳисоб варақлар бўйича (пул воситаларини олиш учун ҳисоб варақлари, ишлаб чиқариш захиралари ва тўлов счётлари) ўзгаришларини акс эттирадиган ҳисоботдир.

Пул тизими — мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли. Пул бирлиги, нархлар кўлами, пул турлари, пул муомаласини тартибга солиб турадиган давлат органлари унинг асосий унсурлари ҳисобланади. Пул муомаласини ташкил қилиш, ҳар бир мамлакатда тарихан шаклланган пул муомаласи П.т. ҳисобланади. П.т. асослари, одатда, миллий қонуничилик томонидан мустаҳкамланади. Унинг унсурлари жумласига пул бирлиги, нархлар кўлами, пул белгиларининг турлари, пулни чиқариш ва бошқарни тартиблари киради.

P

Ревальвация (лат. ре қўшимчаси + *valeo* — қийматга эгаман, қадрим бор) — миллий валюталар олтин миқдорининг ошиши ёки уни ифодаловчи бошқа мамлакатларининг валюталари ҳамда халқаро пул бирликларига нисбатан валюта курсининг давлат томонидан расмий равишда оширилиши.

Регрессив солиқ — солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (биявосита) солиқларни киритиш мумкин. Р.с.нинг юки (сифирилиги) бойларга нисбатан кўпроқ камбагал қатламлар зиммасига тушиди, деб саналади. Масалан, ҚҚСни тўлап учуп улар ўзларининг кам даромадлари-

дан катта қисмини сарфлашга мажбур бўлишади. Пропорционал солиқ ҳам регрессив бўлиши мумкин.

Регрессив солиқца тортиш — солиқ асоси (базаси)нинг ўсиб бориши солиқ ставкасиниг пасайишини тақозо этади. Солиқ ундириш оғирлиги даромадга тескари пропорционалдир: даромад қанча кам бўлса, солиқ тўлаш шунча оғир тушади. Ҳозирги пайтда КҚСнинг жорий этилиши билан эгри (бильосита) солиқларнинг регрессивлик хусусияти кучайиб бормоқда.

Режа — маълум бир даврга мўлжалланган ишлар кўлами, бажариш тартиби, санаси белгиланган (ижрочилари кўрсатилган) алоҳида ижтимоий-иктисодий ҳужжат бўлиб, аксар ҳолларда кўрсаткич ва ҳисоботлардан иборат. Тадбиркорлик соҳасида Р. бир, уч ойга, бир, беш, ўн, ўн беш ва йигирма йилга тузилиши мумкин. Факат мўлжалга лойиқ интилиш на-моён этилиб, керакли ресурслар ҳисобга олингандагина бажариш мумкин бўлган ижтимоий ва иктисодий ривожланиш имкониятларини ифодалайди.

Режадан ташқари текширишлар — назорат қилувчи органлар томонидан алоҳида вазиятларда ўтказиладиган текширувлар, бундай зарурият Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қароридан келиб чиқсан, назорат қилувчи органга ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўтрасида қўшимча маълумотлар келиб тушган, фавқулодда вазиятлар юзага келган, санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашган, шунингдек, қўшини мамлакатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келган ҳолларда ўтказилади.

Резидент (лат. *residens (residentis)*) — бир жойда ўтирган, бўлиб турган) — муайян мамлакатда доимий туришга ва яшашга қонуний ҳуқуқи бўлган шахс; ЎзР ҳудудида доимий яшаб турган, молия йили мобайнида исталган даврда 183 кун ёки ундан кўпроқ муддат ЎзРда истиқомат қилиб турган жисмоний шахс. Уларга ЎзРдаги, шунингдек, ундан ташқаридағи фаолиятдан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Реимпорт — мамлакатда ишлаб чиқарилиб, ўзини оқламаган (брак ва ҳ.к.), қайта ишлашга жалб этилмаган товарларни чет эдан қайтариб олиб келиш. «Божхона кодекси»нинг 18-моддасида қайд этилганидек, бунда экспорт режимида божхона ҳудудидан олиб чиқилган Ўзбекистон товарлари импорт божлари, солиқларни тўламасдан, шунингдек, уларга

нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари құлланилмаган ҳолда белгиланған мұддатларда қайта олиб кирилади. Товарлар экспорт режимі бүйіча олиб чиқылаёттанды тұланған экспорт божи ва солиқдар миқдори уч йил ичіда (реимпорт режимінде) қайтариб олиб кирилган тақдирдагина, божхона органининг тақдимномаси бүйіча қонунда белгиланған тартибда қайтарилади.

Реклама (фран. *reclame*; лот. *reclamare* — жар солмоқ, овоза қылмоқ) — товарлар, моллар, хизматлар ҳақидағы маълумоттардан турли воситалар ёрдамида истеъмолчиларни очық хабардор қилиш усули; маҳсулот ва хизматларни сотиш мақсадыда оммавиіт ахборот воситаларида тарғибот қилиш. Р. маркетинг ишларининг асосий қисми бўлиб, бошқа тадбирларга борлиқ иш хусусиятига эга.

Рекламация (лот. *reclamatio* — эътиroz, маъқулламаслик) — товар, хизмат ва буом тегишлича сифатта эга бўлмаганлиги сабабли, харидор (буюртмачи)нинг эътирози; буюмнинг нуқсонларини бартараф этиш, баҳосини камайтириш, кўрган зарарини тўлаш ҳақидағы талаби.

Реклама агентлиги — реклама берувчиларнинг буюртмаси асосида реклама маҳсулотини яратип, шакллантириш, реклама компаниялари тадбирларини амалга ошириш эвазига реклама берувчидан маълум ҳақ олиш ҳисобига фаолият юритувчи ташкилот.

Реклама солиги — маҳаллий солиқларининг бир тури бўлиб, оммавиіт ахборот воситалари (матбуот, эфир, сунъий йўлдош, интернет, кабелли телевидение ва радио эшиттириш, каталоглар, маълумот беришлар, варакалар, эълонлар, плакатлар, тақвимлар, реклама тахталари, нурли ва газ-нурли курилмалар, шаҳар йўловчи транспорти ва ҳоказолар) ёрдамида тижорат мақсадида ахборот учун тўланадиган маҳаллий солиқ тури. Мулчиллик шаклидан қатын назар ўз маҳсулоти, хизматлари ва ҳоказоларни реклама құлувчи жисмоний ва юридиқ шахслар Р.с.ни тўловчилар ҳисобланади. Реклама берувчига реклама қилингана доир кўрсатилган ишлар ва хизматлар қиймати солиқ солини обьекти бўлиб, солиқ тасдиқланған ставка бүйіча фойзларда тўланади. Р.с. маҳсулот (ишлар, хизматлар) reklamasи бүйіча ишларни амалга оширадиган реклама агентликлари томонидан, реклама берувчилардан ундирилади. Реклама агентликлари солиқ тушумларини ҳисобга олиш учун жамғарыш қайдномалари юритилишини таъминлайди (бу солиқ 2003 йил 1 январдан бекор қилинган).

Рентабеллилік (нем. *rentable*) — корхоналар, тармоқлар, бутун мамлакат іқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражасини ифодаловчи күрсаткич; харажатларни оқловочи, хұжалик нұқтаи назаридан мақсадға мувофиқ, фойдалы, даромады. Р. моддий, меңнат ва пул ресурслари ҳамда табиий бойлеклардан фойдаланиш, маҳсулотни, хизматни сотищдан тушган фойда даражасини ҳар томонлама ифодаловчи күрсаткич ҳисоблады. Макроіқтисодиёт ва микроіқтисодиёт даражасида Р. (фойдалылық) ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий күрсаткичларидан бири. Ишлаб чиқариш жараёнида ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотищда воситалар қайтимининг меъерини ва улардан қанчалык унумли фойдаланғанлық даражасини күрсатади. Уч хил рентабеллилік күрсаткичи мавжуд: макро (P_1), микро (P_2) ва маҳсулот рентабеллилігі (P_3). Р.ни ҳисоблашда қуйидаги күрсаткичлардан фойдаланылады: сотищдан түшіган фойда (Φ_1), соф фойда (Φ_2), асосий фондылар қиймати ($A\Phi$), айланма фондылар қиймати ($O\Phi$), маҳсулот таңнахы (Т). Р. күрсаткичлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланады:

$$P_1 = (\Phi_1 \cdot 100) : (A\Phi + O\Phi);$$

$$P_2 = (\Phi_2 \cdot 100) : (A\Phi + O\Phi);$$

$$P_3 = (\Phi_1 \cdot 100) : T.$$

Рентабеллилік күрсаткичлари қанча юқори бўлса, маҳсулотни сотищдан келадиган фойда шунчак кўп бўлади ва солиқ тўлаш қобилияти ошиди.

Рефакция (фран. *refaction*) — товарни сотини вақтида унинг нұқсони ёки тўқилганлиги сабабли сотувчи томонидан нархидан ёхуд оғирлигидан қилинадиган чегирма; сифат шартномалари, стандартлар ёки техник шартлар талабидан паст бўлган товарларнинг массасидан ёхуд улгуржи нархларидан чегирма; катта миқдорда юк жўнатувчи билан чегирма ҳажми алоҳида битим бўйича ўзаро келишилади.

Реэкспорт — илгари мамлакатта хориждан олиб келинган товарларни қайта иниловга жалб қиласдан туриб, мамлакатдан қайтариб чиқариб кетиши. «Божхона кодекси»да (20-модда) қайд этилганидек, бунда чет элдан келтирилган товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқлади. Маҳсулотлар Р. режимида олиб чиқылса, экспорт божлари, солиқлар ундирилмайди. Шу пайтда амал қилаёттан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмайди (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳол бундан мустасно).

Рикардо Давил – иқтисодчи Адам Смит таълимотининг давомчиси (1772–1823 йилларда яшаган). Буржуа тұнтариниң даврининг иқтисодчесі. Мәжнат тақсимотини корхона доирасыдан чиқариб, мамлакатларға ҳам жорий қилипни таклиф эттән, нисбий устунлик, нисбий чиқымлар устунлиги назарияларига асос солған. Фабрика даврини түгри тушунған, эркин савдо-фритрейдерликни құллаб-құвватлаган.

Россия Федерациясининг солиқ тизими – фискал функцияга эга бўлган солиқ тизимли давлат. Мамлакат солиқ тизими 2002 йилдан эътиборан янги йўналишда ривожлана бошлади. Ижтимоий солиқнинг жорий этилиши, иш ҳаки солигининг ҳамма учун бир хил 13 фоиз ставкага туширилиши, янги солиқ имтиёзларининг жорий этилиши кабилар бу соҳадаги жиддий ўзгарышлар жумласига киради. Шу йўналишда солиқ қонуналаридан ташқари, яна кўплаб меъёрий ҳужжатлар қўлланилади, лекин улар ҳали мукаммаллик касб этмаганлигидан тез-тез ўзгартириб турилади. Бу эса солиқчилар фаолиятида катта қийинчиликлар тутдиради. Ҳозирги пайтда солиқ тизимини кескин ўзгартириш мумкин эмас, чунки бу молия тизимини умуман сиңдириб юбориб, солиқ тўловчиларнинг давлатта ишончини йўқотишга олиб келади. Шунинг учун солиқ ҳажми қамаймаслиги мақсадида ишлаб чиқарипни қўллаб-құвватлаб туриш лозим, жумладан, корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, акционерлик жамиятларига айлантирилаётган.

Роялти (ингл. *royalty*) – патент, муаллифлик ҳуқуқи; табиий ресурслар ва бошқа мулк турларидан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари: 1) лицензияларга оид битимларга кўра, лицензиат (юридик ёки жисмоний шахс) лицензиар (патент эгаси)га чиқарган маҳсулотига қараб тўлайдиган ҳақ; 2) ер ости бойликларини қазиб олиш ҳуқуқи учун тўлов, шу жумладан, концессия шартномаларига мувофиқ, фойдаланувчи ер ёки қазилма бойлик (кон) эгаси (концессионер)га тўлайдиган ижара ҳақи. Р. миқдори лицензияга биноан ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига жами маҳсулот ёки бир маҳсулот қиймати ҳисобидан олинади. Р. миқдори молия йилида қуйидаги формулага биноан аниқланади:

$$R = [S \cdot P] : 100,$$

бу ерда, R – роялти суммаси, сўм; S – молия йилида лицензияга биноан ишлаб чиқарилган ва сотилған маҳсулот қиймати, сўм; P – йиллик роялти ставкаси, фоизда.

Лицензия берувчи ташкилот жами даромадини ҳисоблашда солиқ тўланадиган даромад таркибига Р.нинг миқдорини ҳам киритади.

C

Савдо уйи — савдо ташкилотининг бир тури. Кўп турдаги товарлар ва хизматлар бўйича экспорт-импорт операцияларини бажаради, ишлаб чиқариш, илмий-техника ҳамкорлиги соҳаларида ҳалқаро кооперацияни ташкил этади, кредит-мolia операциялари ва бошқа ташки иқтисодий алоқаларда иштирок этади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи корхонанинг ялпи даромад солиги — савдо қилувчи корхонанинг ялпи даромадидан ундириладиган тўгри солиқ тури. Товарларнинг сотиб олинган ва сотилган қийматлари ўртасидаги фарқ ялпи даромад ҳисобланиб, улардан маҳсус табақалаштирилган ставкаларда солиқ ундирилади.

Савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йигим — савдо-сотик қилишнинг чакана ва улгуржи турлари бўйича фаолият юритишга маҳсус рухсатнома (лицензия) берилганлиги учун ундириладиган тўлов.

Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши — солиққа оид ҳуқуқбузарликка йўл қўйган фуқароларга, ҳўжалик субъектларининг масъул шахсларига белгиланадиган айбнома. Ёнилғи-мойлаш материаллари, дори-дармон воситалари ёки тиббий маҳсулотлар билан қўлда савдо қилиш ҳолларига ҳам шу моддага биноан маъмурий чора кўрилади.

Санация (лат. *sanatio* — даволаш, согломлаштириш) — йирик корхоналар, банкларнинг инқизозга учрашини бартараф этиш ҳамда молиявий кўмак бериш учун давлат ва бошқа банклар ёрдамида кўриладиган тадбирлар тизими; балансни ислоҳ қилиш, яъни фойдани тақсимлаш ҳисоб-китоблари тасдиқланганидан сўнг фойданинг ҳисобот йилига тегинли қисми суммасини ёпиш, ҳисобдан чиқариш; ҳуқуқий маънода — бирон ҳужжатни юқори идораларда тасдиқлаш (бу ҳужжатга ҳуқуқий ваколат беради); тегишпли қонун моддаси бузилганидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар кўрсатилган ҳуқуқ меъёри; ҳалқаро ҳуқуқда шартномаларни бузган давлатта нисбатан таъсир кўрсатиш чоралари; маъқуллаш, рухсат этиш.

Синдикат (юнон. *sindikos* — биргалиқда харакат қилувчи) —

Ўзбекистондаги солик, тўлов ва йигим турларининг таркиби

Умумдаштат соликлари	Маҳаллии соликлар ва йигимлар
1. Юридик шахслардан олиниадиган даромад (фоида) солиги	1. Мол-мулк солиги
2. Жисмоний шахслардан олиниадиган даромад солиги	2. Ер солиги
3. Кўшилган қиймат солиги	3. Автотранспорт воситаларини олиб-сотганлик учун солик
4. Акциз солиги	4. Инфратузилмани ривожлантириш солиги
5. Ер ости бойлосла рилан фойдалана та иллук учун солик	5. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларида бензин, дизел ёнислиси, супертриплан газ ишлатганиллик учун олиниадиган солик
6. Экология солиги	6. Савдо-сотик қилиши ҳукуқи учун йигим, шу жумладан, айрек турдаги төвдарни сотиш ҳукуқини берувчи лицеиция
7. Сув ресурсларида и фойдалана та иллук солиги	7. Юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шугулуқ нувчи жисмоний шахсларни рўйхатла олгаистик учун йигим
	8. Автотранспортнинг тўхтани жойидан фойдалана та иллук учун йигим
	9. Белгиланган даромадни олиниадиган ягона солик
	10. Яложи тушумдан олиниадиган ягона солик

монополистик бирлашмалардан бири, бутун тижорат фаолиятини (нарх белгилаш, маҳсулотни сотиш ва ҳ.к.) ўз зиммасига олган тадбиркорлар бирлашмаси. Старкибига кирган хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва ҳукукий мус-

тақиалигини сақлаб қолади, аммо эркин тијорат фаолияти (товарларни сотиши, хом ашёни мустақил харид қилиш) хукуқидан маҳрум бўлади.

Солиқлар — хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролардан белгиланган ставкаларда давлат ва маҳаллий бюджетларга мажбурий ундириладиган маблағлар. Солиқларнинг жорий этилиши давлат идоралари молиявий базасини, тадбиркорлик фаолиятини мутаносиблаштириш, ижтимоий соҳани, табиий бойликлар ва атроф-муҳитни муҳофаза этишини рагбатлантириш зарурати билан бевосита боғлиқдир. Барча давлатларда умумдавлат (федерал) солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йигимлар амал қиласи. ЎзРда солиқлар ва йигимлар бўйича имтиёзлар Олий Мажлис ёки у ваколат берган давлат органи томонидан белгиланади (106-бетдаги жадвалга қаранг).

Солиқ базаси — солиқ солинадиган иқтисодий кўрсаткич бўлиб, ҳар бир солиқ учун унинг маҳсус солиқка тортиладиган қисми ҳисобланади. Қуйидагилар С.б. бўлиши мумкин: даромад (фойда), мол-мулк қиймати, умумий тушум, сотилган мол ва кўрсатилган хизмат қиймати.

Солиққа тортиладиган база — солиқ предмети саналувчи ашё, даромад ёки бошқа бойликларнинг солиққа тортилиши лозим бўлган қисми: фойда, умумий нул тушуми, мол-мулк ва бошқалар (маълум бир қисми). С.о.б.ни ҳисобланада солиқ базасидан қонунда кўрсатилган имтиёзлар ва солиққа тортилмайдиган маблағлар чегирилиб, олдинги вақтда ҳисобга олинмаган айrim маблағлар кўшилади.

Солиқ ва божхона органлари Академияси — шу соҳа бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрловчи, шунингдек, соҳа ходимлари малакасини ошириш, янги ишга кирган ходимларга бошлангич солиқ ва божхона таълим мини бериш билан шугулланувчи олий ўқув муассасаси. Академия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 10 январдаги Фармонига асосан ташкил этилган. Академия солиқ ва божхона соҳасига оид назарий, амалий билимларни марказлаштириб турувчи, солиқ ва божхона бўйича фундаментал билимларни ривожлантирувчи илмий даргоҳ вазифасини ҳам бажаради.

Солиқ вазифалари — давлат миқёсида маълум даврда бажарагилари зарур бўлган асосий ишлар ва тадбирлар (солиқ тушумини таъминлаш) мажмуаси. С.в. ўзгарувчан ва ўткинчи

хусусиятта эга бўлиб, давлатнинг иқтисодий, солиқ сиёсати моҳиятига, мазмуни ва йўналишига боғлиқ бўлади. С.в. лари давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётта татбиқ қилишда асосий механизм вазифасини ўташи лозим.

Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатлари — тақвимий сана ёки йиллар, чораклар, ойлар билан ҳисобланадиган вақт (давр)нинг тугаши, шунингдек, бошланиши ёки юз бериши, солиқ тўланиши керак бўлган жараённи кўрсатиш билан белгиланади. Солиқка оид ҳукуқий муносабатларнинг иштирокчилари томонидан бу ҳаракатларнинг амалга оширилиш муддатлари солиқ қонунчилигига биноан белгиланади.

Солиқ тўловчилар лотереяси — солиқ тўловчилар учун маҳсус лотерея ўйини жорий қилинади. Масалан, тўловчиларнинг солиқ тўлов ҳисоби ва рақдарига қараб, Аргентинада лотерея ўйнаш йўлга кўйилган. Ўйинда солиқ тўловчи 20 млн. долларгача ютиб олиши мумкин. Буюк Британиядага солиқни ўз вақтида тўлаганлар ўртасида лотерея ўйини жорий этилган бўлиб, унинг натижасида автомобил, пул (миқдори 1,5 мингдан 5,0 минг фунт стерлингчача) ёки туристик ваучер (6,0 минг фунт стерлингдан юқори) каби ютуқларга эга бўлишлари мумкин.

Солиқ тўловчиларни рағбатлантириш — солиқка тортиш жараёнида, солиқ базасини аниқлаш ва солиқ тушумини ҳисоблашда солиқ тўловчиларга маҳсус имтиёзлар берилади. ЎзРда туризм меҳмонхоналарини чет' эл сармояси ҳисобига қурган солиқ тўловчиларга З йилгача умуман солиққа тортилмаслик имтиёзи белгиланган. Ҳозирги даврда ЎзРда тадбиркорликни ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида қатор солиқ имтиёзлари жорий қилинган. Солиқ имтиёзлари иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи асосий механизм ҳисоблашда. Ривожланган давлатларда солиқ тўловчини рағбатлантириш мақсадида имтиёзлардан ташқари, солиқ кредитлари, суввенциялар ва солиқ квоталари жорий қилинади. Ўз вақтида солиқ тўлаган шахсларга маҳсус мукофотлар берилади.

Солиқ хизматининг маслаҳатчиси — давлат солиқ хизмати органдари мансабдор шахсларига эгаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ бериладиган маҳсус унвон, мақом, даража. С.х.м. унвони ЎзРда қўйидаги тоифага ажратилади ва ҳар бири учун мансабдор шахснинг маошига тегишли коэффициентларда кўшимча устама ҳақ белгилантан:

Махсус унвоннинг номланиши	Мансаб маошига қўшимча тўлов коэффициенти
Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси	0,65
Солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси	0,60
Солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси	0,55
Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси	0,50
Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси	0,45
Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси	0,40
Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси	0,35
Солиқ хизматининг I даражали инспектори	0,30
Солиқ хизматининг II даражали инспектори	0,25
Солиқ хизматининг III даражали инспектори	0,20
Солиқ хизмати инспектори	0,15

Бу мақомлар солиқ инспекторларининг малакаси, билими ва соҳага қўшган ҳиссасига қараб берилади.


Солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчилар айрим тоифаларининг кам миқдорда солиқ тўлаш ёки умуман тўламаслик имконияти. Хўжалик юритувчи субъектларни солиқка тортишда прогрессив усусларни қўллаб, солиқ тўловчиларни янада унумли ишлаштага рагбатлантириш мақсадида солиқ ставкалари ва турлари вақтинча камайтирилади ёки бекор қилинади. Масалан, АҚШда 100 дан ортиқ, Буюк Британияда 60 дан, Австралияда 50 дан ва Канадада 45 дан зиёд турли солиқ имтиёзлари мавжуд. С.и.ни қўллаш иқтисодий ўсишни татьминлаш мақсадида ҳам амалга оширилади. Экспорт учун, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, имтўринларини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва боиқа мақсадлар ҳам С.и. учун асос бўлиши мумкин.

Солиқ инспекцияси – давлат солиқ идораларининг вилоят ва туман (шаҳар)лардаги идораси. ЎзР ҳудудидаги солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилиш, солиқка тортиш, солиқ

ундириш, солиқ тұламаган шахсларга чора күріш билан шүгделенады.

Солиқ инспектори — давлат солиқ хизмати идораларининг асосий хизматчысы; олий, үрта ва маҳсус солиқ билими ва мутахассислігига ега бўлган солиқ инспекциясининг ҳодими.

Солиқ тушумининг макроҳаракати — давлат миқёсида солиқ түнумидан йигилган маблағдан фойдаланиш ва маблагни давлат миқёсида қайта тақсимлаш, давлатни бошқаришига, такрор ишлаб чиқаришига ресурс сифатида сарфлан жараёнини ифодаловчи яхлит иқтисодий модел. Бу макромодел ижтимоий ишлаб чиқарышининг барча бўгиинларида солиқдан тушиган маблаг тушумининг ҳаракатини кўрсатади. Солиқ макромоделини давлат миқёсида қўйидағыча ифодалаш мумкин:



Солиқ тушумининг макроҳаракати.

Солиқ тушумининг макродаражадаги ҳаракати ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг давлат миқёсидаги холати, тушиган маблағдан самарали фойдаланиши даражасини аниқлаганида ишилатилади ҳамда маҳсус тартиб бўйича давлат тадбирларини ишлаб чиқишида фойдаланилади.

Солиқ инспекторининг текшируви — ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга соловчи бошқа қонун ва солиқ ҳужжатлари қандай бажариладётганини ўрганувчи солиқ органдарининг маҳсус назорати.

Солиқ маълумотларининг маҳфийлиги — солиқ тўловчининг иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий фаолият мақомини ошкор қилмаслик кафолати. Солиқ тўловчининг молиявий ҳолати ҳақидағи маълумотлар фақат солиқ тўловчининг ўзига ёки унинг вакилларига тақдим этилади. Солиқ тўловчилар ҳақидағи маълумотларниң маҳфийлигини ошкор этганлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади (қаранг: «Солиқ кодекси», 125-модда).

Солиқ мезони (критерийси) — солиқ тизимини мамлакат микёсида ривожлантириш жараёнида эришиладиган натижалар ва мақсадлар; солиқ тизимининг самарадорлигини аниқлаш ва йиллик иш натижасини таҳлил қилиш асосида солиққа тортиш жараёнининг натижаларини баҳолаш мақсадлари. Солиқ тизимида асосан қуйидати мезонлар ишлатилади: солиққа тортиш натижасида давлат бюджетининг даромад қисмини маблаг билан таъминлаш ёки маълумот кўрсаткичларининг бажарилиши; солиқ тушуми режасининг вилоятлар ва туманлар бўйича бажарилиши; солиқ турлари бўйича режалаштирилган тушумнинг бажарилиши ва бошқалар.

Солиқ назарияси — солиқлар ва солиққа тортиш тўгрисидаги илмий ғоялар, концепциялар ва таълимотлар мажмуаси. Тадқиқотчиларнинг солиқ муносабатлари тўгрисидаги фикрлари ва маълум давр ичидаги солиқ тизимининг ривожланишини ифодаловчи назарий фикр-мулоҳазалар ҳар бир давр учун ўзига хос С.н.ни шакллантиради.

Солиқ назариясининг асосчилари — солиқ ва солиққа тортишнинг турли илмий йўналишлари бўлиб, улар иқтисодчи олимларнинг фикрлари билан ифодаланади. Солиққа тортишнинг назарий ва илмий асосларини яратган олимлар ва давлат арбоблари: Аристотель (милоддан аввалги 384—322 й.), Платон (милоддан аввалги 428—347 й.), Шоҳ Дарий (милоддан аввалги IV аср), Август Октавиан (милоддан аввалги 63 — мил. 14 й.), Шоҳ Умар II (717—720 й.), Исмоил ибн Аҳмад (892—907 й.), Амир Темур (1336—1405 й.), Томас Гоббс (1558—1679 й.), Уильям Петти (1623—1687 й.), Жак Руссо (1712—1778 й.), Адам Смит (1723—1790 й.), Давид Рикардо (1772—1823 й.), Батис Сэя (1767—1832 й.), Жон Мейнард Кейнс (1883—1946 й.). Асосий ва айрим илмий ишларини солиқ назариясига бағишилаган олимлар: С. Паркинсон, А. Маршалл, Ж. Гелбрейт, П. Самуэлсон, Л. Дернберг, К. Макконнел, Ибн Сино,

Ф. Аэснер Кенэ, П.А. Гольбарх, Ибн Халдун, Мирзо Улугбек, М.Бернс, Г. Стайц, А. Лэффер, Л. Харрат, Н. Кацдор, А. Хансен {ҳар бирининг солиқ бўйича алоҳида назариялари мавжуд}.

Солиқларниң функциялари — солиққа тортишда объектив амал қиласидиган, мавжудлиги илмий қайиф этилган вазифалар; солиққа тортиш жараёнида олдинга қўйилган қонуний мақсадлар — фискал, қайта тақсимлаш, рағбатлантириш ва бошқалар.

Солиқ гуруҳлари — солиқларниң хусусиятларига қараб, айрим табақаларга бўлиниши. Аксарият олимларниң фикрича, асосан, қўйидаги солиқ гуруҳлари мавжуд: тўлаш сиёсатига кўра — юридик шахслардан олинадиган солиқлар; тўлаш манбаига кўра — якка шахслардан олинадиган, яъни индивидуал солиқлар, сотишдан ҳамда ишлаб чиқарииш ҳаражатларидан олинадиган солиқлар; бошқариш даражасига кўра — умумдавлат, маҳаллий ва минтақавий солиқлар; солиққа тортиш объективига кўра — мол-мулкни, истеъмол қилган ресурслари ҳажмини назарда тутиб; ҳисоблаш услугига кўра — регрессив, пропорционал, тўғри, босқичли, ўзгармас минимал миқдорда; солиқ олиши услугига қараб — тўғри ва эгри; солиқ солиши услугига қараб — бевосита ва билвосита солиқлар.

Солиқнинг меъёрий ҳужжатлари — солиққа тортиш жараёнида қўлланиладиган асосий меъёрлар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар. Бу қонунлар, ҳужжатлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади: солиққа тортиш меъёрий ҳужжатлари (солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаш базасига нисбатан ишлатиладиган меъёрлар); солиқ тизимини бошқарииш меъёрий ҳужжатлари, шу соҳада ишлаётганларга иш ҳақини тўлаш меъёрий ҳужжатлари; солиқ соҳасида асосий ва айланма воситалардан фойдаланиш меъёрий ҳужжатлари. Аксарият меъёрий ҳужжатлар маълум давр ичида қўлланилиб, янгилари ваколат берилган ташкилотлар томонидан тасдиқланади.


Солиқ меъёри — бюджетта тўланган ёки тўланадиган солиқ суммасининг солиқ объективига нисбатан улуши. С.м. (нормаси) олдиндан қатъий (пул бирлигида ёки фоизда), яъни ўзгармас миқдорда ёки прогрессив, солиқ объективи миқдорига қараб ортиб борувчи, ўзгарувчан шаклда белгиланади. С.м. асосан, пулда ўлчанади.

Солиқ полицияси — аксарият мамлакатларда солиқ ҳукуқини муҳофаза қилиши мақсадида тузилган маҳсус ҳизмат тизими.

С.п.нинг асосий вазифаси солиқ соҳасидаги жиноятлар ва хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишдан иборат. Баъзи мамлакатлар (АҚШ, Германия, Россия)да С.п. қўйидаги ваколатларга эга: оператив қидирув тадбирлари, суриштирув ўтказиш, солиқ тўловчиларни текшириш, банклар ва кредит муассасаларидаги операцияларни маълум муддатта (солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда) тўхтатиб қўйиш, солиқ тўловчилар даромад олиш учун фойдаланаётган ҳар қандай ишлаб чиқариш биноси, омборга, савдо ва бошқа мақсадларда иплатилидиган обьектларга кириш; тегишили маълумотларни олиш учун шахсларни чақириш; зарур ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларниң мулкига маъмурий банд солиш; юридик ва жисмоний шахслар солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаган ҳолларда уларга қонунда белгиланган тартибда чора кўриш.

Солиқнинг макротарихи — энг қадимги дунёдан ҳозирги вақтгача бўлган давр ичида солиқ функциялари ва солиқ олиш мезонларининг ўзгариши. Қадим замонларда қабила бошлиги овчилар ўлжасидан бир қисмини солиқ сифатида мажбуран олиб, қарияларга, аёлларга ва болаларга қайта тақсимлаган даврдан бошлаб, то шу кунгача солиқ мажбурий мақомга эга. Ўлжанинг бир қисмини қабила бошлиги томонидан олиниб, қайта тақсимланиш тартиби тарихчи ва генетик олимлар фикрича, 280—300 минг йил олдин пайдо бўлиб, инсоният ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келган. Ўша даврдан бошлаб, қабилалар бирлашиб яшаб, чорвачилик ва дехқончилик билан шугулланишга мажбур бўлгандар. Айрим қабиладагилар солиқ тўламаслик мақсадида алоҳида бўлинниб яшашганлари ҳолда бошқалари бирлашганча элат бўлиб, кейинчалик бекликлар ҳамда хонликлар ва ниҳоят, йирик давлатлар ҳосил қилишган. Аҳоли сони кўпая борган сари маблағ етишмаслиги сабабли солиқ турларини кўпайтиришга мажбур бўлишган. Пул пайдо бўлгач, солиқдан тушган истеъмол моллари ўрнига маблағ олишга ўтилиб, бу маблағ аҳолининг бир қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш мақсадларига сарфлана бопланган. Солиқ инсоннинг оқилона яшай бошлаган давридан 300 минг йил илгари натура кўринишида пайдо бўлиб, инсон цивилизациясига асос солди. Солиққа тортиш жараёни маҳсус босқичларга эга. Ҳар

Қандай давлатнинг солиқ ва солиққа торғыш жараёнининг тарихи, босқичма-босқич ривожланиш даврлари мавжуд. Жаҳон миқёсида солиқ ва солиққа тортиш жараёнининг шаклашыниши ва ривожланиши қуидаги чизмада солиқ муносабатларининг босқичлари бүйича берилган:



Солиқ муносабатларининг тарихан вужудга келиш босқичлари.

Бу солиқ муносабатларининг тарихий босқичлари «эволюцион» ривожланиш давларидан иборат бўлиб, йил сайин тақомиллашиб келган ва ўзига хос қонунларга, иқтисодий усулларга ва формулаларга эришган.

Солиқ механизми — давлат солиқ сиёсатини рўёбга чиқариш мақсадида жорий қилинган солиқ олиш тадбирлари; давлат миқёсида жорий қилинган солиқ модели, тизими ва сиёсати ёрдамида амалга ошириладиган ишлар мажмуйи; қонунда белгиланган солиқ турлари, ставкалари, имтиёзларининг амалда қўлланилиши. Солиқ қонуни доирасида тадбирларни амалга

опириш натижасида солик түпнуми орқали давлат ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини тұлдиринш мейері. Солик сиёсатининг ҳаётта жорий этилиши ва соликка торғынш натижасида бюджеттегі тушадиган тушум миқдори ва саломини шакллантирадиган иқтисодий жараён. С.м. қанчалик самарали ишласа, солик тушумлари ҳам шунчалик барқарор бўлади. С.м. давлат миқёсида бир неча солик унсурларининг биргаликдаги фаолиятида ифодаланади (чизмага қаранг).



С.м. қанчалик яхши бўлиши чизмадаги кўрсатилган барча солик унсурларининг уйғуналашган ҳолда ҳаракат қилишига, уларнинг жаҳон андоузаларига жавоб бериши, ҳаётий мослашувига боғлиқ бўлади. С.м. солик тизимининг асосий унсури бўлиб, фискал, ижтимоий, имтиёзли, мақсадли ва бошқа гурӯҳларга бўлинниб, олимлар ва амалиётчилар томонидан ҳаётта жорий этилади. С.м. самарадорлиги солик тушумининг ўсиши билан ўлчанади (Пол Самуэлсон).

Солик объекти — хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бўлиб, солик тўлаш мажбуриятининг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи хуқуқий далиллар ва иқтисодий кўрсаткичлар (ҳаракат, фаолият, ҳодиса, ҳолат). Масалан, С.о. фақат давлат ташкилотларида, солик органларида рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган ҳолатда мавжуд бўлади.

Солик хизмати инфратузилмаси — солик хизматининг муваффақиятли фаолият кўрсатишига омиллик қилувчи тузилмалар

ва уларнинг шахсий таркиби, моддий мулк ва ёрдамчи бўлинмалар, яъни Давлат солиқ қўмитаси, туман ва шаҳар солиқ инспекциялари, солиқ идоралари, иншоотлари, инспекциялари, солиқ мутахассислари. С.х.и. ҳар бир вилоят, шаҳар ва минтақадаги солиқ инспекциялари, уларнинг ходимлари ва солиқ иншоотларини ҳам ўз ичига олади.

Солиқ юки — хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро тўлайдиган барча солиқлар ва тўловлар йигиндисининг даромадга нисбати. С.ю. солиқлар, йигимлар ва тўловлар йигиндисининг хўжалик юритувчи молиявий аҳволига қанчалик таъсир кўрсатиши билан тавсифланади. Бу кўрсаткич илмий таҳдиллардагина ишлатилади. С.ю. қанчалик оғир бўлса, солиқ тўлашдан қочиш шунча кўпаяди. Солиқ тўловчилар гарданига тушадиган солиқ ва йигимларнинг жами миқдори солиқ тўловчилар учун молиявий мажбурият ҳисобланади. Солиқлар ёрдамида давлат бюджетининг маблағ билан таъминланипши, С.ю.нинг ўзгариши солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятига бевосита таъсир қиласи.

Солиқ органларининг назорат функцияси — солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиққа тортиш объекти, солиққа торгиладиган база, имтиёзлар сингари солиққа тегишли кўрсаткичлар ҳисоб-китобларини текшириш жараёни. Бу жараёнда хўжалик юритувчи шахсларнинг фаолиятидан тўланаётган солиқлар ҳажми тўғрилиги аниқланади.

Солиқка оид ҳуқуқбузарлик — солиқ тўловчилар ёки солиқ органлари ходимларининг қонунга зид, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари натижасида солиқ бобидаги мажбуриятларнинг тегишлича бажарилмаслиги, солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига пуртур етказилиши. Солиққа нисбатан бундай муносабат қонунга биноан тегишли жавобгарликка тортилади.

Солиқ модели — давлат миқёсидағи солиқ тизими, сиёсати, механизми ва бошқа унсурларнинг умумлашган кўрининши; давлат миқёсида солиқ унсурларининг умумий мужассамлашган ҳаракатини ҳамда айrim солиқ унсурларининг уйгуналашган фаолиятини ифодаловчи солиққа тортиш жараёни. Ҳар бир давлатнинг ўзига хос С.м. бўлади ва у асосий унсурлардан иборат. С.м. асосан олимлар томонидан қўйилади турухларга бўлиб таҳдил қилинади: америкача, европача ва шарқий-мусулмонча моделлар. Бу моделлар солиқ тизими, меҳа-



нисми, турлари ва солиққа тортиш услублари билан фарқлағады. Бу унсурларнинг ўзаро боғлиқликдаги ҳаракатини ифодаловчи жараән С.м. дейилади [чиzmага қаранг].

Чиzmадан кўриниб турибдики, С.м. давлат миқёсида бир неча солиқ унсурларининг биргалиқдаги умумий ҳаракати билан ифодаланағади. Ҳар қайси давлат солиқни ҳисоблашнинг ўзига хос услуги, солиққа тортиш йўллари, солиқ олини тартиби, муддати ва солиқ турлари бўйича ставкаларига эга. Солиқларнинг ривожланиш модели давлатнинг солиқ сиёсатини ифодалайди.

Солиқ олинмайдиган даромадлар — айрим солиқ солиш обьектлари ва хўжалик субъектлари даромадларининг солиққа тортишдан қонун доирасида озод этилиши; солиқ олинмайдиган айрим обьектларнинг ва хўжалик субъектлари даромадларининг қонун доирасида солиққа тортишдан вақтгинача ёки бутунлай озод этилган қисми.

Солиққа оид жиноят — солиққа тортиладиган обьектларни қасдан яшириш усулларидан фойдаланиб, давлат бюджети даромадларига зарар келтирувчи гайриқонуний ҳаракат. Солиқ соҳасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг қўйидаги аломатлари мавжуд; солиқ, ва бошқа тўловларни тўлашдан такоран ёки кўп марталаб бўйин товлаш; ҳужжатларни қалбакилаштириш; сохта бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш; ишлаб чиқаришда ишлатилмаган моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш, штат бирлигида ҳисобда турган, лекин корхонада ишламаёттан ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш йўли билан ҳаражатларни кўпайтириш; савдо тушумини ва даромадни қасдан камайтириш; моддий ва ёнилги энергия

ресурслари ва амортизация харажатларини сунгий равишда ошириш ёки меъёрий ҳужжатлар (лимитлар)дан нотўғри фойдаланиши; ҳужжатларни йўқ қилиб юбориш ёки тақдим этишини рад қилиш; савдо қилиш жойларида бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган маҳсулот (товар)ларни сақлаш; давлат рўйхатидан ва солиқ органида рўйхатдан ўтмасдан туриб, хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошириш; давлат солиқ органининг огоҳлантиришига қарамасдан, икки ва ундан ортиқ манбадан даромад олувчи жисмоний шахслар билан даромад тўгрисида декларацияни тақдим этмаслик; савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда тақороран, кенг миқёсда ёки бир гурӯҳ шахслар билан шугууланиши; савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини қайта-қайта бузиш; лицензиясиз тақороран ёки бир гурӯҳ шахслар бўлиб фаолият кўрсатиш; соҳта тадбиркорлик; алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда қайта ёки кўп миқдорда ишлаб чиқариш ёхуд истеъмолга чиқариш; қиймати белгиланган энг кам иш хақининг бир баравари миқдоридан оштаги мулкни талон-торож қилиш. Шу ва бошқа жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда маъмурий амалиёт бўлими (шўъбаси) томонидан текшириш ҳужжатлари дарҳол тааммуқлилиги бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги «Солиққа оид жиноятларга қарши курашиб Департаменти органларига юбориш тартиби тўгрисида»ги кўрсатма талабларига кўра, Департаментнинг ҳудудий бўлимига юборилади.

Солиқ тизими — давлат солиқ моделининг асосий унсури — солиқ сиёсати, механизми ва имтиёzlаридаи фойдаланиши жараёни; солиқ унсурларининг давлат миқёсида ўзаро боғлиқликда ва уйғунлиқда ҳаракат қилиши. С.т. солиқ моделининг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, олимлар томонидан либераллашган, марказланишган ва инсонпарварланишган гурӯҳларга бўлиб таҳдил қилинади. Улар солиқ механизмлари, солиқ олиш ва тўплаш тартиблари билан фарқланади. Ҳар бир давлатнинг ўз С.т. мавжуд бўлиб, мезонларининг ўзига хослиги билан бошқа давлатницидан фарқ қиласди (чизмага қаранг).

Чизмадан кўриниб турибдики, С.т. бир неча солиқ унсурларининг ўзаро алоқадорлиги, ғири-ғирининг ўрнини тўлди-



Солиқ тизимининг асосий унсурлари.

риб, уюшган ҳолда ҳаракат қилишини билдиради. Шунинг учун ривожланган давлатларда (А. Аэффернинг фикрича) С.т. туиңчаси күпроқ солиқ сиёсати, солиқта тортиш усуллари, тамойиллари, имтиёzlари, солиқ ставкалари, объектлари, субъектлари билан ифодаланади. Солиқ тизимининг пировард самараси солиқ түшүмининг ўсишида ўз аксини топиб, давлатнинг иктисодий ривожланишига қўпиган асосий ҳиссаси билан ўлчанади.

Солиқ тизимининг самарадорлиги — иш тизимни ташкил қилувчи барча куч, восита, омиллар, иш услубларининг уйғун ҳаракати туфайли солиқ ва тўловлар ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда йигилиб, жамият тараққиётiga хизмат қилдирилишининг, солиқнинг барча функциялари муваффақиятли амалга оширилишининг асосий кўрсаткичи. Бу умумий кўрсаткич солиқ түшүмининг ўсиши, унинг иктисодий юксалишига таъсири ва солиқ органларининг меҳнат унумдорлиги билан ўлчаниши мумкин. Солиқ тизимининг тушунарли, содда, аниқ ва ҳаётта мослашувчан бўлишини тақозо этади. С.т.с. солиқ тўловчилар билан адолатли қонун талаблари асосида иш олиб бориш йўли билан мамлакатда ижтимоий-иктисодий ривожланиши, ҳар томонлама юксак тараққиёт даражаси таъминланишида ўз ифодасини топади.


Солиқ квотаси — солиқта тортиладиган муайян бирлиқда олинадиган белгиланган солиқ миқдори; солиқ тўловчи томонидан солиқнинг бюджетта тўланадиган қисми. Бу жараённи

такомиллаштириш солиқ салмоги билан бўлиб, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг энг ласт ёки юқори ставкаларда солиқ тўлаши билан ифодаланади. Масалан, Буюк Британияда «бар»дан олинадиган даромадларнинг камидаги 65 фоизи солиқ сифатида бюджетта ўтказилиши шарт.

Солиқ кодекси — давлат солиқ тизимининг хуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, солиқ ишларини юритиш, қонун бузилган ҳолларда тегишили жавобгарликка тортиш тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи қонуни. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида 1997 йил 24 апрелда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан амалга киритилган, 1997—2002 йилларда унга маҳсус қонунлар билан қўшимчалар киритилган. С.к. 41 боб ва 135 моддаладан иборат. Солиқ тўламаслик, солиқ тўлашдан қочин ва бошқа жиноявлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси»да (7-модда), «Маъмурий жавобтарлик тўғрисидаги кодекс» (174,167-моддаларда) ҳамда «Жиноят кодекси»да (184-модда) кўзда тутилган жавобгарликлар орқали тартибга солинади.

Солиқлар дарахти — давлат миқёсида қабул қилинган мажбурий солиқлар, тўловлар ва йигимларнинг ривожланиш жараёнини ифодаловчи дарахт шаклидаги чизмаси; солиқ ҳамда солиққа тортиши жараёнининг давлат миқёсида шакланишини дарахт каби ўсиш ва ривожланишда ифодаловчи тасвир. Солиқ соҳасининг назарий ва амалий ривожланиш манбаи назарий ва амалий билимлар бўлиб, иқтисодиёт, солиқ сиёсати, солиқ қонунчилиги, бухгалтерия ва бошқа фанлар унинг асоси ҳисобланади.

Солиқ турлари ва тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши давлат солиқ сиёсатининг ўзгариши, солиқ турларигинг сифати, ўсиш ҳажми, асосий унсурлари билан белгиланади. С.д.да солиқ турлари ва уларнинг туркулари, мажбурий йигимларнинг турлари, солиққа тортиш кўрсаткичларининг мажмуми ифодаланган. Ҳар қандай жараён ривожланишда бўлганидек, С.д. ҳам ҳар тарафлама ривожланиб, ўсиб боради. ЎзРда солиқ ва солиққа тортиши жараёнининг ривожланишини қўйидагича дарахт шаклида ифодалаш мумкин:



Солиқтарнинг ракбатлантирувчи функцияси — солиқтарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, шүннингдек, молиявий ва меңнат ресурслари, жамғарилган мол-мұлқдан самарали фойдаланишта қартилаган солиқ муносабатлари.

Солиқ ставкасы — солиқта тортиладиган объект бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қойылған түлов меъёри. С.с. қаттың қийматларда ёки фойзларда белгиланади.

Солиқ сиёсати — мамлакат бүйіча маълум вақтта белгиланған концепция, мезон ва вазифалар, давлат иқтисодий ва молиявий сиёсатининг асосий таркиби; давлатнинг солиқта тортиш услугалари, солиқ турлари, уларни тұлаш тартиблари-

ни тacomиллаштиришга багишланған максады тадбирлари. Солиқ тизимини давлат ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб, мувофиқлаштирилған бу тадбирлар солиққа тортиш билан бөглиқ барча муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Солиқ тизимини тacomиллаштиришга қаратаған илмий, амалий тавсиялар ва қонун меңгерларининг ишлаб чиқиши ҳамда жорий этилиши. С.с. иқтисодий сиёсатнинг умумлашған ифодасы ҳисобланади. Ҳар бир давлат солиқ тизими ни ривожлантириш сиёсатига эта бўлиб, у муайян давр талаб ва эҳтиёжларига мувофиқлантирилиб турилади. Чунки С.с. давлатчилик сиёсатининг мухим таркибий қисми ҳисобланади.

Солиқ мажбурияти — маълум вақт ичидаги фаолият кўрсатган шахснинг қонунга биноан тўлаши мажбурий бўлған солиқ тушиуми; солиққа тортиш ва солиқ тўламаганлик учун жиноий иш қўзгатишнинг ҳуқуқий базаси. Қадим даврлардан солиқ тўлаши мажбурий ҳисобланади. Шунинг учун қурби етган фуқаро давлатта белгиланған миқдорда солиқ тўлаши керак. Солиқ тўловчи буни қонун олдидаги шахсий мажбурияти деб билган ҳолда ўз даромадининг бир қисмини давлат бюджетига ўтказади. С.м. аввало, Буюк Британияда «Duty», кейинчалик Францияда «impôt» деб аталиб, қонунга асосан амалга ошириладиган мажбурий тўловни англатган.

Солиқ муносабатлари тизими — жамиятда тутган ўрнига кўра, солиқ тўловчининг иқтисодий муносабатлар тизимидағи иқтисодий категория, солиққа тортиш муносабатлари мажмуасида молиявий категория ва ҳуқуқий муносабатлар сирасида ижтилоий категория сифатида намоён бўлиши. Шу жиҳатдан солиқ тўловчи жамиятнинг фаол аъзоси, лекин солиқ тўлаш унинг зиммасидағи ягона мажбурият эмас. Солиққа тортиш муносабатларидаги таргиб-қоидаларга биноан, унинг солиқ солинадиган обьектлар ҳисоб-китобини белгилантган тартибда юритиш, молиявий фаолият ҳақида тегинили солиқ идораларига ҳисоботлар тақдим этиб туриш каби болиқа қатор мажбуриятлари мавжуд. Унинг ўзи ҳам шу мажбуриятлар ва субъекттин ҳуқуқлар мажмуаси таъсирида шакланади. Солиқ тўловчи ўз фаолияти нуқтаси назаридан мустақил хўжалик ва эркин фикр юритувчи, шахсий ҳақ-ҳуқуқларига жиҳдий муносабатда бўла оладиган, шу билан бирга, тегинили қонунлар ёрдамида муҳофаза қилинган ҳуқуқ субъектидир. Солиқ органлари назоратида бўлған солиқ тўловчи солиққа тортиш муносабатларига оид ҳар

қандай талабга ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда жавоб беради. У ўз фаолиятини бошлаш жараёнида тегишили солик органларида рўйхатдан ўтиш, солик инспекциясига ҳисобот тақдим этиши, белгиланган солиқларни тўлаш каби қонуний мажбуриятларни бажаришда мазкур тартиб-қоида ёки талаблар қайси қонун нормаларига тааллуқли эканлиги тўтрасида солик органларидан батафсил маълумот олишга ҳақлидир. Айнан шу мақсадларда солик тўловчи учун ва унинг солиққа тортиш муносабатлари билан боғлиқ равишда бажариши ёки итоат қилиши лозим бўлган талабга биноан давлат бюджети олдидаги мажбуриятларининг ҳажми, миқдори, тўлов муддатлари юзасидан ахборот олиш ёки давлат солик органларида тегиши тушиуниришлар бериш, лозим бўлган ҳолларда эса, бу органларнинг юқори ташкилотларига мурожаат қилиш ва ҳатто, судда даъво қўзғатиш ўйли билан ҳақиқатнинг юзага чиқишини талаб қилиш имконини берувчи қатор ҳуқуқлар белгиланган. Солик тўловчига берилган ҳуқуқлар солиққа тортиш муносабатларида барча тоифалардаги хўжалик субъектлари учун тенг кучга эга қонун меъёрларидир. Солик тўловчиларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берган бу қонун меъёрларининг амалий аҳамият касб этиши уларга онгли муносабатда бўлиш маданиятига боғлиқ. Солик тўловчилар қайси тоифага мансубликлари, қандай лавозимни эгаллаб турганликларидан қатъи назар, меъёрлари барча учун бирдек баробар солик қонунлари, унга оид кўрсатмалар маънавий, тарбиявий ва амалий куч-қудратта эгадир. Шунинг учун ҳам солиқлар – солик тўловчилар – давлат бюджети ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, адолат мезонига асосланган ҳуқуқий ечими мавжудлиги солик қонунчилиги талабларига барча солик тўловчи субъектларнинг тўла-тўқис риоя қилишларида намоён бўлади.

Солиққа тортиш обьекти – жисмоний ва юридик шахсларга солинадиган солиқларни ҳисоблашда фойдаланиладиган иқтисадий ва молиявий кўрсаткичлар; ҳар бир солик, солик тўлови, йигими турларини қайси кўрсаткичга нисбатан ҳисоблаш кепрак эканлигини билдиради. Солик тўловчининг жами даромад кўрсаткичлари С.т.о. ҳисобланади. С.т.о. солик тўловчи шахсларнинг солигини ҳисобловчи кўрсаткичлар; даромад (фойда), ишл тушуми, мол-мулк қиймати, товар-оборот ва бошқа кўрсаткичлар. С.т.о.га солик тўловчи олган даромад (фойда), унинг мол-мулки, иш ҳақи, у фойдаланаётган ер ва бошқалар киради.

Солиқ статистикаси — давлат миқёсида солиқ тушумларини хисобга олиш механизми. Солиқ тушумлари бүйича ўзига хос статистик күрсаткичлар ва маълумотлар юқори ташкилотларга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан махсус жадваллар ва шаклларда берилади, ўз навбатида, давлат солиқ инспекциялари уларни махсус жадвалларда юқори ташкилотларга ифодалаб беришади. Солиқ тизимида солиқ тушумлари билан боғлиқ жараёнларнинг кўлами, миқдорини таърифлаб берувчи сонлар мажмуидан иборат. С.с. хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган ва амалда ундириладиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар давлат солиқ органларида ҳисобга олинниб, маълумотлар статистик күрсаткичлар ёрдамида махсус ҳисботларда, жадваллар ва шаклларда акс эттириб борилади. Бундай статистика ёрдамида давлат бюджети даромадларининг таркиби, бюджет дефицити ёки профицити, хўжалик юритувчи субъектлар боқимандаси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар миқдори, мамлакатда ўтказилаёттан солиқ сиёсатининг самарадорлиги, унинг иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга таъсири таҳдил қилинади. Давлат бошқарув органлари, молия идоралари солиқ органлари жамлаган маълумотлардан давлат бюджетининг бажарилишини, даромад ва харажатлар ўзгаришини ўрганиб, истиқболдаги вазифаларни белгилапда фойдаланади.

Солиқ субъекти — даромад (фойда) олиш мақсадида маълум бир фаолият билан шугулланувчи ва ўз даромадидан қонунда белгиланган миқдорда солиқ тўлаш мажбурияти юкланган жисмоний ёки юридик шахс ва бошқа солиқ тўловчилар.

Солиқ таътили — айрим давлатларда қонун асосида маълум муддат ичида баъзи хўжалик юритувчи субъектлар муйайян солиқларни тўлашдан вақтинча озод қилинадиган муддат. Бу — солиқ механизмида мужассамлашган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини самарали ишга соглан ҳолда давлат миқёсида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашта қаратилган тадбирdir.

Солиққа тортишни самарадорлиги — солиққа тортишни оптимальлаштириш, соддалаштириш ва солиқ тўловчиларни рағбатлантириш йўли билан иқтисодий ўсишни таъминлаш, яъни солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ҳисобига олинган иқтисодий ўсиш билан белгиланадиган умумлаштирувчи кўрсаткич;

солиқ тизимининг тушунарли бўлиши, содда ва аниқлиги, ҳаётга мослашувчанлиги билан ифодаланади ва солиқ тушумининг шу омил ёрдамида ўсими билан ўлчанади.

Солиқ тизимининг ривожланиш концепцияси — давлатнинг маълум даврга мўлжалланган дастур асосида солиқ тизимини самарали ривожлантиришга қаратилган тадбирлари силсиласи. Ҳар томонлама ва чуқур илмий изланишларга асосан тузилган бу ҳужжатда амалга ошириладиган тадбирларнинг бажарилиш муддатлари ва эришилиши мўлжалланган натижалар хамда бажарувчи органлар аниқ белгилаб қўйилади.

Солиқ тизимини ривожлантириш стратегияси — давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ тизимини жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган мезони ва чора-тадбирлари. Бу стратегия солиқ тизимини мамлакат миқёсида 5—10 йиллик истиқболда ривожлантиришнинг асосий мезони бўлиб, унинг негизини жаҳон тажрибаси пухта ўрганилиб, ҳар томонлама асосланган илмий гоя ташкил қиласди. ЎзРда иқтисодий ривожланишни эркинлашган бозор муносабатларига мувофиқлантириш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялапшув шароитида С.т.р.с. солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини аниқлаш, жаҳон ҳамжамиятида шаклланган бозор муносабатларига кириб бориш учун республикада амалдаги солиқлар ва солиққа тортиш тартиб-қоидаларидан тубдан фарқ қиласдиган янги солиқ технологияларини жорий қилиш асосларини яратиш вазифасини ўз ичига олади. Бу технологиялар концепцияси бир неча гоя, жумладан, республика иқтисадиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи мустаҳкам гоялар тарзида намоён бўлиши мумкин. Одатда, улар бир ёки икки солиқ тури бўйича ислоҳотлар ўтказилишини кўзда тутади. Ҳозирги вақтда ялпи солиқ юкини солиқ тўловчилар тоифасига қараб, адолатли тақсимлаш асосида давлатнинг солиқ тизимини ривожлантиришнинг узоқ истиқболга (5—10 йилга) мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш бу соҳадаги энг долзарб йўналишлардан ҳисобланади.

Солиқ тизимини ривожлантириш тактикаси — солиқ стратегиясини рўёбга чиқаришда белгиланган устувор йўналишларни, юзага келган аниқ шарт-шароитни зътиборга олган ҳолда муйайян давр (1—2 йил) ичida қўлланиладиган услублар ва чора-тадбирлар. Улардан айримларини кўллаш муддати нисбатан

қисқа давр—ойлар, чораклар, ярим ёки бир йил доираси билан чегараланиши мүмкін. Лекин амалда яхши синовдан үтган услублар узоқ давр мобайнида стратегик мақсадларга хизмат қиласы.

Солиқта тортиш базасининг ўлчов бирлиги — солиқта тортиш базасининг муайян қыймат, ўлчов бирлигидә ифодаланиши; пул бирлиги, тонна, килограмм, метр ва ҳ.к. шундай күрсаткич мезони бўлиб, бутун объектдан солиқ ҳисоблаш учун зарур мөъёр вазифасини бажаради. Масалан, даромаддан олинадиган солиқни ҳисоблашда қыймат ўлчови ишлатилади.

Солиқта тортиш тамойиллари — солиқта тортиш механизмининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларига биноан, ҳаётий эҳтиёжларнинг молиявий манбаи бўлган давлат бюджети даромадларининг шаклланишида солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда амал қилинадиган тартиб-қоидалар. С.т.т. давлат солиқ сиёсатини рӯёбга чиқарилга хизмат қилувчи қонунчиликка асосланиб, бозор иқтисодий муносабатларининг ва мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда шакллантирилади. Аниқлик, кулагилик, тенглик, оптимальлик ва бошқа тамойиллар солиқта тортиш тамойилларини ташкил қиласы. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий этилган умумдавлат, маҳаллий солиқлар ва йигимлар бўйича амал қиладиган солиқта тортиш тамойиллари мамлакатимизда эркин ва фаровон турмуш, демократик жамият қуриш тамойиллари билан уйгуналластирилган. Лекин шу билан бир қаторда, солиқта тортиш механизмининг азалдан хизмат қилиб келаётган доимий тамойиллари борки, улар жамият ривожланиш қонуниятларининг фалсафий негизларидан келиб чиқади.

Солиқта тортишнинг Адам Смит ишлаб чиқсан тамойиллари — сиёсий иқтисод фанининг асосчиларидан бўлган А.Смит 1886 йили «Миллат бойлиги» асарида солиқта тортишнинг 4 тамойилини ифодалаб берди: *тенглик тамойили* — барча солиқ тўловчилар солиқларни ўзлари оладиган даромадларга қараб тўлашларини кўзда тутади; солиқта тортишнинг нисбатан камхаржлиги, яъни солиқни ҳисоблаш ва ундириш харажатлари йигиладиган солиқ миқдорига нисбатан кам бўлиши зарурлиги; солиқта тортишнинг аниқлиги—солиқ тури, тўлаш муддати ва миқдорининг ҳар бир солиқ тўловчига тушунарли бўлиши; солиқта тортишнинг қулаги.

Солиққа тортиладиган даромад — жисмөнүй ва юридик шахслар фәолиятидан тушган тушумдан олинган даромад (фойда) - нинг солиққа тортиладиган қисми. Масалан, юридик шахснинг жами даромади билан солиққа тортилмайдиган даромад ўртасидаги фарқ солиқ солиши объекти ҳисобланади.

Солиққа тортиш усули — солиққа тортишда фойдаланиладиган йўл-йўрик ва тартиб. Солиқ солишининг teng, мутаносиб, прогрессив, регрессив усуллари мавжуд.

Солиққа тортиш муносабатларининг ҳуқуқий асослари — ўз хусусиятига кўра, давлат ишлаб чиқариппи билан боғлиқ бўлмаган, солиқ тўловчи хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фәолиятига қарам ва солиқ тўловчилар фәолиятидан ҳосил бўлган қўшимча қийматнинг бир қисмини жамиятнинг тараққиёти учун мўлжалланган тадбирларга сарфланиши муқаррарлигидан келиб чиқувчи ҳуқуқий мезонлар, тартиб-қоидалар. Солиқ тўловчи мулки (даромади)нинг солиқ қонуничилиги билан белгиланган қисми давлат бюджети фойдасига олинганда, давлат ўз қонуний солиқ олиши ҳуқуқларининг бажарилишини таъминлаган, солиқ тўловчи эса ўзининг конституциявий бурчини адо этиб, қонун асосида белгиланган солиқ тўловларини амалга оширган ҳисобланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, хусусийлаштирилган мулкчиликка асосланган расмий фәолият натижалари давлат ва жамият манфаатларини молиявий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш манбаи бўлиб хизмат қиласди. Солиқ органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида солиқлар ва ўзга мажбурий тўловлар қонунга зид ҳисобланса, солиқ тўловчи (мулқдор) бу ҳолатни хусусий мулкка ноқонуй тажовуз ҳисоблаб, мулкий ҳуқуқни муҳофаза этадиган қонун меъёrlарига мурожаат этиб, «...ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишларини бартараф этишни талаб қилиши мумкин» («Мулкчилик тўғрисида»ги Қонун, 38-модда). Солиқ тўловчи хўжалик субъектларига нисбатан солиқ органлари ҳодимлари томонидан йўл қўйилган қонунга хилоф ҳаракатлар бўйича эътироз билдиришнинг уч ҳуқуқий йўналиши мавжуд. «Солиқ кодекси»нинг 11-моддасида белгиланганидек, уларнинг биринчиси — текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда, солиқ органига ёзма эътиroz билдириш; иккинчиси — юқори солиқ органларига шикоят қилиш; учинчиси — судга мурожаат этиш. Солиқ тўловчи шахс бу ҳуқуқий имко-


ниятларнинг ҳар биридан фойдаланиб, ўз норозилигига ўринли жавоб талаб қилиши мумкин. Солиқ тўловчининг ҳуқуқини қонуний ҳал қилувчи суд органининг солиқ муносабатларига оид икки томонлама эътиrozли масалаларда адолатли ечим топиши алоҳида ўрин тутади. «Мулкчилик тўгрисида»ги Қонуннинг 37, 38-моддаларида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ушбу Қонун билан белгиланган мулкчилик муносабатларининг барқарорлигига кафолат беради. Ва мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд томонидан амалга оширилади. Демак, фақат суд солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунчилиги бузилганлиги ёки давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик субъектига нисбатан ноқонуний талаб қўйилганлиги тўгрисида адолатли ҳукм чиқариши мумкин. Шу боисдан солиқ тўловчининг оғзаки, далиллар билан тасдиқланмаган ёки дўйқ-пўписа билан қилган шикояти масаланинг қонуний ҳал қилинишига асос бўла олмайди. Аввало, солиқ тўловчи ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тегишли ҳужжатларнинг белгиланган тартибида расмийлаштирилишига жиiddий муносабатда бўлиши керак. Давлат олдиаги ўз мажбуриятларининг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар солиқ қонунчилиги доирасида расмийлаштирилиши ҳуқуқий муҳофазаланишнинг асосий омилларидан ҳисобланади ва фақат шу йўл билан солиқ органлари ёки бошқа назорат қилувчи тапкилотлар ноқонуний ҳаракатларининг олдини олиш мумкин. Солиқ тўловчи текширув жараёнида солиқ хизмати ҳодимлари томонидан солиққа тортиш муносабатлари бўйича билдирилган танқидий мулоҳазаларга, қоидаларга биноан, ҳужжатлар, ашёвий далиллар ва мукаммал ҳисоб-китобларни асос қилган ҳолда жавоб беришга доим тайёр бўлиши лозим.

Солиқ турини танлаш ҳуқуқи – фаолият кўрсатувчи шахснинг солиқ тўлашда кўлланиладиган мақомини ўзи танлаш имконияти; хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик корхоналарга кўп сонли солиқлар ўрнига ятона солиқ тўлаш тартибини эркин танлаш имкониятининг берилиши. Бу солиқни тўлаш тартиби, ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўлаш даври – муайян солиқлар тўланишига нисбатан белгиланадиган вақт, тақвимий йил ёки ҳисобот даври. Ҳар бир солиқ учун турли давр белгиланган бўлиб, шу давр ичида тўланмаса, маълум жазо турлари кўлланилади.

Солиқ тушумларининг иқтисодий ўсишга таъсири — солиқдан тушган маблагни самарали ишлатиш йўли билан давлат миқёсида иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиш имкониятлари. Солиқдан тушган маблаг иқтисодиётни ривожлантиришга ҳамда аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этишга хизмат қиласи. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий-математик моделлар ёрдамида таҳдил қилиш орқали солиқ тушумларидан самарали фойдаланиш натижасида ҳар йили 30—40 фоиз иқтисодий ўсишга (ялпи миллий маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга) эришилиши исботланган.

Солиққа тортилмаган яширин даромад — маҳфий равищаҳа хўжалик юритувчи субъектларнинг ноқонуний фаолияти маҳсулли. Солиқ объекти сифатида шакланмай, гайриқонуний равищаҳа ҳосил бўлган даромад. С.т.я.д.нинг ҳажми ҳар хил омилларга боғлиқ бўлиб, улардан асосийси, солиқ ставкаси ва даромад миқдоридир. Қуийдати чизмада С.т.я.д.нинг ўзгариши ифодаланган:



Яширин даромаднинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар.

Чизмадан аёнки, солиқ ставкасининг 50 фоиздан юқори қисмида солиқ яшириш жараёни вужудга келиб, унда солиққа тортилмайдиган даромад пайдо бўлар экан. Илмий изланишнинг натижаларига қараганда, солиқ ставкаси 50 фоиздан юқори бўлгандан, яширин даромад кўпайиб бориши аниқланган. Ривожланган давлатларда бундай холатни бартараф қилиш учун вазиятни таҳдил қилиб, солиқ муносабатларига зарур ўзгартиришлар киритиши, солиқ полицияси ёрдамида назоратни яхшилаш йўлидан борилади.

Солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқлари — солиққа торғып муносабатларыда иштирок этиш имконини берувчи ҳуқуқий меңдерлар. Улар қуйидагича белгиланған: солиқ органдардан солиқ ҳақидағы қонун ҳужжатлари бүйіча ахборот ва маслағатлар олиш; «Солиқ кодекси»да ҳамда бопқа қонун ҳужжатларыда белгилаб қойылған тартибда ва асосларда солиқ имтиёзлардан фойдаланыш; бюджетта ортиқча миқдорда түшігін солиқлар ва йигимларни қайтариш тұғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш; солиқлар ва йигимлар бүйіча бюджет олдидеги ўз мажбуриятларыни бажарып көзасидан солиқ органдардан мавжуд маълумотлар ҳамда текширув материаллары билан танишиш ва тегишли далолатномаларни олиш, текширувларнинг натижаларыдан норози бўлган тақдирда, солиқ органига ўзининг ёзма эътиrozларини ўн куплик муддат ичида тақдим этиш; солиқ органдарнинг қарорлари ва масъул шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органдарига ёки судга шикоят қилиш; солиқ солиши обьектини ҳисобга олишда, солиқлар ҳамда йигимларни ҳисоблаб чиқарып ва тўлашда йўл қойылған хатоларни мустақил равишда тузатиш. Солиқ тұловчилар «Солиқ кодекси»да ва бопқа қонун ҳужжатларыда назардә тутилған қатор ҳуқуқларга ҳам эгададир.

Солиқ тушуми — давлат бюджети ва маҳаллий бюджетнинг даромад қисмiga солиқлардан тушадиган маблаг. ЎзР бүйіча барча солиқлардан умумий тушум салмоғи қуйидаги жадвалда ифодаланған:

Бюджетта тушадиган асосий солиқ ва тұловлар	Салмоғи, фоиз		
	1995	2000	2002
Жами тушумлар	100	100	100
Бевосита солиқлар	46,3	41,2	41,9
Билвосита солиқлар	42,7	46,0	45,9
Ресурс тұловлари ва мол-мұлк солиқлари	11,0	12,8	12,2

ЎзР Давлат бюджетининг даромад қисмінде билвосита солиқлар асосий улушни ташкил қылади.


Солиқ тұлашдан бўйин товлаш — солиқ тұланадиган даромад ёки бопқа обьектларни қасддан яширган, камайтириб кўрсат-

ган, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқлар, йигимларни, бож ёки бошқа тұловларни тұламаган мансабдор шахслар ёки жисмоний шахслар учун қонунда белгиланган айнома. Солиқларни тұлашдан бүйин товлаш давлат иқтисодиётіга зиён келтиради. Бу жиноят объекти давлатнинг молия фаолияти соҳасыда амал қыладиган ижтимоий муносабаттар. Солиқ тұлашдан бүйин товлаш — солиқ қоидабузарликтарининг эң кең тарқалған хавфли тури. Одатда, у корхонанинг солиқ имтиёзларидан гайриқонуний фойдаланиш, солиқларни үз вақтида тұламаслик ва даромадни яшириш, солиқни ҳисоблаш ва тұлаш учун зарур бўлған хужжатларни бермаслик ёки кечиктириб бериш шаклида намоён бўлади. Натижада, қонун бўйича солиқ тұловчи ҳисобланган корхоналар ва жисмоний шахслар қонунда бевосита ёки билвосита тақиқланган усуслардан фойдаланиб, үз солиқ мажбуриятларини камайтиради ёки солиқларни умуман тұламайди. Бу қонунбузарликларга нисбатан солиқ солиш объекти, солиқ базаси, солиқ даври, солиқ ставкаси ва ҳисоблаш тартиби сингари үнсурлар ёрдамида жазо чоралари белгиланади. Солиқ солиш жараёни солиқни аниқлашдан то унинг бюджетта тушгунгача бўлған жараённи үз ичига олади. Давлатнинг молиявий фаолияти борасыда амал қыладиган ижтимоий муносабатлар бу жиноятнинг объекти ҳисобланади.

Солиқ тұловчиларнинг мажбуриятлари — белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларida рўйхатдан үтиш, ҳуқуқий манзили үзгарғанда, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичидә хабар бериш; солиқлар ва йигимларнинг тегишли миқдорини үз вақтида ва тұлиқ ҳажмда тұлаш; бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонуларга мувофиқ юритиш; молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тұгрысидаги баённома — декларацияларни, шунингдек, солиқлар ва йигимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчы ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш; солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқиши, тұлаш масалаларини текшириш учун солиқ органлари масъул шахсларининг даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан бөглиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш; солиқ органларининг солиқ ҳақидати қонун ҳужжат-

ларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тұтрасидаги талабарини бажариш (қаранг: «Солиқ кодекси», 12-модда).


Солиқ турлари – давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслардан олина-диган мажбурий маблаглар. «Солиқ кодекси»да улар қуида-гича белгиланған:



Солиқ назариясига оид адабиётларда солиқларнинг 100 дан ортиқ тури маълум, лекин ЎзРда 15 солиқ, 4 йигим ва түловлар жорий қилинған. Юқоридаги чизмада фақат ЎзРда амалда бўлган солиқларнинг бевосита, билвосита ва юридик, жисмоний шахслар тўлайдиган солиқ турлари берилган.

Солиқ тўловчининг рўйхат рақами — давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган солиқ тўловчи рўйхатга олинган пайтдан эътиборан ўн кун мобайнида рўйхат рақамини олади («Солиқ кодекси», 126-модда). Солиқ органи ҳар бир солиқ тўловчига ягона рўйхат (идентификация) рақами беради. Солиқ тўловчи томонидан «Солиқ кодекси»га мувофиқ фойдаланиладиган барча ҳужжатларда унга солиқ тўловчи сифатида берилган рўйхат рақами кўрсатилиши шарт. Солиқ органи солиқ тўловчига юборадиган, унинг солиқ мажбуриятларига таллуқли барча хабарномаларда С.т.р.р. кўрсатилади.

Солиқ тушумининг солиқ ставкаси ва солиқ тўловчилар сонига боғлиқлиги — солиқ тушумининг миқдори ўзгаришини белгиловчи умумий қонуният. Бу боғлиқликни таҳлил қилиб, давлат миқёсидаги ўзгариш қонуниятларини чизмада ифодалаш мумкин.



Солиқ тушуми, солиқ ставкасининг солиқ тўловчилар сонига боғлиқлиги.

Солиқ ставкасини 2 фоиз деб фараз қилсак, давлат миқёсида хўжалик юритувчи субъект сони 5000 бўлган бўлса, солиқ ставкасини 10 фоизга кўтарганда, улар сони 500 га тушиб қолган (чандаги чизмага қаранг); иккинчидан, солиқ ставкаси 5 фоизда турганда, солиқ тушуми солиқ тўловчилар ҳисобига ўса борган. Бу боғлиқликни давлат миқёсида аниқлашда, Пол Самуэлсоннинг фикрича, ўзгаришни чизмадагича (ўнгда) ифодалаш мумкин. Бу чизманинг мазмуни — маълум солиқ турни бўйича солиқ ставкаси 2 фоиздан 10 фоизгача кўтарила, солиқ тушуми камайиб кетади, солиқ тўловчилар сони кўпайса ҳам, умумий солиқ тушуми кўпаймайди, яъни яширин фАОЛият кўпаяди. Чандаги чизманинг маъноси — солиқ ставкаси 10 фоиздан 2 фоизгача туширилса, солиқ тушуми солиқ

түловчилар сонининг ўсишига қараб кўпаяди. Демак, солиқ ставкаси солиқ тушумини белгиловчи асосий, бирламчи омил, солиқ түловчилар сони эса иккиласмчи омил ҳисобланади.

Солиқ түловчилар фаолиятини назорат қилиш — назорат қилувчи органларнинг масъул шахсларига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун бериладиган ваколат. Бу органлар фаолиятини мувофиқлаштириш давлат солиқ хизмати таркибидаги маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у қабул қилган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Солиқ түловчилар — олган даромадларидан жамият ривожланиши учун солиқлар ва йигимлар тўлаш мажбурияти зими масига юклатилган юридик ва жисмоний шахслар. С.т.лар юридик ва жисмоний шахсларга, резидент ва норезидентларга, бир марта ёки доимий фаолиятидан солиқ түловчиларга бўлинади. С.т.га давлат ва подавлат секторида фаолият кўрсатувчилар ҳам киради.

Солиқ тўлаш манбай — фаолият кўрсатувчи шахслар томонидан маъзум вақт ичида тўлашини мажбурий бўлган солиқлар олинадиган маблаг. Барча солиқларни солиқ тўловчи ташкилот фойдасидан, цул тушумидан ёки даромадидан олиб давлат бюджетига ўтказиш мумкин. С.т.м. солиқ нима ҳисобидан тўланаётганлигини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткич. Белгиланган қонун меъёrlарига биноан, даромад олиш мақсадида фаолият юритган хўжалик солиқ обьекти ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг мулки ва фаолияти натижасида шаклланган даромади эса солиқ тўлаш манбай бўлиб хизмат килади.

Солиқ одоби — солиқ тўловчилар ва солиқ ходимларининг маънавий, маданий, ахлоқий ва хизмат вазифаларини бажариш жараёнидаги муносабатлар; солиқ тўловчининг солиқларни ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тўлашини, солиқ инспекторининг хулигуомала, «Касб одобномаси»га (ДСҚ томонидан тасдиқланган) мос хулқли бўлишини анлатади.

Солиқ тўловчи одоби — солиқ қонунчилигининг бажарилишини таъминлаш борасида солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимларида шаклланган маънавий, маданий, ахлоқий муносабат. Солиқ солиши, уни ундириш ва тўлаш соҳасидаги ўзаро ахлоқ-одоб. «Солиқ кодекси», солиқ хизмати ҳақидаги бошқа қонун меъёrlарида солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимлари учун белгиланган вазифалар, ҳуқуқлар ва

мажбуриятлар доирасидаги ҳуқуқий муносабатлар мажмуасы асосида шаклланадиган муомала маданияти.

Солиқ тұловчы баённомаси (декларацияси) — ишчи ва хизматчилар асосий иш жойидан ташқаридағи құшымча даромадла-ри хусусида солиқ қонунчилігіда күрсатылған талаблар асо-сида тақдим этадиган маълумотнома. Бундан мақсад — жис-моний шахсларнинг соф даромадини аниклаш ва уни тұғри солиққа тортышдан иборат.

Солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқлари — солиқ тұловчиларнинг қонун томонидан зиммаларига юклатылған мажбуриятлари-ни монеликсиз бажаришларига имкон берадиган ҳуқуқлари. Улар қуйидагилардан иборат: солиқ органдардан солиқ ҳақидаги масалалар бүйіча ахборот ва маслахатлар олиш; бел-гилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш; бюджетта ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йигимларни қайтариш тұғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш; солиқлар ва йигимлар бүйіча бюджет олдиғаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидан мавжуд маълумотлар билан ҳамда ўтказылған текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномалари-ни олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақ-дирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кун-лик муддат ичіда тақдим этиш; солиқ органларининг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш (қаранг: «Солиқ кодекси», 11-модда).

Солиқларни прогноз қилиш — маълум солиқ даврида давлат бюджетига тушиби лозим бўлган солиқ тушумларининг миқ-дорини тахминан аниклаш, чамалаш. Прогноз қилиш ишлари давлат солиқ хизмати органлари: солиқ инспекциялари, солиқ бошқармалари ва Қўмитаси томонидан амалга оширила-ди. Солиқ тұловларини прогноз қилишда қонун ва меъёрий ҳужожатлар, солиққа тортыш тұғрисидағи йўриқномалар, ҳуку-матнинг қарор ва буйруқлари, белгилантан солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқ тұловчи юридик ва жисмоний шахс-лар тұғрисидағи инвентаризация маълумотлари, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланған даромадлар таснифи; ҳоки-мият буйруқлари; корхоналарнинг молиявий фаолияти, де-биторлик ва кредиторлик қарзлари тұғрисида маълумотлар; корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ста-тистик күрсаткычлар каби маълумотлардан фойдаланилади.

Давлат солиқ хизмати органлари бюджетта солиқ ва бошқа мажбурий тұловлар түшумини ҳудудлар ва солиқ манбалари бүйича прогноз қиласы. Прогнозлар йиллик ва чораклик даврларга түзилади. Солиқ ва тұловларни тезкорлиқда назорат қилиб бориш учун чораклик асосида ойлик ва бир күнлик прогнозлар түзіб чиқылады. Солиқ хизмати органларида солиқ ва мажбурий тұловларнинг прогноз күрсаткичлари уч вариантда: йирик солиқ манбалари бүйича; солиқ ва тұловлар ҳақиқий түшумининг таҳлили асосида; корхона ва ташкилоттарнинг молиявий ҳұжалик фаолияти тұғрисидеги маълумоттарға күра түзилади. Бириңчи вариант бүйича прогноз қилишда 9 та солиқ тури, яғни ҚҚС, даромад (фойда) солиги; жисмоний шахсларнинг даромад солиги; акциз солиги; ер солиги; мұлк солиги; сув ресурслардан фойдаланғанлық учун солиқ; экология солиги; табиий бойликлардан (фойдаланғанлық учун солиқларнинг миқдори аниқланады, чунки жами солиқ түшумларида бу солиқ турларининг салмоғи 90 фоизге яқын. Бириңчи вариант бүйича прогноз қилишда корхоналарнинг молиявий натижалари тұғрисидеги ҳисоботлари Макроекстисодиёт вазирилгі, статистика идоралари томонидан тайёрланған, маҳсулоттар ишлаб чиқариш ҳажми, меңнат ва меңнаттая ҳақ тұлаш ҳақидаги ҳисоботлар, маҳсулотнинг таннархи, тайёр маҳсулотнинг сотилиши тұғрисидеги ҳисоботлардан, корхоналарнинг дебиторлық ва кредиторлық қарзларига доир маълумотлар, амалдаги солиқ ставкалари, солиқ турлари бүйича берилген имтиёзлар ва бошқа маълумотлардан фойдаланылади. Иккінчи вариантда давлат солиқ органлари ҳисоботларида акс эттирилған солиқдар ва тұловлар бүйича бюджетта ҳақиқатда үтказылған түшумлар таҳлили асосида прогнозлар ишлаб чиқылады. Учинчі вариантда эса, барча ҳұжалик юритувчи субъектлар (юридик ва жисмоний шахслар) молиявий ва ҳұжалик ҳисоботларини таҳлил қилиш ва улардан маълум хulosалар чиқарып асосида солиқ түшумлари прогноз қилинади. Давлат солиқ инспекциялари ўз прогнозларини вилюят давлат солиқ бошқармаларига, улар эса, ўз навбатыда, вилюят бүйича прогнозларини Давлат солиқ құмитасига тақдим этишади. Давлат солиқ құмитаси Молия вазирилгі билан ҳамкорлиқда бу маълумотлардан Ўзбекистон Республикасы давлат бюджетининг даромад қисмини прогноз қилип дағыдалынади.

Солиқ үндиришни тұловчининг мәл-мұлкігә қаратыш — солиқ тұлаш

қобилятига эга бўлмаган тўловчиларнинг мол-мулки ҳисобидан суд қарорига асосан солиқларнинг ундирилиши. ЎзРда бу чора фақат суд қарорига асосан амалга оширилади.

Солиқларни қайта тақсимлаш функцияси — солиқлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар, тадбиркорлар ва аҳоли даромадларининг бир қисми қайта тақсимланади, ҳисобланган пул миқдори ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳага кўмаклашувчи тармоқларни ривожлантиришга, узоқ муддат давомида қопланадиган ва кўп маблағ талаб қиласидиган тармоқларга йўналтирилиши; солиқларнинг юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини мужассамлаштириб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қайта тақсимланишига хизмат қилиши. С.к.т.ф. давлатнинг режалаштирилган сарф-харажатлар таркибига кирувчи аниқ мақсадга қарагилган йўналишларида амалга оширилади. Солиқлар давлат даромадига айлангач, ижтимоий-маданий ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш, иқтисодиётни ривожлантириш тадбирларига, марказлашган инвестициялар эса давлат ҳокимияти органларини, бошқарув ва суд органларини, фуқаролар бошқарув органларини молиялаштириш каби давлат қурилиши мақсадларига ишлатилиши учун тақсимланади.

Солиқ ҳисоби — солиқ миқдорини аниқлашпда зарур бўладиган махсус ҳисоб-китоб усули. Унинг бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва аралаш ҳисоб-китоб турлари мавжуд. С.х.ни юритиш барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурийdir.

Солиқ ҳисобининг модели—солиқ турлари бўйича солиқ тушумларини ҳисоблашда ишлатиладиган бухгалтерия ҳисоб-китоб тури. Хорижий мамлакатларда солиқларни ҳисоблашнинг икки модели мавжуд. Европа давлатларида солиқни ҳисоблашнинг «континентал» модели кўлланилади. Унда солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобига мувофиқ келади ва барча фискал-ҳисоб вазифаларини бажаради. Бу модель Германия, Швеция, Италия ва бошқа давлатларнинг солиқ ҳисоб тизимида амал қиласиди. Солиқ ҳисобининг «инглиз-саксон» модели АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатлар ҳисоб тизимида ишлатилади. Бухгалтерия ҳисоби солиқ ҳисобидан фарқ қиласидиган бу модельда бухгалтерия ҳисоби билан бир қаторда солиқ ва йигимларни ҳисоблашда алоҳида услублардан фойдаланилади. Албатта, умумий бухгалтерия ҳисобидан

ҳам солиқни ҳисоблашда қўлланилади, лекин бу модель алоҳида ҳисоб-китоб тартибидан фарқ қиласи.

Солиқ ҳуқуқи — солиқ, йигим ва тўловлар билан боғлиқ наазарий қарашлар, солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва солиқ билан боғлиқ ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини ўз ичига олевчи қонун мөъёrlари мажмуи. С.х. ҳуқуқий тартиботлардан бўлиб, ЎзР ҳудудида солиқ соҳасидаги муносабатларни қонун асосида тартибга соловчи қўйидағи тизимга эга:



Солиқ ҳуқуқининг манбалари.

Солиқ тўлаши ва солиққа тортишга оид маҳсус ҳуқуқий-мөъёрий ҳужжатлар юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Солиқда ҳуқуқий муносабатлар — давлат солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасидағи муносабатлар, давлат бюджетининг мажбурий тўловларини бажариш солиқ соҳасидаги ҳуқуқий мөъёrlар билан тартибга солинади. ЎзР буйича солиққа тортишга оид қонунларни қабул қилиш қўйидағи тартибда амалга оширилади:

Қонун лойиҳасини Олий Мажлис мұхокамасига тақдим этиш

Қонун лойиҳасини Олий Мажлисда мұхокама қилиш ва матбутода умумхалқ мұхокамасига қўйиш

Қонун лойиҳасининг умумхалқ мұхокамаси натижаларини ҳисобга олған ҳолда Олий Мажлисда қайта мұхокама этиш ва қўшимча ҳамда ўзгаришилар билан қабул қилиш

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонун ва уни амалга киритиш хақидағи қарорни матбутода эълон қилиш

Қонунни белгиланған тартиб ва муддатда кучга киритиш

Солиқ тўгрисидаги қонуналарнинг қабул қилиниш тартиби.

Янги солиқ, тўлов, бож ва йигимлар маҳсус тартибда юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланади ва жорий қилинади.

Солиқ қонунчилиги — давлатда солиқ турлари, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатилишини тартибга солиб турувчи хуқуқий меъёрлар йигиндиси; молиявий хуқуқ тартиботлари. Солиқ хуқуқи давлатнинг ижтимоий-иктисодий тузилиши (курилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

Солиқ битимлари — бир мамлакат юридик ёки жисмоний шахслари иккинчи мамлакатда олган даромадларининг айrim турларини ёки бошқа мамлакат худудида жойлашган шундай шахсларнинг мол-мулкини солиққа тортиш хуқуқини, мамлакатлараро солиқ муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган битимлар. Амалиётда солиқ битимларининг икки тури учрайди: 1) маҳсус (чекланған) солиқ битимлари, улар доирасида муайян бир масалани (халқаро юқ ташиш, божхона тўловлари, имтиёзли солиқ режими кабиларни) ҳал қилиш билан чегараланған амаллар тартибга солинади; 2) умумий, энг кўп қўлланиладиган битимлар. Бундай солиқ битимлари имзоланганде (тузилганда) давлат қуйидаги асосий вазифаларни ечишга ҳаракат қиласи: икки марта солиққа тортишга барҳам бериш

йўсинини аниқлаш, бунда ўзаро келишувчи давлатларға фақат маълум даромад турларидан солик ундириш ҳуқуқи бириттирилади; ҳар икки давлатда соликқа тортиши ҳуқуқи сакланиб қолган ҳолда ҳам икки марта соликқа тортиши механизмига барҳам бериш; бошқа мамлакатларда солик тўловчини камситиш — дискриминация қилиш тарзида соликқа тортишдан ҳимоя қилиш; солик тўлашдан бўйин товлаш ҳолларини аниқлаш ва конвенцияни бажариш мақсадида ўзаро ахборот алмасиши.

Солик назорати — юридик ва жисмоний шахслар томонидан солик ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини татьминланған устидан олиб бориладиган назорат. Назорат бевосита корхонанинг ўзида (хужжатли текширув) ёки корхоналар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиладиган ҳамда солик органи ихтиёрига келиб тушадиган банк ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблари асоси (камерал текширув)да амалга оширилиши мумкин. Солик органларида ҳар бир солик тури ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланниши ҳамда келиб тушиши юзасидан тезкор бухгалтерия ҳисобини жорий этиш орқали корхоналар устидан доимий назоратга эришилади.

Сотиш солиги — товарларнинг сотиш қийматига нисбатан фоизларда белгиланиб, ишлаб чиқарувчи сотувчилар томонидан тўланадиган солик тури. ЎзРда маълум муддат 5 фоизли С.с. амал қилиб, кейинчалик бекор қилинди, айрим давлатларда ҳозир ҳам мавжуд.

Солик унсурлари — хўжалик юритувчи субъектларнинг давлатда ва ундан ташқарида фаолият юргизганлиги учун солик тўлаш жараёнида ишлатиладиган асосий кўрсаткичлари ва унсурлари. Солик ва йигим унсурлари — хўжалик фаолиятини соликқа тортишда ишлатиладиган асосий кўрсаткичлар ҳамда атамалар маъносини ифодалайди. Ҳозирги бозор иқтисолиётини амалга ошириш жараёнида қуйидаги асосий солик унсурларидан фойдаланилади: солик ставкаси, сиёсати, таъмойиллари, соликқа тортиш даври, солик оғирлиги, солик тушуми ва бошқалар.

Соф миллий даромад — молиявий йил давомида давлат миёсидаги ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг пулдаги ифодаси (NNP). С.м.д. таркибига бир йил мобайнида истеъмол қилинган товарлар қиймати (C), соф инвестиция (I) ҳамда давлат томонидан сотиб олинган товар ва хизматлар қиймати (G) киради:

Солиқ түшуми бу күрсаткычны ҳисоблашдаги мұхым ман-
балардан ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам солиқ түшү-
мининг миқдори давлат харажатларини қоллашга етадиган
даражада бўлса, самарали ва барқарор иқтисодий ўсиш имко-
ниятни вужудга келади. Демак, С.м.д. миқдорининг ўсиши,
асосан, қуйидаги күрсаткичларга боғлиқ:

**NNP=истеъмол қилинган товарлар қиймати+соф инвестиция
қиймати+давлат томонидан сотиб олинган товар
ва хизматлар қиймати
(С+И+Г).**

Соф миллий маҳсулотнинг ўсиши давлатнинг солиқ сиё-
сати, фискал тадбирлари ва монетар дастурларига боғлиқ.

Сохта банкротлик — хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маж-
буриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги тўти-
сида сохта эълон бериши, кредиторларга кўп миқдорда за-
рар етказилиши.

Сохта тадбиркорлик — низомда кўрсатилган фаолиятни амал-
га ошириш мақсадини кўзламасдан, ссудалар, кредитлар олиш,
фойдаладан (даромаддан) солиқ тўламаслик (соликларни камай-
тириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида хўжа-
лик юритувчи субъектлар ва ўзгacha тадбиркорлик ташкилот-
лари тузиш ҳаракатлари.

Субвенция (лат. *subveniere* — ёрдамга келмоқ) — дотациядан
фарқли равишда давлат ёки бошқа субъектлар томонидан
маълум мақсадларни кўзлаб, жумладан, иқтисодий соҳани ри-
вожлантиришни таъминлаш учун маҳаллий ҳокимият орган-
ларига ёки хўжаликнинг айrim соҳаларига бериладиган моя-
лиявий нафака тури. С. тадбиркорлар ва ишбилармонларга
бозор рақобатида инқизозга учрамаслик воситаси сифатида,
шунингдек, давлат томонидан айrim шаҳарлар ва вилоятлар-
нинг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш учун ҳам
берилиши мумкин.

Сув пули — ариқдаги сувдан фойдаланганлик учун олина-
диган солиқ тури бўлиб, Қўқон хони Худоёрхон томонидан
кўшимча йигим тарзида ундирилган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — ишлаб чиқа-

риш эхтийжлари учун сувдан фойдаланадиган корхоналар түлайтын солиқ тури. Истеъмол этилган сув ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилган ҳар 1 м³ сув учун белгиланған ставкалар бўйича ҳисобланади ва сувдан фойдаланувчи субъект сув ресурсларидан иш жараёнида ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланганлиги учун олинади. Ишлаб чиқариш корхоналари, электр станцияси, коммунал хўжалиги ҳамда қашлоқ хўжалиги ташкилотлари солиқ тўловчилар саналади. Бу солиқ куйидагича ҳисобланади:

$$W = \frac{G \cdot C_1}{100},$$

бу ёрда, W — сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқи (сўм); G — матьум давр ичида фойдаланилган сув ҳажми (м³); C₁ — солиқ ставкаси, ҳар бир куб метр учун (сўм).

Суриинтирув (солиққа оид) органларининг вазифалари — шошилинч тергов ҳаракатлари олиб боришида кўлланилиб, ундан мақсад; жиноятнинг оддипи олини ёки содир этилишига йўл қўймаслик; исбот-далилларни тўплаш ва саклаш; жиноят содир эттанлиқда гумон қилинаётганларни ушлаш, яширган, гумон қилинаётган ва айбланаётганларни қидириб топиш; жиноят туфайли етказилган мулкий заарар қопланишини татьминлаш (қаранг: «Жиноят процесдуал кодекси», 339-модда).

Сугурта — кутимаган шароитдан келиб чиққан заарни тўлиқ ёки қисман қоплаш, муҳофаза қилиш чоралари. Турли сабаблар: табиий оғатлар, баҳтсиз ҳодисалар, бошқа ижтимоий-сиёсий сабаблар натижасида кўрилган заарларнинг сугурта ҳақидаги қонун ёки сугурта шартномаси асосида қопланиши. Бундай сугурта давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Келишувчи томонлардан бирининг ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли иккинчисининг қарздор бўлиб қолиши, синиши ва бошқа ҳолатлардан ҳам сугурта қилинади. Ҳозир давлат сугурта органларидан ташқари, тижорат сугурта тизими кенг тармоқ ёймоқда. Давлат ва тижорат сугурта компаниялари ўз фаолиятидан фойда олишни кўзлади.

Сугурта суммаси — муайян сугурта обьекти сугурта қилинган пул миқдори; сугурта шартномаси ёки қонун билан бел-

гиланган пул миқдори, сугурта бадали ва сугурта түлови шундан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Мажбурий С.с. объектнинг хажми ва хусусиятига асосан ҳисоблаб чиқилади. Ихтиёрий шахсий С.с. сугурта ташкилоти томонидан белгиланиб, чипта баҳоси таркибига киритилади.

Сугурта тарифи — сугурта суммаси ёки сугурта объекти бирлигидан олинадиган сугурта бадалининг ставкасини акс эттирадиган миқдор кўрсаткичи.

Сюнь Цзи қонуни — қадимги Хитой файласуфи, Конфуций таълимотининг давомчиси (такм. милоддан аввалги 313—238 йилларда яшаган) бўлган олим, «Сюнь Цзи» рисоласи муаллифи, солиқ назариясининг асосчиларидан бўлган олим номи билан аталадиган иқтисодий назария. «Тўплантан бойлик» жамиятнинг аъзолари меҳнати туфайли яратилади ва ундан бутун жамият аъзолари тенг фойдаланишлари зарур, деган гояни илгари суриб, жамият бойлигининг кўпайиш қонувиятларини очган.

Т


Тадбиркор — иқтисодий фаолият кўрсатиши учун тўлиқ ёки қисман моддий маблағ ёки иқтисодий омилларга эга бўлган гайратли, шижаотли, қобилиятли, таваккалчи, ўзи танлаган соҳа бўйича чукур тафаккурли, иқтисодий хавфхатарни писанд қилмайдиган, тижорат ишларини яхши олиб борадиган шахс (қаранг: Тадбиркорлик).

Тадбиркорлик — иқтисодий мақсад йўлида хавфхатар тасодифрларга доимо тайёр, мустақил, кучли ирода соҳиби, яхши савдогар, ўз маҳсулотининг фойдали эканлигига истеъмолчиларни ишонтира оладиган, торроқ доирада, бироқ ўта чуқур таҳлилий тафаккурта, иқтисодий омилларни кутилмаган даражада уйгунлаштириш (комбинациялаш) қобилиятига эга бўлган, ўз ишининг равнақи йўлида доимий изланиш олиб борувчи ва шу билан мамлакат иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган ижодкор шахс фаолияти. Инсоннинг ўз фаолияти давомида фойда олиш мақсадида доимий изланган ҳолда ижодий фикр юргизиб, бозор иқтисодиётида товар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда конкуренцияни енгиш жараёни; истеъмол моллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқни юритиш,

халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатиши каби фаолиятларда илмий усулблардан фойдаланиши жараёни тадбиркор инсонга хос хусусиятлардан ҳисобланади.


Тадбиркорларни рўйхатга олиш йигими — ваколатли органлар бирор турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулашишни ижобий ҳал этиб, қарор қабул қилганда жисмоний шахслардан олинадиган бир марталик мажбурий тўлов. Рўйхатга олиш йигими тўланганидан сўнг жисмоний шахсга унинг тадбиркор тарзида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

Таклиф ва баҳонинг боғлиқлиги — бозор муносабатларининг белгиловчи кўрсаткичларидан бири; бозорга сотишга чиқарилган маҳсулот қанча кўп бўлса, унинг баҳоси ҳам шунча пасайиб боради ва аксинча, маҳсулот кам чиқарилса, баҳо кўтарилиб кетади. Бу боғлиқликни қўйидаги чизмаларда ифодалаш мумкин:



Маҳсулот миқдори билан унинг баҳоси ўртасидаги боғлиқлик.

Чизмадан кўриниб турибдики, бозорга сотиш учун олиб чиқилган товарнинг миқдори P_2 дан P_1 га камайса, баҳо Q_1 дан Q_2 га кўпаяяди. Бунинг акси эса чапдаги чизмада ифодаланган.



Таклиф ва баҳонинг боғлиқлиги.


Таклиф қолуни — бозорга қанчалик товар кўп чиқарилса, унинг баҳоси тушади ва кам чиқарилса, баҳо ошади; бозорда баҳо даражасига қараб, сотишта чиқариладиган товар ҳажмини болшкарувчи қонун. Чизмада таклиф чизиги эгри AS_1 чизик ва AS_2 талаб чизиги билан бирги ифодаланган. Таклиф чизиги

AS₁дан AS₂га ўзгаришига кўп омиллар таъсир қилиши мумкин, лекин чизмада ифодаланган ўзгариш ресурслар ҳолатини ифодалайди. Бу ерда солиқ ставкаси ва солиқ турлари кўпайшининг (баҳо, таклиф ҳамда талаб кўрсаткичлари ўзгармаган ҳолда) ишлаб чиқариладиган товар миқдори ва баҳо акс эттан.

Демак, солиқ учун олинадиган маблағ кўпайса, товар баҳоси P₁дан P₂га ўсади ва товарнинг бозорда сотилиши Y₁дан Y₂га камаяди. Бу жараён иқтисодий ўсишга салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Талаб — аҳоли ва жамиятнинг товар ҳамда хизматлари а бўлган эҳтиёжи. Эҳтиёж талабга айланиши учун молиявий жиҳатдан таъминланган бўлинни керак. Т. умумий, тўловга қобил ва чекланган турларга бўлинади. Умумий Т. — физиологик меъёрлар билан аниқланса, унинг тўловга қобилияти мавжуд даромад билан чегараланган Т. ва пул маблағи билан белгиланади.


Талаб қонуни — маҳсулот баҳоси билан унинг сотилиши ҳажми ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи бозор қонуни: бозорда товарга бўлган талаб кўпайса, унинг баҳоси ошади ва аксинча, талаб камайса, баҳо пасаяди: Т.к.га биноан, маҳсулот баҳоси қанча юқори бўлса, унинг бозорда ўтиши шунча кам бўлади. Бу ўзгариш қайишқоқлиги — эластиклиги (маҳсулотга бўлган) талабнинг ўзгаришини ифодалайди. Баҳонинг бир фоизига ўзгаргандаги натижаси талабнинг ўзгариши коэффициенти ҳисобланади. Бозорда қайишқоқлик коэффициенти баҳонинг ҳар хил ҳолатидаги ўзгаришларини кўрсатадиган қуидаги чизмаларда ифодаланган:




Эластиклик функцияси (харидорнинг маҳсулотга талаби).

Чизмада талабнинг уч ҳолатдаги (L_C) ўзгариши ифодланган. Маълум миқдорда сотилган маҳсулот ҳажми (C), маҳсулот баҳоси (\bar{C}) ва уларнинг ўзгарувчанлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:


$$Ec = (\text{делта } C \cdot \bar{C}) : (\text{делта } \bar{C} \cdot C)$$



Талаб ва таклифнинг ўзгариши.



Талаб юа таклифнинг бир хил миқдорда ўзгариши.



Талаб ва таклифнинг тартибсиз ўзгариши.

Юқоридағи чизмаларда: а) талаб қайишқоқлиги бирга тенг бўлгандағи ўзгариш жараёни; б) талаб қайишқоқлиги чексиз бўлгандағи ўзгаришилар; в) талаб қайишқоқлиги бирдан кичик бўлгандағи ўзгаришилар ифодланган ($Ec = 0$).

Талаб, таклиф ва баҳо ўртаси-лаги боғлиқлик – бозордаги асосий омиллар ўртасида уч хил ўзгариш жараёни мавжуд бўлиб, бу бозор иқтисодиётининг объектив қонуни ҳисобланади, товарларга талаб ва таклиф ўртасидаги муңтазам узвий муносабатларни акс эттиради. Бозорга товар ва хизматларни кўпроқ таклиф қилиш уларга талабнинг камайиши ёки кўпайишига олиб келади ҳамда баҳонинг энг мақбул даражасини белтилади. Бу қонуният бозорда талаб (d), таклиф (S) ва баҳо кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик нисбати асосида содир бўлади. У ерда талаб, таклиф ва баҳо кўрсаткичларининг ўзгариши бозор механизмига боғлиқ.

Бозордаги механизм бозорда талаб ва таклифнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда баҳонинг ўзгариш жараёнини англатади. Бозорда талаб ва таклифнинг навбатманавбат ўзгариши баҳонинг бос-

қичма-босқыч ўзгаришига олиб келади, яъни таклифга қараб, талаб ўзгариши баҳонинг секин-аста ошиши ёки камайишни келтириб чиқаради.

Иккинчи ҳолатда бозорда таклиф ва талаб бир вақтнинг ўзида ўзгарса, баҳонинг барқарор бўлиш эҳтимоли ифодаланган. Бунда талаб ва таклиф чизиги бир хил ва бир суръатда ўзгариши натижасида баҳонинг ўзгармас ҳолати сақлашиб қолиши мумкин.

Учинчи ҳолатда бозордаги таклиф ва талаб ҳар хил суръатларда ўзгариши мумкин. Натижада, талаб ва таклиф чизиги ҳам тўгри ўзгармасдан, баҳо секин-аста кўтарила боради. Бозорда намоён бўлган бу уч хил ҳолат баҳонинг ўзгариш жараёнига таъсир кўрсатади.

Нотекис ўзгариш бозорда товар ва хизматга бўлган баҳонинг ўзгармаслигига олиб келади, бу жараён, асосан, таклиф ва талабнинг ўзгаришига боғлиқлиқда давом этади. Юқоридаги уч ҳолат ҳам бозор механизмининг ўзгариш мөъенини ифодалаб, бир томондан талаб ва таклифнинг, иккинчи томондан, баҳо ва товарнинг айланиш ҳажмини белгилайди. Чунки ВС ва СД чизиқларининг ўзгариш жараёни талаб – (d) ва таклиф – (S) миқдорининг ўзгариши билан узвий алоқада юз беради. Эркин иқтисодиётда бу механизм ҳукмрон бўлиб, талаб ва таклиф қонуни асосида иш кўрсатади.

Таннарх – корхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга кетган чиқимлари ва жорий харажатларининг пулдаги ифодаси; юридик шахслар фаолиятини ташкил қилинча ишлатиладиган асосий харажатлар йигиндиси. Бу харажатларни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланиш лозим:

$$T = T_1 + T_2 + T_3 + T_4 + T_5 + T_6 + T_7 + T_8 + T_9 + T_{10} + T_{11},$$

бу ерда: T_1 – асосий иш ҳақи харажатлари;

T_2 – рента харажати;

T_3 – ижара харажати;

T_4 – асосий фонdlарни таъмирлаш харажати;

T_5 – моддий харажатлар;

T_6 – мажбурий сугурта тўлови, иш ҳақига нисбатан;

T_7 – маҳсулотни сертификатлаш харажати;

T_8 – хизмат сафари харажатлари;

T_9 – кадрлар тайёрлаш учун кетган харажатлар;

T_{10} – қонун бүйича белгиланған бошқа ҳаражатлар;

T_{11} – асосий фондлар амортизациясы.

Ушбу ҳаражатлардан бошқа чиқимлар таннарх таркибінә киритилмайды.

Тариф – жисмоний ёки юридик шахслар фаолиятiga жорий этилган турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хизматлари учун тұлов ставкалари тизими.

Тариф даражасы – божхона тариф жадвалининг асосий унсурларидан бўлиб, иш кўламига мувофиқ белгиланади. Т.д.ни бериш учун қўйиладиган талаблар тариф-малака маълумотномасида белгиланган.

Тариф имтиёзлари – божхона тарифларини жорий қилиши да ишлатиладиган енгилликлар; савдо сиёсатини ўтказишида божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарга нисбатан илгари тўланған божни қайтариш, бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкасини пасайтириши, товарни имтиёзли – преференциал тарзда олиб киришга тариф квоталари белгилаш шаклида ўзаро манфаатли шартлар асосида ёки бир томонлама тартибда бериладиган имтиёзлар. Бу имтиёзлар давлат томонидан белгиланиб, маълум вақтда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Тариф тўсиқлари – давлатларда муайян товарларни киритиши ёки чиқаришини қийинлаштирадиган амалдаги божхона тизими тарифлари, аксарият ҳолларда рақибларга нисбатан таҳқиrlап мақсадларини кўзлади.

Тафтиш – молия ва солиқ масалаларида қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ статистикаси органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисбот ишларининг тўгрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириши.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан бошқарилиши – ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиши, турли давлатларда ҳам маъмурий, ҳам иқтисодий усулларни қўллаш орқали олиб борилади. Ҳар бир давлат ташқи иқтисодий алоқаларда ўз сиёсатини ўтказишига ва ўз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳалқаро меҳнат тақсимотига самараали иштирок этишига ҳаракат қиласи. Бу ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилик, тенг шерикчилик, ўзаро манфаатдорлик ва нуфузли асосларда олиб борилишини кўзлаб,

давлат амалга ошираётган пухта ишлаб чиқилган режали чоратадбирларни ўз ичига олади. Ўзбекистон мисолида бу қуйидагиларда ўз ифодасини топди: 1992—1994 йилларда бошқарувнинг тарифсиз чораларига, яъни товарларнинг айрим турларини олиб чиқишни тақиқлаш, шунингдек, экспортни лицензиялаш ва квоталашга кагта эътибор берилди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида 1992 йилда лицензиялаш барча асосий экспорт қилинадиган товарлар бўйича амалга оширилди, 1994 йилда бу рўйхатдаги номлар 13 тагача қисқарди, сўнгра 11 тага тушди. Ҳозирги пайтда 4 гурӯҳ товарларни ўз ичига олади. Экспорт бобида тариф чоралари қўлланилиб, экспорт божлари, билавосита солиқлар, акциз солиги ва ҚҚС жорий этилди. Тариф усусларини қўлламашда 1995 йилгача икки хил тушунчадан келиб чиқиб иш кўрилди. Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари учун мўлжалланган товарларга нисбатан «товарларни олиб чиқиши» туппунчаси қўлланилди. Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодиётининг ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб келганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларга товарларнинг олиб чиқилишини ҳақиқий маънодаги экспорт деб ҳисоблаб бўлмасди. Ушбу товарлар учун Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги қарорига биноан, билавосита солиқлар (акциз ва ҚҚС)ни ҳам қамраб олувчи товар қийматидан 10 фоиз микдорида олиб чиқиши солиги жорий этилди. 1997 йилда «Бож тарифи тўрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унга жаҳон амалиётига мувофиқ божхона божларини тўлашга доир имтиёзларни кўзда тутувчи моддалар киритилди. Та什қи алоқаларни давлат томонидан потариф усулида тартибга солиш чораларига квоталаш, эмбарго, техник тўсик, декларациялаш ва ҳ.к. қўшилди. Жаҳондаги аксарият мамлакатларнинг божхона хизматлари ҳозирги пайтда ўз фаолиятларини ислоҳ қилиш устида иш олиб боришишмоқда. Солиқларни тўплаш, савдо сиёсатини бошқариш ва мамлакат манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадларини амалга оширишнинг энг самарали воситалари ни излаб толиш бу ислоҳотлар ёки ўзгаришларнинг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб хизмат қилаётir. Божхона-тариф чоралари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга йўналтирилган ва давлат органлари томонидан қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий чоратадбирлар ана шундай воситалар жумласига киради.

Ташқи савдо шартномаси — ташқи савдо битими қатнашчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайдиган асосий тижорат ҳужжати, унда шартлашувчи бир томон (сотовучи)-нинг иккинчи томон (харидор)га муайян товарни моддий буюм шаклида бериши ёки билимлари, тажрибасини ўртоқлашуви, ижодий фаолият маҳсулини баҳам кўриши, хизматлар кўрсатиши, обьект қуриб ёки белгиланган муддагда маълум ҳақ эвазига бошқа ишларни бажарив беришидан ибораг шартларни ўз ичита олган операциялар акс этирилади. Етказиб берилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) учун ҳақ хорижий, халқаро, миллий валютада ва валютасиз асосда тўла ниши мумкин. Битимда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини товарнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни етказиб бериш шаклини ҳисобга олган ҳолда муфассал келишиб олиш мақсадга мувофиқдир. Шартноманинг бошқа бир тури икки ёки ундан кўп томон (улардан бири — хорижий контрагент) шартномаси товарлар, хизматлар ва ижодий фаолият маҳсулларига нисбатан фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятатини кўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган бўлади.

Ташқи қарз — давлатнинг молия давридаги экспорт-импорт фаолияти натижасида содир бўладиган қарзи; халқаро кредитнинг асосий шакли. Чет эл кредиторларидан олинган ёки хорижий қарз берувчилар томонидан берилган қарзларни тўлаши халқаро ташкилотлар, муассасалар, монополиялар, банклар ҳамда давлатлар билан ўзаро кредит муносабатлари орқали амалга оширилади.

Таъминлаш базаси — шериклар ўртасида ташқи савдо битимини тузища товарни сотувчидан харидорга етказиб бериш билан боғлиқ вазифалар (транспортда ташиш, йўлдаги вақтида сугурта қилиш, божхона ҳужжатларини тайёрлаш ва бошқалар)ни тақсимлаш. Бунда нархнинг асоси (базаси) етказиб бериш харажатлари ҳисобга олинган-олинмаганлигига қараб белгиланади.

Тезкор жорий қилиш — тезкор қидирув тадбири, даромад-(фойда)ларни яшириш ва баённома — декларациялар тақдим этиш ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлани фактлари тўғрисида асосли фаразлар мавжуд бўлиб, бундай ҳуқуққа зид ёндашувларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириш имкони бўлмаган тақдирда штатдаги тезкор ходимларнинг солиқ солиш обьектларига кириб, зарур ахборот олишларини таъминлаш (қаранг: «Жиноят процессуал кодекси», 339-модда).

Тезкор назорат — хисобот вақти ичида (мас., ҳар куни, ҳар ўн кунда ва ҳ.к. муддатда) ёки муайян операция ва хатти-харакат тугаши билан унинг сифат ҳамда миқдор кўрсаткичлари юзасидан амалга ошириладиган текширув.

Текшириш — хўжалик юритувчи субъектлар қонунлар ва фаолиятни тартибга соловчи бошқа меъёрий ҳужжатларни қандай бажараётганликларини назорат қилувчи органлар томонидан йилига бир марта назорат текширувидан ўтказилиши.

Текширув ваколатига эга масъул шахслар — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилувчи органларнинг масъул ҳодимлари. Уларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун белгиланган тартибда рухсатнома берилади. Назорат қилувчи органларнинг масъул шахслари доимо шу масъулият даражасида бўлишлари учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиб турилиши лозим.

Текширув ҳужжатлари тўплами (текширув материаллари) — солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ қонунчилигига риоя қилиниши нуқтаи назаридан ўтказилган текширувларга асос бўлувчи ва текширув натижалари юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар мажмуи. Текширув ҳужжатлари тўпламида қўйидагилар бўлиши шарт: солиқ органи инспекторини текширувга жўнатиш хусусидаги буйруқнинг нусхаси; текширув далолатномасининг асл нусхаси; солиқлар ва бошқа тўловлар ҳисобланган жадваллар; солиқ қонунчилиги бузилганлигидан маълумот берувчи бухгалтерия ва маъмурий ҳужжатларнинг асл нусхалари; текширувдан хабардор бўлган хўжалик раҳбарлари, бош бухгалтер ва лозим бўлган ҳолларда бошқа моддий жавобгар шахсларнинг тушунтириш хатлари; маъмурий ҳукуқбузарлик ҳақида баённома (агар солиқ тўловчининг фаолиятида маъмурий ҳукуқбузарлик аломатлари бўлса); ҳукуқбузарликка доир ашёвий далиллар ва буюмлар олиб қўйилганлиги тўғрисидаги баённома; олиб қўйилган ашёвий далиллар ва буюмлар шаҳар ёки туман ҳокиммилари томонидан белгиланган ва тасдиқланган савдо дўконлари ёки омборхоналарга сақлаш ёхуд сотиш учун топширилганлиги ҳақида расмийлаштирилган юк хатлари. Юк хатлари моддий бойликларни топширган ва қабул қилиб олган шахслар томонидан им-

золаниб, буюмларни қабул қилиб олган ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат сири — хўжалик юритиш субъектининг сир тутилиши лозим бўлган иқтисодий ҳамда рақобат манфаатларига таалуқдли маълумотлари. Хўжалик юритиш обьектининг иқтисодий муҳофазаси ҳам Т.с. бўлиши мумкин.

Товарларни тарифлаш ва кодлашнинг мувофиқлаштирилган тизими (ТТКМТ) — Божхоналар ҳамкорлик Кентани (БҲҚ), унинг ТТКМТ бўйича қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган кўп максадли ташқи савдо товар классификатори; мазкур тизимни яратишда 59 мамлакат ҳамда 20 дан ортиқ ҳалқаро (хукуматлараро, нохукумат) ва миллӣ ташкилот қатнашувчи механизм. Бу ташкилотлар таркибига: Товарлар ва тарифлар бўйича Бош келишув (ТТБҚ), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси (ЮНКТТАД—СРКБМТ), Ҳалқаро савдо палатаси, Стандартлаштириш ҳалқаро ташкилоти (СХТ—ИСО), БМТ статистика бюроси киради. ТТКМТни қўллапининг ҳуқуқий жиҳатлари шу тизимга доир Ҳалқаро конвенция билан тартибга солинади. Конвенция 1988 йил 1 январдан кучга кирган бўлиб, амал қилиш муддати чеклаимаган. ТТМКТ мувофиқлаштирилган тизими номенклатураси (ТТКМТН) ҳам Конвенциянинг иловаси, ажралмас қисми саналади. ТТМКТН БҲҚнинг расмий тиллари ҳисобланган (инглиз, француза) тилларда нашр этилган. Ўзбекистонда бу ҳужжат 1991 йил 1 январдан эътиборан қўллапилмоқда. Унга асосан, миллӣ классификатор — ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФТН) тузилган. ТТКМТ ТТБҚга аъзо бўлган 150 давлатнинг барчаси томонидан қабул қилиниши тахмин қилинади, жаҳон савдосининг 90 фоиздан ортиги шу давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Товар — меҳнатнинг сотиш учун яратилган маҳсали; бозорда олди-сотди обьекти бўладиган ва маълум бир эҳтиёжни қоидирадиган маҳсулот ёки хизмат. Ҳар қандай Т. икки хусусиятга — истеъмол қийматига ва бозор қийматига эга.

Товар белгиси — саноат ёки савдо корхоналари томонидан товарга ёки товар ўрамига тушириладиган белги (рамз). Товар ва уни бошқа ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лардан ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади. Сифат, кафолат ва реклама вазифаларини бажаради.

Товарнинг божхона қиймати — товарнинг божхона органлари томонидан маҳсус услублардан фойдаланиб аниқланган қиймати. Чегара орқали ўтаётган товар ёки хизмат қиймати шартномага биноан белгиланган бўлса, шартномада келишилган қиймат асос қилиб олинади. Агар шартнома бўлмаса, юридик ва жисмоний шахслар товари божхона текширувидан ўтказилиб, маҳсус услуг ёрдамида қиймати аниқланади. «Божхона кодекси»га асосан, ҳозирги пайтда товарнинг божхона қийматини аниқлашда олти хил услуг қўлланилиши мумкин. ЎзРда «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунга асосан, божхона қийматини аниқлашниң олти усули мавжуд, яъни: олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битим қийматига кўра божхона қийматини аниқлаш (1-усул); айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қиймати асосида аниқлаш (2-усул); ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қиймати асосида аниқлаш (3-усул); қийматларни чегириб ташлаш асосида аниқлаш (4-усул); қийматларни қўшиш асосида божхона қийматини аниқлаш (5-усул); резерв усули (6-усул). Ҳозирги кунда амалиётда 1, 4, 6 ва 2-усуллардан фойдаланилмоқда, ваҳоланки, ривожланган давлатларда 90—95 фоиз ҳолатда 1-усулдан фойдаланилади, чунки бу усул божхона қийматини ҳисоблашнинг энг тўғри ва ҳақиқатта яқин усулидир. Аксарият ҳолларда олиб кирилаётган товар битимларидағи нархларнинг паст кўрсатилиши бу усулдан фойдаланишга халал беради. 2 ва 3-усулни амалиётда қўллаш учун эса, айнан бир хил ёки ўхшаш товар юзасидан тузилган битимнинг икки ва ундан ортиқ нархи мавжудлиги аниқланса, олиб кирилаётган товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун уларнинг энг паст нархи қўлланиши лозим.

Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш — бу режимга мувофиқ, Ўзбекистон товарлари уларга нисбатан иқтисодий сиёsat чоралари қўлланилмаган ҳолда олиб чиқилади ва уларнинг маҳсулотлари бож ҳамда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиниб, шунингдек, иқтисодий сиёsat чоралари қўлланилмасдан, келгусида божхона ҳудудидан эркин муомалага чиқариш мақсадида ташқарида қайта ишланади. Чет эл товарлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқиш пайтида солиқлардан озод қилинади.

Товар маҳсулотлар фактураси — товар ва хизматлар сони ва

баҳоси, тұланаңдиган умумий пул маблаги күрсатыладиган ҳужжат. Товар ва хизматлар тури күп бўлса, улар алоҳида гурӯҳлар бўйича ёзилади.

Товар сертификати (фран. *certificat*, лот. *certum* — тўғри, *facere* — бажариш) — бирор фактни, мас., кеманинг денизига сузишга кодирлиги тўғрисидаги С.; бирор мамлакатга борищда қилинган эмлаш ҳақидағи тиббий С. тасдиқловчи ҳужжат; ташқи савдо соҳасида — давлат инспекциялари ва бошқа ваколатли органлар томонидан товарнинг сифати тўғрисида бериладиган кафолатнома. Божхона орқали олиб ўтиладиган товарлар учун қуйидаги маҳсус сертификатлар талаб қилинади: келиб чиқиш сертификати, мувофиқлик сертификати, фитосанитария сертификати, сифат сертификати, гигиена сертификати, ветеринария сертификати. Сертификатлар маҳсус ташкилотлар томонидан алоҳида тартибда берилади.

Транзит товарлар — бошқа бир давлатга мўлжалланган товарнинг муайян давлат чегараси, ҳудуди орқали ўтиши; икки божхона органи ўртасида, шу жумладан, чет давлат ҳудуди орқали, бож соликлари ундирилмасдан, божхона назорати остида олиб ўтиладиган товарлар (қаранг: «Божхона кодекси», 21-модда).

Транзит тўловлар — бир давлат ҳудудидан юк олиб ўтилаётганда (учинчى бир давлатта олиб ўтилаётган) юк учун тўланаңдиган тўловлар.

Трансферт, трансфер (фран. *transfert*; лот. *transferre* — олиб ўтиш, ўтказиш) — хорижий валютани ёки олтинни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтказиш; исми-шарифи ёзилган қимматли қофозлар (акция, вексель, облигация, чеклар)га бўлган эгалик ҳуқуқини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш; ҳалқаро битим асосида давлатлар ўргасида аҳоли алмашиш, фуқароликни автоматик равища ўзгартириш.

Тўлиқ ширкат — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадида бирлашган шахслар уюшмаси. Ширкат иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича тўлиқ (чегараланмаган) умумий жиҳатдан жавобгардир, яъни қўйган капитали ҳамда жами мулки билан жавобгар бўлади.

Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар — нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли. Бунда пулни олувчи ўзига хизмат кўрсатадиган банк орқали муайян пул миқдорини тўлаш тўғрисидаги талаб ёзилган инкасса ҳисоб-китоб ҳужжатини тўлов-

чиға тақдим этади. Тұловчи тұлов талабномасыда күрсатылған пулни тұлаганидан кейин у олувчи хисоб варагига ёзіб (киритиб) қўйилади.

Тұлов қобилияты — жисмоний ёки юридик шахснинг молиявий мажбуриятларини даромад тушумига қараб, ўз вақтида бажарип имкони. Бу унинг олинган маҳсулотлар, күрсатылған хизматлар, бажарылған ишлар ҳақини тұлашпен учун етарли бўлган ўз маблағи ёки қарзга олинган маблағларининг нақдлаги билан белгиланади.

Тұғри солиқлар — давлат томонидан солиқ тұловчининг бевосита даромади ёки мол-мулки ҳисобидан ундириладиган солиқлар: фойда (даромад) солиги, ер солиги. Солиқ тұловчининг молиявий-хўжалик фаолиятига тұғридан-тұғри таъсир қилувчи бу солиқларни тұловчининг ўзи тұлайды.

У

Улгуржи нарх — товарни ишлаб чиқарыш, етказиб бериш ва бозорда сотишига оид катта миқдордаги ҳаражатларни ҳам ўз ичига олган нарх. Кўп миқдорда сотиладиган маҳсулотга нисбатан кўлланилиши билан одатдаги нархдан фарқ қиласи. Товарни сотувчи ташиб етказиб берадиган манзил — темир йўл бекати, кема бандаргоҳ-порти, омбор ёки давлат чегараси бўлиши мумкин. Франко-нарх шу жиҳати билан харидор учун ҳар томонлама қулайдир. Манзилнинг узоқ-яқинлигига, товарнинг ортиб-тушириб берилишига қараб, бу нарх ҳар хил бўлиши мумкин.

Улугбек — солиқ назариясининг асосчиларидан бири. Амир Темурнинг набираси Улугбек Мұхаммад Тарагай (1394—1449) 1409—1449 йилларда салтанатни бошқарган. Мовароуннаҳрда хукмронлик қилиб, илм-фан, маданият ривожига, мамлакатнинг иқтисодий равнақига катта ҳисса қўшган. У 1428 йилда амалга оширган фулусий пуллар ислоҳоти чақа пуллар қадрини мустаҳкамлади. «Тамға» божига алоҳида эътибор берган. Унинг даврида мамлакатда ички ва ташқи савдо кенг ривожланган.

Умумий солиққа тортиш қоидалари — солиқ тұловчиларни солиққа тортишнинг қонун ва маҳсус йўриқномаларда белгилаб берилған тартиб, тамойиллари ва услублари. Солиқ хизмати ходимлари шу солиққа тортиши қоидаларига, юридик ва жис-

моний шахслар эса, мулк шаклидан қатын назар, солиқлар ва йигимларни тұлаш қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Умудавлат солиқлари — юридик шахслардан олинаған даромад (фойда) солиги, жисмоний шахслардан олинаған даромад солиги, ҚҚС, акциз солиги, ер ости бойликларидан, сув ресурсларидан фойдаланғанлық учун солиқлар, экология солиги. Ҳозир ҮзРДа 7 та У. с. амал қилади. Умудавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган меъёрлар асосида тегишли бюджетлар үртасида тақсимланади.

Ф

Фактлы назорат — мұайян объект миқдор ва сифат ҳолатининг ишлаб чиқаришдаги хом ашё ва материалларни текшириш, күздан кечириш, ўлчаң, санаң, тарозида тортиш, лабораторияда синаш, текпіриш, экспертизадан үтказиш, назорат таріқасида харид қилиш ҳамда бошқа шу каби усууллар ердамида текпірилиши.

Финляндия солиқ тизими — иқтисодий ривожланишда бўлган ва ЕХда фаолият кўрсатаётган резидентлар ҳамда чет эл сармоядорлари учун Ф.да ҳеч қандай чегаралаш йўқ. Мамлакатда тадбиркорлик ривожланган бўлиб, ишбилармонлар ўз фаолиятларини савдо регистрларида қайд эттирилишлари лозим. Туризм махсус солиқдан озод этиш йўли билан рағбатлантирилади. Маҳаллий ҳокимият корхона ва ташкилотларни рағбатлантириб, уларга имтиёзли кредитлар беради. Давлат миқёсида ташкил этилган махсус фонд маслаҳат ердами берган хўжалик субъектларини молиявий жиҳатдан рағбатлантиради. Бутун даромад корпоратив солиққа тортилади. Но-резидентлар факат Ф.да олган даромадлари ҳисобидан солиқ тўлайдилар. Давлатга даромад солиги ошиб борувчи — прогрессив ва табақалаштирилган ставкаларда тўланади. Қўшимча чегирмага 65 ёшдан ошган ва ақлий заиф фуқаролар ҳақлидир. Капитал активларни сотишдан кўрилган зарар миқдори ўша йили ёқ олинган фойда ҳисобига қопланиши мумкин, ҳар ҳолда буни қоплаш муддати уч йилдан оцимаслиги керак. Ҳар бир солиқ тўловчи жорий йилнинг 31 январигача барча даромадларини ифода этувчи баённома—декларацияни топшириши лозим. Ижтимоий аҳамиятта эга бир қанча товарлар ва хизматлардан жуда кам солиқ ундирилади. Чакана савдода

айрим товарлар солиққа тортылади. Мерос ва совға қилингандан мол-мұлкка солиқ солищда узоқ ва яқын қариндош-уругчилек ҳисобта олинади. Давлат қонунчилігінде солиқ түловчилар иккі тоифага: резидентларга ва норезидентларга ажратылади. Чет зәл сармоядайлари ички солиқ тизимиға бўйсуниш билан бир қаторда, ўзларида амал қилаётган солиқ тұлаш қонун ва қоидаларига ҳам риоя қиладилар. Солиқ қонунчилігінде солиқ солишнинг уч тури амалда: иш ҳақи фондидан солиқ, ютуқдан солиқ, дивиденд солиги. Ўйин ўтказадиган муассасалардан олингандан ютуқдан 33 фоиз, лотерея ўйинидан 25 фоиз солиқ ундирилади. Фойда ёки капитални тақсимлаш қандай йўсингда амалга оширилмасин (очиқ ёки ёпик), дивидендердан солиқ ушланади. Корхона устав фонди ёки капиталининг пасайиши юз берган ҳолда, у солиқдан озод этилиши мумкин.

Фитосанитар назорати — ўсимлик заараркунандалари ва заарарлы ўсимлик маҳсулотларини божхона назоратидан ўтказишига, уларнинг давлат чегараси орқали олиб ўтилишининг олдини олиштаги қаратилган тадбир.

Фойда — хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижаси, маҳсулот сотищдан тушган тушум билан ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқ ифодаси. «Солиқ кодекси» ҳамда қўшимча йўрикномаларга асосан, хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси қўйидагича аниқланади:

1. Ялпи фойда — сотищдан олинганд даромад билан ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги маблағ:

$$\Phi_1 = Q - V,$$

бу ерда, Φ_1 — ялпи фойда; Q — сотищдан олинганд соғ даромад; V — сотищдан маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фойда — бу:

$$\Phi_2 = \Phi_1 - \Delta + B_1 - B_2,$$

бу ерда, Φ_2 — асосий фаолиятдан олинганд фойда; Φ_1 — ялпи фойда; Δ — давр харажатлари; B_1 — асосий фаолиятдан олинганд бошқа даромад; B_2 — асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зааррлар.

3. Хўжалик фойдаси:

$$\Phi_3 = \Phi_2 + M_1 - M_2,$$

бу ерда, Φ_3 — умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; M_1 — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; M_2 — молиявий фаолият харажатлари;

4. Ҳисоб фойда (солиқ тўлангунга қадар олинган фойда).

$$\Phi_4 = \Phi_0 + F_1 - F_2,$$

бу ерда, Φ_4 — ҳисоб фойда (солиқ тўлангунгача олинган фойда); F_1 — фавқулодда вазиятларда олинган фойда; F_2 — фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

5. Соғ фойда:

$$\Phi_5 = \Phi_4 - (W_1 + W_2),$$

бу ерда, W_1 — даромад(фойда)дан тўланадиган солиқ; W_2 — бошқа солиқлар ва тўловлар.

Форобий — Абу Наср ибн Муҳаммад (870—950), қомусий олим, солиқ назариясининг асосчиларидан, Арастунинг издоши (Арастудан кейин «иккинчи муаллим» номини олган), 160 дан ортиқ асар ёзган, донишманд ҳукмдор, тасарруф этувчи, «саҳоватли юрт» ҳақидағи таълимотни ривожлантириди (фозил давлат тарафдори).

Франко-вагон — товар сотувчи ўз товарини давлатининг чегарасигача ташпиш, саклаш ҳамда товарнинг бузилиб қолиши, йўқолиши билан бөглиқ харажатларни ҳам ўз бўйнига оладиган савдо битими. Бунда вагонни божхона ходимларига топширилгунга қадар бўлган барча харажатлар сотувчи ҳисобидан бўлади (инкотермис—2000 қоидасига биноан).

Франко-жой — товар сотувчи олувчининг омборигача бўлган барча ташпиш харажатлари, жумладан, сақдаш ва товарнинг ёмон бўлиб қолиши билан бөглиқ чиқимларини ўз бўйнига оладиган савдо битими (инкотермис—2000 қоидасига биноан).

Франчайз — катта корпорация томонидан кичик фирмага тақдим этилган хусусий тадбиркорлик билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия. Ф. фирмалар учун катта корпорациялар, яъни лицензия берган ташкилотлар солиқ тўлашади.

Франция солиқ тизими — Франциядаги солиқларни уч гурӯхга ажратиш мумкин: даромад солиғи; шахсларнинг иш ҳақида олинадиган солиқ; истеъмол солиғи. Солиқ тизими асосан истеъмол йўналишига қаратилган бўлиб, фойда (даромад) унинг

асосий кўрсаткичи ҳисобланади. ҚҚС дейилганда, ишлаб чиқариш ва истеъмол учун қилинган жами сарф-харажатлар кўзда тутилиб, барча йўналишлар бўйича соликқа тортиш тушунилади. Ташқи бозор билан боғлиқ барча операциялар ҚҚСдан озод этилади ва аксинча, барча импорт операциялари шу соликқа тортилади. ҚҚС бажариладиган иш турига боғлиқ бўлиб, солик тўловчининг молиявий имконияти ҳисобга олинмайди, солик ставкаси ҳам товар баҳосига боғлиқ эмас. ҚҚС объектини сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати ташкил этади. Бундан ташқари, қилинган бошқа харажатлар (юкларни ташиш, ортиш, тушириш, бож хақи каби) ҳам ҳисобга олинади.

ҚҚС ҳисобланганда, ҳом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати чегириб ташланади. Соликнинг асосий ставкаси 18,6 фоизни, энг юқори ставка эса 22 фоизни ташкил этади. Юқори ставка, асосан, айрим турдаги товарлар (автомобил, кино-фото товарлари, тамаки маҳсулотлари, атир-упа, қимматбаҳо мўйна)-га қўлланилади. Озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, китоблар, дори-дармонлар савдоси учун энг паст ставкада (яъни, 5,5 фоиз) солик олинади. Айрим хизмат кўрсатиш соҳаларида—меҳмонхонада сайдёнинг юкини ташиш, йўловчи транспортлари, ишлаб чиқариш корхоналарида овқатланишни ташкил этиш кабиларда ҳам шундай ставкалар қўлланилади. ҚҚС айрим бож (бож, акциз солиги) билан тўлдирилади. Булар ҳам истеъмол солиқлар тушумини вужудга келтириб, баъзилари давлат ҳисобига, бошқа бирлари маҳаллий бюджетта ўтказилади. Куйидагилар ҚҚСга тортиладиган товарлар жумласига киради: спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, гугурт, ёндиригич-зажигалка, қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар, шакар, қандолат маҳсулотлари, учиш аппаратлари, пиво ва шифобахш сувлар, айрим турдаги автомобиллар. Маҳаллий ҳокимият билосита соликқа қўшимча равишда электр энергиядан, телевизион рекламалардан фойдаланганлик учун тўловлардан йиғимларни жорий этиши мумкин. Божхона божи ҳам истеъмол солиги ҳисобланиб, унинг асосий мақсади: ички бозорни, ишлаб чиқаришни, қишлоқ ҳўжалигини ҳимоялашдан, олиб келинган товарлар баҳосини ички бозорга тенглаштиришдан иборат. Божхона божи товар баҳосига қараб олинади, айрим ҳолларда бож олишда товарнинг оғирлиги, ҳажми ҳам назарда тутилади. Ичимликлар,

тамаки маҳсулотлари, кинофильмларга нисбатан ҳам шу тартиб қўлланилади. Корхонанинг соғ фойдаси даромад солигига тортилиб, ҳисботнинг асосини йиллик фойда кўрсаткичи ташкил этади. Бунинг учун ҳар бир корхона жорий йилнинг 1 апрелигача солиқ органларига йиллик даромадига оид баённома тақдим этади. Корхоналар йиллик якуний ҳисботга қадар тўловларнинг чорак қисмини тўлашлари лозим.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги умумий даромад солиги ҳажмида асосий ўринни эгаллайди. Жисмоний шахс жами даромадлари кўрсатилган даромад баённомасини солиқ органларига тақдим этади. Маҳаллий солиқ Ф.ст.нинг анча қисмини ташкил этади. Маҳаллий органлар бюджети 80 минг мустақил (коммуналар, бирлашган коммуна, департаментлар, минтақалар ва ҳ.к.) бюджетдан ташкил топган. Маҳаллий ҳокимият – иқтисодий ҳаётнинг асосий субъекти ҳисобланади. Маҳаллий солиқ тизимини тўрт асосий йўналишга ажратиш мумкин: ер солигининг бир тури қуриб битказилган томорқалар учун, бошقا бир тури қуриб битказилмаган томорқалар учун мўлжалланган; тураржой солиги; мутахассислик солиги. Ёши 75 дан оштан жисмоний шахслардан, маҳсус нафақа олувчилардан ва ногиронлардан солиқ ушланмайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида яратилган сунъий ўрмонзорлар ва уларда банд бўлиб турган ер майдонлари маълум муддатта солиқдан озод этилиши мумкин. Тураржой хусусий мулк каби солиққа тортилади. Кам таъминланган шахс бу солиқдан бутунлай ёки қисман озод этилиши мумкин. Резидентлар даромадидан солиқ тўлаш миқдорини аниқлаш ва тўғри белгилаш учун уларнинг барча қўшимча даромадларини кўрсатувчи ҳужжатлар асосида йиллик ҳисбог берилари назарда тутилади.

Фридмен — солиқ назариясининг асосчиларидан бири, истеъмол, пулнинг тарихи ва назарияси соҳаларидағи тадқиқотлари учун 1976 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган олим. Фридмен Милтон (1912, Нью-Йорк)нинг пул тўғрисидаги гоялари (монетаризм) АҚШда Р.Рейган, Буюк Британияда М.Тэтчер иқтисодий сиёсатида қўлланилган.

Фрилайдерлик (ингл. *freelance* — эркин савдо тарафдорлари) — XIX асрда савдонинг эркин бўлиши, давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашмаслиги ҳақидағи гоя билан чиқкан

иілмий оқим. Йирик вакиллари (Кобден, Брайт) келиб чиққан шаҳар номи билан Манчестр мактаби деб ҳам аталади. Протекционизмга зид бу эркин савдо сиёсатини бозор муносабатларига ўтган давлатлар ташқи савдода қўллаб келади.

X

Халқаро бизнес — бир неча давлатларда юридик шахслар томонидан фойда олиш мақсадида юритиладиган қонуний фаолият; давлатлараро товар ва хизматларни сотиш, пул тошиш, фойда кўриш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган фаолият.

Халқаро валюта фонди — БМТнинг ихтинослашган муассасаси, 1944 йилда ўрга муддатли валюта қарзлари бериш йўли билан валюталар курсига қувват бағишиланни мақсадида ташкил этилган. Унга жаҳоннинг 178 мамлакати аъзо. Мақсади— аъзо давлатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлантириш, тўлов балансларини тартибга солиш ҳамда миллий валюталар курсини барқарорлантириш учун қарз беришдан иборат. Бошқаруви—Вашингтонда, бўлимлари—Париж ва Женева шаҳарларида жойлашганди.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ — халқаро оммавий ҳуқуқнинг умумий тармолги, халқаро иқтисодий муносабатлар билан халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи меъёрлар. Х.и.ҳ. муносабатлари мураккаб тизимга эга бўлиб, турили мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги муносабатлари каби давлатларнинг муносабатларини ҳам қамраб олади. Х.и.ҳ. манбалари халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий тартиблардан таркиб топади. Х.и.ҳ.-нинг шакланишида БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг 1964 йили бўлиб ўтган I сессиясида қабул қилинган принциплар, 1974 йилда БМТ Бон Ассамблеясининг VI маҳсус сессиясида қабул қилинган Халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш бўйича Декларация ва ҳаракат дастурлари, 1974 йилдаги XXIX сессиясида қабул қилинган «Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» Хартияси ва бошқа ҳужжатлар муҳим аҳамиятта эга бўлди. Ривожланан ётган мамлакатларга ёрдам бериш, халқаро ҳуқуқий воситалар билан давлатлараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, давлатлар суверенитетини журматлашца Х.и.ҳ. алоҳида аҳамият касб

этади ва у ҳалқаро демократик ҳамкорлик ғоясини ташкил қилувчи БМТ Низомига тўлиқ ҳамоҳангидир.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти — бутун жаҳон хўжалиги ташкил топиши ва ривожланиб боришининг ҳал қилувчи омили. Унинг зарурлигини биринчи бўлиб Д.Рикардо тасдиқлаган. Айрим ишлаб чиқариш корхоналаридағи каби (А.Смит) жаҳон хўжалигидаги ҳам самарали меҳнат тақсимоти иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади. А.Смит айрим мамлакатларнинг маълум соҳада ихтисослашуви юқори самара беришини исботлаган.

Ҳалқаро молия корпорацияси — БМТнинг ихтисослашган муассасаси. Ривожланаётган аъзо давлатлар хусусий мулк соҳасига сармоялар қўйиш учун Ҳалқаро тиклаш ва тараққиёт банкининг шоҳобчаси сифатида 1956 йилда ташкил топган. Унга 165 мамлакат аъзо (1995 й.). Қароргоҳи Вашингтонда жойлашган. Мақсади — ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни сармоялар ёрдамида молиялаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган хусусий инвестицияларни рағбатлантириш, иқтисодиётни бошқаришга ёрдам беришдан иборат. Молиявий ресурслари — аъзо давлатлардан тушган бадаллар, корпорация фойдасидан тушган ажратмалар, Ҳалқаро тиклаш ва тараққиёт банкининг дотацийлари, ундан қарз кўринишида жалб этилган маблаглар.

Ҳалқаро солиқ битимлари — турли мамлакатлар орасида солиққа тортиш масалаларини тартибга солиб туриш мақсадида тузиладиган шартномалар. ЎзРда 40 дан ортиқ давлат билан солиққа тортиш борасида тузилган ўзаро шартномалар амал қилмоқда.

Ҳалқаро солиқ муносабатлари — солиқ юрисдикцияси (солиққа доир қонуналарни қўлланиши) доирасида ўзаро тартибга солиб туриш соҳасидаги мамлакатлараро муомалалар.

Ҳалқаро тиклаш ва тараққиёт банки — БМТнинг ихтисослашган муассасаси. 1944 йилда ташкил этилиб, молиявий муомалаларини 1946 йилдан бошилган. Бошқаруви Вашингтонда жойлашган. Бу ташкилотта Ҳалқаро валюта фондига (ХВФ) аъзо бўлган мамлакатлар кириши мумкин. Ҳалқаро тиклаш ва тараққиёт банки (ХТТБ)нинг мақсади: аъзо мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожлантиришга сармоя ажратиш ҳамда хусусий чет эл инвестицияларини рағбатланти-

риш орқали кўмаклашпин ва тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

Халқаро тараққиёт уюшмаси — БМТнинг ихтисослашган уюшмаси. ХТТБ ишохбаси сифатида 1960 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Асосий мақсади, ривожланаётган мамлакатларга ХТТБга қарагандан анча имтиёзли шартларда қарз ва амалий ёрдам беришдан иборат.

Халқаро иқтисодий фаолиятни солиққа тортиш — халқаро иқтисодий фаолиятни солиққа тортиши жараёни бўлиб, солиққа тортиладиган объектнинг маълум ҳисобот даврида бир неча давлатлар томонидан бир хил тоифадаги солиққа тортилиши; X.ф.с.т. муайян солиқ базасининг бир неча бор бир-бирига ўхшаш солиқларга тортилишини ҳам англатади. Масалан, бир давлат резидентининг бошқа давлатдаги солиққа тортиладиган объекти икки давлат томонидан солиққа тортилиши мумкин. Буни акциядор сифатида фаолият кўрсатган хўжалик субъекти тақсимланадиган даромадининг бир неча бор солиққа тортилишида кузатиш мумкин. Масалан, даромад биринчи марта хўжалик субъектининг даромади сифатида солиққа тортилади. Иккинчи бор шу даромаддан дивиденд олган акциядорлардан солиқ ундирилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки — қисқа муддатли кредитлар беришга ихтисослашган молиявий ташкилот бўлиб, унда Фарбий Европа давлатларининг мавқеи баланд. Банкнинг ҳисоб бирлиги Швейцария франки ҳисобланади. Шунингдек, у Халқаро ҳисоб-китоблар банки ёки Базель банки деб ҳам номланади.

Харажатлар сметаси — корхонанинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича келажакка мўлжалланган режали харажатларининг иқтисодий турдош моддалари бўйича гурухларга бўлиб, одиндандан чамалаб, тахмин қилинган ҳисоб-китоби, хомчўти. Смета гурухлари калькуляциянинг харажат гурухларидан фарқ қиласи. Сметада тутгалланмаган ишлаб чиқариш қолдигидаги ўзгаришлар, муайян тақвимий давр учун капитал қурилиши харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинади. Бозор иқтисодиёти шароитида X.с. бизнес режа тузишда ва сотиладиган товардан фойда олиш имкониятини чамалаб кўриб, шундан келиб чиқсан ҳолда иш кўришда катта ёрдам беради.

Харидор ёки буюртмачини алдаш — мулкчилик шаклидан қатъи

назар, ахолига товарлар сотицини амалга ошираётган ёки хизмат күрсатаётган корхоналарда, шунингдек, савдо ёки хизмат күрсатиш соҳасида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шугулланыёттан шахслар томонидан энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан олмаган миқдорда ўлчовдан, тарозидан, шудан уриб қолғанлик учун белгиланаётган айнома (қаранг: «Солик кодекси», 165-модда).

Хекшер Олина қонуни — ҳар қайси давлат ўзида кўп чиқариладиган товарни экспорт қилади ва ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун зарур бўлған товарнинг импортини амалга оширади, деган ғоятга асосланувчи X.O.қ.га асосан, жаҳон бозорига ҳар қайси давлат ўзида етарли ва сифатли бўлған товарларни четта чиқаради.

Хорижий юридик шахсларни солиққа тортиш — хорижий шахснинг фаолиятини солиққа тортиш, яъни чет эл фуқаросининг солиқлари. ЎзР ҳудудида хорижий юридик шахсларга халқаро шартномаларда белгиланған хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади. Норезидент юридик шахснинг доимий муассасасига даромад (фойда) солигига қўнимча равишда ушбу доимий муассасанинг чет элага ўтказадиган даромадидан ўн фойз миқдорида солиқ олинади.

Хорижий инвестиция (нем. *Investition*; лот. *Investio* — кийинмок) — мамлакат ичкариси ва хорижда иқтисодиёт соҳаларига муайян бир корхона ёки ишга узоқ муддатта сармоя қўйниш. Молия инвестицияси (қимматли қофозларни сотиб олиш) реал инвестициядан фарқланади. Х.и. миллий иқтисодиётни хорижий сармояларнинг нул маблағлари ёрдамида ўзаро манфаатли асосда юксак даражада ривожлантириш йўли. Хорижий инвестициялар маҳаллий табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат захиралари билан биргаликда илгор технологияларни, бошқарув ва ишлаб чиқариппни илгор усулларини жорий қилишда самара дорликнинг юксак даражасини таъминлайди. Бу хўжалик фаолиятига авваллари жалб қилинмаган табиий бойликларни фаол ишга солиш учун имкон яратади. Хорижий инвесторлар ўз сармояларни миллий корхоналарга киритибина қолмай, балки уларни қайта таъмирлайди, техник жиҳатдан янгича қуроллантиради. Шунингдек, уларга жаҳон бозорига чиқиш учун йўл очиб беради. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатларига мосланувини яхшилайди, уларнинг фаолиятларини жаҳон андозалари дара-

жасига кўтаришга кўмаклашади. Ўзбекистон иқтисодиётiga киритилган чет эл инвестицияларининг 50 фоиздан ортиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, телекоммуникация, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларига тўғри келади. Хорижий сармоядорлар хусусий тармоққа, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар, фермер хўжаликларига қизиқиш билан қарашмоқда. Дунёning кўплаб мамлакатларидағи, жумладан, Халқаро молия корпорацияси, АҚШдаги ОПИК, Германиядаги ДЕГ каби молия ташкилотлари айнан хусусий тармоқни ривожлантириши учун инвестиция киритишган. Ҳозир республикада хорижий сармояси бўлган 3500 корхона рўйхатга олинган бўлса, йил мобайнида мамлакатнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди. Ҳозирги кунда жаҳондаги 160 дан зиёд мамлакатнинг компания ва фирмалари Ўзбекистон иқтисодиётiga ўз сармояларини сарфламоқда. «Ньюмонт Майнинг», «БАТ Индастриз», «ДЭУ корпорейшинз» «Лонро» (олгин қазиб чиқарим), АББ (матинасозлик) каби иқтисодий салоҳиятли компанииялар, «Мерседес Бенц», «Мицуи», «Мицубиси», «ДЭУ», «Марубени» сингари машҳур фирмалар эпг йирик инвесторлар рўйхатида юқори ўринларни эгаллаб турибди. Республикада хорижий сармоядорлар иштирокида фаолият кўрсатаётган фирмалар сони бўйича Россия (446), Туркия (297), АҚШ (225), Буюк Британия (91), Германия (86), Жанубий Корея (66), Хитой (62) бошқа мамлакатлар орасида етакчилик қилишмоқда. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ташки иқтисодий фаолиятида импорта (2,5 фоиз) нисбатан экспорт (87 фоиз) ўстаналии эътиборга лойиқdir. Кейинги йилларда полистилен ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Шўрган газ-кимё мажмуи, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушунилди. Чет эл инвестициялари ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблаглар ҳажмининг 62 фоизини ташкил этди.

Хусусий мулк — тўла эгалик тасаруфи ва фойдаланиш хуқуки билан жисмоний ёки юридик шахсга тегишли кўчар ва кўчмас мураккаб; жисмоний ёки юридик шахснинг ер, капитал, бошқа активларни сотиб олиш, эгалик қилиш, назорат қилиш; фойдаланиш, сотиш, васият қилиш хуқуки; моддий бойликларни ўзлантиришининг юзага келган муайян ижтимоий шакли.

Хұжалик субъекти — қонунда белгиланған тартибда давлат рүйхатидан үтиб, тәдбиркорлық фаолияти билан шугуллана-ёттеган ва шу фаолият билан бөглиқ барча ҳукуқ ҳамда мажбуриятлар соһиби бўлган юридик ёки жисмоний шахс.


Хұжалик субъектлари фаолиятини текшириш ваколати — мамлекат Конституцияси ва бошқа қонунларга мувофиқ тегишли органларга хұжалик субъектлари фаолиятини текшириш борасида давлат томонидан берилған ваколат. Агар ҳалқаро шартномаларда хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қылышда қонун ҳужжатларида на-зарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланған бўлса, ҳалқаро қоидалар қўлланилади.

Хұжалик юритувчи субъект — хұжалик (ишлиб чиқариш) фаолияти билан шугулланишдан келиб чиқувчи барча ҳукуқ ва мажбуриятлар эгаси, уларни қонунда белгиланған тарзда амалга ошириш имкони бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Унинг фаолият кўрсатиш жараёни қонун нормалари билан тартибга солинади ва у ўз фаолиятига қараб, қонун асосида солиқ тўловчи ҳисобланади.

Ч

Чакана баҳо — ички бозорда истеъмол молларининг доналаб сотилиш нархлари. Баҳолар бозор ва дўкон нархлари, аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифлари ҳамда баҳолари кўрининшида бўлиши мумкин. Маҳсулотнинг бозорда сотилиши баҳоси билан унга бўлган талаб ва таклиф ўзаро баробар келганди, белгиланған баҳода сотиши жараёни содир бўлади. Товар бозорида маҳсулот баҳосининг уч хил ўзгариш жараёнини 167-бетдаги чизмаларда ифодалаш мумкин.

Чизмадан кўриниб турибдики, агар бозорда баҳо ўзгармас бўлса, маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳам талабга таъсир қилмайди (1), талабнинг ўсиши бозорда баҳонинг описига олиб келади (2), бозорда маҳсулот таклифи кўтпайса, баҳо пасаяди (3). Бозор иқтисодиётида баҳо фақат талаб ва таклифга қараб эмас, балки маҳсулот сифатига, бозор ўзгарувчанлигига — конъюнктурасига ҳам бөглиқ бўлади. Лекин чакана баҳота сифат, аҳоли даромади каби омилларнинг таъсирини фақат талаб ва таклифнинг ўзгариши орқали билиш мумкин.



Бозорда баҳонинг талаб ва таклифга қараб ўзгариши.

1 – баҳо ўзгармас ҳолатда; 2 – баҳо ўзгарувчан ҳолатда; 3 – баҳонинг ўзгариши таклифнинг камайлан ҳолатида.

Чегирмалар — жисмоний ва юридик шахслар тўлайдиган солик базасини қисқартиришга йўналтирилган имтиёзлар ва айрим солик ҳисоблари маблағлари хамда солик объектларининг солиққа тортишдан озод этилиши. Даромад (фойда) солигига нисбатан кўлланиладиган чегирмалар солик тўловчининг даромадлари билан эмас, балки ҳаражатлари билан бояланган. Шунга биноан, тўловчи солик солинадиган даромад (фойда)ни давлат томонидан рагбатлантириладиган мақсадларга доир ҳаражатлари миқдорига камайтириш ҳукуқига этадир. Даромад (фойда)нинг бир қисмини корхонани таъмирлаш, ҳайрия жамгармалари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият муассасаларига аж-

ратмалар, табиатни мұхофаза қылыш тәдбиrlарига ҳаражатлар өнде қоғазолар шүндай мақсаддардир. Солиқ базасига болық ҳолда чегирмалар лимитланған (чегирмалар миқдори бевосита ёки билвосита чекланған) өнде лимитланмаган бўлиши мумкин. Фойдала ва даромадларга доир чегирмалар шүндай ифодаланадики, тўловчининг муайян фаолият турларидан олган фойдаси ёки даромади солиқ солинадиган фойда (даромад) таркибидан чиқарилади, яъни солиқка тортілмайди. Ч. доимий асосда ёки чекланған муддатта белгиланған бўлиши барча солиқ тўловчиларга ёхуд уларининг бирор тоифасига ишлатилишин мумкин.

III

Шахсий истеъмол ҳаражатлари — солиқ тўловчининг истеъмол товарларига (уй ҳўжалигидағи) ҳамда узоқ ва қисқа муддатда қўлланиладиган товарларга қиладиган ҳаражатлари. Солиқ солиниң базасини ҳисобланпда бундай ҳаражатлар чегириб ташланмайди.

Швеция солиқ тизими — мамлакатда корпорациялар фойда-сига кўйиладиган солиқ мұхим ўринин эталайди. Компаниялар ва бошқа турдаги ўргоқлик корхоналари бирор шахсномини олини учун шатоғ ва рўйхатга олиш бўлимидан ўтини керак. Одатта кўра, бошқарув директорлари ва бош директорларининг камидаги 50 фоизи Швеция ёки Европа Ҳамкорлиги мамлакатларининг резидентлари бўлиши шарт. Амалнётда маъсулиятчи чекланған очик турдаги компаниялар ва маъсулиятчи чекланған хусусий компаниялар фаолият кўрсатади. Швед компаниялари олган дивиденделар солиқдан озод бўлади. Чет филиалидан олинған дивиденделар (акциялар пакети 25 фоиздан кам бўлиши керак эмас) ҳам солиқка тортілмайди. ЕХ, ишчилари Швецияда меҳнат қилишса, шу Ҳамкорлик қонуларига риоя қилишади. 65 ёшдан ошган Швеция фуқаролари учун тадбиркорлик ва меҳнат даромадига пасайтирилган ажратма ставкаси 21,39 фоиз қилиб белгиланған. Швеция шимолий туманларида бу ставка 5—10 фоиззга камайтирилиши мумкин. Даромад чет мамлакатлардан олинған бўлса, қонунга биноан, солиқ миқдорига солиқ кредити берилади. Халқаро битимларига риоя қилған ҳолда амалиётдаги дивиденделар ставкаси икки марта солиқка тортілмаслигига алоҳида эътибор қарашади.

тилади. Сарфланмаган кредитлар уч йилгача кучга эга. Ҳамма ажратмалар ва имтиёзлар чет мамлакатда олинган даромадга, ўша мамлакатда умумий қоидалар бўйича барча резидентлар учун белгиланган ҳалқаро солиқ битимларидан қатъи назар, умумий даромад ҳисобланади. Швеция норезидентлари швед манбаларидан олинган даромадлардан, кўчмас мулк операцияларидан, кўрсатилган хизматлар, пенсиялар, капиталдан олинган даромадлардан солиқ тўлашиди. ҚҚС ставкаси – 25 фоиз, 12 фоизли ставка – озиқ-овқат маҳсулотлари ва туризм хизматига, энг паст – 6 фоиз газеталарга кўлланилади. ҚҚС бўйича ҳисбоглар ҳар ойда тўлов ҳужжатлари билан солиқ идоралиги юборилади. Меростга олинган мол-мулк прогрессив ставкалар асосида солиққа тортилади. Бунда мероснинг қиймати, қариндошлиқ даражаси инобатта олинади. Солиқларни меросхўрнинг ўзи тўлайди.

Э

Эгри солиқлар – солиққа торғиш жараёнида солиқ қиймати тўловчиidan эмас, истеъмолчи ҳисобидан олинадиган солиқлар. Э.с. истеъмолчигача бўлган солиқ субъектидан олинади, лекин бу солиқларни истеъмолчи тўлайди. Э.с.га акциз, ҚҚС кабилар киради. Улар корхона ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятига таъсир этмайди, сотилаётган товарлар ва кўрсатилган хизматлар қийматига устама ҳақ тарзида белгиланади.

Экспорт (ингл. *export*; лот. *exporāre* – олиб чиқиш) – товарларни болқа мамлакатларда сотиш ёки ўзга мақсадларда фойдаланиш учун мамлакатдан олиб чиқиш; олиб чиқиб кетилган товарларнинг умумий ҳажми. Бунда товарлар қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз божхона худудидан ташқарига чиқарилади. Товарларни экспорт режимида олиб чиқиш, экспорт бози ва бошқа божхона тўловлари тўланган, иқтисодий сиёсат чораларига риоя этилган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган тақдирда амалга оширилади (қаранг: «Божхона кодекси», 19-модда). Бундан ташқари, капитал экспорти фойда олиш мақсадида сармояни хорижда жойлаштириши (мас., маҳаллий компанияларнинг акцияларини сотиб олиш, қарз бериш ва х.к.)ни англатади. Мустакиллик йилларида Ўзбекистон экспорти ривожланиб, унинг жўргифииси ҳам ўзгариб бормокда. 1994 йилда экспортда МДҲ мам-

лақатларининг улуши 62,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилга келиб, 38 фоизга тушиб қолди. Узоқ хориж мамлакатларининг салмоги, аксинча, тобора ортиб бормоқда. 2001 йилда уларнинг экспортдаги улуши 72 фоиздан зиёдроқни ташкил этди.

2002 йилдан эътиборан мулкчилик шаклидан қатъи назар, экспортга маҳсулот чиқарувчи ҳар қандай корхона чет эл ва-лютасида оладиган даромадидан солиқ тӯлаш мажбуриятидан озод этилди. Бу имтиёздан умумий солиқ тӯловчи кичик корхона ҳам фойдаланишга ҳақли. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 25—50 фоизни ташкил этувчи корхоналар учун мулк солиги 50 фоизга пасаяди. Экспорт ҳажми 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлса, корхона мулк солигини тӯлашдан озод этилади. Бу имтиёзлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, мустақил равишда фаолият кўрсатувчи ёки ихтисослашган ташки савдо уюшмаси ва фирмалари орқали маҳсулот экспорт қиласан корхоналарга тегишили.

Миллий иқтисодиётининг яли ички маҳсулоти ҳажмида экспорт миқдори 1994 йилда 16 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилда эса бу кўрсаткич 24,7 фоиздан ҳам юкорироқ бўлиб, ташки савдо айланмасининг 3,1 фоиз ўсиши таъминланди. Ташки савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ижобий салдога эришилди. Экспорт қилинадиган товарлар жумласига нефт маҳсулотлари, уран, олтин, енгил автомобиллар ва автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, қимматбаҳо тошлар ва металлардан тайёрланган буюмлар, тиббиёгда қўлланиладиган шиша идишлар, қишлоқ ҳўжалиги техникасининг янги турлари, кабель-үтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди. Четта сотилаётган тўқимачилик ва матбаачилик маҳсулотларининг турлари янада кўпайди. Паҳта толасини экспорт қилиш 50 фоиздан 27,5 фоизга тушиб қолди. Бунинг ўрнига паҳта толаси ва ипак ҳом аниёларидан энг муқаммал технология асосида тайёрланган қалава, иш, паҳта ва шойи газламаларни четта чиқариш ҳажми анча ошиди. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳамда уларнинг қайта ишланган маҳсулотларини чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига нефт, бензин импорт қилиш батамом тўхтади. Доң маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш ҳажми камайди. Ишлаб чиқариш воситалари ва эҳтиёт қисмлар импорти 15,3 фоиздан 50 фоизга ўсиди.

Экология солиғи — товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажа-
рувчи, хизматлар күрсатувчи юридик шахслар тұлайдыган со-
лиқ тури. Мазкур солиқ кичик тадбиркорлық субъекті сифа-
тида рўйхатта олинган юридик шахсларга татбиқ этилмайды.

Эконометрия — иқтисодий жараёнлар ва обьектларни ўзаро
аниқ боғлиқлик жараёнини математик усулларни қўллаш йўли
билин ўрганувчи иқтисодий-математик фан. Математика фа-
нини иқтисодиётда ва солиққа тортища ишлатиш услубла-
ри, моделлари ва алгоритмларини ўргатади. XIX аср бошли-
рида вужудга келиб, назария ва амалиётда кенг қўлланилади.

Экспертиза (лат. *expertus*; фран. *expertise*)—тажриба (наму-
наси) — маҳсус билим талаб қиласидын масалаларнинг мутахас-
сис (эксперт) томонидан тадқиқ этилиб (текширилиб), асосли
хулоса берилishi. Режа-иқтисодий, бухгалтерлик, меҳнатта
лаёқатлилик, суд, Э. си кенг қўлланилади. «Божхона тўгриси-
да»ги Қонун ва бошиқ қонун ҳужжатларининг талабларини
бузганлик тўгрисидаги ишни юритиш пайтида божхона орга-
ни мансабдор шахсининг қарори билан қонун ҳужжатларида
белгиланган тартибда экспертиза тайинланishi мумкин. Экс-
пертиза ўтказиш учун намуналар ва нусхалар ишни юрита-
ётган божхона органи мансабдор шахсининг қарори асосида
холислар олдида, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштиро-
кида олинади (қаранг: «Божхона кодекси», 11, 12-моддалар).

Энг кам иш ҳақи — хўжалик субъектларига ёлланган ишчи-
хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақининг қонунда белги-
ланган энг кам миқдори. ЎзРда ҳам Э.к.и.ҳ. белгиланган.

Энгель қонуни — давлат миқёсида баҳо ўзгармаса ва оила сони
кўпаймаса, ошган даромаднинг озиқ-овқатларга сарфланади-
ган асосий қисми камайиб, тақинчоқ ва қимматбаҳо буюмлар
сотиб олишга ишлатилишини тасдиқловчи иқтисодий назария.
Бу қонунга асосан маълум шартлар бўлганда озиқ-овқатта сарф
қилинадиган даромаднинг салмоги камайиб, қимматбаҳо то-
варларга бўлган сарф салмоги ўсади.

Эркин божхона макони — божхона ва валюта нуқтаси назаридан
гўёки «хорижий» ҳисобланадиган (яъни, божхона чега-
расидан ташқарига чиқадиган) ҳудуд; у ерга етказиб бериладиган юклар бож ва бошқа харажатларга тортилмайди. Бу
халқаро тартибга солиш қоидалари Киото (Япония) конвен-
циясида белгилаб қўйилган.

Эркин иқтисодий худуд — давлат ҳудудининг солиқ солиш

бўйича алоҳида имтиёзли тартиб амал қиладиган маҳсус ажратилган қисми. Э.и.ҳ.лар хориж капитали бемалол амал қилиши учун ажратилган маҳсус майдон ҳисобланади.

Эркин савдо ҳудудлари — бож тўламай, товар олиб кириш ва савдо қилиш мумкин бўлган ҳудуд. Бу ерда солиқ тўлаш бўйича маҳсус имтиёз тартиби амал қилиб, товарлар бож тўловидан озод этилади, божхона назоратидан холи бўлади. Ҳозир жаҳонда 500 дан ортиқ Э.с.м. лари мавжуд бўлиб, улар асосан ривожланган мамлакатларда жойлашган.

Ю

Юк — бир жойдан иккинчи жойга кўтариб, транспорт восигасида ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик, шахсий фойдаланиладиган товарлар, буюмлар ва ҳ.к. Чегарадан олиб ўтиш қоидаларига мос равишда амал қилиб, олиб ўтиш тўғрисидаги шартномани тасдиқловчи ҳужжатлар (юк тўлонномаси, юк хати, коносамент ва ҳ.к.)да қайд этилган ҳажм—масса. Ҳалқаро ва миллий қоидага кўра, дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари шахсий юки аниқ белгиланган шароитларда божхона тексирувидан озод қилинади.

Юк баённомаси—декларацияси — бу умумий атама фраҳт (кечмада ташиладиган юк) ёки савдо транспорт восигатарида ташиладиган юк баённомаси—декларациясига (фраҳт), шунингдек, божхона талаб қиладиган муфассал маълумотлар берувчи ҳужжатларга нисбатан ишлатилади. Демак, 1) юк декларациясининг таркиби ва моҳияти мамлакатларга нисбатан ёки ишлатилаётган транспорт восигасига мос равишда фарқ қилиши мумкин. Юк (фраҳт) ҳақидағи батафсил маълумотлар сўров материалларининг кўриниши, сифати, маркаси ва рақамлари, товарларнинг қисқача тавсифи кабиларни ўз ичига олади. Айрим мамлакатларда бундай маълумотлар автоматик таҳлил қилиш усули ёрдамида тақдим қилиниши мумкин. 2) Юк баённомаларини кўпинча «манифест» деб аташади, байзи мамлакатларда улар ўрнига авиаюклар манифести, кема манифести ёки товарлар манифести қабул қилинган. 3) Ҳалқаро денгиз орқали юк ва сайёҳлар ташишни таъминлаш конвенциясига (1965 йил, Лондон) илова тарзида юк декларацияси намунаси (IMCO FAL намунаси 2-шакл) таклиф этил-

ди. 4) Товар декларациялари товарларнинг алоҳида туркумларига (юқ баённомасига киритилган) кейинчалик берилиши мумкин.

Юридик шахс (фуқаролик ҳуқуқида) — ўз зиммасига юқлатилган вазифалар(мажбуриятлар)ни бажаришда фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мустақилии субъекти (эгаси) сифатида ҳаракат қиласидиган корхона, муассаса, ташкилот. У жумладан, ўзининг алоҳида мулкига, ўз номидан мол-мulk, шахсий мулкий ҳуқуқ, зиммасига мажбурият ортиш ҳамда судда, арбигражда ва ҳакамлар судида даъвогар, жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга. Унинг ҳуқукий қобилияти низомда кўзда тутилган мақсадлар билан белгиланади. Ю.ш. фаолияти солиқ муносабатларининг объекти ҳисобланади.

Я

Ягона солиқ тизими — солиқларни тўлашнинг соддадаштирилган, жамлаб тўлаш тизими. ЎзРда 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилган. Я.с.тўловчи қўйидаги солиқ ва тўловлардан озод этилади: даромад (фойда) солиги; ҚҚС; акциз солиги; экология солиги; сув ресурсларидан ҳамда ер остидан фойдалангандик учун соликлар; ер солини; инфратузилманни ривожлантириш солиги; мол-мulk солиги; ялпи даромад солиги.

Ягона ер солиги — қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ер майдони, базавий ставкалар ва тузатиш коэффициентлари асосида белгилантган солиқ. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилган. Я.е.с. тўловчилар томонидан қўйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$Q = M \cdot B \cdot K,$$

бу ерда, Q — ягона ер солигининг миқдори, сўм; M — ер участкасининг майдони, гектар; B — ер учун солиқнинг базавий ставкаси, сўм (1 гектар) учун; K — тузатиш коэффициенти. Я.е.с.нинг базавий ставкалари барча вилоятлар ва туманлардаги сугориладиган ерлар, бoggлар ва яйловларга нисбатан белгиланган. Тузатиш коэффициенти ерларнинг сифатига ва гурухларига қараб, маҳсус жадвал асосида аникланади. Я.е.с. бир йилда икки марта тўланиши зарур: 1 июлгача бўлган муд-

Датда солиқнинг 20 фоизи, 1 сентябргача 30 фоизи ва қолған вақт ичіда 50 фоизи тұланаға.

Ялпи түшумдан олинаған солиқ — улғуржи ва чакана савдо корхоналари (чакапа савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқары) ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи түшумдан (товар айланыш қажыдан) олинаған солиқ.

Белгиланған даромаддан олинаған ягона солиқ чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинаған солиқ бўлиб, ЎзР Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан амалга киритилган. Бу солиққа тортиш түғрисида маҳсус йўриқнома мавжуд бўлиб, фақат савдо соҳасидаги микрофирмалар солиққа тортилади.

Ялпи даромаддан олинаған солиқ — тўловчилар ялпи даромад миқдори даромадлилик дарёжаси ва аниқ ставкалар асосида белгиланадиган Я.д.о.с. қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Sigma C_B = \frac{УД \cdot С}{100},$$

бу ерда, ΣC_B — ялпи даромаддан олинаған солиқ, сўм; УД — ялпи даромад, сўм; С — солиқ ставкаси.

Ялпи ижтимоий маҳсулот — моладий ишлаб чиқарини тармоқларининг жами ишлаб чиқарған маҳсулоти бўлиб, иқтисодий ривожланишининг умумлантирувчи кўрсаткичи ҳисобланади. Я.и.м.ни ҳисобланада барча тармоқларининг ялпи маҳсулотлари ҳам кўрилиши керак.

Ялпи ички маҳсулот — давлат миқёсида бир йил мобайнида чиқарилган жами ички маҳсулот қиймати билан ўлчанадиган умумий кўрсаткич, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

$$GOP = (C + I + (X - IM)) = C + I + X - IM,$$

бу ерда, GOP — ялпи ички маҳсулот; С — истеъмол қилинган маҳсулот; I — ички инвестиция (капитал сармоя); X — товар ва хизмат экспорти, IM — товар ва хизматларининг импорт қиймати. Ялпи ички маҳсулотта чет элда сотилған ва бошқа хал-

қаро иқтисодий алоқалардан тушган соф даромадни қўпса, ялпи миллий маҳсулот қиймати келиб чиқади. Солиқ тушумлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан олиб таҳлил қилинади ва солиқ оғирлиги ҳисобланади.

Ялпи миллий маҳсулот — ялпи ишлаб чиқарилган умумий қўшимча қиймат, бир йил давомида янгитдан ҳосил қилинган даромад ифодаси; мамлакат ичкарисида ҳамда ундан ташқарида яратилган тутал товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати; иқтисодий ўсишнинг умумлашиган ва пулда ифодаланган кўрсаткичи, йил давомида ва пировард натижада яратилган товар ва хизматлар йигиндиси: аҳоли истеъмол қилган товарлар ва хизматларни, давлат харидаларини, қўйилган сармояларни ва тўлов баланси салъдосини ўз ичига олади. Иқтисодиёт учун, айниқса, Я.м.м.нинг мутлақ ўсиши муҳим, чунки у ишлаб чиқаришининг кўламини билдиради. Бу кўрсатичнинг таркиби қўйидагилардан иборат:

$$GNP = GOP + NY = (C + I) + (X - IM + NY),$$

бу ерда, GNP — ялпи миллий маҳсулот; GOP — ялпи ички маҳсулот; NY — соф даромад.

Ялпи миллий даромад — давлат миқёсида моддий ишлаб чиқариш соҳасида бир йил давомида янгитдан яратилган қиймат; бу кўрсаткини ҳисоблашда соф миллий маҳсулот (NNP)га амортизация тўловлари қўшилиши лозим. Я.м.д. таркибига сотиб олинган истеъмол товарлари, хизматлар қиймати (C), соф инвестиция (I), давлат томонидан сотиб олинган товар ва хизматлар қиймати (G) ҳамда асосий воситаларга сарфланган амортизация тўловлари (A) киради:

$$C + I + G + A.$$

Соф инвестиция (I)ни топиш учун ялпи инвестиция қийматидан амортизация тўловларини чиқариш лозим. Я.м.д. соф миллий маҳсулотдан кўп бўлиб, ҳозирги вақтда БМТ томонидан давлатлараро иқтисодий ўсишни аниқлашда барча давлатларга қўллаш тавсия этилган.

Янги классик (неоклассик) йўналиш — Фарб иқтисодий адабиёттида «Янги классик экономикс» деб номланган бу йўналиш асосида маржинализм ғоялари ётади. Буюк инглиз иқтисодчisi А.Маршалл (1842—1894) номи билан борлиқ бўлган назар

рия. Шу даврда «Сиёсий иқтисод» ўрнига мафкурасиз «Экономикс» китоби пайдо бўлди. Унда соф эркин бозор иқтисодиёти тарғиб этилади. Хўжаликда давлатнинг роли имкони борича паст бўлмоги кераклиги таъкидланади. Либерализм ва неолиберализм оқимларини уйгунаштирган йўналиш.

Япония солиқ тизими — мамлакат бюджети даромад қисми нинг 64 фоиздан кўпроғини давлат солиқ органлари орқали ундириладиган солиқлар тушуми ташкил этади. Унинг қолган қисми маҳаллий солиқлар ҳисобига тўлдирилади. Солиқ тушумининг улуши давлат бюджети орқали тақсимланиб ва қайта тақсимланиб, маҳаллий ташкилотлар бюджетига қисман ўтказиб турилади. Мамлакатда 47 префектура бўлиб, улар 3045 шаҳар ҳамда қишлоқ туманларидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз мустақил бюджетига эга. Солиқ тушумининг учдан икки қисми маҳаллий эҳтиёжларни қондиришига сарфланаб, қолган қисми давлат миқёсидағи заруриятга исплатилади. Я. бюджетининг даромад қисми фақат солиқлардангина ташкил топмасдан, бошқа давлатларда бўлганидек, ўзга даромад манбалари ҳисобига ҳам шакланади. Давлат бюджети 100 фоиз деб олинса, унинг 85 фоизи солиқ тунумларидан, қолган 15 фоизи солиқка оид бўлмаган даромадлардан ташкил топади. Я.даги солиқ тизимиға кўп қиррали солиқ йўналишлари хосдир. Ундан барча худудий ташкилотлар фойдаланиши мумкин. Жами солиқ тушуми давлат томонидан ҳисобга олинниб, қонунга асосан ҳужжатларда қайд қилинади. Давлатнинг ҳар бир солиқ тизими қонун асосида бошқарилади. Мамлакатда 25 га яқин давлат ва 30 га яқин маҳаллий солиқ тизимлари амал қиласи. Уларни уч хил туругҳа бўлиш мумкин: юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги; мол-мулк солиги; истеъмол солиги. Бюджетнинг асосини тўғридан-тўғри олинадиган солиқлар ташкил этиб, уларга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Давлат бюджетига келиб тушадиган солиқ тушумининг 56 фоизидан зиёди шу солиқларга тўғри келади. Бюджетга тўғридан-тўғри келиб тушадиган солиқлар миқдори юқори бўлишига қарамасдан, уларнинг айрим имтиёзли томонлари ҳам мавжуд. Даромад солигипи ундиришида солиқ тўловчининг оиласиий аҳволи ҳисобга олинади. Шу билан бир қаторда солиқ тўловчининг даволаниш учун сарф қилган даромад қисми солиқдан озод этилади. Мамлакатдаги кўп болали оиласалар ҳам со-

лиқ соҳасида айрим имтиёзларга эгадир. Кам таъминланган оиласардан 30 фоизга пасайтирилган ставкаларда даромад солиги ундирилади. Я. солиқ сиёсатида кўзда тутилган муҳим тадбирлар маҳаллий органларнинг моддий асосини мустаҳкамлашга қаратилганини билан эътиборлидир. Ҳозирги вақтда ҳар хил солиқлар йигиндисидан ташкил топган хусусий солиқ тушуми маҳаллий бюджетнинг 40 фоизини ташкил қилаади.

Ярмарка (нем. *jahrmarkt* – ҳар йилги бозор) – мунтазам рашида белгиланган жойда ўтказиб турорадиган товарлар бозори; доимий равишда савдо-сотик тадбирлари ташкил қилинадиган жой; кўп мақсадларга хизмат қиласадиган мунтазам бозор; товар намуналарининг халқаро иқтисодий кўргазмаси бўлиб, номидан қатъи назар, ўтказилаётган мамлакат одатларига биноан, кенг истеъмол моллари ёки асбоб-ускуналарнинг катта бозори (муайян бир жойда белгиланган муддатда ишлайди).

Яширилган даромадни аниқлаш имтиёзи – яширин даромад кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Исройлда 1997 йил 1 апрелдан яширин даромадни солиқ инспекторига маълум қиласадиган шахсга умумий яширилган даромад миқдоридан 10 фоиз беришга қарор қилинганди. Ҳозир шу чора ҳисобига мамлакатда яширилган даромад 5–10 фоизга тушган.

Яширин фаолият – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилиб, солиқка тортилмай қоладиган гайриқонуний (жиноий) фаолият. ДСҚ статистикасига қараганда, ЎзРда 40 фоиздан ортиқ даромад олиш манбай яширилиб, солиқка тортилмайди. Халқаро ташкилотларнинг ҳисобига кўра, яширин фаолият Италияда 27 фоизни, Испанияда 22,5 фоизни, Грецияда 28,5 фоизни ва Германияда 16,3 фоизни ташкил қиласади. Европа давлатларида бу кўрсаткич йилига 3,5 фоиз ўсаяпти.

Ў

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ хизмати тўғрисида»ги Конуни – Ўзбекистон Республикасининг солиқ соҳасидаги асосий қонунларидан бири. 1997 йил 29 августда қабул қилинганди. бўлиб, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Конунда солиқ хизмати органла-

ри давлат ҳокимиятининг солиқлар, йигимлар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳамда белгиланган муддатда давлат бюджетига тушшишини таъминлашга масъул муҳим тармоги, деб таърифланган. Солиқ назорати, давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг вазифалари, ҳукуқлари, мажбуриятлари ҳамда бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлиги тушунчаларининг ҳукуқий ва ваколат нормалари атрофлича таърифлаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида божхона иши — «Божхона кодекси»-нинг 2-моддасига биноан, ЎзРда Б.и. товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божларни расмийлаштириш тартиби ва шарт-шароитлари, божхона назорати ва божхона сиёсатини ҳаётга жорий этишнинг бошқа воситалари сифатида белгиланган. Божхона иши давлат ҳокимияти органларининг ваколатига киради. Бу ишга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва божхона ишига бевосита раҳбарлик қилувчи ижроия ҳокимиятнинг марказий органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси «Божхона кодекси» — ЎзРда божхона ишларини тартибга солувчи тизимлаптирилган ягона қонун ҳужжати, божхона ҳукуқининг асосий манбай. Олий Мажлис томонидан 1997 йил 6 декабрда қабул қилиниб, 1998 йил 1 мартаң кучга киритилган. 11 бўлим, 19 боб ва 198 моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари — мамлакатда божхона ишларини бевосита амалга оширадиган давлат бошқаруви органлари. ЎзР Б.о. ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳисобланиб, ягона тизимни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона тарифи — четдан олиб келинадиган ва четтага чиқариладиган товарларнинг турлари бўйича тузилган тўлов ва божлар таснифи. ЎзР божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан қўлланиладиган ва ташки иқтисодий фаолият товар номенклатурасига асосан тартибга келтирилган божлар (божхона тарифлари). Ўзбекистон давлатининг бу соҳага оид рўйхати, ташки иқтисодий фаолиятга тааллуқли тегицли товарларнинг турлари республика ҳукумати томонидан ҳалқаро амалиётда қабул қилинган товарларнинг таснифлаш тизимидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — мамлакатда ягона қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган олий давлат вакиллик органи. Олий Мажлис ваколатига, жумладан, республика ҳаётининг барча жабҳаларига оид қонун ҳужжатла-

рини қабул қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан мамлакат бюджетини қабул этиш ва унинг ижросини назорат қилиш, шунингдек, солиқдар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш ҳамда бекор қилиш бўйича назарий ҳужжатларни яратиш киради. Олий Мажлиснинг фаолияти ЎзРнинг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўгрисида»ги Қонуни билан белгиланган. 2004 йилдан эътиборан икки палатали парламент фаолият кўрсата бошлади.

Ўзгарувчан харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажмига, мавжуд шарт-шароитларга боғлиқ ранища ўзгариб турадиган харажатлар. Масалан, технологик жараён учун ишлатиладиган электр энергия, хом ашиё харажатлари ва бошқа чиқимлар киради. Чунки бу харажатлар товар миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

K

Қатъий белгиланган солиқ — савдо ва умумий овқатланиш соҳасида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан олинадиган солиқ бўлиб, бу солиқ тўловчиларнинг даромади даражаси ва фойдаланилган майдон ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Қиймат қонуни — товар ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий қонуни, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши ва рагбатлантирилишини бошқаради. Бу қонунга мувофиқ, товарларни ишлаб чиқариш ва айирбошлиш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади.

Қисқа баённома (декларация) — товарлар ва транспорт во-ситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар қўлланиладиган баённома — декларация шакли. Божхона органининг рухсати билан транспорт, тижорат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан, шу жумладан, халқаро муносабатларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ҳужжатлардан қисқа декларация сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қоплама бож тўлови — ишлаб чиқариладиган ёки экспорт қилинадиган ҳар қандай товар учун қоплама тарзида берилган маблағлар таъсирини бартараф қилиш мақсадида ундириладиган маҳсус бож тўлови.

Қўшилган қиймат солиги (КҚС) — эгри солиқлар таркибига кирувчи, асосан, фискал функцияга эга бўлган умумдавлат

солиқ тури. Миқдори жиҳатидан ўрта хисобда давлат бюджети даромадларининг 1/4 қисмини ташкил қилади. ҚҚС ишлаб чиқариши (иш бажарип, хизмат қўрсатиш) ва уларни сотиши жараёнида хўжалик субъекти томонидан белгиланган нархга маълум ставкада қўшилган устама сифатида ундирилади. ЎзР ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда ҳам ҚҚС олинади. Бу солиқ бўйича хисобда турган ёки хисобда туриши шарт бўлган, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар уни тўловчилар саналади. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда эса, юридик ҳамда жисмоний шахслар солиқ тўловчилардир. ҚҚСга тортиладиган айланма маблаг солиқ объективининг турига қараб, ўзига хос усуlda аниқланади. Масалан, ишлаб чиқарилган товарлар юклаб жўнатилган қисмининг қиймати, амалга оширилган қурилиш, таъмиrlash, илмий-тадқиқот, конструкторлик, технологик, қайта таъмиrlash ва бошқа шунга ўхшашиш ишлар қиймати ҚҚСга тортилади. Хизматлар қўрсатилганда эса транспорт воситалари ёрдамида бажарилган ишлар қиймати, ижара, воситачилик ҳақи, инфратузилма, реклама ва бопиқа хизматлар қиймати шу солиқ объекти бўлади. Акциз солиги тўланадиган товарларни ҚҚСга тортишда унинг объекти жўнатилган айланмага акциз солигининг қиймати кўйилган ҳолда аниқланади. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олган истеъмолчи хисобидан ундирилган ҚҚС қийматидан товарни ишлаб чиқаришда сарфланган моддий бойликлар учун таъминотчи хўжалик субъектларига тўланган ҚҚС қиймати айриб ташлангандан қолган қисми давлат бюджетига ўтказилади. Товарлар (хизматлар, ишлар)ни сотишида ҚҚС қуйидаги формула асосида хисобланади:

$$C_{\text{ккс}} = C_{\text{то}} \cdot C_{\text{ст}} : 100,$$

бу ерда, $C_{\text{ккс}}$ — товар (хизмат, иш)ни сотиб олувчидан ундириладиган ҚҚС; $C_{\text{то}}$ — сотилган (юклаб жўнатилган) товар (хизмат, иш); $C_{\text{ст}}$ — солиқ ставкаси.

Товарни ишлаб чиқаришда ишлатилган моддий бойликлар учун таъминотчи хўжалик субъектига тўланган ҚҚС ($T_{\text{ккс}}$) қуйидагича аниқланади:

$$T_{\text{ккс}} = C_{\text{ох}} \cdot C_{\text{ст}} : 100,$$

бу ерда, $C_{\text{а}}$ — сотиб олинган ва товар ишлаб чиқаришида ишлатилган мөддий бойликлар қиймати; $C_{\text{с}}$ — солиқ ставкаси.

Солиқ түловчи томонидан бюджеттеге тұланадиган солиқ қиймати (B_c) қуийдәгіча аниқланады:

$$B_c = C_{\text{ккc}} - T_{\text{ккc}}.$$

КҚСНИ түловчи хұжалик субъектлари бу солиқ бүйіча ойлик ҳисоботларни идентификация рақамини берган давлат солиқ инспекциясига ҳар ойда (хисобот ойдан кейинги ойнинг 15-күнінан кечіктірмасдан), йиллик ҳисоботни эса, йиллик молиявий ҳисобот учун белгіланған муддатда тақдим этады.

Күшма корхоналар — чет мамлакатлар инвестицияси иштирокида бунёд қилиниб, фаолият күрсататтан корхоналар. Қ.к. қишлоқ хұжалиғи, қурилиш, транспорт, савдо, фан, саноат ва мәданияттинг бошқа соҳаларыда ташкил этиліши мүмкін.

Күш солиқ солиш — солиқ түловчи ва солиқ солиши объекти турли давлатлар конституцияларига тобелиги сабабли, улардан бир вакттинг ўзида ҳар хил солиқлар ундирилиши, солиқ солинадиган даромадтарни тақсимлаш ҳақыда келишиб олип; корхоналарнинг соф даромади (фойдаси)га ҳамда ундан тұланадиган дивиденд фуқароларнинг шахсий даромадига айланғанда, уларға солиқ солинишини назарда тутиш.

X

Ҳисоб-китоб рақами (ҳисоб-китоб счёти, ҳисоб варағи) — юридик шахс мақомига зәға хұжалик субъекти номига банк муасасасыда рақам берилиб, очилған маҳсус варақа; хұжалик субъектининг молиявий-хұжалик фаолияти натижасыда ҳосил бўладиган маблағларнинг банқдаги кирим-чиқим-қолдик қийматини қайд этиб борувчи ҳисоб варағи.

Ҳисоб-түлов варақаси — юклаб жўнатилған товарлар, бажарилған ишлар ва кўрсатилған хизматлар учун түловчи ҳисобидан тегишли маблағ ўтказилиши ҳақыда банкка тақдим этиладиган ёзма расмийлаштирилған хужжат.

Хужжатли текширув далолатномаси — тасдиқланган дастур асосида ўтказилған хужжатли текширув (тафтиш) натижалари бүйіча солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузиладиган хужжат. Далолатноманинг иккى нус-

хаси солиқ органида сақлашып қолдирилади, учинчи нұсқаси текширилған корхона раҳбарига (раҳбар вазифасини бажа-рувчи шахсга) ёки хусусий тәдбиркорға берилади. Ҳ.т.д.нинг ҳар бир нұсқаси текшириувчилар (солиқ органларининг масъул ходимлари) ва текширилаёттан субъекттің масъул ходимлари, яғни раҳбари ва бош қысметчесі (уларнинг вазифасини бажа-рувчи шахслар) ёки хусусий тәдбиркор томонидан имзоланади ҳамда варақлари кетма-кетликта рақамланади. Ҳужжатдаги ёзувларни үчириш, тузатыш ҳолларига йўл қўйилмайди, башарти, шундай ҳоллар рўй берса, ўзгартиришлар имзо қўювчилар томонидан изоҳданаб, яна имзолар билан тасдиқланади. Корхонанинг Ҳ.т.д. да акс эттирилган тижорат ва солиққа доир маълумотларнинг солиқ органлари ҳамда уларнинг ходимлари томонидан ошкор қилиниши тақиқланади. Далолатномада қисқартиришлар ёки умумий қабул қилинган аббревиатуралар ишлатилиши мумкин, қисқартма ифодаси қавс ичіда көлтирилади, кейинчалик шу қисқартма ишлатылаверади.

Тозабек ТОШИМУРОДОВ

СОЛИҚЛАР
изоҳли лугат

Тошкент — «Меҳнат» — 2003

Таҳририят мудири *А.Бобониёзов*
Муҳаррирлар *Ш.Холмуродов, И.Усмонов*

Рассом *Ш.Хўжаев*

Бадиий муҳаррир *Ҳ.Кутлуқов*

Техник муҳаррир *Н.Сорокина*

Мусахҳидлар *С.Бадалбоева, З.Пўлатова*

2003 йил 31 январда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84^{1/16}.
«Baltika UZ» ҳарфида терилиб, оғсет усулида чоп этилди. Шартли босма
табоги 11,2. Нашр табоги 11,5. 5000 нусха. Буюртма № 10
Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-үй.
Шартнома № 42—2002.

Андоза нусхаси «Меҳнат» нашриётининг компьютер бўлимида
тайёрланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-журнал
фабрикасида чоп этилди.
Тошкент, Муродов кўчаси, 1-үй.

T29 Топшуродов Т., Соликдар (изохти лугат).—
Т.: «Мөхнат», 2003.—184 б.

ББК 65.261.4я2